

ЁШЛАК



Адабий-бадий,
ижтимоий
сиёсий
ойбитик

119
Ноябр

1982 йилдан чиқа бошлаган

Муассислар:

Ўзбекистон Ёшлари
Иттифоқи
Марказий
Қўмитаси ва
Ўзбекистон
Ёзувчилари
Уюшмаси

Бош муҳаррир

Тоҳир МАЛИК

Таҳрир ҳайъати:

Эркин АЪЗАМОВ
Эркин ВОҲИДОВ
Хуршид ДАВРОН
Жиянбой ИЗБОСКАНОВ
Ҳамид ИСМОИЛОВ
Омон МАТЖОН
Насриддин МУҲАММАДИЕВ —
масъул котиб
Олим ОТАХОНОВ
Азим СУЮН
Абдуқодир ЭРГАШЕВ
Нурали ҚОБУЛ
Абдурашид ҚОДИРОВ
Усмон ҚУЧҚОР
Ғаффор ҲОТАМОВ —
бош муҳаррир ўринбосари

Тошкент
«Камалак» нашриёт-матбаа
бирлашмаси

Миллатим деб

күйүгү жоктум,

кимга дей? ..

Нозимахоним (1870-1925)

Минг таассуф

Минг таассуф, ажаб замон ўлди,
Яхши ким эрса, ул ёмон ўлди.
Баъзилар мойили занон ўлди,
Баъзи эл толиби жувон ўлди.
Дилки миллат ғамида қон ўлди,
Эмди бул кун ишим фиғон ўлди.

Ҳар маҳалла ичида тўрт самовар,
Неча нодон чиқиб қимор ўйнар.
Баъзиси маст эшак каби ҳанграр,
Ҳолимизни кўруб кулар ағёр.
Дилки миллат ғамида қон ўлди,
Кори беҳудалар аён ўлди.

Қилди бойлар тарақлатиб тўйлар,
Қази-қарта кўюб, сўюб кўйлар.
Буни мадҳ этдилар ғаразгўйлар,
Тўй қилганлар фақирни кам ўйлар.
Дилки миллат ғамида қон ўлди,
Рангу рўйим куюб самон ўлди.

Айлагайлар фасоду фикс талаб,
Қолмади ҳам ҳаёю шарму адаб.
Ҳама иш чаппасига кетти кулаб,
Билсангиз Нозима эрур ҳақ талаб,
Дилки миллат ғамида қон ўлди,
Оҳ! Эзгу орзуларим қаён ўлди?!

1914

Мискин (1880-1937)

Кимга дей

Оҳ! Миллат, деб ғамингда куйди жоним, кимга дей?
Бир эшитмайсан фиғоним, бу фиғоним кимга дей?
Дарди ҳажринг торта-торта тархи рангим ўлди зард,
Мен сенинг қайғунгда доим, бағри қоним кимга дей?
Не бўлар, бир йўл карамдин арзима тутсанг қулог,
Сендин ўзга ҳасрату рози ниҳоним кимга дей?

Шеър кўп Тошкентда, шоир йўқ десам эрмас ажаб,
Нуктадон билгай муни, ёна баёним кимга дей?
Ҳажв дерлар шеър ила ҳикмат гапирсам, билмайин,
Яхши бўлса бидъатинг, яхши-ёмоним кимга дей?
Хоҳ назму хоҳ мақола бирла айтсам тўғри сўз
Еқмағай албатта ҳеч, шеъру забоним, кимга дей?
Минг фиғон, беилм ғафлат илгида бўлдим адо,
Бу адоликда мени чеккан фиғоним кимга дей?
Илмликларни кўрармен, доимо дилшооддур,
Илмсизликдан оқар ашки равоним, кимга дей?
Илм эмас ул ким, амалдин бўлмаса, валлоҳ, асар,
Беамал олим туриб, нутқи равоним кимга дей?
Мискинийдек кеча-кундуз орзуйи илм этиб,
Илм васфида туганмас дostonим кимга дей?

1914

Сидқий-Хондайлиқий
(1882-1934)

...

Мен каби ўз шаҳридин бегона бўлгонлар — ғариб,
Айрилиб ҳамтосидин девона бўлгонлар — ғариб.

Ер васлини ҳаримиға тополмай чорасе,
Ғуссау ғамлар билан ҳамхона бўлгонлар — ғариб.

Излабон ёрим нишонин, топмайин асло асар,
Ҳажр даштида қолиб, гирёна бўлгонлар — ғариб.

Бенаволик кўйи ичра тинмайин шому саҳар
Кезибон, топмай наво ҳайрона бўлгонлар — ғариб.

Ҳоли зорин сўрғудек оламда топмай бир киши,
Чўғз янглиғ маскани вайрона бўлгочлар — ғариб.

Ўзини узлатқа чекиб, жонни ҳаққа тобшуруб,
Халқи олам кўзидин пинҳона бўлгонлар — ғариб.

Йўл солиб то Андижонға жумла аҳбоби аро
Хаста Сидқий, сан каби афсона бўлгонлар — ғариб.

Дилафгор

* * *

Аҳбоблар, миллат учун биз жаҳд
этолмаймиз ҳануз,
Ғафлат тўшагида ётиб, кўзни
очолмаймиз ҳануз.

Илму фунун қонунига саъй
айлаганда ўзгалар,
Бизлар жаҳолат кўйиндин ҳеч бош ололмаймиз ҳануз.

Гимноз, семинарияда таҳсили илм айлар дигар,
Бизлар ҳамон жанжал-сўкиш ҳеч тарк этолмаймиз ҳануз.

Инсофу ғайрат ўрнига, аҳбоблар, шому саҳар,
Бизлар этиб бугзу ҳасад, ўзга билолмаймиз ҳануз.

Тун кечалар чойхонада айтиб ҳамиша сафсата,
Кўк чой ичиб, шилқиллашиб, ҳеч иш қилолмаймиз ҳануз.

Симсиз ҳавода тилгроф юргузди илму фан илан,
Биз бодпарак, бедонадин ўзга билолмаймиз ҳануз.

Ул Аврупо одамлари илм йўлига айлар жадал,
Бизлар чапан, кўкрак очуқ, маҳрам бўлолмаймиз ҳануз.

Бордур таажжуб расмимиз, тўй-маърака, ош-бошимиз,
Нашраҳ деган бир дарсимизни тарк этолмаймиз ҳануз.

Тўп-тўплашиб тўйга бориб, ош еб тавақларни тугуб,
Тўйдин чиқарда кеккайиб, тўғри кетолмаймиз ҳануз.

Аҳбоблар, қандоғ замон, афъолимиз шўйла аён,
Андин хижил бўлди равон, ғайрат қилолмаймиз ҳануз.

Ёзди Дилафгор ҳасратин, бўлса хато авф айлангиз,
Ешу қари бир-биримиз ҳурмат этолмаймиз ҳануз.

МУХТАРАМ МУШТАРИЙЛАР!

Этиборингизга ҳавола этилаётган ушбу шеърлар «Тирик сатрлар» деб номланган китобдан олинди. Бу китобнинг ўзига хос тарихи бор. У 1968 йили Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида нашрга тайёрланиб, дастлабки нусхалари китобхонлар қўлига текканида, давлат хавфсизлик қўмитасидаги «сергак ҳимоячилар» бундан хабардор бўлиб қолишади. «Довюраклар» бу воқеадан шунчалик кўркиб кетишадикки, ўша кунлик китобнинг барча нусхаларини, қўлёзмаларини бир жойга тўплайдилар ва нашриёт ҳовлисида гулҳан ёқиб, роса исинадилар. Китоб муҳаррири бўлса, нашриёт биносининг 4-қаватидан ўзини ерга ташлаб, бошига тушажак кулфатлардан «кутулиб» қолади.

Бу кўркунинг боиси нимада? — деган савол туғилади, албатта. Мустабид тузум, гарчи у зўравонликда тенги йўқ бўлса-да, ўз исканжасидаги халқларнинг ҳуррият йўлида қўйган кичик бир одимдан

Манзура Бону (1900-1967)

Ҳайҳот-ҳайҳот! Эй, Бахти бадқор,
Токай ётурсан ғафлатда бемор!
Улмай ҳалос қил бу дарду ғамдин,
Токай бўлурман шикаста бемор?!
Шунча ситамлар етмасмудиким,
Вах, яна санчдинг бағрим аро хор.
Кўнгил ғамидин тан бўлди ранжур,
Хуни жигардин жон бўлди афгор.
Бу дарду ғамга борму ниҳоят,
Бас қилғил эмди зулмингни, хунхор!
Ёндурди андуҳ дилхасталарни,
Бўлди аларга бу кенг жаҳон тор.
Мунча жафони ким берди таълим,
Шум толеимга бўлдинг мададқор.
Манзура Бонунини айлаб шикаста,
Уммиди торин уздинг баяқбор.

Абдулла Алавий (1903-1931)

Бу кеча

Ҳар томон жим. Кўк юзида елпирар
Оқ булутнинг юпқа ҳарир лунгуси.
Ҳар нарсани силар, сийпар, эркалар
Бу кечанинг юмшоқ ипак кулқуси.

Ҳеч киши йўқ. Сув бўйида бир ўзим,
Кўшиқ айтган шаршаракни ўпаман.

хам қаттиқ ларзага келади. «Тирик сатрлар» китоби-га кирган шеърлар эса бошдан-охир худди ана шу ҳуррият, ўзликни англаш руҳи билан сугорилган эди. Уларда асримизнинг биринчи чорагида бошланган миллий уйғониш, жадидчиликнинг эрксевар ғоялари ўз бадний ифодасини топган эди. Шунинг учун ҳам «гуллаб-яшнаётган социализм» сиёсатдонлари бу китобни ўтга ташладилар. Салкам чорак аср илгари сиёсатга ёқмаган китобларни ўтда ёққан ДХКдаги ўртоқлар энди бундай ҳолларда ўзларини уринтириб юрмайдилар, қўнғирок қилиб, огоҳлантириб қўядилар, вассалом.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти «Тирик сатрлар» китобини қайтадан нашрга тайёрламоқда. Шеърят муҳлисларига бу оловли китобини ўқиш насиб этадиган кунлар, иншооллох, узок эмас. Зотан шундагина эркинлик кунларини кутиб, қуйлаб, чинакам миллий истиклол учун курашиб ўтган, бу йўлда жон фидо қилган шоирларимизнинг руҳини шод этган бўламиз.

Ойнинг кумуш нурин эмар оч кўзим,
Ой бетига марваридлар сепаман.

Уйга толган юксак Боғбош тоғининг
Қори ойда оқ садафдек ялтирар.
Елпиндидан сирли саҳар чоғининг
Япроқчалар қалбим каби қалтирар.

Кеч нашъасин кўнглим ичра соламан,
Нозик ўйларимга яна толаман.

1927

Абдураззоқ Фақирӣ (1886-1925)

Найлайин

Дўстлар, бир мосуво бўлган ғарибман, найлайин,
Уртаниб, ёниб адо бўлган ғарибман, найлайин,
Юз аламга ошно бўлган ғарибман, найлайин,
Бекасу бемуттақо бўлган ғарибман найлайин,
Мисли мен бедасту по бўлган ғарибман, найлайин.

Ўтди аҳволим ҳазинлиг бирла кун-кундин батар,
Ғамни саҳросида қолдим, бўлмишам бир муштипар,
Кўрса бедардлар бу ҳолимни, кулуб айлар ҳазар
Йиғлаюрман ҳолима, ҳар дам куяр жону жигар,
Минг алам бирла адо бўлган ғарибман, найлайин.

Мисли қоқнусдек бу оташ ошёним куйдурур,
Оху ноламни ўти бешак забоним куйдурур,
Ҳам ёниб, жисмим, юроким, устухоним куйдурур,
Балки жоним кул қилиб руҳи равоним куйдурур,
Бас, куйиб ҳам, кам баҳо бўлган ғарибман, найлайин.

Тинмайин бир неча йил, куйдим бу ҳасратлар била,
Сўрғали йўқтур кишим ҳеч меҳру шафқатлар била,
Ҳақ таоло ёрлақай аҳли тоатлар била,
Қўймағай токи мени бу жаври меҳнатлар била,
Ранги рўйим қахрабо бўлган ғарибман, найлайин.

Ғуссадин афсусдаман, бағримда қоним қолмади,
Бўлди хокистар вужудим, устухоним қолмади,
Бўлмишам эмди фано, ҳеч бир нишоним қолмади,
Бу жаҳонда кўргали роҳат гумоним қолмади,
Эмди дунёдин фано бўлган ғарибман, найлайин.

Ҳеч муслмон ман каби кўнгли паришон бўлмағай,
Етмайин мақсудиға бағри тўла қон бўлмағай
Элга афсона бўлиб, ҳайрону нолон бўлмағай,
Телбалардек кеча-кундуз дийда гирён бўлмағай,
Ақли ҳушидин жудо бўлган ғарибман, найлайин.

Чун азалда бахти икболим бу ёнгли бандаман,
Ношукрлик бўлмағай ҳақ қошида, шармандаман,
Солим аъзоман, шукр, халқ ичра аълон зиндаман,
Не юрак бирла бу дунёда қилойин ханда ман,
Тангри лутфиға гадо бўлган ғарибман, найлайин.

Эй худоё, икки оламда ўзинг пушти паноҳ,
Авф қил фазлинг била, қилган, эсам ҳар бир гуноҳ,
Ушбу дунёда ҳамиша бўлди аҳволим табоҳ,
Раҳм қил, мендек Фақирларға зурсан подшоҳ,
Айласанг ҳар на, ризо бўлган ғарибман, найлайин.

Абдурауф Фитрат (1886-1938)

Миррих юлдузига

Гўзал юлдуз, еримизнинг энг қадрли тувғони!
Нега биздан қочиб мунча узоқларга тушибсен?
Тувғонингга нечун сира гапирмасдан турибсен?
Сўйла, юлдуз, ҳолинг надир? Нечук топдинг дунёни?
Бизнинг ерда бўлиб турган тубанликлар, хўрликлар
Сўйла, юлдуз, сенинг дағи кучоғингда бўлурми?
Борми сенда бизим каби инсонлар,
Икки юзла ишбузорлар, шайтонлар.
Ўртоқ қонин қонмай ичкан зулуклар,
Қардош этин тўймай еган қоплонлар.
Борми сенда ўксиз, йўқсулнинг қонин —
Гурунглашиб, чоғир каби ичканлар?!
Борми сенда бутун дунё тузугин
Ўз қопчиғин тўлдирғали бузганлар?
Борми сенда бир ўлкани ёндириб,
Ўз қозонин қайнатувчи ҳоконлар?
Борми сенда қорин-қурсоқ йўлида
Элин, юртин, борин-йўғин сотқанлар?

Яна ёндим...

Юрагимнинг қалин, қизғин олови-ла қайнаган
Кўз ёшларим, қайдасиз?!
Куним каби узун, қора шу кечада кутиб мен
Эришмадим сира сизга... Нега бўйла қочасиз?!
Нечун мени сабабсизча унутдингиз? Айтингиз?
Ўтинамен... ялинамен... қочмангиз, қайтингиз!
Яна бутун борлигимнинг негизлари емирилди,
Умидимнинг кўп чидамли тираклари йиқилди,
Хаёлимнинг тотли, чучук соатлари бутунлай
Узоқлашиб кетди мандан...! Тўсиб турар йўлимни
Умидсизлик қайғулари, тонги отмас бу тундай
Ўлим дағи қутқарғали келиб тутмас қўлимни.
Кеча унинг нур денгизи бўлган гўзал манглайин
Толғаланмиш кўргач мен.

Ер юзида борлигимни кўрсатмакдан уялдим,
Ютдим бутун қайғуларнинг, мотамларнинг оғусин.
Жон туртғуси бўлган кўзи оғир, нозли сузиларди,
Бир оз бурун чоғир ичкан париларга ўхшарди.
Билмам нечун у еларди!
Қаъба узра айлангучи кўгарчиндек юрагим
Соатларча шул кўзларнинг теграсида айланди.
Бироқ у,
Менга сира боқмади.
Йиғладим,
Ялиндим,
Тушундим:

Биртаси ҳам меъзожиға ёқмади.
Йиғла, бир оз ўксизланган тилагим,
Мен ҳам сендай бахтсизликка тутундим,
Умидсизлик ора тушиб йўқсул жоним ўртанди.

Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон
(1893-1938)

Бузилган ўлкага

Эй, тоғлари кўкларга салом берган зўр ўлка,
Нега сенинг бошинг узра куюқ булут кўланка?
Учмохларнинг кавсаридек покиза
Садафларнинг донасидек топ-тоза
Салқин сувлар тоғдан қуйи тушаркан,
Томчилари ёмғир каби учаркан,
Нима учун йиғлар каби инграйлар?
Ёв борми, деб тўрт тарафни тинглайлар?
Табиатнинг ўтини йўқ ўтида,
Шарақ-шарақ қайнаб чиққан булоқлар
Ҳар қоронғи, кўрқинч туннинг бетида
Шифо истаб келмасин дер, кўноқлар.
— Бу нега?

Айт менга.
Кўм-кўк, гўзал ўтлоқларинг босилгон,
Устларида на пода бор, на йилқи.
Подачилар қайси дорга осилгон?
От кишнаши, қўй маъраши ўрнида
— Оҳ, йиғи.

Бу нега?
Туморчалар, ҳамойиллар тақинган,
Далаларда лола барги ёпинган,
Тоғ-тошларда ўйин қилган,
Чопинган
Гўзал қизлар, ёш келинлар қаерда?
Жавоб йўқми кўклардан-да, ердан-да,
Хароб бўлган элдан-да.

От минганда қушлар каби учғувчи,
Эркин-эркин ҳаволарни қучғувчи,
От чопганда учар қушни тутқувчи,
Учар қушдай ёш йигитлар қаерда?
Тоғ эгаси — сор бургутлар қаерда?
Сенинг қаттиқ сир — бағрингни кўп йиллардир

эзганлар,
Сен безсанг-да, қарғасанг-да кўкрагингда кезганлар.
Сенинг эркин тупроғингда ҳеч ҳаққи йўқ хўжалар,
Нега сени кул каби қизганмасдан янчалар?
Нега сенинг қалин товшинг «кет» демайди уларга?
Нега сенинг эркили кўнглинг эрк бермайди қулларга?
Нега тагин танларингда қамчиларнинг кулиши
Нега сенинг турмушингда умидларнинг ўлиши?
Нега ёлғиз қон бўлмишдир улушинг?
Нега бунча умидсиздир туришинг?

Нима учун кўзларингда туташувчи олов йўқ?
Нима учун тунларингда бўриларнинг қорни тўқ?
Нима учун ғазабингни уйғотмайди оғу-ўқ?
Нима учун борлигингда бу даража бузғунлик?
Нима учун ўч булути селларини ёғдирмас?
Нима учун куч тангриси бор кучи-ла солдирмас?
Кел, мен сенга қисқагина дoston ўқий,
Қулоғингга ўтканлардан эртақ тўқий,
Кел, кўзингнинг ёшларини суриб олай,
Кел, ярали танларингни кўриб олай, тўйиб олай...
Нима учун ағдарилган, йиқилган
Оғир тожнинг заҳар ўқи кўксингда?
Нима учун ёвларингни бир замон
Йўқ қилғундай темирли ўч йўқ сенда?
Эй, ҳар турли қулликларни сиғдирмаган ҳур ўлка,
Нега сенинг бўғизингни бўғиб турар кўланка?

1921

Элбек (1899-1939)

Муждалар

Ел кезар, еллар кезар, еллар кезар,
Ел сезар, еллар сезар, еллар сезар.
Кўрқили денгиз сувин ҳар ён урар,
Кайфланар, лаззатланар, даврон сурар.

Ел кезар, еллар кезар, еллар кезар:
Ел кезар, еллар кезар, еллар кезар.
Кучли тоғлар йўлни боғлар, гердаяр,
Ел уларга қўлни чоғлар, эрдаяр.

Тўсқин ўлмоқ, тутқин этмак истаган
Тоғлар ортиқ тортишолмас, жим қолар:
Наъра тортиб ел-да кетмак истаган
Ёқларина ғолибона от солар...

Ғамли елда, тутқин элда бандилар
Қоп-қоронғи зиндон ичра термилар.
Ел эсар, унлар сари йўртар, елар,
Элтмак истаб эркин элдан муждалар.

Тўхтамас, тун-кун юрар, селдек тошар,
Ҳовлиқар, тоғлар ошар, сувлар ошар!
Ел кезар, еллар кезар, еллар кезар,
Ел сезар, еллар сезар, еллар сезар...

1929



Тухтамулло Рустамов

ЯНЫ ИҶУ АРДАМ

ҲИКОЯ

(«БАҚАХОВУЗДА ТОНГ ОТДИ» туркумидан ЭМАС)



«Б

ор экан-да йўк экан, оч экан-да тўк экан...»

Одатда, эртақ шундай пишанг олади. Локин биз куйида ҳикоя қилмокка жазм этмиш воқеа ҳаётдан-да ҳаёлотга уйкаш туюлдики, ширин бир энтикиб, масъуд дамлардан мерос сўзларга лаб жуфтламокдан ўзга чора топмадик:

Бор экан-да йўк экан, оч экан-да тўк экан, бўри — баковул, тулки — ясовул, қарға — қақимчи, чумчук — чақимчи... юртда, қаердандир кун чикиб, худодан тилаб-тилаб олган битта зурёдлари, кўзларининг оқу қораси ўзининг кўз очиб кўрган завжаси — фарзандларининг онасиникига кўчириб кетган чол-камбирдан ижарага олинмиш кулбаи «қошона»да тоғларни талқон қилиб, дарёларни терс окизмокка орзуманд икки толиби илм кун кечираркан. «Кун кечираркан», десак, кулоқка худди томдан тараша тушган каби дўқиллаб, хунук чалинар; қиличини яланғочлаб чархчиға навбатда турган ёвуз киш ваҳмида тунуқаси қарийб чириб битган томга саржин қилиб уюлиб, устидан тўл бостирилмиш гўлалар орасидан жиртдай тарашанинг сукунат оғушидаги ховлига туйқус «дўк» этиб тушиши ичкарида, хона бўйлаб саросар ёйилмиш китоблар орасида, чойнак-пиёла, қотган нон бурдаларию уч-тўрт бўлак оқ қандан иборат «дастурхон» ёзиғлик хонтахтанинг икки тарафида ямок-ясқок шолчага кўкрак берганча тоғларни талқон қилиб, дарёларни терс окизмок сирру синоатига ошно бўлаётган икки жувонмардининг қапалагини учириб юборар; номард тараша хожатхонага бораверишда ўлик кўнғиз топмиш чумолиларнинг китик патига тегиб ғивир-ғивир ўрмалашларию қушларнинг кундузги бетиним вижир-вижирларидан ниҳоят фориг бўлиб, Бақаховуз тарафдан уфураётган елдимир шаббодага кўкрак тутганча ором олаётган ховлига туйқус дўқиллаб тушгани ҳамон китоблар саросар ёйилмиш

хона узра ҳукмрон халоват кўйнидан «лип» этиб шифтга кўтарилган капалак бир кам ўн тўрт кунлик руҳафзо ой жовдираб мўралаб турмиш хонтахтага ёнбош нимо-чик деразадан ўзининг укпар барин ҳарир рангин кано-тларида тоғларни талқон қилиб, дарёларни терс оқиз-моққа иштиёқманд бу икки жўмарднинг ҳаёлини, ҳаёли-га қўшиб каломнию сизу бизга атаб асраб кўймиш са-ломини ҳам олиб чиқиб кетар, капалак билан бирга биз хикоя қилмоқ ишқида ёнмиш ҳаётдан-да ҳаёлотга уйқаш воқеа ҳам рутубат сари чекиниб, қоронғи самода етим кўзи янглиг мунгли жовдираётган ҳилол теграсига юлдуз бўлиб сочилар; алқисса, биз хикоя қилмоқ иш-қида куйиб жизғинак бўлмиш ҳаётдан-да ҳаёлотга уй-қаш воқеа ҳаётнинг-да, ҳаёлотнинг-да тинчини бузиб, ҳаёлини тўзғитиб, қоғоздан қонотга кўчар...

Аммо, юлдузни ҳилолдан фарқламоққа қодир ҳар қандайин мардум ҳам бирдек мунажжим ённки кўкда им қоккан юлдузга қараб фол оча билувчи валломат эмас, шу вайдан биз ҳали тузук муқаддималамай турибок ҳажрида куйиб кул бўлмиш ҳаётдан-да ҳаёлотга уйқаш воқеа айна ой-кунни тўлиши арафаси юлдузларини йўқотган ҳилол унсиз бўзлаётган тим-тирс зулумот бағ-рига кўчмай, «ичим қоғозда қолгани дуруст. Бунинг учун эса самони тесқари қилмоқ эмас, бутун вужудимиз кўзга айлиниб ниҳоқ тикканимиз — ҳаёлотни ҳаётга эвирмоқ ишқидаги бу икки ҳавойининг аъмолу атвори-га томдан тараша тушмайдиған қилиб таъриф бермоқ қифоя: улар ҳар кеча рутубат чўқиши билан уйқуга ётиб, ҳар эрта сўфи азон айтиши билан оёққа қалқи-шаркан, оёққа қалқишаркану шу бўйи то қош қорайиб, рутубат чўққунга қадар тоғларни талқон қилиб, дарё-ларни терс оқизмоқ кўйида истиғфор чекишаркан: бе-қат, улов, кўча; тагин беқат, тагин улов, тагин кўча — фақат бурноғисига нисбатан юз чандон серқатнов, юз чандон гавжум, тугма узилса ерга тушмайди, шовқин, галотум, барча ниманингдир ташвишида елиб-югурган, айнан ниманинг — учини йўқотган, хотиридан фориг ай-лаган, баайни умр бўйи тоғларни талқон қилиб, да-рёларни терс оқизмоққа орзуманд-у, фақат талқон қи-лишга тоғ, терс оқизмоққа эса дарё тополмай, сар-сон-саргардондек...

Одам деганга лик тўла, тирбанд уловда кетиб бори-шаркан, шифтга маҳкамланмиш узун лангарчўпга ҳақ-қалаб осилганча шундай ўйлашаркан улар. Бўлак нима деб ҳам ўйлашсин, ахир, бекорга шунча истиғфор че-кишаётгани йўқдир тоғларни талқон қилиб, дарёларни терс оқизмоқ кўйида, истиғфор чекишаётган экан, де-мак, инсон қадами тугул, назаридан ҳам йироқ у ман-зиллар — тоғлар бор маҳобати билан ястаниб, дарёлар бор вайжохати билан мавжланиб ётишибди; маҳобат-ла ястаниб, вайжохат-ла мавжланиб уларга кўз тикишмоқ-да: «Қачон келишадую бизларни талқон қилиб, терс оқизишад...» Умуман, бўлак нима деб ҳам ўйлаши мум-кин тоғларни маҳобатидан, дарёларни вайжохатидан айирмоққа орзуманд одам?!

Ҳа, дарвоқе, вақти-вақти билан тоғларни талқон қи-либ, дарёларни терс оқизмоққа орзуманд одамга у қад-дар ярашавермайдиған, лекин шуларсиз на бир тоғни талқон қилиб ва на бир дарёни терс оқизиб бўлади-ған юмушларга ҳам уннаб туришаркан: уй супуришар-кан, ховлига қарашаркан, уч-тўрт кунда бир енг ши-мариб чол-кампирдан мерос ямоқ тоғорада кир чайган бўлишаркан, тўртта чўп билан кўл учида кўкқайти-рилган омонат ошхонада куйган ёғ ҳидига етти маҳал-лани тўйдириб, тиш ғижирлатганча навбатма-навбат жаз-буз қилишаркан ва ўз-ўзидан тайинки, барча юмушларни саранжомлагач, ўша, китоблар саросар ёйилмиш хонақоҳда, ой жовдирабгина мўралаб турмиш

нимочик деразага ёнбош хонтахта теграсида хотиржам чордона қурганча минг машаққатлар ила пиширилган овқатни иштаха билан гупиллатиб туширишаркан. Ҳа-да, э, бусиз бўларканми: бўш қорин билан, қани, тоғ-ку тоғ, бир бурда қотган нонни талқон қилиб кўринг-чи?!



Кунлардан бир кун...

А?

Лаббай?!

«Кунлардан бир кун...»..

Бирпасда-я? Об-бо!..

«Бор экан-да йўқ экан...», «кунлардан бир кун...»

Бунақада биз хикоя қилмоқ ҳажрида куйиб адо бўлмиш воқеамизнинг ҳам, «хикоя қилмоқ ҳ-а жрида куйиб адо бўлганмизнинг» ҳам қуруқ чўпчакдан сира фарқи қолмайди-ку?! Холбуки, «ҳ а ж -рида куйдириб адо этмиш» бу воқеа асло қуруқ ҳаёл эмас, фақат хиёл «...ҳ а ё л о т г а у й қ а ш», холос. «Х а ё т д а н -д а ҳ а ё л о т г а у й қ а ш», агар аниқроқ қилиб айтар бўлсак. Ҳ а , ҳ а , «ҳ а ё т д а н -д а» — демак, хикоя қилмоқ ҳажрида биз куйиб адо бўлмиш воқеамизнинг сира чўпчак жойи йўқ, демак, «хикоя қилмоқ ҳажрида куйиб адо бўлганмиз» ҳам рост... Тўрттагина чўп билан кўл учида кўкқайтириб кўя қолинған омонат ошхонаю уч-тўрт кунда бир улар енг шимариб кир чайган бў-лишадиган хотамтой чол-кампирдан мерос ўша тешиқ тоғора гувоҳ бунга. Тўрттагина чўп билан «қўл тегди...» қабилда нари-бери кўкқайтириб кўя қолинмиш омонат ошхонаю беннхоя сертақаллуф чол-кампирдан эсдалик аломат «дастхат»ли тоғоранинг бунга чиндан-да гу-воҳлигига эса ушбу табарруқ тоғорани иззатини жойига кўйиб котириб ямаб бермиш Вақ-вақгузардаги биттаю битта қадокчилик устахонасининг ягона қорғар ҳам қорфармоси Мелис амаки кафил. Тўғри, айна чок уни кундуз кун чирок ёқиб-да кидириб топиб бўйсиз бу яқин теваққадан, ҳў-ўв, асаднинг бошланишидаёқ товоқ-кўрпасини йнғиштириб, Исроилми-ей, Азроилми-ей деган аллақайси авағасининг авағасини қора тортиб жуфтани ростлаган у. Жуфтани ростлаш олдидан гузарнинг қок миёнасидаги бўйрадек ерга эга чиқмиш қадрон дўқоню дўқонга рўпара сарбаланд арғувон соясидидаги чойхонада салқинлаб ўтирмиш собиқ мижоз-лари билан хайр-хўш қилмоқ учун келган.

Ҳа, худди кечагидек кўз ўнгида бу ўша чок чойхо-нада жам жамоатнинг; эғнида — олд тугмалари солин-маган кўлдуз мўйнали сербар пўстин, бошида — бенх-тиёр Бакмаънор тоқидаги лайлак уясини ёлга солувчи хайхотдай сувсар телпак, ўрта ёшлардаги, оқмағиздан келган, укқикўз, тўтибурун, кўнғизмўйловли тикма-чокдек эркак иссиқдан тили бир қарич осилганча ҳар-силлаб келиб, икки қўлидаги, чамаси, бор-йўқ товоқ-кўрпаси жо бўлмиш иккита хайбатли жомадонни таф-ти чиқиб турган заранг ерга «тап» эткизиб кўйди. Роса ярим соат пўстинининг бесанок ташқию ички чўнтак-ларини ағдар-тўнтар қилиб, сарғайиб кетган газет пар-часига ўроғлик алламбало қатидан гижим дастрўмоли ни чикарди, бошидаги бесўнақай сувсар телпагини кўлига олиб елпинган бўлди, гижим дастрўмоли билан юз-бўйни аралаш реза-реза тер тепчимиш дўнг пешо-насию нонвойининг киссасига тушиб чиққан сарик ча-қадек йилт-йилт қилаётган шапалоқдай тепакалигача

эринмай арди ва факат шундан сўнггина бахайбат аргувон соясидаги кенг тахта супада бамайлихотир чордона курмиш беш дакиқа кам с о б и қ хамфукароларига: «Нима ҳам қилардик? Шундай бўп колди-да энди, нон-насиб қўшилмаган экан-да», деган каби бош силкиб, синик табассум қилди.

— Ие, амаки, у томонларда киш бўлмасди шекилли? — дея сўз котди тақдир тақозоси билан, қарангки, айни шу палла тоғларни талкон қилиб, дарёларни терс оқизмоқдек мушкул юмушни ярим соатгагина шатранж тахтасига кўчирмоқ ва шу баҳонада пича чигил ёзмок илинжида бирров чойхонага чиккан толиби илмуларимиздан бириси.

Мелис амаки хануз синик илжайган кўйи қуюк киприklarини пирпиратиб бирпас турди-да, бепарво қўл силтади:

— Исиб кетсам ечиб қўяман.

Алқисса, исиб кетдим у, исиб кетмадим, исиб кетган бўлса, ваъдасига вафо қилиб ечиб қўйдими бедаво пўстину дардисар сувсар телпакни, ечиб қўймадими, умуман, зиён-заҳматсиз, омон-эсон топиб бордим аллақайси авағасининг авағаси муқим у киш-қахратон бегона, хамишабахор юртни, топиб бормадими — бу энди ёлғиз худога аён, бунга кафолат бера оладиган на бир гувоҳ, бунга тасдиқлайдиган на бир далил-дастак бор қўлимизда, биз факат шунга биламизки, исиб кетмадим, исиб кетмайдими — эгнига кундуз мўйнали сербар пўстин, бошига беихтиёр лайлак уясини ёдга туширувчи ҳайхотдай сувсар телпак қийиб, зиён-заҳматсиз, омон-эсон топиб боролмадим, топиб боролмайдими — худога солиб, тўрва-хуржунини ортмоқлаганча аллақайси авағасининг авағаси муқим киш-қахратон бегона, хамишабахор юртни истаб ўзнаган Мелис амаки, кеча ҳам, ўтган кун ҳам, бурноғи ой ҳам эмас, ҳе-э, сумбула қаёқда, ундан ҳам олдин — хў-ўв, асаднинг бошланишидаёқ.

Ундан ёдгор бўлиб Бақаховуз ҳамда унинг ахлига Вақ-вақгузарнинг қоқ миёнасидаги бўйрадек ерни энламиш чойхонага рўпара шу дўкон колди, ҳолос. Қоқ пешонасига кинғир-қийшиқ қилиб: «ЯМАБ-ЯСКАЙ-МАН», дея ёзилган ёлғиз мана шу чўбир дўкон. Аниқроғи, шундай ёзилган эди — би-ир пайтлар, дўкон гузарнинг қоқ миёнасидаги бўйрадек ерда энди-гина қад тикламиш чоқ, деразасининг роми ёнки эшигининг тутқичига эмас, қоқ пешонасига, тўк ҳазоний рангга омихта зангори бўёқ билан, нари-бери, кинғир-қийшиқ қилиб. Бундан қанча йил ҳам бурун, айни буюк нишонбардор Ҳоким ал-Замоннинг Бақаховузга ташрифи арафаси сардор сўздаги қийшиқ «М» билан «А» орасига бурок «Л» сурбетларча суқилиб кирган — улуғламонинг муборак ташрифи арафаси ол дастурли васийлардан чор тиградаги бор-йўқ дарчаю дарбозага алвон тус беришдек дилни масрур этгувчи топирик ҳамда бир пачоқ пакир тўла шу рангдаги бўёқ олмиш ол ёқабўғмали ворислар ташаббуси-ла. Бўёқнинг бир томчисини-да исроф этмасликка роз туриб тантанавор қасамёд этишган эса-да, уларнинг қасамхўрликка уйкаш бу бебошлиқларини ҳеч ким айбга буюрмади — на васийлар, на Мелис амаки ва на Ҳоким ал-Замон. Ҳоким ал-Замон-ку, қўнғил учун мундоқ қўз ташлаб қўйгани йўқ ёзув тугул, дўкон тарафга ҳам — ўз буюклигидан мастмиди, ё тўрт томонидан қуршамини «пат-пат»ларнинг шовқинидан гаранг, узун гилам йўлкадан соллана-соллана юриб келиб учоқкўрғондан чиқаверишда гижинглаб турган темир тулпорга қандай қикиб ўтирган бўлса, шундай — кампир иягини олдинга чўзиб, олға тикилганча тош қотиб ўтиб кетди.

Бунинг боиси анча сўнг, Ҳоким омонатини тинчгина

топириб, оламни ҳам, замонани ҳам тарк этгач аён бўлди. Не ажабки, у чиндан ҳам қулоғи тагида қайна-тилаётган шавланинг ҳиди ва ҳовурини-да идрок этолмас даражада гаранг экан. Бу ҳам бир нави-ку, яна у шундоқкина тумшуги остида содир этилаётган оламолам бадкирдорликларни илғаёлмас даражада сўқир ҳам экан!..

Шу асно унинг биров етти ухлаб тушида кўрмаган сифатлари потраб юз кўрсатаверди: калтабин, худбин, балбин, бало-баттарин...

Ҳоким ёзувни илғадими-илғамадими — Мелис амакининг дўкони қошидан ҳам, Бақаховуздан ҳам, оламдан ҳам қандай келган бўлса, шундай ўтди-кетди, аммо Мелис амакининг дўкони ҳам, Бақаховуз ҳам, олам ҳам қандай турган бўлса — шундай жойида қолаверди, шу жумладан, дўконнинг қоқ пешонасидаги рўжалок ёзув ҳам: «ЯМЛАБ-ЯСКАЙМАН».

Қим нимани қачон ямлаган эди, ямламоқда ёхуд ямлаш ниятида — дўппини бошдан олиб фикрлаб ҳам тагига етишолмади: толиби илмуларимизнинг на унис ва на буниси. Қандай қилиб ҳам тагига етишсин, ахир, кунга кеча қўнлик топишган бўлишса бу макондан, бор йўғи беш қулик меҳмон саналишса ушбу «гулбоқ»ка, ижара уй соҳибларининг мундоқ тузок қўйса илингули «булбулигўё»лари ҳам йўқки, елгага қуёвтуни ташлаб, чаккага йўрма дўппини қўндириб, унда тоабат «боғ-бонлик» қилмоққа умид боғлашса... Кейин, хўш, нима, зарил кептими уларга аллақандай далли-девона ёзув устида миъларини беҳудага ачитиб, тоғларни талкон қилиб, дарёларни терс оқизмоққа орзуманд кишиларнинг иши бўптими шу?..

Хўш, қим бўлди ўзи бу номидан ҳам донғи улуг «тоғларни талкон қилиб, дарёларни терс оқизмоққа орзуманд»лар? Бу донғи улуг — супраси қуруқ тоғ ва дарё кушандаларининг унисини ҳам, бунисини ҳам бир чангини чиқариб супрақоқди қилмоқ фурсати етмади-микан? Қолбуки, бунинг учун тоғларни талкон қилиб, дарёларни терс оқизмоқ ёнки толиби илмуларимизнинг ҳужжатларини кавлаштириб овора бўлмоқнинг ҳеч ҳожати йўқ; авағасининг авағасиникига жўнамиш Мелис амаки ёхуд ундан ҳам нарига равона бўлмиш Ҳоким ал-Замон номидан кичкинагина бир хумчада барранинг хундай хушрангу гилос сувидай хуштаём мусалласдан юборсангиз — бас, сўнг ўша китоблар саросар ёйилмиш хонақоҳдаги ой маҳзун жовдираётган очиқ деразага ёнбош хонтахта тагига ёки тоқчада хўмрайиб турган учи синик чинни чойнак ичига кириб яширининг-да, кулоқ тутинг — ҳаммасини ўзлари гапириб беришади.

Устига устак, — омадингизнинг чопгани-да бу ҳам! — «...орзуманд»ларимиздан бириси — шонир, яъни сўзамоллар сўзамоли. Аслида, оддий бир камтар-камсуқум шеър мухлиси, яъни «индамасхола»лар «индамасхола»си-ку у ўзи. «...орзуманд»ларимизнинг иккинчи бириси — жоҳил унга шундай ном қўйиб олган. Унинг наздида, оламдаги мавжуд жамики рақамларни аввал бир-бирига қўшиб, сўнг бир-бирдан айириб; бир-бирига қўпайтириб, сўнг эса бир-бирдан бўлиб, ҳосил бўлган сондан терисига сиғмай завқланмайдиган мардум борки, ҳаммаси — «шонир»!

Ўзингиз айтинг: ахир, кип-қизил жоҳиллик эмасми бу?..

Яна унинг бир оғиз луқмасига дарров ўнта гапни гўдайиб тахлаб туриши-чи, китоб ўқиб ётганида худди ҳеч нарса қўрмагандек устидан хатлаши, полда ёйиллик китоб-дафтарларини нуқул оёғи билан бир туртиб ўтиши-чи?

Э-э!..

«Ўзбекнинг кичиги — кучуги». Косагуллик ҳам, ўзидан тайинки, бундай кезлар унинг зиммасига тушади. Бир куни келиб қолиши мумкинлигини хаёлларининг кўчасига ҳам келтиришмайди-да. Хай, майли, пиёлага май куйиб узатиш ҳам иш бўлгани йўқ кишига, чурраси тушиб қолмайди-ку, буни у ҳеч қачон миннат қилган эмас, миннат қилиш хаёлидан ҳам йироқ, шу қадар йироқки, эҳ-хе-э!.. Лекин... қошқи эди косагулликни ниҳоясига етказишига имкон берса бу жоҳил?! Хали хумчадан бир пиёла май куйиб узатмасдан, ҳали бир тузук «сен же, мен же» бўлмасидан қўлидан лаби учик пиёлани шартта тортиб олади. у нокас: «Бу ёкка бер-э! Бунақа эмас-да, э! Қўлингга китоб билан (...)дан бўлак нарсани ҳам тутганмисан ўзи ҳеч!»

Ана шунақа, нуқул уни шу тахлит турткилагани турткилаган у, устидан ҳатлаган, «шоир» деб масхаралаган, ҳамиятига теккан...

Лекин сапчадагин хумча ҳали яримламай, лаби учик пиёла уч-тўрт бор қўлма-қўл бўлмай, қарабсизки, акамнинг ўзлари ҳам бинойидек «шоир» бўлиб турибдилар-да!

Бе-э, юзта шоирни ҳам қонига ташна қилар у!
«Энди-и, гапнинг ўғил боласини айтадирғон бўлса-ак...», деб би-ир авж олдирганидан кейин... бўғзига замбаракнинг оғзини тўғрилаб ҳам гапдан тўхтатиб бўлсиз уни, агар гапнинг ўғил боласини айтадиган бўлсак!

Хе-э, «гапнинг ўғил боласи»-я, «ўғил боласи»! Гапнинг ўғил боласи қопти дейсизми шу тобда?! Ахир, хумча аллақачон ярим-ку! Гапнинг ўғил боласию урғочиси оғиздан аралаш потраб чиқа бошлагани қачон эди-ю!

Аммо бизнинг мақсадимиз қахрамонларимиз бўғзига замбаракнинг оғзини тўғрилаш ёнқи икки ўртада кечган гапларнинг қай бири эрқаг-у, қай бири урғочи эканини қавлаштириш эмас, шу важдан, истаймизми, истамаймизми — хумчанинг ичидигани кийратишда давом этмоқ ўрнига, гулгун қалом ила қўтарилмиш «қалдирғоч» қадаҳга қайтишга мажбурмиз.

Хў-ў-ў-ўш, энди-и-и, гапнинг ўғил боласини айтадирғон бўлса-а-ак, ёруғ дунёга келиб у падару волидасидан олгани — ёлғиз мана шу лўмбоздай сохт-сумбату «Едгор» аталмиш расо исм бўлди. Э, йў-ўк, бе-вақт оламдан кўз юмиб кетган бирор азиз жигар ёхуд жавобсиз илк муҳаббатдан эмас, айни у дунёга келиши арафаси бурга тепибми ҳаром қотмиш биттаю битта говмиш сигирларидан ёдгор. А?.. Э-э, афанди-я, аччиқ қилиш нимаси, ҳайқал қўйиш керак бу азамат бургага, ҳайқал! Йўкса, унга Едгор исминни қўйиш қимнинг етти ухлаб тушига қирибди экан? Епиштиришарди «ТУҒИЛГАНЛИК ҲАҚДАГИ ГУВОҲНО-МА»сига Урқоми, Болғами — шунга яқин бирор анжомни, юрарди у ҳозир додини қимга айтишни, қимни чорқўпга михлаш ёки қимнинг қалласини сапчадай узиб ташлашни билмай..

Ке, шуни ўша тепонғич бурга ва жужук соҳибининг бир куни келиб додини қимга айтишини билмай сарсон кезинмаслиги йўлида қўксини қалқон қилган говмиш сигир учун ичайлик.

Қани, хўп, қўтардик! Х-ху-у!..
М-м-м-м!.. Бай-бай-бай! Ишқилиб, буни қим юборган бўлсаям қўли дард қўрмасин-да!..

Хў-ў-ўш, шундай қили-и-иб, у ҳали дунёга келмаёқ амаллаб билган биринчи иш — бир беозор бургани жиноятга тортишу бир болажон говмишнинг бошига етиш бўлди. Хў-ўв, сарбаланд аргувон панасидаги гавжум чойхонада телпагу пўстинга ўралиб, олис са-

фарга отланмиш Медис амакига исиб кетса ечиб қўйиш мумкинлигини билмай: «Ие, у томонларда қиш бўлмасди шекилли?», дея гап қотган дунёбеҳабар ҳам — шу. Аслида, уни «дунёбеҳабар» деганининг ўзи дунёбеҳабар-ку! Ҳазилми, ахир: ўн саккиз баҳорни қарши олиб улгурмай қадрдон гўшқ ва бор орзу-умидларини тарқ этди, роппа-роса уч йил денгизу уммонлар оша қўним ва қўркув билмай сузди, Гапдон Тўтилар ярим оролида ноз-ишва ила кирғоқда като-ор тизилишмиш худонинг гуноҳга қўнгли суст бандалари қошидан бўри — баковул, тулки — ясовул, қарға — қақимчи, чумчук — чақимчи... юрт фуқароларига хос сиполик ва совуқ-қонлик билан қаддини ғоз тутиб, шаҳдам қадам ташлаб ўтди, бутун кемани ёғ тушса ялағудек қилиб тозалаб чикса ҳам мунофиқларча айб топиб, ҳаммаёқни қайта ювишга амр этган ўпка кемабошининг серсепкил юзига тик қараб, дангал: «Шокол!», деб айтди, ҳа-а! Ке, мана шу қадахни...

Шу ерга келганда Едгор атай гапини тўхтатиб, пиёлага мусаллас қуймоққа тутинади, не учундир ҳикоясини охирига етказишни истамайди. Гўё ҳаммаси шундоқ ҳам тайиндек, баайни серсепкил кемабоши ўзининг шоколлар сирасига мансублигини унутиб қўйгану вақтида ёдига солгани учун унга қўмондонлик ҳамда жамики шоколлар қавми номидан ташақкурнома эълон қилган каби.

Шу ерга келганда шоирнинг юзига беихтиёр истехзо ёйилади. Чунки у бургаю говмишлар «қушандаси»нинг гапини атай бошқа ёкка бурганини сезади-да. Хе, сезмай ўлибдими?! Нима, у ўзининг ўн саккизинчи баҳорини гул тутиб ёки олма соясида тепага қараган қўйи оғзини қаппа очиб ётиб қутиб олган, дейсизми? Чувварани хом санабсиз, мабодо шундай деб ўйласангиз! Хўв, етти тоғ нарида, икки қора-қура юрт бир-бирига кетини тираган ерда ўтказди у роппа-роса икки йилни, ҳа, билиб қўйинг, агар билмасангиз! Бўри — баковул, тулки — ясовул, қарға — қақимчи, чумчук — чақимчи... юрт ишониб топширган милтиқни маҳкам қучоқла-аб. Нима? «Пишириб қўйганимди у ерда?» Керакдирки, уни атай олма соясида тепага қараган қўйи оғзини қаппа очиб ётган жойидан ҳайдаб келиб, қўлига ишониб милтиқ тутқазигандир. Яна ўки билан-а! Тутказа туриб: «Сергак қўриқлагин-а!», дея қаттиқ тайинлашгани-чи?! «Нимани?», дейсизми? Нимани бўларди, шундан шу ёкка уни эринмай ҳайдаб келиб, қўлига ишониб милтиқ тутқизган юртни-да! Тўғри, тан олиш керак, гоҳида бу милтиқни ундан ўк-пўки билан тортиб олиб, унинг ўзига қарши ўқталмоққа қасддор нариги дажжол юртни ҳам... А? «Қандай қилиб»?! Вей... Об-бо, роса учратган экан-ку! Шунинг ҳам фахлаламагандан кейин энди... Хай, майли, кетса кета қолибди ундан, гапириб бергани бўлсин ҳаммасини бир бошдан.

Шундай қилиб, қўлида ўқлоғлик милтиқ, бўйнида дурбин, туради бала-анд миноранинг қок қуббасида атрофга сергак боқиб, ундан милтиқни ўк-пўки билан тортиб олиб, қайта ўзига ўқталмоққа қасддор дажжол юртнинг ғаддор шотиригини зийрак кузатиб. Худонинг берган куни ўша соат, ўша дақиқада қасддор томонда унинг ичига ўт ёкиб бошдан-оёқ оқ харирга бурканмиш бир малак пайдо бўлади. Пайдо бўладию унга кўзи тушгани ҳамон ғимирлаб қолган минора қуббасидаги ғаддор шотирга им қоқиб, ўн қадамча нарида ястанмиш баҳайбат харсанг ортига ўтиб кетади. Зумда ғаддор шотир ҳам милтиқини қуббада қолдириб, шошаниша минорадан тушади-да, харсанг ортига ўтиб кўздан йўқолади...

Оёғи қуйган товукдек питирлашини кўрсангиз эди

энди унинг турган ерида, атрофга олазarak бокишлари-га, дам-бадам ғаддор ўтиб кетган томон нигорон тикилишларига бир нигоҳ ташласангиз эди!..

Ғаддор — ўз номи билан ғаддор-да. Ниҳоят, ярим соатлар чамаси ўтгач, иштонбоғини шошиб боғлаганча мамнуи илжайиб чиқиб келади у ҳарсанг ортидан. Чўнқи, ишончи комил унинг: ўзи тарафга ҳам ҳеч зоғни кўймайди, ўзи тарафдан ҳам ҳеч зоғни ўтказмайди у томоннинг аскарни.

Ҳарсанг ортидан чика солиб қўлларини силкиганча эгилиб-эшилиб муқом килмокка тушади унга ғаддор: «Раҳмат, биродар! Бир умр унутмайман яхшилигинини!!», демокка уринади, чамаси. Е: «Ҳап, саними?! Қараб тур, барибир тортиб оламан-ку милтигингни ҳали! Ўк-пўки билан!!», деганмикан-а, бу?

Ким билсин...

Ана шунака. «Кичкина демаңг бизни, кўт-тариб уразиз...» Ҳа-а, баракалла! Энди ўзингизга келдинги-из!

Тўғри, исм бобида иш бироз пачавароқ — жавобсиз ишк-муҳаббатдан ҳам, бурга тегиб ҳаром қотган говмиш сигирдан ҳам ёдгор эмас у. Сигир бўлса тепади-да, йўқ бўлса нимани теписи бурга шўрлик?! Эсини танибдики, товукнинг катагидек бостирмалари бир шохи синик тўқол эчкининг тезагидан бошқани кўрганини билмайди у: Такдирнинг ўйинини қарангки, келиб-келиб падару волидаси бир эмас, ўнта меросхўрни қаторлаштириб қўйгач, ҳуқуматнинг шапалоқдай тақасига эга тушишганидан сўнг, сира қутилмаганда пайдо бўлиш ёзилган экан унинг пешонасига. Бир хаёл, баҳридан ўтиб қўя қолмокчи ҳам бўлишибди. Лекин... ширингина дўмпайиб турганидан кейин... чопмас экан-да юрак баҳридан ўтишга. Яна: «Баҳримдан ўтадиганлар ҳали сенларми?», дегандек тинмай турткилашлари-чи унинг?! Қиймас экан-да сира одамнинг кўзи. Рост-да, ўнта бўлди нима-ю, ўнтадан битта зиёд бўлди нима?! Сопини ҳам дарров шунинг ўзидан чиқариб қўя қолишибди. Шундан бери, мана, Зиёд у, шундан бери, мана, ҳамма: «Зиё-о-од!», деб чакиради уни; ёлғиз манави рўпарасида ястаниб чордана қурганча дам-бадам унга лаби учик пиёлада май қуйиб узатиб турган ижарадоши Едгоргина мустанок бундан, ёлғиз у Зиёдни исми билан атамайди, икки гапининг бирида — «шоир»; чизма чизиб ўтириб туйкус елкаси кичиб қолса ҳам дарров: «Ҳой, шоир, елкамини қашиб қўй!»; эшикни ёпиб киришни унутса ҳам: «Ҳой, шоир, эшикни ёп!»; яна китоб ўқиб ётганида устидан хатлашлари хона бўйлаб сочилмиш китоб-дафтарларини тегиб ўтишлари ортиқча.

А, лаббай?

«Бўлди-да энди, гапининг индаллосига ўтсанг-чи?» дейсизми?

Э, йўк, ҳали айтиб тугатганича йўк у ҳамма гапини, айтиб тугатсин, ана кейин...

Қашиб бўпти энди унинг елкасини! Епиб бўпти эшикни: ўзи очиб кирдим, керак бўлса ўзи ёпиб олсин! Қани, бундан кейин яна у китоб ўқиб ётганда устидан хатлаб ўтсин-чи! Китоб-дафтарларига оёқ теккиза кўрсин-чи, қани!.. Устидан хатлаётганида бошлаб бир кишибилмас чалиб йикитмаса, юрган экан! Керак бўлса, ўша, у тегиб ўтган китобу дафтарларни дасталаб, бошига ўхшатиб туширади ҳам, ха! Билиб қўйинг шуни! Билиб олдингизми?.. Ҳа, яш-ша-а-анг!.. Мана энди — кунлардан бир кун...

Тунлардан бирида содир бўлиши ҳам мумкин эди-ку бу бемалол, агар қутубхоналар тунда ишлаганида. Ҳеч бўлмаса Зиёд шу томинг тешилур қутубхонага тўғри бориб, тўғри келса ҳам бир нави эди-я. Едгорнинг уни «шоир» деб атаганича ҳам бор — кўчага чикдим, дарров кўзи олма-кесак теришни бошламас,

ҳисоб эмас! Кўзи олма терса ҳам майли-ку, — терса-теравермайдими, э, барибир ҳаммасига қурт тушган! — йўк, албатта қутубхонага кираверишда, бурчаккинада, бел баробар тахта тўсик ортида омонат ўтирган, ҳар эшик очилганида бир кимтинибгина бош кўтариб қараб қўяётган кимнингдир ҳақмини ҳам илғаши керак, илғаб юраги «жиз» этмоғи шарт!

Бор расамадини жойига қўйиб — хужжатини кўрсатиб, тўсик устидаги қутичадан бир парча қоғозини олиб, тинчгина ўтиб кетса бўлади-ку. Йўк, қутичадаги ўша ордона қолгур қоғоз баҳона кизга ўғринча бир нигоҳ ташлаб қўймоғи, ичкарига киргач, китоб варақлаётиб ҳам фақат уни хаёлидан ўтказмоғи лозим!..

Узиям, шоир — шоир-ку, хатто қаргани ҳам булбулдайин сайратиб юборар даражада сулув экан-да кизи тушмагур. Қачон қарамасин — кираётганида ҳам, чиқаётганида ҳам, албатта бирор-бир олақарга булбуллик даъво қилиб турган бўлади унинг қошида. Қони ўз-ўзидан қайнаб, жони халқумига келиб қалади-ей шунака пайтда, бориб ўша олақарганинг тумшугини бир ерга ишқасамми, қайтиб бу тахлит қағилламайдиган қилсамми, дейди. Лекин... аини шу ўй хаёлидан ўтиши баробар, туйкус ёруғ дунёга келиб, падару волидасидан олган исми ёдига тушади.

«Йў-ўк, — дея ўйлайди, — бир марта ортиқчалик қилганим етар. Бир умр давомида иккинчи маротаба ортиқча бўлиш... о р т и қ ч а ! Кейин... у, ахир, бировнинг хасми бўлса?!»

Аммо, энг алам қиладигани — кизнинг ўзи ҳам муносиб жавоб қайтармайди бу шўртумшук олақаргаларга, жилла курса бирор нима деб силтаб ташласа бўлади-ку, йўк, ўтираверида бошини ҳам қилганча, ерга кириб кетгудек бўлиб, жаҳл ва андишадан кизариб-бўзариб. Атрофдагилардан бирортасини ёрдамга чорлаш у ёқда турсин, ҳеч бўлмаса нажот сўрагандек бир нигоҳ ташлаб қўйса-чи?!.

Йўк.

Чидаёлмади.

Охири бир кун ёруғ дунёга келиб суюкли падару волидасидан олган исминини ҳам, «к и з б о л а б и р о в н и н г х а с м и ...» эканини ҳам унутди. Дарсини тайёрлаб чиқиб, кираверишда узукун писта чакиб ўтирадиган эшикбон аёлдан жилдини сўраётган эди. Бошини солинтирган қўйи хануз жини киз қошида одатдагидек булбуллик даъво қилиб турган кунда-шунда олақарганинг бир қағиллаши ногоҳ жон-жонидан ўтиб кетди-ку, шартта бориб унинг елкасига чанг солганини билмай қолди-ку!

— Ҳўв! — деди дангал уни ўзига томон қаратиб. — Қани, гапингни қайтиб ол-чи!

— А? — дея анграйиб қаради унга олақарга. Бирпас шу тахлит олайиб қараб турди-да, бирдан шарақлаб қулиб юборди: — Хо-хо-хо! Хо-хо-хо!! — Сўнг туйкус жиддий тортиб, сўз қотди: — Эшитмай қолдим-а. Бир нарса деганди бўлдингми менга?

— Кечирим сўра, деяпман!

— А?.. Хо-хо-хо! Хо-хо-хо!!! — Олақарга яна қорини ушлаб қотиб-қотиб қулди. Сўнг тагин туйкус жиддий тортиб, унга овсарланиб тикилди: — Йўғ-а. Эшитмадим-а, — деди жимжидоғи билан қулоғини чуқулаб. — Қулоғим негадир яхши эшитмайгани-ку. Қани, ташқарига чиқайлик-чи, зора тоза хавода ишлаб кетса. Хо-хо-хо! Хо-хо-хо!!! — Йўк:

— Қағ-қағ-қағ! Қағ-қағ-қағ!!!

Узун-қиска бўлиб ташқарига томон йўналишди. Бошини қуйин солинтирган қўйи, елкалари ғалати титраб қузатиб қолди уларни киз...

Орадан ҳеч канча вақт ўтмай чап ковоғига беш тийинлик тангани малхам ўрнида босиб қайтиб келганида ҳам у хануз шу тахлит тош қотиб ўтирарди.

Нияти — жилдини олиб, секингина жуфтани уриш эди, бироқ қизнинг бу ўтиришига кўзи тушиб алами баттар ўт олди. Қўлини шоп қилганча унинг устига бостириб борди.

— Қанақа одамсиз-а, ўзи? Биров балчикка топтасаям парвонгизга келтирай демасиз-а? Е, товба! Нега бақириб ташламайсиз? Нега башарасига туфламайсиз?..

Қиз юзини қафтлари орасига олиб аста ўридан турди-да, дераза томонга қараб юрди.

— Нега... — Зиёнинг гапи ҳам, алами ҳам бўғзида қолди. Ари чакандек шишиб чиқмиш ковоғига малхам ўрнида босган тангаси жаранглаб полга тушди. Оғзи ланг очилиб, ранги докадек оқариб, бир зум шу асно нима қиларини билмай, хайрон қаккайиб турди-да, жилдини ҳам, полга жаранглаб тушиб юмалаб кетган тангасини ҳам унутиб, ўзини эшикка урди.

Кўчага чиққач... юзига қизиб турган ер тафтига омехта илик экин келиб урилгач... ўзини бу ёруғ дунёда ҳам ортиқча сезд!

Ай, нодон!

Ай, аҳмоқ!!

Ай, фаҳм-фаросатини ел еган сўкир банда!!!

У ўзининг гавжум кўчада эканини ҳам буткул унутиб, қўллари билан ғишт тушгандек лўкиллаб оғриётган бошини чангаллади.

Нима қилиш кераг-а, сени?..

Йўқ, ким тилингдан торткилади ўзи, ким кириб шундай дейсан, дея мажбурлади?..

Калтакни ўзинг тилаб олишга тилаб олдинг, хўп, қулоқ-чакканга ўхшатиб мушт туширишга мушт туширишди — жилдингни қўлтиклаб, обрўйинг борида жимгина чиқиб кетмайсанми? Е, қиздан раҳмат эшитаман, деб ўйловдингми? Балки, ҳали: «Еган калтакимнинг ҳақини беради», деб умид ҳам қилгандирсан, а?..



Қарийб бир ой шу ўйлар исқанжасида ўзига келолмай юрди у. Қизнинг бошини кўйи солиштирган кўйи мум тишлагандек ўтириши, ғалати титраётган нозик елкалари, сўнг... қафтлари билан юзини тўсган кўйи... оксоқланганча дераза томон йўналиши сира кўз олдидан кетмади.

Қим билсин, балки тағин икки ой, уч ой, балки бир умр шу тарика қийналиб яшаган бўлармиди у, агар ижарадоши Едгор, ҳа, ўша бургаю говмишлар «кушандаси» билан боғлиқ ғалати-ғалати воқеалар юз бера бошламаганида...

Хаммаси унинг эшикдан қутилмаганда бир ковоғи кўқариб, хўмрайганча кириб келиши билан бошланди. Не ажабки, одатига биноан кира солиб: «Хой, шоир, эшикни ёп!», дея амр этмади унга Едгор; қафти билан майиб ковоғини тўсган кўйи гурс-гурс юриб ҳона тўрига ўтди-да, ўзини увода кўрпачага отди; унинг:

— Ҳа, нима гап ўзи, тинчликми? — дея ташлаган лукмасига:

— Ҳеч гап йўқ... Йиқилиб тушдим... Нима, ҳақким йўқми? — дея тўнғиллади бошини ёстикқа буркаб. «А? Нахотки?! Йўғ-э?..»

Зиёд ётган ерида аста бошини кўтарди. Бургаю говмишлар «кушандаси»нинг йўлда юриб келаётиб илкис

қоқилиб йиқилгани ва бир ковоғи билан ердан дўлаийб чиқиб турган муштга урилганини хаёлан акс эттириб, мийиғида илжайди.

«Иккинчисига эса мен қарздорман!», деб қўйди хали Едгор устидан хатлаб ўтаётганида кишибилмас чалиб йиқитишини ҳам ўйлаб.

Лекин... қани энди устидан хатласа?! Кута-кута кўзи тўрт бўлди-ку унинг, узукун кўксини куруқ шолчага бериб ётазериб жонида жоп қолмади-ку!

Таассуфки, на эртасига, на индинига ва на бир ойдан сўнг риюя қилди Едгор ўзининг ушбу «амали»га.

Е, товба! Худди биров кўзининг тағига бир мушт тушириб, ўзгартириб қўйгандек-а, уни! Ҳеч бўлмаса шолча устида ёйиғлиқ китоб-дафтарларини тепиб ўтса-чи! Бор китоб-дафтарини ҳона бўйлаб тарикдек сочиб ташлади у атайин — қаёқда, оёғининг учи билан кўнгил учун мундоқ туртиб ҳам қўйгани йўқ хатто! Аксинча, кўзи чиройлироқ жилдли бирор китобни илғаб қолгудек бўлса, дарров энгашиб уни қўлига олади, эринмай варақлайди, бир-икки саҳифасига шошилинч кўз югуртирган ҳам бўлади ва аста қўлтиғига кистириб, Зиёд томонга қараб истамайгина пўнғиллайди:

— Хой, индинга оласан.

Тасаввур қилинг-а, «Хой, шоир, индинга оласан» эмас, «Хой, индинга оласан»?!!

Тунлардан бири, совук тушиб қолгани важдан така-так маҳкамламиниш деразадан хануз жовдираб мўралаётган ойга термулиб, кўзларига уйку инмай ётишганида Едгор жуда бир ғалати хўрсиниб, ҳа, ҳа, жуда бир ғалатнок тарзда, баайини бутун вужуди зардобга тўлиб кетгану бу зардоб деразадан маҳзун мўлтирамиш ойдан ранг олиб, дилини баттар ўртаётгандек: «Ху-у-у-уххх!», деб:

— Зиёд... Сен... бирорта кизни яхши кўрганмисан? — дея сўраб қолдики...

Сакраб ётган жойидан туриб кетди-ку Зиёд. Ойга термулган кўйи ҳам хаёл суриб, ҳам ундан саволига жавоб кутиб ётган Едгорга анграйиб қаради. Лоп этиб кўз ўнгида ғайритабиий тарзда титраётган нозик елкалар... қафтлари билан юзини тўсган кўйи... оксоқланганча дераза томон йўналмиш қиз гавдаланди ва... туйқус вужуди қарахт тортиб, боши ёстикқа «шилк» этиб тушди...

Шу тундан бошлабон яна унинг ҳаловати йўқолди. Аввал ҳам бор эди унда бу ҳаловат, демоқ хийла мушкул-ку, бироқ, ўтган ойлар, ҳарнечук, туширган эди уни пича тафтидан.

Устига устак, имтиҳонлар ҳам эшик қоқиб қолди-ку шу орада. Энди истайдими у, истамайдими — кутубхонага танда кўймоққа мажбур. Аксига олиб, жилдининг ҳам ўша ёқда қолиб кетганини-чи?..

Ўзиям, нақд икки соат турдим-ей кутубхона эшиги яқинида дийдираб, ичкарига кирмоққа журъати етмай, ё уч соатмикан? Салкам бир қути тамақининг ярмига қирон келтирдими ёки барини битта ҳам қолдирмай чекиб тугатдимми? Ниҳоят, аъзойи бадани киш қаҳратонида ҳеч балони сезмайдиган даражага етиб, тишлари тақиллай-тақиллай минг бир машаққат-ла залворли эшикни очганида ўз одатича нигоҳи билан ер чизиб ўтирганмиди қиз ё эшиқбон аёлнинг жағи-жағига тегмай писта чақишини қизиқиб қузатаётганмиди?..

Нима бўлганда ҳам, Зиёд эшикни очиб киргани ҳамон ялт этиб қаради у томон қиз.

Шувв этиб кетди-ку йиғитнинг ичи!

«Т а м о м!», деган ёвуз фикр чакнади хаёлида, тиззаларига титроқ кирди. Ҳали ташқарида дийдираётганидаёқ қизнинг унга кўзи тушгани ҳамон қовоқ уйиб, нигоҳини олиб қочиши жараёнини минг хил кўринишда

тасаввур қилиб, «Қай бири насиб этаркин-а менга?», дея тан бериб ҳам қўйган эди тақдирига. Минг афсуски, у ўйлагандек бўлмади: уни қўриб ковок уйгани ҳам, нигоҳини олиб қочгани ҳам йўқ киз; аксинча, Зиёдга кўзи тушгани ҳамон чехрасига табассум ёйилди.

— М-мен... м-м-мен... — дея қаловланди йигит хануз тиззаларидаги титроқни босолмай. — К-кечиринг мени... ўша... ўша куни... мен...

— Кечирим сўрагули иш қилмадингиз, шекилли, ўша куни, агар адашмасам? — дея гапини оғзидан олди киз хеч қутилмаганда.

— А-а?... — Зиёд қулоқларига ишонмай, кизнинг чехрасига синчков тикилди. Бошини хиёл бир томонга солинтирган кўйи жилмайиб турарди у. — Мен... ҳалиги... дарс тайёрлайман, деб келувдим... Имтиҳонлар... Шунга... — дея чайналди йигит бўлак гап тополмай.

— Дарс тайёрлагани? — деди киз ёнгинасида — шундоқкина эшик токида осиглиқ соатга боқиб. — Намунча эрта? Кутубхона ёпиладиган вақт бўпти-ку. — Йўғ-э? — деди Зиёд соат тарафга ўгирилиб.

Ўх-хў-ў! Кеч тушибди-ку аллақачон! Бирпасда-я?! Киз аста ўрнадан кўзгалиб, йигиштирина бошлади. — Унда... мен... сизни кузатиб қўяман. Майлими? — деди йигит қисиниб-қимтиниб.

— Дарс-чи? — дея қуюқ қора кошларини чимирди киз. — Ахир, имтиҳонлар...

— Э-э, дарс қочиб кетмайди! — деди Зиёд қувончдан ўзини йўқотиб ва: — Мен ҳозир, — дея хануз жағи-жағига тегмай писта чақаётган эшиқдон аёл томон йўналди: — Холажон, шу ерда...

— Айтгандай, яна бир буюмингизни унутиб қолдирганингиз-а ўша куни, — деди киз Зиёд аёлдан жилдини ундириб, мамнун киёфада қошига қайтгач. Сўнг энгашиб столнинг тортмасидан бир нима олди-да, худди синиб қоладигандек авайлаб, оҳиста столга қўйди.

Чирок нурида беш тийинлик танга ярақлаб кетди. Ўша, у ўз ихтиёри билан бошига балони сотиб олган куни жонига оро кирган танга!..

— Зарнигор... Чиройли исм! — дерди у орадан хеч қанча вақт ўтмай, кизни уловлар тошбақадек судралиб қатнаётган тийғончик кўча бўйлаб уйига кузатаркан.

Шундай деганини билди — ёнида оҳиста қадам ташлаб келаётган киз туйқус тийғониб кетди-ку!

— Зарнигор! — дея қапалаги удиб, жонхолатда кизнинг елкасидан тутди Зиёд. — Эҳтиёт бўли...

Бирок оғзидан шу сўз чиқиб улгурмай, ўзи ҳам олдинга мункиб, сал бўлмаса юзтубан йиқилаёзди.

— Зиёд! — деб чинкириб юборди энди киз; ўзининг оёқда зўрға турганини ҳам унутиб, йигитнинг биллагига ёпишди.

Йигит — кизнинг, киз — йигитнинг қўлларидан тутганча, юраклари кўкракларидан отилиб чиққудек потирлаб уриб, кўзлари кўрқувдан ола-кула бўлиб, бир-бирларига тикилиб қолишди. Бир неча сония шу асно қотиб туришди-да, туйқус хандон отиб қулиб юборишди.

— Индинга — Янги йил... — деди киз йўлда давом этишаркан алланечук хаёлчан. — Ҳар Янги йил қорбобо уйма-уй юриб, одамларга бахт улашади...

Ялт этиб ўгирилди кизга томон Зиёд. Ўгирилиб, нимкоронғуликда унинг ўйчан кўзларидан ниманидир укмоқчи бўлди.

Бирок... — Мана, келдик, — деди киз деразаларидан атрофга хира ёғду таралиб турган тўрт қаватли гиштин иморат йўлаги қошида тўхтаб. — Шу ерда тураман. Опам икковимиз... Тўртинчи қават, ўттиз биринчи хонадон.

— Поччангиз, жиянларингиз...

Қизнинг совуқда лола тус олган чехрасида табассум жилва қилди.

— Афсуски, ҳали почча битганича йўқ пешонамга, — деди у бош чайқаб ва кетидан маъюс қўшиб қўйди: — Холаликка аллақачонлар лойик бўлсам ҳам...

Шундай деди-да, нимкоронғи йўлак сари юрди киз. Йўлак эшиги ёнида тўхтаб, йигит томон ўгирилди.

— Хўп, бўлмаса, — дея қулиб қаради унга. — Янги йилни яхши ўтказинг. Имтиҳонларда ҳам омад сизга!

Ва аста ўгирилиб, йўлак эшиги ортида ғойиб бўлди. — Ҳали учрашамиз-ку яна?! — деганча қолаверди Зиёд.

Хануз кизнинг бояги сўзлари сиртмоғидан чиқиб кетолмасди у: «Индинга — Янги йил... Ҳар Янги йил қорбобо уйма-уй юриб, одамларга бахт улашади...»

Нақадар маъюс, нақадар мискин оҳангда айтилди бу сўзлар: «Ҳар Янги йил... уйма-уй юриб... бахт улашади...»

Бу сўзлар айтилаётган чоқ кизнинг кўзларида зохир таърифлаб бўлмас мунг-чи?..

Йигитнинг кўксини аччик хўрсиник тилиб ўтди. Шом қоронгисига тикилган кўйи бир зум қотиб турди-да, ўзини рутубат қўйнига олди.

Тун уни илиб олди, бошига ўзининг қора чодирини ёпиб, отига ўнгарди-да, елдириб кетди ва фақат маҳалласига етганда, қулоғига чўмичнинг қозонга зарб билан урилишига монанд галатнок товуш чалингандагина ўз холига қўйди.

Товуш гузарнинг ичкарисидан, айни сарбаланд арғувон соясидаги чойхона билан Мелис амакнинг устахонаси беллашган жойдан келмоқда эди. Сал ичкарироққа кириб илғадик, устахонада чирок ҳам ёник, илгариларгани сари товуш баландлашгандан баландлашиб бормоқда:

— Данг! Данг-г!! Данг-г-г!!

Зиёд дераздан таралаётган ёғду оғушидаги устахона билан юзма-юз келиб, яна шуни илғадик, дўкон пештокидаги гўжалок ёзув ҳам аввалгидек эмас, битта харфга қисқарган, аниқроғи: «Я Л А Б-Я С Қ А Й М А Н».

Аста дўкон эшигини қўли билан олдинга итарди у. Эшик «ғийк» этиб очилди ва... хона тўрида, ўзининг битта курсию чўлтоқ чорпоядан иборат қўлаки «дастгоҳ»и ортида ўтирган Мелис амакига кўзи тушди!

Мелис амаки эшик юракка ваҳм солар даражада чўзик ғийкиллаб очилгани ҳамон чорпоя устида тўнкариғлик эски бир тоғорани чўкмор билан бор жазавда чангитиб данғиллатаётган жойида тарракдек қотди. Фақат Зиёдни таниганидан сўнггина юзига сал-пал кизиллик югурди.

— Э-э... Зиёдуллохон, келинг, — деди қўлидаги чўкморни шоша-пиша чорпоя тагига яшириб.

— Мелис амаки?! — деди Зиёд хануз юз-кўзларидаги хайратни яширолмай. — Ахир... ахир сиз...

— Қойил-э! — дея оғзидан гапини олди Мелис амаки. — Ўз оёғингиз билан кириб келганингизни қаранг-а! Ҳозиргина қаердан топсам экан сизни, деб ҳаёлланиб турувдим.

— Тинчликми?

— Ҳа. Халиги, биродарингиз борлар-ку, бирга ўқий-сизлар...

— Ёдгорми?

— Ҳа, мулло Ёдгор. Боя кўчада кўришувдик. Айтдиларки, кетяпман, калидни Зиёдуллохонга бериб қўйинг, деб...

— Қаёққа кетади? — деди хайрон бўлиб Зиёд.

— Ман қайдан билай. Нима, гаплашмаганимдин...

гиз? — дея барок кошларини учириб каради унга Мелис амаки. Сўнг бир зум ўйлашиб турди-да, кўшиб кўйди: — Иссик жойларга, дегандек бўлдиларми-ей...

— Иссик жойларга?! Нима, совук котибдиларми бу ерда? — дея мийғида илжайди Зиёд. Сўнг; худди туйкус ёдига бир нима тушгандек, юзидаги табассум ўрнини савол аломати эгаллади: — Айтгандай, сизнинг ўзингизни нима шамол учирди? Ахир...

Шундай дейиши билан бирдан яна Мелис амакининг авзойи ўзгарди. Орка девордаги михда осиглик ўша ордона пўстинининг чўнтагини кавлаштириб, Едгордан ёдгор калитни чикарди-да:

— Мана калид! — дея чорпояга ташлаб, Зиёдга орка ўгириб ўтириб олди.

— Мелис амаки, ахир...

— Бори — шу! Бўлак калид беришгани йўқ манга!

— Мелис амаки, йўқ, сиз мени олдин эшитинг...

Мелис амаки унга хатто кулок солишни ҳам истамай, чорпоя остидан чўкморини олиб, жон-жаҳди билан тоғорани дўмбира қилмокка тушди. Сўнг туйкус ўридан даст туриб, чўкморни бор кучи билан тоғорага кўтариб урди-да, ўгирилиб, бошини деворга суяди.

— Нима қилай?! — деди асабий товушда, елкалари совукда колган каби калт-калт титраб. — Ўтказишмади-ку. Ҳаммани ўтказишди, мени... Нима, қорбобо бўлишимни кутиб ўтиришим керакмиди?

— А? — Зиёднинг ичини нимадир тилиб ўтди. Лоп этиб хаёлида Зарнигор жонланди. Унинг маъюс табассуми, кўз қорачикларида зохир таърифлаб бўлмас мунг... «Хар Янги йил... уйма-уй юриб... б а х т у л а ш а д и».

Шу баробар кўзи ногоҳ орка девордаги михда осиглик кундуз мўйиғли пўстини сувсар телпакка тушди ва...

— Мелис амаки! — деб юборди орзқиш билан. Бирок давомига сўз тополмай, кўзлари севинчдан ёниб такрорлади: — Мелис амаки!..

Киши ўзини йўқотиб қўйса хар қўйга тушавераркан-да. Эртасига кун бўйи пахтадан ўзига сокол-мўйлов ясаб, ичи гапга тўлиб кетганидан тарс ёрилай деб, уйда ёлғиз ўтирди — қани, унинг дил розига кулок соладиган бирор мардум топилса?!

Бир нави, ҳеч кимнинг йўқлиги айни муддао бўлди-ку. Айниқса, Едгорнинг аллақандай «иссик жойлар»ни кидириб жўнагани. Йўкса: «Нима қиляпсан?», «Нима гап ўзи?», «Нега керак бу?». Кутулиб бўпти эди унинг бош-адоксиз бемаза саволларидан.

Қизиқ, нима йўқотди эка-а у «иссик жойлар»да? Яна айни Янги йил арафаси, имтиҳонлар тиш қайраб турган бир пайт?..

Нима йўқотган бўлса ҳам — Едгор йўқотган, у эмас. У бугун топиш арафасида — балки, бутун умри давомида излаганини, кечалари тушларига кириб чиқувчи ажиб рўёни...

Йўқ, туш эмас бу, асло туш эмас!

Айни дам кўзгуда кўриб тургани ким унда, агар бу туш бўлса? Ҳадеб иягига ёпиштирмокка уринаётган кўлидаги анави увада-чи, у нимага керак?..

Ха, тун бўйи ухламагани билиниб турибди шундок. Нима қилсин, ахир, фақат эрта азонда тайёр бўлди соқолу мўйлов. Кейин зир югуриб «қорбобо»га қопчик излади, гузардаги сарбаланд аргувондан шох синдириб келиб, ундан чиройли бир асо йўнди, сўнг қопчикка «совға»ларни жойлади... Мана, энди кўзгу қошида ўтириб, Қорбобого эврилмокда.

Хм-м, сокол-мўйловни амаллаб ёпиштирди, пўстинни кийди, телпақни бошига қўндирди, энди қопчикни оркалаб, қўлига асоғи олиб, йўлга чикса ҳам бўлар.

Ховлига чикиб, энди оёғига этигини илган ҳам эдики, кўча эшик олдига баҳайбат бир улов пишкириб келиб тўхтади. Аста юриб бориб эшикдан каради: юкхонасига каттақон бир эски сандик ортилган улов, сандик тегра-сида кўрпа-ёстик, латта-путта, ашқол-дашқоллар тугилган иккитами-учта катта-кичик бўҳча; рўпарасида, шундоккина беш-олти қадам нарида — бундан бир ярим йил муқаддам эски тешик тоғорани уларга эсдалик қилиб қолдириб, худодан тилаб-тилаб олмиш биттаю битта фарзандларининг кўз очиб кўрган завжасиникига кўчиб кетган хотамтой чолу кампир; сал нарирокда хайдовчи билан гурунглашиб турган, ҳадеб бармоқлари ни букиб, унга ниманидир тушунтирмокка тиришаётган анави хомсемиз кимса — ўша, қаердандир кун чикиб, унга худодан тилаб-тилаб етишмиш пийраки ота-онасини бундан бир ярим йил муқаддам кўз очиб кўрган хотини — фарзандларининг онасиникига кўчириб кетмиш худодан тилаб-тилаб олинган якка-ёлғиз зурдининг ўзи.

Мана, у хайдовчи билан гапини тугатиб, бир чеккада муштдеккина бўлиб турган чол-кампирга яқинлашди-да, қўлини хавога сермаб ўшқира кетди:

— Вей, намунача мотам тутасизлар-а, намунача мотам тутасизлар?! Мен тирикман-ку ҳали, ўлганим йўқ-ку?! Айтдим-ку, бугун янги уйни ювгани мехмонлар келишди, ит эгасини танимай қолади, деб! Келинингиз ҳам, мен ҳам, ахир, сизларни ўйладик, қари одамлар, оёқ остида қолиб сарсон бўлишмасин тағин, дедик!..

Олақарганинг қағиллаши ҳам булбулнинг хониши билан баробар туюлди бунинг олдида.

«Ха-а, мана қаердан чиккан экан кун!»

Асосини силкитиб, югургилаб бормокдан бошқа илож тополмади Зиёд.

— Нима? — дея олайиб каради унга ўғил, ота, эр. — Э, Қорбобо, тошингизни терсангиз-чи! Йўкса, соқолингизнинг окугаям қараб ўтирмайман!..

Қорбобо: «Астоғфируллоҳ!», дегандек соқолини тутамлаб, ортга чекинди ва унга бир зум мўлтайиб тикилиб турди-да ўгирилиб, йўлида давом этди.

— Жўнанг, жўнанг! — деганча қолди у иззатидан беҳабар эзмачурук чолнинг ортидан ва улов олдида совукдан ер тепиниб турган иккита сўлокмондай кимсага қараб қўл силтади: — Қани, туширларинг!..

Йўқ, тушида эмас, унгида ҳам аллақачон Зарнигор билан эди Зиёд. Мана, эшик қокиб, ҳассасини дўкилатиб кириб борди уларнинг уйига; мана, қопчигини очиб, Зарнигор ҳамда унинг опасига совға улашди; мана, ҳазин муножот ноласи остида бир-бирларига термулган қўйи турган ерларида охиста тебрана бошлашди улар; мусиқа тингач, кизнинг сеҳрваш кўзларидан нигоҳини узмай: «З а р н и г о р, м е н с и з с и з я ш а ё л м а й м а н !», деди-да, аста юзидан ясама соқол-мўйловни сидириб олди у...

Шундай дейди, ушбу сўзларни хаёлан эмас, чинида ҳам тилга олади у, атиги бир неча дақиқадан сўнг. Бунинг учун ҳозир манави тўрт қаватли гиштин бионинг йўлагига кириб, эгри-бугри зиналардан сўнги қаватга кўтарилиб, эшигига ўттиз бир рақами зарб этилмиш уйга рўпара бўлса — бас. Эшикдан чап томондаги «хуштакбоз» кўнғирок мурватини манавиндай, ҳа, ҳа, айнан манави-индай — узо-ок акс садо берадиган қилиб бурайди ва...

Эшик ғирчиллаб очилиб, остонада эгнига одми пуштигул қўйлак қийган хушрўйгина аёл кўринди.

— Мен... ҳалиги... — дея қўловлиб қолди у дафъатан. Сўнг бирдан ўзининг айни пайт ким экани эсига тушдию оғзи қулоғига етиб, ёйилиб илжайди: — Янги йилингиз билан!

— Вой-й, Қорбобо, — деди аёл ўзини йўқотиб. Қўйлагининг ёқасини ушлаб, бир зум нима қиларини билмай эсанкираб турди-да, сўнг уни ичкарига бошлади: — Кираверинг, Қорбобо, тортинманг! Зарин, қара, ким келди!

— Ки-им? — деган қўнғирокдек жарангдор овоз эшитилди ичкаридан.

Йигитнинг дили бир орзикиб кетди.

— Хозир кўрасан, — деди аёл ва ўнг қўлдаги очик эшикнинг тушириғлик пардасини охиста кўтарди. — Мархамат, кираверинг!

Зиёдиннинг кўз ўнгида туйқус бош-адоғи йўқ ке-енг шаффоф яланглик, яланглик бағрида эса... чиройли киприкларини пирпиратганча лол котиб турган бошдан-оёқ оқ харирга бурканмиш таниш чехра намоён бўлди...

— Бу — синглим Зарнигор! — деган овоз уни ўзига келтирди. — Кириг, кираверинг! Қани, қопчиғингизни мана бу ерга қўйинг-чи, — дея аёл уни байрамона тузатиғлик дастурхонга бошлади.

— Ха-я... Мана бу ёққа, тўрига чиқинг, — дея мулозамат кўрсатди киз ҳам ўзига келиб. Чамаси, у хануз кўзларига ишонолмас эди.

— Зарин, мехмонга чой қўйиб узат. Қорбобо, тортинмай, манави нарсалардан олиб ўтиринг. Мен хозир, — дея жаз-буз овозлар кулоққа чалинаётган қўшни хона томон йўналди аёл.

Орага жимлик чўкди.

— Қиш бу йил... анча яхши келди, — деди Қорбобо бироз ўтгач дастурхон попугини ўйнаб.

— Кимга қандай, — дея тилга кирди киз ҳам. — Сизга... энди... албатта... Сиз олинг, тортинманг. Юриб чарчаган чиқарсиз.

— Йўқ... Тўғри шу ёққа келяпман ўзи.

— А? — дея тўлтираб қаради унга киз. — Унда... вақтингиз ҳам тўғиз бўлса керак?

— Нега энди... Янги йилни шу ерда кутиб олишим мумкин, — деди Қорбобо ва хиёл ўгирилиб, қапгири эринибгина уёқдан буёққа бориб келаётган девордаги осма соатга кўз ташлади. — Бешта кам ўн... Хеч қанча қолмабди-ку ўзи.

— Вой, қандоқ яхши! — дея ҳаяжонланиб ўрнидан туриб кетди киз. Сўнг жаз-буз товушлар сира тинай демаётган қўшни хонага қараб овоз берди: — Опа. Эшитдингизми, Қорбобо Янги йилни биз билан кутарканлар!..

Шу дам эшик қўнғирогининг чўзиқ хуштаги эшитилди уларнинг суҳбати бўлинди.

Эшик шарақлаб очилиб, йўлакдан гўнғир-гўнғир овозлар кулоққа чалинди. Сўнг хона эшигининг пардаси илкис кўтарилди...

Қорбобо кўзлари ҳайратдан ола-кула бўлиб, ўрнидан туриб кетди.

Остонада... қўлида бир даста атиргул... шошганидан нафаси бўғзига тикилгудек хансираб... Едгор илжайиб турарди!

— Едгор ака! — дея дастурхонни айланиб ўтиб, у томон ошиқди киз. — Овора бўлиб нима қилардингиз, — дея ўпкаланган бўлди йигитнинг қўлидан гулларни оларкан. Сўнг хона тўрида қакқайиб турган Қорбобого уни таништирди: — Бу киши — дўстим!

— Едгор, — деди йигит ва жилмайиб бориб унга қўл узатди.

— Қорбобо... — дея эшитилар-эшитилмас мингирлади у йигитнинг таниш тафтли қафтини сикаркан.

— Қани, ўтира қолинглар энди, хозир овқатни сузаман, — деди кизнинг опаси ичкарига бош суқиб.

Зарнигор охиста келиб аввал Қорбобонинг, сўнг Едгорнинг олдидаги таомли ликобларни четга сурди, тортилажак овқат учун жой ҳозирлади. Едгор эса дастурхондаги иккита шампан виносидан бирини очиб, қадахларга қўйди.

— Қани, Қорбобо, бир нарса деб юборасиз-да, энди, — деди овқат тортилиб, жамоат жам бўлгач.

— Мен... мен... Майлими, кейин? — деди Қорбобо негадир ранг-кути ўзгариб.

Едгор хонадон бекаси томон ўгирилди.

— Ешлардан бўла қолсин, — деди у ҳам шўх табасум билан.

— Ўзимиз ташаббус кўрсатмасак, овқат совиб қолдиганга ўхшайди-ку?! — дея Зарнигорга кулиб қаради йигит.

Қиз аста қадахни қўлига олди.

— Мен... бу қадахни шу ердагиларнинг барчасининг сихат-саломатлиги учун кўтармоқчиман, — деб гап бошлади у. — Шунингдек... яна бир кишининг сихат-саломатлиги учун ҳам. Дўстимнинг... Билмадим, қаерда қутяпти экан у Янги йилни... Истардимки, шу одам ҳам бу ердагиларнинг барчаси каби доимо соғ-саломат бўлсин!..

— Қўшимча қиламан хўп? — дея қадахини ушлаб, жойидан кўзгалди Едгор. — Мен ҳам бир ошнам учун ичмоқчиман шу қадахни. Ҳойнаҳой, хозир у ёлғиз ўзи кутиб оляпти Янги йилни... Шу дўстимнинг, сизинг, Қорбобо, сизинг, Зарифа опа ва сизинг, Зарнигор — ҳамма-хаммаларингизнинг соғлигингиз учун!..

Овқат ейилгач, хонадон бекаси идиш-товокларни йиғиштириб, яна ошхона сари йўналди.

— Зарин... — деди Едгор кизнинг қўлидан ушлаб, аёл чиқиб кетгач. — Биласизми... сизга анчадан бери бир гапни айтолмай юрибман.

Қизнинг лабларига табассум инди.

— Қизик, қанақа гап экан у?

— Зарнигор... — дея кизнинг қафтини қўйиб юбормай, бир зум ерга қараб турди-да, туйқус нигоҳини унинг кўзларига қадади Едгор. — Агар сизга совчи юборсам, нима деб жавоб қилган бўлардингиз?

Қўлини шартта тортиб олиб, кўзларини ерга қадади киз.

— Билмадим... — деди нигоҳи билан ер қизиб. — Опамлар... кейин... Қорбобо нима деркинлар бунга...

Едгорнинг юзида севинч ўти порлади.

— Зарин! Зарнигор!.. — деди энтикиб. Сўнг ўтинч билан Қорбобого термулди: — Бобожон, бизга оқ фотиҳа беринг!

— Мен... мен... Ахир... — дея қаловланди Қорбобо, овози негадир титраб чиқди. Бирпас шу тахлит ғалати довдираб тургач: — Бахтли бўлинглар... — деди-да, нигоҳини четга олиб кочди.

Шаффоф яланглик узра туйқус чакин чакнаб, бўрон гувиллагандек бўлди гўё!..

Едгор, қувончдан боши осмонда, кизни даст кўтариб, шодон қийкирганча хона бўйлаб айлантира кетди.

Шунинг устига эшик пардаси кўтарилиб, остонада қўлида иккита ликобчада норин ушлаган хонадон бекаси пайдо бўлди. У бир зум нима тўполонлигига ақли етмай, ҳайрон тикилиб турди-да, сўнг бирдан жилмайиб, хандон отганча Едгору Зарнигорларга қўшилиб кетди. Қий-чув, тўполон...

Қорбобонинг миждаларига эса ҳатто ёш қалқиб, пахтаван соқол-мўйловини ювиб туша бошлади. Ҳамма буни севинч кўзёшига йўйди. Ахир, «Хар Янги йил қорбобо уйма-уй юриб, одамларга бахт улашади»-ку?! Шундай бўлгач, ҳаммадан ортик у севинмоғи керак-да!

ЖАЛОЛЫ ДАДИ

Яқин ўтмишдан (ми?) нақл (ми?)

Х

оҳ ишонинг, хоҳ ишонманг — бугун унинг пахтасини ўғирлаб кетишди. Ҳа, шип-шийдам килиб кетишди, бутунлай бесўрок, бекитиқча!..

Минг машаққат-ла кун бўйи терган пахтаси эди-я, териб бир ерга йиққунча нақд белидан айрилаёзганди. Энди эса йўқ у; пахтаси ўрнида этаги билан алмисокдан колган йиртиқ камзули тупрокка қоришиб ётибди, холос...

У бўёғи кўчиб, пайраҳаси «ажидеб» деб колган полда омонатгина турган йиғма каравотга беҳол чўзилди. Кўзи олдидан кечаги воқеалар лип-лип ўта бошлади: чет-чегараси кўринмайдиган бийдек дала, одамни юз-кўзи демай беаёв куйдираётган қитмир офтоб, чарқокданми ё исикнинг зўриданми, ғайритабиий буришган хорғин чехралар, ўтинча тўла нигоҳини қадаганча мўлтирабгина тикилиб турган офтобдек кўзга исик киз. Кейин... тамаки тутунига тўла дим хона, захарханда табассум билан хар битта сўзига ургу бериб гапирётган «ибн Хитоб» — риёзиёт муаллими Дўрмонов, истехзога мўйил қимтилган лаблар: «Қиз боладан ҳам хароб экансиз-ку, ука?!»

У истар-истамай сўнги ҳолатнинг бугун ҳам такрорланиши муқаррар эканини тан олди. Тан олишга тан олди-ю, бирдан юраги оркасига тортиб кетди. Гўё икки елкасига кирк ботмонли дев миниб олиб, Саҳрои Кабир оша чоптириб келгандек, аъзойи баданида галати бир ташналик сезди. Чап кўкрагини кирк ботмонли девнинг тирноқларига ўхшаш ўткир бир нарса зўр бериб тирнай бошлади. У ҳеч нарсани эсламасликка, ҳеч нарса ҳақида ўйламасликка тиришиб, бошини ёстик билан кўрпа орасига олди...

Ҳа-я, дарвоқе, кеча нима бўлган эди ўзи?

Йўқ, ундан ҳам илгарирок — ўтган куни-чи?

Ўтган куни...

...Уни кузатмоққа бор қариндош-уруғлар йиғилишди: тоғаси, холаси, амма-амакилари, тоғаваччаю холаваччалари, ота-онасининг ҳамкасабалари, ошна-оғайнилари, таниш-билишлар... Келганларнинг айримини у хат-то танимади ҳам.

Йиғилганлари ҳамон тузукрок хешлашмасдан, болачакаю куда-андаларнинг соғлиғини суриштирмасдан узоқ-яқин хотираларга берилиб кетишди улар. Аввал йирик талабалик йиллари, ёшлик завқи кўпириб турган кувноқ чехралару бир тукига ҳам ҳали киров ораламаган саватдек-саватдек сочлар обдон ёдга олинди, сўнг эса шўх-шан давралар, оқ-ойдин кечалар, дала четигади гулханларга навбат берилди. Бир жуфт

этикни кучоклаганча машина олдида хит бўлиб турган йиғин гунохқорига кўзлари тушгачгина хотирот сандиғи ёпилиб, хайрлашув маросими бошланди.

Кузатувга келганларнинг хар биттаси билан алоҳида-алоҳида хайрлашиб чиққунча икки юзи шигил етилган олчадек кизариб, баданини сув тер босиб кетди. Кузатувчилар курук «ок йўл» билан каноатланмай, бир чеккага тортиб ўз билганларича маслаҳат ҳам берган бўлишди унга. Бириси у деди, бириси бу деди; кўпчилигининг гапи, худди келишиб олишгандек, бир жойдан чиқди: «Энди, жиян (оғайни, ука), са-ал ним-жонроксиз, у ер лагер-пагер ёки катта холагизнинг чорбоғи эмас, ўзингизни ҳадеб ўтга-чўкка уравермай, мундоқ соғлиғингизни ўйлаб иш тутинг — давлатти плани сиз терган ўша тўрт қило пахтасиз ҳам тўлиб қолар...»

Бу асно маслаҳатларни эшитавериш меъдасига текканиданми, унинг нафсонияти оғригандек бўлди пича, лекин дилидагини тилига чиқармади; хар нечук, бегона эмас, жигар ҳаммаси — ёмон кўрганларидан гапиришмаётгандир...

Кутилганидек, жўнаш олдидан йиғи-сиғи ҳам бўлди. Ҳаммадан бурун ойиси кўзига ёш олди; бир ой бурун, унинг кузги имтиҳонларни амал-тақал килиб топширгани ҳақидаги хушхабарни эшитганидаги каби, бўйнига осилиб, юз-кўзи аралаш пешонасидан ўпди: «Жалолиддин, ўғлим, сениз нима қиламан-а, энди?!»

Бирин-сирин, қўлларига рўмолча, опаси билан сингиллари ҳам жўр бўлишди унга. Хурсандликларидан, албатта. Бўлмасам-чи, икки ойгача кўрадиган киноларини кўриб, ўқийдиган китобларини ўқиб олишади — кетларидан пойлайдиган айғокчи йўқ энди!..

Хуллас, кузатувга келганларнинг бари ўзича бир нима деди, оғиз очмаган одам қолмади, ҳисоб. Фақат дадаси, дадажонисигина ҳеч нарса демади, рўмолчасини ҳўл килиб кўзёши тўккани ҳам йўқ: кўзойнаги ортидан алланечук ташвиноқ тикилиб, худди бир нима демоқчидек, гапида ниманидир алоҳида таъкидламоқчидек, бир-икки бош силкиб қўйди, холос...

Оила улуғи, ўзининг айтишича, бақаҳовузлик Қобил бобонинг яккаю ягона ола ҳўкизи ўғирланган йили таваллуд толган бувининг узундан-узун фотиҳасидан сўнг, ниҳоят, уловларга чиқишга руҳсат бўлди. Кузатувчилар кўплашиб автобусга юкларни таший бошлади-лар. Бутун бошли бир автобус юкхонаси фақат унинг буюмлари билан тўлди ҳисоб: чет элда ишланган, мурвати буралса — бас, ўзи очилиб, яна ўзи ёпиладиган буклама каравот, ёмғир ўтказмайдиган ҳайхотдай сайёҳлар чодири, деярли уч ойга етадиган озик-овқат, қордек ок мато билан жилдланган юмшоқ кўрпа-ёстиклар...

Буни кўриб яна фиғони фалакка ўрлади унинг. Қани энди ер ёрила қолса у кириб кетса! Назарида, бир ҳовучга аранг жо бўладиган юклари устида ялпайиб ўтирган синфдошлари уни бармоқлари билан кўрсатиб, қотиб-қотиб қулишаётгандек туюлди. Аллақачон бирор-та лақаб ёпиштиришга ҳам улгуришгандир ҳали, «ойисининг эркаси» ёки «аммасининг бузоғи» деган?!

Аммо бу сафар ҳам тамаки ва упа-элик нуқси уриб қолган юзини кафтлари билан артганча жаҳлини ичига ютди: агар «пак» этиб ёрилиб қолгудек бўлса ҳозир, яна ойисининг кўнгли бузилади, ана кейин «Кўзёши» аталмиш денгизда бемадол чўмлавер!..

Ахийри инқиллаб-синқиллаб йўлга тушди уловлар қарвони. Гала-ғовур ва хижолатпазликка тўла шаҳар ортада қолди ниҳоят.

Манзилга етгунча ашулани ватаванг кўйиб кетишди ўқитувчиларнинг қулоғини батанг қилиб. Манзилга етгунча у ўзининг ажойиб мактабдошлари борлигига, тўққиз йил ўқиб ҳам ҳали уларни бир тузук таниб олмаганлиги ва ўзига ҳеч қанақа лақаб ёпиштирилмаганлигига қалима келтириб кетди. Буни қаранг-а, силқитилса дув-в этиб киз тўкиладиган сеҳрли дарахт шундоқ қўл узатса етгудек жойда экан-у, у нодон, у гўл билмай юрган экан!..

Манзилга етгач... ўзларига ажратилмиш ётоқ — бир қаватли қишлоқ мактаби спорт залидаги икки қарич чангни кўриб, ҳаммининг таъби тиррик бўлди. Қамида «Оқ олтин» меҳмонхонасида қутиб олишади, деб ўйлашган эди — зилдек жомадонини қаерга кўйишини билмай, пойгакда довлдираб турган синфбошига саволмуз тикилиб қолишди. У ҳам, амалим туфайли меҳмонхонанинг энг аъло бўлмаси ўзимга тегади, деб хаёл қилган чоғи, жомадонининг оғирлигидан бир томонга майишганча елка қисди.

Тарвузлари кўлтиқларидан тушиб, нима қиларларини билмай гарангсиб туриб қолишди. Дарров аллақадан пайдо бўла қолган бир-иккита тили ботирлар мактаб директориغا арз қиламиз, лозим бўлса, штаб бошлигининг хузуригача борамиз, дея ҳезланиб, ғалва кўтаргани чиқиб кетишди. Аммо зум ўтмай, кўлларига латта билан биттадан пачок челақда сув, мушукдек ювош тортиб қайтиб келишди: мактаб директорининг қорни оғриб қолганимиш тўсатдан; штаб эса тулқанини тагида... Ошқозони ҳаста кишининг ҳам иштаҳасини оғиб юборадиган иш бошланиб кетди-ку!

Пича ўтиб челагидаги ифлос сувни алмаштиргани ҳовлига чиққан бола шу ерлик чурвақалардан ажойиб хушxabар эшитиб келиб, бутун «ётоқ»ка жар солди: «Хо-ой, одамлару одамлар, боғда битган бодомлар! Эшитмадим деманглар-эй! Охири марта бу ерда пилла курти боқилган экан!..»

Жалолитдинимизнинг қулоғига бу қайси бир хайвону хашоратлар ҳақидаги илмий кўрсатувда кўргани — чакса, одамни ярим дақиқадаёқ асфаласофининг жўната қоладиган қоракурт каби хунук ва даҳшатли эшитилиб, этини алланечук жунжиқтириб юборди. Кафти билан деворга тираниб турган эди — чўчиб ўзини ундан нари олди. Анча пайтгача юраги нотекис тепиб, чакка томирлари асабий лўқиллаб турди. Ақли ойнадек ярақлаб қолган пол билан деярли аввалги ангорига қайтган дераза кўзларига бовар қилгачгина кўнгли бироз равшан тортгандек бўлди. Кечга бориб эса ҳамма ўйин қулгию кизларга ҳушодам қилишга андармон бўлиб, ётоқ можароси оз эса-да унутилди.

Эртасига сахарлаб дала томон йўл олишди.

Йўғ-э, аввал кўзлари нукул: «Нима керак?», деган каби ўйнаб турувчи мактаб омборчиси ҳаммани штаб биноси қошига йнғиб, биттадан этак улашди. Этак йўқо-

тилган ёки яроксиз ҳолга келтирилган тақдирда иш ҳақидан фалон сўму фалон тийин босиб қолиниши ҳақида оғохлантиргач, сўзни мезбонлар томондан келган вақилга берди. Вақил — оқ кийиниб, оқ таранган, тухум бошига соябонли похол қалпоқ кўндирган басавлат киши ҳамма биладиган, лекин унчалик тушунавермайдиган тилда ярим соатча терлаб-пишиб сўзлади. Нутқининг хотимасида бир нима нарса деб хитоб қилди-да, кўрсатқич бармоғини ҳавога нуқиб, хайқалдек қотган кўйи атрофга аланглади. Ҳашарчилардан ҳадеганда садо чиқавермагач, кўлини тушириб, қарсақни ўзи бошлаб бера қолди. Зумда давомли гулдурос қарсақларга тўлди теvarак.

Унинг қадрдон гўшаси, ота-онаси ва меҳрибон қариндош-уруғларидан йироқдаги биринчи қуни шу тарика бошланди.

...Тепадан қайноқ чўл қуёши беаёв ўт пуркайди. Бир томондан ташналик азоби ўртайдди, иккинчи томондан — бел оғриғи... Устига устак, пахтадан вазнесиз нарса йўқ экан-эй оламда! Эгатдан бош кўтармай ўлиб-тирилиб пахта терасан, сўнг терлаб-пишиб «уч денгиз оша» уни хирмонга элтасан — тарози эса, худди махсара қилгандек сени, ўйлаганингдан уч-тўрт баробар кам тош босиб туради-да!..

Қуни билан даладан чиқмади у, эгатлар орасига бикиниб олганча сигарет тутатиб, оламда қалампирли музқаймоқ билан катталиги нақд Бақахувоз лабидаги бахайбат ҳарсангдек келадиган тарвуз бор-йўқлиги хусусида гап сотиб ўтирган синфдошларининг қочирликларига ҳам парво қилмади, ташналик азобиға ҳам, бел оғриғига ҳам тишини тишиға босиб чидади.

Бир пайт нимадир унга соя ташлагандек бўлди... «Офтоб тутилдими? — дея ўйлади. — Қалайгина?.. Ух-х, энди осон кўчади териш!» Эйтибор бермади.

Бир вақт... нафас ростлаш ниятида эгатдан бош кўтариб қараса — рўпарасида, шундоқкина кўл чўзса етгудек жойда қорасоч, қийғочкўз, ширмойюз — ўрта аср мусаввирларининг мўъжизаларидаги малакларга монанд бир гўзал турибди! «Жалолиддин, пахтаңгиздан жичча олсам майлими?», дейди-я, тағин!..

Дафъатан ўзини йўқотиб қўйди у. Тили гапга айланмай, тутилди. Бундан роппа-роса ярим йил муқаддам, илик-иссик баҳор кунларининг бирида синф «малика»си Гуллола билан ёлғиз навбатчиликка қолганидагиға уйкаш сирли бир ҳолатга тушди. Кўзи қизининг бениҳоя ўтинч соя солган чиройли кўзлари билан тўқнаш келдию... бор пахтасини унинг этагига тўққанини билмай қолди.

Бирпасда ғойиб бўлди қизнинг нигоҳидаги махзун ифода, лабларига беозоргина табассум ёйилди. Севинчдан қоронғи осмондаги ёлғиз юлдуздек ёниб, бир муддат миннатдор тикилиб турди-да унга, этагини кўтариб хирмон томон йўналди...

У, худди сеҳрланган каби, анча пайтгача кўзини узоқламади қиздан. Қим бўлди у? Исми-чи, номи нима? Илгари қаерда учратган эди-я уни?.. Э, бўлди, эсига тушди: мактабда! Бўлак қаерда ҳам бўларди. Тўғрироғи, мактаб ошхонасида. Деярли ҳар қуни кўзи тушарди, доим бир-иккита дугонаси билан ширинкулча еб, сут ичиб қулишиб турган бўларди у. Беш-олти марта кўзи тушган унга яна, фақат ошхонада эмас, ҳовли ёки йўлакда — у ёқдан бу ёққа тентираганида. Тўхта, тўхта, ўнинчи «Б»даги Гулнора эмасми бу? Ҳа-я, қуйиб қўйгандек ўшанинг ўзи. Юзлари — ўша, кўзлари — ўша, сочлари, қошлари ҳам — ўша. Фақат эгнидаги либоси... Ҳа, дарвоқе, бу ер мактаб ёки «лагер-пагер» эмас-ку, ахир, нима, пахтаға ҳам мактаблик кийимида

келсинми? Вой, аҳмоғ-эй!.. Ҳм-м, демак, Гулнора... Аммо нега у бунақа пахта сўраб юрибди? Майли, сўрасин, бу ўзининг иши, лекин нега келиб-келиб айнан ундан сўрайди, а? Ахир, далада пахта тераётган битта уми? Йў-ўк, бу ерда бир гап бор! Бир гап бўлмай иложи йў-ўк бу ерда!..

Нахот... нахот яхши кўриб қолган бўлса? Балки севиб қолишга ҳам улгургандир-а хали? Йўғ-э? Бўлиши мумкин эмас! Йўк, йўк!..

Ха... шундай-ку-я. Лекин... тузукрок ўйлаб кўрилса... бўлиши мумкин. Нима, бошқалардан бирор кам жойи бор экани унинг? Замондош қаби ҳар хил шампундан бўшаган шишаларни йиғмаса ҳам, Олимга ўхшаб мактаб илм-фанини кўша-қўша ихтирочилик таклифлари билан бойитмаган бўлса ҳам, ҳарнечук, обрўси жойида, муаллимлар исм-шарифини Олим ёки Замондош исм-шарифидан кам тилга олишмайди: «Фалончиев!» — «Ҳа?!» — «Бор, дадангни чақир»; «Фалончиев!» — «Ҳа?!» — «Бор, оингни чақир»; «Фалончиев!» — «Ҳа?!» — «Қачон одам бўласан-а?..»

Кейин ҳамма ихтирочилик таклифи киритиб, шампундан бўшаган шишаларни йиғавериши ҳам ҳеч бир тамойилга тўғри эмас. Агар дуч келган одам шампундан бўшаган шишаларни йиғиб, ихтирочилик таклифлари киритаверса, унда бу ишларни кўриб ким хайратланади, ким қарсақ чалиб олқишлайди?!

Агар... агар қиз уни чиндан ҳам... м-м-м... Унда... унда албатта тагин келади. Ке-ла-ди-и-и-и!..

Шу қаби ҳатто чапани ҳавойини ҳам бир зумда жиллаб, ҳалимдаккина қилиб кўювчи тотли хаёллар кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди унинг. «Келади! Кели-иб...», деган умидда худди мурвати бураб кўйилган темир қўғирчоқдек жон-жаҳди билан пахта тернишга тушди, келиб қолади деб ҳатто тушликка ҳам чиқмади. Ва қиз... келди! Яна бир эмас, бир неча қарра!..

Ҳар ташрифида аввал жон олгувчи бир табассум ҳада эгати темир қўғирчоққа, сўнг охиста энгашиб, у териб, тахт қилиб кўйган пахтани олади-да, қўғирчоқнинг аввалгига нисбатан андак тоб ташлаган мурватини охиригача бураб — сошлаб, келган томонига қараб жўнайди. «Темир қўғирчоқ» эса бир дақикани ҳам бой бермасликка тиришиб, дарҳол эгатга мук тушади — қизнинг кетидан тикилиб, ширин хаёлларга берилмоққа ортик вақти йўк унинг, иложи борича кўпроқ пахта термоғи лозим, гўё оз терса қиз жаҳл қилиб мурватини бурамай кўяди-ю, у, беҳол, беқувват, бийдек далада якка-ёлғиз қолиб кетади...

Хуллас, у килди, бу килди — кун бўйи териб топширгани ўша эрталабки олти кило пахта бўлди. Бундан дилига андак хижолат оралади-ю, аммо шу захотиёк нари хайдади уни: «Шундай қизнинг ишқи тушган бўлса-ю, сен қаёқдаги нарсаларни ўйлаб, майдакашлик қилиб ўтирсанг-а. Тўнка!..»

Лекин... унинг дилига росмана хижилликни тўрт буклаб солиб кўйган воқеа кечкурун содир бўлди.

Баайни кўхна «қулаётган минора»дек бир томонга қийшайиб қолган ховли ўртасидаги симёғоч ёнида учтўрта синфдош қизни гапга тутиб, «Бақаховуз ҳақиқати»дан ўқиб олган латифалари билан ичакларини узиб турган эди уларнинг. Қизлар биров эшитса лабининг чети ҳам эшилмайдиган бу латифаларга қотиб-қотиб қулишаётганидан унинг ўзи ҳам бениҳоя шод эди, хандон эди. Оғзи гапда-ю, ҳар замон-ҳар замон, Гулнора мени изламаяптимикиан, деган илинжда (ахир, энг аввало у эшитиши, қотиб-қотиб қулиши лозим эмасми бу латифаларга?) ўнинчи «Б» қизлари тўдаланиб турган томонга ўғринча қараб-қараб кўяди.

Бир маҳал гапдан гап чикдию ҳар хил тахмин ва

бедалил гумонлар оша ўз-ўзидан: «Қим қанча терди бугун?»га келиб такалди.

— Вой-й, қизлар, мен бир нарса кўрдим, эшитсанглар ваабше оғизларинг очилиб қолади! — деди Жиян атрофга олазарақ боқиб. — Ўнинчи «Б»даги ҳалиги қиз бор-ку, доим пешонасидаги сочини қирқиб, қуя егандек ингичка қошларини кўз-кўз қилиб юрадиган, ҳа, ўша — Гулнора, бугун мундоқ қарасам жуда беспокойний, у ёқдан бу ёққа тинмай юргани-юрган, нимага экан деб секин кетидан тушсам, бир сиким ҳам пахта тераётгани йўк, дам у боланинг ёнига йўргалайди, дам бу боланинг... Ҳайрон бўлдим. Кейин яхшилаб хидини олсам, во-ой, пахтасини талаб юрган экан ҳаманинг!..

— Мен ҳам эшитдим, сен эмас битта! — деб илиб кетди Дугона. — Роса болаганмиш-ку Гулнор боллани. Биззи сўтакларимизни-ку, ҳеч сўрама! Менга буни ўнинчи «В»да ўқийдиган энг яқин дугонам шипшиди. У буни ўнинчи «Б»даги ўзининг энг яқин дугонасида энтибди. Унга бўлса буни ўша Гулноранинг энг яқин дугонаси етказибди.

— Айтдим-а ўзим ҳам, нега болалар кўринмай қолиши хирмонда, деб! — дея лаби лабига тегмай бидирлай кетди Жиян. — Лекин болабди-да ўзиям! Етказиш керак бошқаларга ҳам буни дарров! Кўплашиб бир қулайликки сўтакларимизнинг устидан!..

Жалолдиннинг бошига биров тоғдек гурзи билан туширгандек бўлди-ку гўё! Чакка томирлари дўқиллаб ура кетди, оёқларидан мадор қочди. Йикилиб тушмаслик учун орқасидаги симёғочга беҳол суяниб қолди.

Марҳамат, ҳавас қил кўриб! Ўзиям, туғилганидан бу ёнига ҳеч ким Гулнорачалик яхши кўрмаган бўлса кераг-ов сени. Ҳа, ҳа, Гулнорачалик!..

— Менга қара, Жалол, — деб қолди бирдан Дугона. — Боя сенинг олдингдаям ўралашаётгандек бўлудими Гулнор ўлгур?

— А-а?! — У дафъатанда ҳеч нарсани англамади. Дугонанинг саволи миясини қават-қаватигача забт этгачгина зўрма-зўраки илжайиб, жавобга оғиз жуфтлади: — Ҳа-а, уми... Йўк, шундай... Х-хирмонга нечанчи трамвай боришини суриштираётган эди...

— Ҳа-а-а. Шундай дегди-и-и.

Шу пайт қимдир шимининг почасидан торгандек бўлди унинг. Хануз қизларнинг етти ухлаб тушига қирмаган «тухфа»си таъсирида эди — чўчиб оёғи остига қаради. Чўнкайган кўйи узун йиғма қизғич билан алламбалони ўлчаётган Олимга кўзи тушди.

— Оёғингни кўтар, — деди у қуш бурни билан ер қизиб. — Иккаловиниям! Ҳа, ана. Ҳм, демак... бирр, биру ўн, биру йигирма-а... — У шу сўзларни айтиб аста бошини кўтарди. Кўзойнагини қўлига олиб тева-рақдагиларга бир неча сония қувонч билан, кўзининг ёшини милтиллатиб тикилиб турди-да, хирқирок товушда деди: — Бир метру йигирма сантиметр!.. Ахир бу... ахир бу Пиза минорасининг оғиш бурчагига тенг-ку!!!

У буни деярли шивирлаб айтди. Лекин ховлига чўккан таърифлаб бўлмас сукунат сабаб бу шивир баайни хитобдек янгради ва анчага довор акс садо бериб, жаранглаб турди. Шовкинни эшитиб ҳатто уйкуга ётганлар ҳам сарпойчан, қарахт югуриб чиқишди. Бир зумда Олимни қуршаб олди ҳамма. Ҳозиргина Жалолдинимизни саволга тутиб, жавобига ишонқирамай-роқ турган қизлар ҳам Олимнинг кашфиётига алағда бўлиб, уни тамоман унуттишди.

Жалолдин бўлса худди ёғин-сочинда қолиб қетган, эгаси унутган дала кўрикчисидек, бошини ҳам қилганча шумшайиб ҳовли ўртасида туриб қолди...

Қанча турди шу асно — билмайди, бир маҳал кимнингдир қаттиқ турткисидан ўзига келиб, бошини кўтарганида Олим еру осмон ўртасида парвоз этар, шундоққина қулоғи тагида эса зил-замбил жомадонини ахйири қаёққадир жойлаган тили чучук синфбоши куйиб-пишиб фиғон чекмоқда эди:

— ...нима бўлди сенга? Хой, сенга гапирман мен?! Қағ-пағмисан, нима бало?! Қани, бўла қол, штабга чақиршияпти, биғғов қиғиб чиқағмишсан. А? Нима ишлағи боғ? Мен қаёқдан билай! Биғғов ишлағи боғдиғки, чақигишган. Бекоғга чақигишмас, ахиг. Сендан ақлиғоқ одамлағ ўтиғишибди-ку у еғда. Гапни кўпайтиғма яхшиси. Қани, боға қол энди!..

Қарахликдан халос этган синфбошига ичида раҳматлар айтиб, ҳовли четида қорайиб турган штаб биноси томон йўналди.

Ичкарига қадам кўйгани ҳамон кўзи тўрда кўр тўкиб ўтирган ибн Хитобга тушди. Ўша, ўкув йили бошида ишга келган ва илк сабоқдан кейиноқ кўпчилик овоз билан «ибн Хитоб» деган номга лойиқ топилган риёзиёт муаллими Дўрмоновга. Баайни адабиёт дарслиғидаги Кўқон хони дейсиз. Эғнида — столда сирғалаверганидан еңглари ойна тус олган қора костюм, бўйнида — боғи Алпомишнинг муштидек йўғон қилиб тугилган хол-хол бўйинбоғ, оғзида — янги тутатилган сигарет, оёқларини чалиштирганча шундоққина пойгакда амрига мунтазир ўтирган миғзаси Сайфи ибн Мансурга буюрмоқда: «Фармони олий. Буюраман: шу асрининг шу йил, шу ой, шу кун ва шу соатидан бир дақиқа кечиктирилмай амлоқимиздаги жамики кўшинлар дорилбақодан черик тортиб чикмиш Чинғиз лашкарлари устига ташлансин. Еғийга ўлим! Душманлар хароб, мунофиқлар бетоб ўлсин! Хон амри...»

«...вожиб!», демоққа, афсуски, улғурмади. Айни шу сўзни айтмоққа оғиз жуфтлаб, салобату маҳобат-ла биғиз учли асосини ҳаволатганида... бирдан кўзи тушиб қолди-ку унга. «Саломинг қани, ит ули!», деб қичқириб юбормади, йўқ — худди харамига келтирилмиш янги қанизакни кўрган каби хушмуомалалик билан илжайиб, мулозамат кўрсатди:

— Ҳа, нега тик турибсиз? Марҳамат, келинг, ўтиринг! — Сўнг Сайфига қараб: — Сиз давом эттираве-ринг, бемалол, — дея кўрсатма берган бўлди-да, яна ўтирилди унга. — Ҳа, бу жуда хурсанд кўринасиз, тугилган-пугилган кунингизми дейман-а, бугун?

Шундагина хануз куйдирган қалладек лаб-лунжини йнғиштиролмаб турганини сезди у. Сездею ўнғайсизланиб ерга қаради.

— Нега энди... — деди нигоҳи билан ер чизиб. — Чақиртирган экансиз-ку, шунга...

— Ие, қизик-ку? — деди ибн Хитоб кўз олдини чулғамиш қуюқ тутун пардасини худди пашша кўриган каби қўли билан тўзғитиб. — Чақиртирган бўлсам албатта илжайиш керак экан-да?

— Нега энди илжаймаслик керак экан? Қулги умрни узайтиради. Мен эсам ҳали кўп яшамоқчиман.

— Ростдан-а? — Ибн Хитобнинг лабларига истехзо қўнди.

— Ҳа-а! — Жалолиддин ҳам бўш келмади.

Чидаёлмади, пов этиб энди ибн Хитоб:

— Э, менга десангиз минг йил яшамайсизми! Лекин пайти, меъёри бор-да ҳар нарсанинг. Худа-беҳудага қулавераркан-да одам деган?! Шахсан мен айни дамда қулишни маслаҳат бермасдим сизга!

Бирдан шайтонлиғи тутиб кетди-ку унинг:

— Раҳмат маслаҳатингиз учун, — деди-ку кўзини лўқ қилиб, — ўйлаб кўрар...

— Ўв, менга қаранг, йигитча, сиз Совет — Америка

музокараларида эмассиз! — деди баттар тутакиб ибн Хитоб. — Нега чақиртирганми биласизми ўзи?

Жалолиддин ҳам истехзоли илжайди:

— Қаёқдан билай, бу тўғрида ҳали оғиз ҳам очмаган бўлсангиз...

— Бо, худо!.. — Ибн Хитоб жаҳл билан тиззасини шаппатилади.

— Ие, домла, худо йўқ эди-ку? — деб дарров илиб кета қолди у ҳам. — Эсингиздан чиқибди, шекилли!..

Ибн Хитоб пуф деса учиб кетадиган бир чурвақадан кутмаган экан чоғи бундаин даҳрийликни, анор суви-дек кип-қизариб кетди. Кафтини столга тираганча ўрнидан даст туриб, ғазаб отига минди.

— Мен сиздан шуну сўрадимми? Сўрадимми, а? — дея отни шигалаб қамчилади у. — Агар жуда билимингиз ошиб-тошиб қолган бўлса, шошилманг, оғзини аждарходек очиб Давлат имтиҳонлари турибди. Ана ўшанда кўрамиз қанақа аллома эканингни! Ҳозир бўлса, кўп маҳмаданагарчилик қилавермай, ўз вази-фангизни билинг. Эшитдингиз-а? Ўз вазифангизни!

Кун бўйи бел букиб ишлаб, яна маломатга қолаётгани алам қилди унга.

— Вазифамни билмай нима қилибман? — деб тўнғиллади, лекин овози ўзи ҳам қутмаган ҳолда чийил-даб чикди.

Ибн Хитобнинг коксуяк юзи масхараомуз тиришди.

— Мана, марҳамат қилиб кўриб кўйинг, вазифангизни қайтарзда уддалаётганингни! — деб беш-олти саҳифаси қораланган қалин бир дафтарни ташлади унинг олдига. Сўнг худди рақибининг курагини барвакт ерга ишкаган курашчидек қўлларини ҳавога сермаб, гапиришда давом этди: — Олти кило, олти кило-я! Одамда сал инсоф деган нарсаям бўлиши керак-да, е! Яна шундан кейин ҳам оғзингизни тўлдириб ўз вазифамни биламан, дейишга ҳаддингиз сиққанини-чи! Қиз бола-дан ҳам хароб экансиз-ку, ука! Хайф-э! Ҳатто қизлар ҳам кам деганда уч-тўрт баравар кўп терган-э сиздан.. Мана, мисол учун... Ҳах, ҳалиги ударник кизимизнинг исм-шарифлари нима эди?

— Фалончиева.

— Ҳа, Фалончиева Гулнораҳон. Ана у кизимизни вазифасига тўла масъулият билан ёндошган десак бўлади. Қизбола боши билан салкам йигирма баравар кўп терибди-я сиздан! Ана маҳорату ана жасорат! Мана, кимга тенглашмоқ керак!..

Қанча уринмасин, ўзини тутиб туролмади Жалолиддин — кафти билан хиёл юзини тўсиб, беихтиёр жилмайди.

— Нега қуляписиз тағин? — деди ибн Хитоб тутакиб. — Қанақа телса тебранмас боласиз-а, ўзи? Тавба! Қулиш эмас, йнғлаш керак, йнғлаш!

У хаҳолаб юбормаслик учун ерга қаради:

— Ўзим, шундоқ... Бир латиға эсимга тушиб кетди. Жуда антиқа латиға. Биласизми, битта склероз...

— Йўқ, билмайман! Билишни ҳам истамайман!.. — дея тап этиб жойига ўтирди ибн Хитоб. — Латиғани хў-ўв уйга борганда ота-онангизга айтасиз!... Ҳа, дарвоқе, йигитча, у қулоғингизга, бу қулоғингизга яхши-лаб куйиб олинг: яна такрорланадиган бўлса бугунги аҳвол, пачақилашиб ўтирмай, тўғри отангиз билан онангизнинг иш жойларига ёзамиз. Қандай ўғил ўстиришаётганини у ердагилар ҳам бир билиб кўйишин. Гап тамом!..

Жалолиддин, ибн Хитоб уни қайнаб турган дош-қозонга ташлашни амр этмаганига ҳам шукр қилиб, хонадан чикди.

Алламаҳалгача уйку инмади кўзига. Алламаҳалгача ўй суриб, ҳаммани бўралаб сўкиб ётди. Мактабини

ўйлади, синфдошларини; беғам-беташвиш мактаб ҳаётини хотирлади, ҳаммаси бир-бир кўз олдидан ўтди ва туйқус... аввал канчалар нодон бўлганликларини тан олди: ахир, нодон бўлмаса Шоир дала шунқорлари ҳақида берилган кўрсатувни кўриб: «*Ҳаммаёқда пахта, пахта ҳаммаёқ, Магазинда тўла, тўла пахта ёғ*», деб шеър битармиди, битса-ку майли, мактабга кўтариб келиб синфдошларидан тортиб, муаллимларгача — ҳаммага овоз чиқариб ўқиб берармиди? Нодон бўлишмаса, улар — салкам ўн йил мактаб остонасини ялаган донолар — Шоирнинг шу шеърига ишониб, етти маҳаллани бузиб қарсақ чалишармиди? Нодон бўлмасалар...

Уша, ташаббус кўрсатиб чиққанлардан ҳам хафа бўлиб кетди: «саксонинчи йиллар корчагинчилари» эмиш, «ёруғ келажак сари кўприк ташлашар»миш! «Суратларнинг газетда чиқади», дейишганда, шунга учиб дарров ярим саҳифани нари-бери қоралаб ташлашган; ҳозир буклама қаравотларида суратлари босилган газетни қучоклаганча беллари зирқираб, юмшоқ кўрпа-ёстиклару устига ошқўк сепилган паловхонтўраларни туш кўриб ётишгандир...

Шуларни ўйлай-ўйлай, буклама қаравотларнинг ғичир-ғичири аллаладими, алламаҳалга бориб кўзи илинди.

Эртасига тонг сахардан енг шимариб ишга киришди. Даланинг одам уруғидан холироқ бир лахтагига бориб танда кўрди, ҳеч нарсага эътибор бермади, тепасида бот-бот пайдо бўлиб турмиш хипчабел, нозикниҳол сояларга-да қайрилиб бокмади, оламда қалампирли музқаймоқ билан Бақаҳовуз лабидаги ҳарсанг-тошдек келадиган тарвуз бор-йўқлиги хусусида хануз бир тўхтамагма келмаган синфдошларининг уни чумолига менгзаб қилган ҳазилларига ҳам жавоб бермади — жоникиб, ихраб-сихраб тераверди пахта, терганини биров илғамайдиган, кўздан панароқ жойга уйиб кўяверди, биратўла кечқурун топшириб қойил қолдиранман ҳаммани, овозини ўчираман анави шумшук ибн Хитобнинг, дея ўйлади, гоҳ хуштак чалиб, гоҳ:

**Олам ичра танҳодирман,
Оҳим сўзлашга ҳолим йўқ... —**

дебон бир вақтлар менсимайгина қабул қилган қўшиқни хиргойиб этиб, пахтасини тераверди — не ажабки, на бели оғриди, на томоғида бир ташналик туйди!

Хуллас, чошгоҳга бориб ён-теграсида бармоққа илинарли тузукроқ пахта қолмади ҳисоб. Даланинг нариги адоғида мук тушиб ишлаётган мактабдошларига разм солган қўйи пича нафасини ростлагач, яна этагини маҳкам қилиб боғлади белига, эгатлар орасига тўқиб қўймиш пахтасига сук билан тикилиб, ширин бир энтикди-да, устига биров кўриб қолмасин учун камзули билан мактаб оғборчисининг кўзини шамғалат қилиб ўғирлаб олган йилт янги этагини ёпиб, хайё-хуйт деб пахтазор оралаб жўнади...

Сал ўтиб, этагини пахтага тўлдириб қайтиб келди. Келди, қаради: камзули турибди, ҳали тутилмаган, йилт янги ўғирлик этаги ҳам жойида, пахтаси эса... йўқ!!!

Устидан биров бир пақир муздай сув қуйиб юборгандек бўлди-ку гўё!

Майли, қуйиб юборсин эди, рози эди у шу тобда бундан бешбаттарига ҳам. Фақат... фақат...

Аъзойи бадани бўшашиб, кўз олди туманлашди. «Биров ҳазиллашган? — деган ўй кечди ҳаёлидан. — Еки қарзга олиб кетган кимдир?..»

Аммо бу яқин тевааракда шубҳаланса арзигули бирон-та қора йўқлигини кўргач... пахтасини бутунлай бесў-

рок, бекитикча олиб кетишганини алам билан тан олди.

«Бутунлай бесўрок, бекитикча — демак... ўғирлаб кетишибди-да?!»

Туйқус каттиқ санчик туйди белида, томоғи қуруқшаб ачишди, оёқ-қўли шалвираб, эгатлар орасига беҳол ўтириб қолди...

* * *

...Душанба... сешанба... чоршанба... Чоршанба... сешанба... ду...

Кунларнинг номлари ҳар хил, аммо барининг мундарижаси қуйиб қўйгандек бир-бирига ўхшаш: муқаддимаси ҳам, ривожу ҳам. Айниқса, хотимаси...

У нафаси қайтиб, юзидаги ёстиқни олиб ташлади. Кўз олди илкис равшан тортиб, аллақандай доиралар пайдо бўлди: бир, икки, уч, тўрт, беш, ол... Улгурмади ҳаммасини санаб чиқишга — доиралар секин-аста хаёлга сизмас улкан гирдобга айланиб, йўқолди кўздан ва зумда унинг ўрнини аллақандай одамзот аксиқоплаб олди. Қим бўлди бу? Сочлари ёзик, лабида табасум — худди ойисидан хўрозқандга пул ундирган каби ишшайиб турибди. Сочлари ёзик... демак, киз бола? Ҳа, ҳа, киз бола! Ие, ахир, Гулнора эмасми бу?! Ҳа, Гулнора! Нима қилиб адашиб юрибди у бу ерда? Тиржайишига бало борми тагин?! Вой, жодугар-эй!

Йўқ, бунақаси кетмайди. Аҳмоқ қилдиларми уни бошлаб, сал бўлмаса бутун мактабга шармандасини чиқарай дедиларми — узр, кўринмасинлар энди кўзига ҳам!..

Ҳеч бокися йўқ, йўли жуда осон-да бунинг: кўз бир маротабагина юмиб очилса, бас — ҳар қандай яжул-мажуннинг қуриди изи! Бир зумдаёқ!..

Мана, ҳозир кўзини юмиб очади у ва... Ие, қилт этмайди-ку. Нечук бундай бўлди? Ё нотўғри юмиб очдимикан-а кўзини? Такрорлаб кўрмоқ керак тагин бир маротаба.

Шоша-пиша кўзини юмиб очди у: йўқ, худди ҳеч нарса бўлмагандек ишшайиб турибди хануз, бир туси ҳам ўзгармабди.

Яна юмди, яна очди — яна шу аҳвол!..

Жаҳли чиқди. Қизнинг аксини кўз олдидан даф этмоққа астойдил бел боғлади. Қовокларини бармоқлари билан бир неча қарра ишқалаб-ишқалаб ташлади, кўзларини ўн марталаб юмиб очди — қаёқда?! Хая-жонини босишга ҳаракат қилиб, охири сўнгги ва қатъий чорани қўлламоққа киришди — яъни, бошини ёстиққа бамайлихотир ташлаб, худди сеҳрламоқчидек синчков тикилиб қолди қизнинг кўзларига. Буни қарангки, қўл келди Олимнинг кашфиёти — чорак соат ўтар-ўтмай, шифт билан буклама қаравот оралиғидаги бўшлиққа сингиб, буткул ғойиб бўлди қизнинг ўзи каби беадаб акси! Унинг биотоклари Гулноранинг биотокларидан устун келди!..

Акс ғойиб бўлишга ғойиб бўлди-ку, аммо бир лаҳза ҳам ўтмай, оппоқ алланима эғаллаб олди унинг «тахти»ни, сутдек оқ, ўғирланмиш пахтасидек оппоқ бир ни...

Е чиндан ҳам пахтасимикан-а шу??

Умид ила жонҳолатда қўлларини юкори чўзди, чўздию... ўзига келди: сут ҳам, пахтаси ҳам эмас, ётоқ шифти экан бор-йўғи...

У икки қўлини бошига ёстик қилганча кўзларини юмди.

...Ҳар ер-ҳар ерида ям-яшил барра ниш урмиш кенг сайҳонлик. Сал наридан эни қулочга сизмас, суви тез бир ариқ оқиб ўтган. Ариқ лабида эса баланд-баланд терақлар...

Сув қуйгандек жимжит атроф. Бу сукунатни ариқ сувининг майин жилдирашигина бузади фақат. Тераклардаги қушлар ҳам гўё сувнинг жилдирашига қулоқ тутгандек тек қотишган ҳатто...

Бир пайт узок-узокда, кўп қаватли бинолар элас-элас акс кўрсатаётган томонда тугмадеккина қора кўзга ташланади ва худди тоғу тошлардан сув ичгани тушиши архарлар подаси мисол кетидан гуррос чанг кўтариб ариқ томон яқинлашиб келаверади, яқинлашиб келаверади. У яқинлашгани сари атроф шовқин-суронга тўлади, тераклардаги қушлар дув-в этиб ҳавога кўтарилади... Нима бўлди бу?!

Ниҳоят, йироқдан тугмадек кўринган қора каттариб, ариқ лабига келганда тўхтади. Йўқ, тугма ҳам, архарлар подаси ҳам эмас, у — узун-узун новдаларни от қилиб минмиш ўн-ўн бир чоғлиқ шумтака экан!..

Чурвақалар келишга-келишади-ю, аммо бу ёғига нима қиларларини билмай, ҳайрон туриб қолишади ариқ лабига. Ҳеч биттасининг юраги дов бермайди ариқдан биринчи бўлиб ҳатлашга. Ариқ — тезоқар, устига усатк, эми ҳам қулоқча сиғмас-ку, ахир?! Бошмоғини ечиб, оёғини суқиб ҳам кўради сувга чурвақалардан бири, аммо шу заҳотиёқ «у-у»лаб тортиб олади: «Му-у-уз!»

Охири чидаёлмайди олдинроқда новдасига тираниб турган хумбош, бўлалли бола, кўли билан атрофидагиларни четлатиб, ортга тисланади-да, югури-иб келиб ариқдан ҳатлайди. Ҳатлаш ҳам гапми, бамисоли қушдек учиб ўтади!..

Болалар анчагача унга худди музқаймоқфурушга тикилгандек ҳавас ҳам ҳасад билан тикилиб туришади-да, сўнг қўлларидаги новдаларини сайҳонлик томонга улоқтириб, бирин-кетин сакрай бошлашади ариқдан. Бир зумда чуваккина жингалаксоч болакайдан бўлак ҳамма сакраб ўтади сайҳонлик томонга.

Болақай бошини ҳам қилган кўйи оёғи билан ер чизиб тураверади, оғайниларининг сафига қўйилишига не учундир шошилмайди. Бир дақиқа ўтади орадан. Икки дақиқа. Уч дақиқа... Бошини кўтариб, йиро-оқда изидан қуюқ тутун пуркаганча учиб кетаётган учоққа ҳаёлчан тикилиб қолади болақай.

«Сакра! Сакрасанг-чи! Ла-па-шанг!», дея қичқиради хумбош бола масхараомуз илжайиб.

«Лапашанг!», дея жўр бўлади унга шу заҳотиёқ чурвақалардан бири.

Қолганлар ҳам болапақирни масхаралаб, овозларининг борича қичқира кетишади: «Ла-па-шанг! Ла-па-шанг!! Ла-па-шанг!!!»

...У чўчиб кўзини очди. Ёўнғир-ғўнғир товушлар чалнди қулоғига, бир-бирига ўхшамайдиган, бир-бирини такрорламайдиган турфа тус товушлар. Мана, гўлдираган нотаниш овоз тушки овқат устидан билиб-билмай муздай сув ичиб кўйганини-ю, энди шунинг касрига бир ерда тузукроқ кўнин тополмай, азоб чекаётганини алланечук хаста оҳангда, надомат билан сўзламоқда; сурнайникидек ингичка овоз эса тўрт килдо пахтасини икки қайта ёздириб, тарозибонни аҳмоқ қилганига бошқаларни ҳам ишонтирмоқчи бўлмоқда зўр бериб; ана, тагин битта овоз, шовқинда аниқлаб ҳам бўлмади қанақа эканлигини: кеча саккизта, бугун эса роппароса ўн иккита қизга гап отган эмши!..

У ўзини ухлаганга солган кўйи чор атрофдан ёғилаётган хар хил олди-кочди гапларга қулоқ тутиб ётар экан, кош қорайгани сайин юраги кафасга тушган қуш мисол потирлаб уради...

Оқшом тушгач... ниҳоят, эшик томондан шумқадам синфбошининг дўриллаган ёқимсиз овози эшитилди:

— Ҳасулип?! Ҳасулип қани? Ҳасули-ип! Жа-дол!.. Болла, Ҳасулип Жалолни кўғмадийлами? Анави-чи, новча, жингалаксоч... Йўқ? Наҳот кўрмаган бўлса, а, ҳеч ким? Ёғал қиғиб кетмаганди, ахир?.. Ҳой, одамла, Ҳасулип Жалолни ким кўғди? Ҳасулип Жалолни кўғган боғми?! Фа...

— Хўв, намуноча «ға-ға»ламасанг фозга ўхшаб?! — дея кичкирди кимдир норози оҳангда. — Вей, кечасиям ҳаловат йўғ-а буларнинг дастидан! Нукул бўғзига пичоқ тиралган фозга ўхшаб кекирдакларини чўзишгани-чўзишган. Ана, каравотида интизор бўлиб кутиб ётибди севгилинг!

Энди шундоқкина қулоғининг остида жаранглай бошлади бояги овозлар:

— Қара-я. Уряптилар уйқуни маз-за қилиб. Тушки овқат устидан сув ичмагани шундоқ кўриниб турибди.

— Итдай чарчабди-ку ўзиям. Жон куйдириб ишлашнинг жазоси шу-да ўзи.

— Хе, жон куйдирганмиш-а! Ишлаб эмас, қизларга гап отиб чарчаган у! Кеча ўз кўзим билан кўрдим, авраб, анави Гулноранинг пахтасини олаётганини!

— Секинроғ-э, уйғониб кетмасин тагин... Ву-уй, хушрўй эканми роса, худди киз бола дейсан-а!

— Кипригининг узунлигини кўр, кипригининг узунлигини!

— Бамисоли «Уйқудаги гўзал!» Ўлай агар!..

— Қани, кўтардик! Ҳа!.. Бир... икки... у-учч... Ташла-а-а!

Синфдошларининг бемаврид ҳазилидан ичида сўкиниб, ташқарига томон йўналди у. «Қулаётган минора»нинг учигадаги осма чирок чиккани ҳамон лоп этиб олди кўзини.

Фалак юлдуз деганга лик тўла. Тиккада, самонинг юлдуздан холи лахтагида баркашдай ой йилтирамоқда.

Ховлида эса уйин-кулги авжида. Ҳеч ким қуни блан ишлаб хориганга ўхшамайди. Ҳеч кимнинг биров билан иши йўқ. Фақат ўзини овутиш билан банд ҳамма. Ҳамма хурсанд, ҳамма шод — холинг не деб аҳвол сўрайдиган бирор инсон йўқ.

Ана, ховли ўртасида атрофни офтобдайн чароғон этиб Гулно...

Уф-ф, жин урсин, тагин ўша Гулнора! Намуноча кетмай қолди кўз олдида шу киз?! Нақд аждархо комига кетяпти-ю, уни ўйлайди-я тагин?! Товба!

Нега ҳам ўшанга кўзи тушиди? Энди то аждархо комига кириб, ҳазм бўлгунига қадар қутулмайди аҳмоқона саволлар гирдобидан...

Тушкун бир ҳолатда, ўлганининг кунидан ховли четида хунок қакқайиб турмиш уйча томон судралди у.

Тагин ўша тамаки тутунига тўла дим хона, тагин ўша...

— Э, эски танишимиз-ку?! — дея худди ҳеч нарса бўлмагандек илжайди ибн Хитоб унга кўзи тушгани ҳамон. — Келсинлар, келсинлар! Қадамларига ҳасанот!.. Қани, марҳамат, ўтирсинлар. Чекадиларми? Йўқ?! Ҳа, соғлиқни асрамоқчиман, денг ёшлиқдан. Яхши, яхши. Соғ танда — соғ ақл, дейди донолар. Соғлиқда гап кўп, ҳа, бизга соғ, ақлли ёшлар керак, жуда керак. Хўш, ука, хизмат? А, лаббай?.. Чақиртирган эканманми? Қачон? Ким орқали? Э, шундай бўптими. Ҳа-а. Кўриб турибсиз, иш шунақанги кўпки, бировни чақиртирганинг уёқда турсин, кимлигини ҳам унутиб қўйишинг ҳеч гап эмас бундай тикилинча. У ёкка югур, бу ёкка югур, тагин ўтириб бир нималарни ҳисобла... Бош кашисгаям вақт йўқ-да, хуллас! Бунақада бир нарсани эсда саклаб бўларканми? Хўп, майли, мақсадга ўта қолайлик энди. Хў-ўш, демак, чақиртирганман сизни... Сайпиллажон, бир қараб юбо-

ринг-чи, бугун қанча терибдилар ошнангиз.

Ибн Хитоб шундай деб ҳануз алланималарни (ўшал жаҳоншумул фармони олийни бўлса керак, хойнахой) китирлатиб ўтирган «мактаб маъмуриятининг яқин ҳамда ҳолис ёрдамчиси» томон ўгирилди.

Сайфи кечагаги нисбатан хийла қатпайган дафтарни очиб, саҳифалардан бирнга шошилғич назар ташлади-да, «яқин ҳамда ҳолис ёрдамчи»ларга хос табассум-ла деди:

— Хеч қанча!

Бошини ҳам қилганча қиёмат кўпишини кутиб ўтирган Жалолидиннинг кулоқларини лаҳча чўғ тешиб ўтди гўё.

Ибн Хитобнинг юзини эса ясама ҳайрат қоплади: — Йўғ-э?! — деди худди кўзларига ишонмаётгандек кош учириб. — Адашаётган бўлмаг тагин? Қаранг-чи яна бир яхшилаб.

— Мана, Курдош Қахрамонович, ишонмасангиз кўринг ўзингиз, — деб кўлидаги дафтарни узатди унга Сайфи. — Бу кишим кўлларига бир сиқим ҳам пахта ушламаганлар бугун, — дея давом этди у, худди ўзи этак тутиб олиб кун бўйи даладан чиқмай, ботмонлаб пахта терган каби. Тўғри, ушлаган бўлиши мумкин, фақат бутунлай бошка ниятда...

— Ха, тўғри, «нўл», — деди ибн Хитоб лабларини чапиллатиб. Сўнг кўзойнаги остидан қувлигу даж-жоллик зоҳир бир жуфт соккани ўйнатди: — Қизик, на-хот шундайин бакувват, яна чекмайдиган йигит кун бўйи бир сиқим ҳам пахта термаган бўлса?! Акл бовар қилмайди! Хўш, мулла йигит, нима дейсиз энди бунга? Гапиринг?

«Кечагининг ўчи...», деган калима тилида бетўхтов айланаётган эса-да, демади у ҳеч нарса — бошини ҳам қилган қўйи тек ўтираверди.

— Нима, оғзингизга талкон солиб олганмисиз? Бирон нарса денг, ахир? — дея терговни бошлади ибн Хитоб. — Кеча батаври имкон терибсиз озгина бўлсаям, хўп, бугун-чи, бугун нима жин тегди? Бирон сабаби бордир, ахир? Ё биронта жонон билан... а? Уялмасдан айтаверинг. Еш бўлганмиз биз ҳам. Ўлибмизми тушунмай?..

Икки кўзини полдаги миҳ қалпоғидек келадиган ёриққа қадаган асно ибн Хитобнинг гапларини ер бўлиб тинглаб ўтирарди у, кечаги сўзамолликдан асар ҳам йўқ.

Ҳозир, ҳозир каттара бошлайди ёриқ. Каттараверади, каттараверади — охири даҳшатли, тош, кесак кўчса ҳам кулоқни батанг қиладиган акс садо берувчи тубсиз жарликка айланади! Ва у ўйлаб ҳам ўтирмай ташлайди ўзини шу жарга! Қулаётганида дод-вой қилмайди, томоғини йиртиб оломонни ҳам нажотга чорламайди — шу гаплардан, шу одамлардан қутулаётганидан шод, жар тубига етиб тилка-тилка бўлгунича, жисми ёруғ жаҳонни тарк этгунича миҳ этмай туриб беради!..

— ...Гапиринг-да, ахир?! Гапиролмайсиз! Чунки айб ўзингизда эканини жуда яхши тушуниб турибсиз! — дея бидирлар эди ибн Хитоб ҳануз. — Барига сабаб — танбаллик, ишэкмаслик! Тўғри топдимми? Ана! Озгина иштиёқ, ғайрат бўлиши керак-да одам деганда. Бунинг мағзини чақишга кечаги гапларнинг ўзиёқ кифоя эди менимча. Начора, зоримиз бор, зўримиз йўқ — раз ишлашга тобингиз йўқ экан, ота-онангизнинг иш жойига ёзишга мажбурмиз. Кечаги гап — гап! Лаббай? Расулип? Сайфиллажон, ёзиб олинг: Ра-су-лев... Тўхтанг, қайси Расулев? Алдаманг, ахир бўлак жойда ишлардилар-ку у киши? Хе-э, яқинда ўтдиларми... Демак, ўртоқ Расулевнинг ўғиллариман, денг? Ха, яхши, яхши.

...Болалар ҳануз уни масҳаралаб, овозларининг бори-ча қичқиришларини қўйишмасди: «Ла-па-шанг! Ла-па-шанг!! Ла-па-шанг!!!»

Нега ерга қадалганча мум тишлаб ўтирибди у? Негга ибн Хитобнинг юзига қараёлмаяпти? Унинг тошни ҳам эритишга қодир сўнгги гаплари мойдек ёқа бошлагани учунми ё?. Нега, нега?

— Энди, ука, гап бундай, — деб узоқдан бошлади гапни ибн Хитоб. — Қанча тергаб сўкмайди, тузукрок ишлаб кетадиган сиёғингиз йўқ. Энди-и, гапни бир жойга қўйсак-да, шунга келишсак. Боя ошпаз: «Жон ака, битта ёрдамчи ажратинг, корин кургур қийнаворди, то ариқдан бир пақир сув кўтариб келгунимча ўчоқдаги олов ёниб бўляпти», деяётувди. Шу ишга сизни қўйсак, а, нима дейсиз? Унчалик мушкул юмуш эмас: сув ташиш, сабзи-пиёз артиш, овқатнинг тузини татиб кўриш, дегандек... А? Нима дедингиз?

«Ла-па-шанг! Ла-па-шанг!! Ла-па-шанг!!!»

Йўқ, кетмайди бунақаси. Наф йўқ ерга қадалиб тек ўтираверишдан. Барибир пол ёрилмайди, жар тугул қўл сиғарли тешик ҳам пайдо бўлмайди... Сукут — аломати ризо! Тек ўтирмаслик керак. Жилла курса унинг юзига тик қараш керак! Қараш керак! Қараш керак!..

«Ла-па-шанг! Ла-па-шанг!! Лапа...»

Титрок бармоқлари билан тепага таради у пешонаси-га чиппа ёпишмиш терчил сочларини. Сўнг бошини кўтара бошлади, шошилмай, бамайлихотир... Токи ниго-хи ибн Хитобнинг кўзларига тўғри бўлмагунга қадар кўтараверди, кўтараверди...

Охири чидаёлмади болакай: қўлидаги новдани таш-лаб, бир-икки қадам ортга тисланди-да, кўзларини чирт юмган қўйи югуриб келиб ариқдан сакради! Йўқ, ба-мисоли учоқдек елиб ўтди!

...ва аста эшикни очиб, ташқарига чиқиб кетди. Ховлига чиқиб, хаёлига келган биринчи нарса шу бўлди:

Олам ичра танҳодирман,
Оҳим сўзлашга холим йўқ...

Анчага довур кимсасиз ховлида ёлғиз тентираб юрди. Баногоҳ... Гулнора хақида ўйлашни, унинг ўша — пахта тиланаётган чоқдаги ҳолатини кўз олдига келтиришни истаб қолди. Лекин ҳарчанд уринмасин, ҳолати тугул, эгнига нима кийганини ҳам эслаёлмади.

«Нима кийган эди: мактаблик кўйлакми ёки сувсар мўйнали пўстин?»


Хит бўлиб осмонга қаради. Қарадио ҳаммасини эслади, қизнинг ҳолатини ҳам, ой чехрасини ҳам аниқ-тиниқ кўз олдига келтирди. Гўё осмондаги энг ёруғ юлдуз жойидан кўчдию унинг юзига келиб урилди.

Худди елкасига миниб олмиш қирқ ботмонли дев ағанаб тушгандек, аъзойи баданида ажиб бир энгиллик туйди.

Duett

Достон

Эй кўнгул, душманлар онча макр ила фан қилдилар.
Алишер НАВОИЙ



Биринчи машк

Рухий-асаб хасталиклари
Шифохонаси,
Нимқоронги ва сокин бўлма.
Кескин-салобатли янграйди овоз —
Профессор даволаш машқин ўтказар
Беморлар билан:

«Кўзингизни юминг!..
Такрорланг сўзларимни
Чиқармай товуш.
Фикран буйруқ беринг ўз-ўзингизга:
— Мен бутунлай хотиржамман!
— Ҳар қандай ўй, ҳар қандай хаёл
Тарк этган мени!
Кайдадир, олис-олисда
Қолиб кетган таъвишлар-ғамлар!
— Ҳордиқ олмақчиман мен!
— Аъзойи баданим,
Аъзойи баданимнинг ҳар бир нуқтаси
Аллақандай фароғатдан маст.
— Бўшашиб бормоқда бутун вужудим,
Оёқ-қўлим, елкаларим...»

Чиндан ҳам бўшашиб боради Бемор,
Вужудининг ҳар нуқтасида
Бодроқдай бодирлаб уйғонар ҳислар
Ва ҳис оғушида беихтиёр, жим
Қайларгадир сузиб кета бошлайди.

Талабалар шаҳарчаси кўринар унга,
Кўринади саксон бешинчи ётоқ.
Иккинчи қаватнинг чоғроқ хонаси,
Дўст ўлтирар олифталарча
Чалиштириб оёқларини.
— Биласизми, палончихон!... —
Нимагадир бошқага эмас,
Ҳап бошлар у даврадаги
Энг суқсур,
Кўзга яқин қизчага қараб.

Гўё Дўстдан ақлли зот йўқ,
Гўё ҳеч ким варақламаган
У ўқиган зўр китобларни.
Дорилфунун, унинг фикрича,
Қодир эмас билим беришга!
Ўқишимиз керак кўпроқ мустақил

Қолиб бўлса ҳамки дарслардан.
Гўё — «ҳаммаси бир зўр,
Жин урсин ҳаммасини!».
Ана шунда кўришди илк бор
Бемор Дўст билан
Намойишкорона узатилган қўл
Туюлди Беморга чангақдай совуқ —
Сесканиб олди.
Ясама жилмайган Дўст
Йўталди, бош силкиди,
Тараб қўйди орқага
бармоқлари билан сочини,
Ясама чиқди бу ҳам.
Фалсафа сўқишда давом этди у:

— Ернинг тортиш қонунини кашф этганида
(Албатта, биласизлар,
Архимед уни
Кашф этган ваннада чўмилаётиб,
Узилиб тушганда бошига олма),
Унутиб ҳаттоки кийинишни ҳам
Чиқиб кетган кўчага чопиб,
«Эврика! Эврика!» — деб хайқирганча.
«Эврика», бу — «топдим» дегани.
«Эврика» сўзини жаҳон халқлари
Шундоқлигича
Қабул этган таржима қилмай.
Сизлар қариши бўлмасаларинг,
Клубимиз номини ҳам «Эврика» деймиз!...

Кечагина ўрни битириб,
Кишлоқдан келган,
Ҳаётининг ярмидан мўли
Пахтазорда ўтган йигит-қизларга
Ғалати туюлар эди бу гаплар.
Масалан, мана бундай:
«Архимед ва олма!
Нега уйда эмас ваннаси?
Ховлида?
Уйда бўлса, олма ўсмас-ку, уйда?
Ховлида яланғоч чўмилган одам —
Улкан файласуф —
Архимеднинг йўқми эди ҳаммоми?
Бўлса...
Ҳаммомининг йўқмиди томи?
Томи бўлса, тушади қандоқ
Архимеднинг бошига олма?
Ернинг тортиш кучин кашф этган бўлса,

Кўчага ялангоч чиқмоқлик шартми?
Бўлмасмиди кийиниб чиқса?
...Лекин улар бугуннинг талабасидек
Пулнинг кучи биланмас,
Топган-тутган билими билан
Қирган эди дорилфунунга.
Билардилар оламнинг тортишиш қонуни
Архимед эмас,
Ньютон кашф айлаганини,
Сув қилиб ичганди Архимедни ҳам.
Шундай, Дўстни изза қилмаслик учун
Қизларнинг орасида,
Мийиғида кулиб тингларди улар
Барча гапларни.

— Мана, шоир айтсин фикрини аввал
(Бемор шеър машқ қилиб турарди), —
Ишора айлади кимдир Беморга.
Бемор сўзга оғиз жуфтлаганди ҳам
Янгради яна
Уша сунъий, дўрилдоқ овоз:
— Дарвоқе, сиз ҳақда кўп гапиришди,
Яхши сўзлар эшитганим бор
Шеърларингиз хусусида ҳам.
Фалсафага қизиқсангиз ёмон бўлмайди,
Уйлайманки, аъзо бўласиз
Клубимизга.

— Кечирасиз, тушунолмадим,
Нима қилинади клубда ўзи?
Нима билан шуғулланади
Аъзолар бу клубда?..

Уша сохта овоз янгради яна:
— Жин урсин, майли,
Сиз келмай бурун
Бу ҳақда бафуржа гаплашиб эдик.
Хуллас, гап бундоқ:
— Файласуфлар клуби — «Эврика» мизда...

Қулоғига бошқа гап кирмади унинг,
Кузатди жим
Дўстнинг хатти-ҳаракатларин.
Олифталарча,
Хамманинг кўзига тикилиб бир-бир,
Кўзин олиб қочиб синчилганлардан,
Сўзлар эди у —
Аллақандай фикрлар жанги,
Оқимлар тўғрисида.

Ортиқча даҳмаза — нимага керак, —
Уй сурди Бемор, —
Вақт қаҳат ўзи шундоқ ҳам,
«Эврика» си етмай турганди энди.
Ким ўзи бу?
Чиллашир,
Қайдан келиб қолди бу ерга?
Бошини қотириб юрибди нега —
Шунча одамнинг?
Учроқ экан қизлар билан суҳбатлашишга,
Клуб-плуб ташиқил қилмай ҳам
Қаймоқлашса бўлаверар-ку,
Овлақ жой топиб!

Маълум бўлди-қолди эртасигаёқ:
Дўст ҳам оддий талаба экан,
Чой ичаркан у ҳам қотган нон билан —
Кўплар қатори.
Холос — ўчроқ экан ном қозонишга.

Хонасида — даҳоларнинг тўлиқ жилдлари:
Очиб қўйилганди ҳар қай-ҳар қайга
Аллақандай қалин-қалин китоблар;
Деворларга —
Оврупо рассомларига
Тақлидан чизилган турли чизгилар;
Тўқ сиёҳли қалам — фломастердан
Фойдаланарди у бир нима ёзса.
Хаммаси бир бўлиб, аллақандай руҳ
Бағишларди хонага
Ва соҳибига.
Гўё у хонада талаба эмас,
Истиқомат қиларди даҳо.

Дўстнинг айтишича,
Беш-ўн кун бурун,
Ўқиб, ёзиб-чизиб ўлтириб,
(Унинг таъбирича, ишлаб ўлтириб)
Оёқ-қўли увишиб, туролмай қолган
Ўрнидан ҳатто,
Тасодифан кириб қолган бир ўртоқ
Уқалаб-уқалаб ҳаммаёғини,
Зўрғалатдан тургазиб олган.
Устига устак,
Ҳаёти ўхшармиш буюклар ҳаётига,
Уни тушунгувчи дўст йўқмиш бирор...
Сокин-салобатли товиш янграр профессорнинг:
— Кўзингизни очинг!
Аввалига аста-секин,
Кейин тезроқ
Муштингизни очиб-юминг,
Қон юришади.
Ана, қайта бошладингиз ўз асл ҳолингизга!..

Иккинчи машқ

Уша шифохона, ўша бўлмади
Профессор даволаш машқин ўтказар
Беморлар билан.
Сокин-салобатли янграйди товиш:

— Оёқ-қўлим, бармоқларим,
Учи — бармоқларимнинг
Бормоқда қизиб.
Ерга ботиб бораётгандай,
Оғирлашар ҳар икки товон!..

Фикран такрорлар бу сўзларни Бемор,
Вужудининг ҳар нуқтасида
Бодроқдай бодирлаб уйғонар бир ҳис
Ва ҳис оғушида беихтиёр, жим
Қаёққадир кета бошлайди сузиб.

Кўшиқ эшитила бошлайди унга —
Секин-секин, олис-олисдан:

«Ёр, кўкдаги юлдузмидинг, ета олмадим,
Умид узиб, сендан йироқ кета олмадим.
Баҳор чоғи бир ёндингу яшин мисол,
Ғафлат босиб, меҳрим изҳор эта олмадим».

И-е, Маҳмуджон-ку, куйлаётган,
Уйлади Бемор,
Гўринг нурга тўлгур — Маҳмуд Тожибой!*
Қандай тоза эди кўнгли,
Қандай куйларди!..

Талабалар шаҳарчаси деярли тўрт йил
Унинг юксак хонишидан яшади сархуш.

Баландлашиб борди қўшиқ тобора
Бемор тасаввурида:

«Яна баҳор қайтармикан
Сен қайтмасанг?
Кушлар қўшиқ айтармикан
Сен айтмасанг?».

Суйган одамгина шундай куйлайди,
Куйган одамгина куйлайди шундай!.

Маҳмуджон соз чаларди,
Куйлар эди қиз.
Қиз сулув эди хўп,
Иигит оқсарди.
Саҳнада қиз чиройин
Кўз-кўз айласа қанча,
Маҳмуджон оқсашларин
Яширар эди шунча.
Аксига олиб,
Қўшиқ авжида
Ўзини туголмай завқнинг зўридан
Оғирлигин солар эди у оёғидан
Беихтиёр бу оёғига.
Сезиларди оқсаши — ёмон —
«Бекор қилдим» — дея ўйларди.
Ҳеч ким сезмас эди,
Оҳангига сел бўлиб куйнинг.
Нафсиламбрини айтганда эса,
Кўникиб қолганди
Барча мухлислар
Унинг оқсашларига.
Лекин қиз сезар эди.
Сурилиб олар эди Маҳмуджондан
Нарироққа сал,
Сезар эди буни бегона кўзлар.
Кўшиқ давом этарди Бемор тасаввурида:

«Бошқа ёрга, айт, ё кўнгиел берганмидинг?
Мендан ортиқ ундан вафо кўрганмидинг?
Баҳор чоғи сочинг тараб кўз ёшимга-ей,
Дил риштасин сочга қўшиб ўрганмидинг?...»

«Ўзимни осаман!.. — деб юборди у, —
Рад этса гар менинг кўнглимни.»
Қадрдонлар эшитди буни.
Энг ёмони ва даҳшатлиси
Эшитганди бу гапни Дўст ҳам.

Қўшиқ давом этарди Бемор тасаввурида:
«Яна баҳор қайтармикан
Сен қайтмасанг?
Кушлар қўшиқ айтармикан
Сен айтмасанг?...»

Бу пайтга келиб Дўст
«Шоир» орқали
Ижодкорлар даврасига қўшилиб олган,
Клуб ташкил қилишга ҳожат қолмаган.
Файласуф сувратида юрар эди у
Ҳар зум ҳар қайда.
Кимнинг сергаплигидан,

Таъсирчанлигидан яна кимнингдир
Кулар эди у,
Ҳаммасининг тагида бир ниют бўлиб,
Исботлашни истар эди Дўст
Ўзининг ҳаммадан устунлигини.
Ўзингизга аён,
Унча-мунча гап
Ичга ютиб кетилаверар
Ўзбекчиликда.
Чидардилар баъзан ҳаддан ташқари
Аччиқ-тизиқ гапларига ҳам
Файласуф — Дўстнинг.

Маҳмуджонни йўлдан қайтармоқ бўлиб
Уринди қадрдонлар.
Қароридан қайтар эди балки Маҳмуджон
Бўлмаганда Дўст,
Тинчлик бермади Дўст унга сира ҳам,
У ҳақда гап сотди орқаваротдан:
«Ожиз» деди уни, «Севмай ўл!» — деди,
«Иигит ҳам шунақа бўларми» — деди,
«Аваллаамбор, ўзингни осаман дема,
Дедингни? Ос энди, номардлик қилмай!»

Етиб борди бу гаплар қиз қулоғига,
Қиз орқали Маҳмуджонга ҳам.
Энди у ўзини — ўзи эмас, йўқ.
Совуқ гаплар ўлдирмоқчидай,
Хам қилди бошин:

«Ҳотиржам ўлишга ҳам ҳаққинг йўқ бунда!..»
Кечалари, кундузлари ўй-хаёлида
Дўст тиржайиб кўринаверди,
Уни ўлдирмоққа гўё уринаверди.
Қолмади ўлмаслик чораси энди,
Ҳамма билан уришиб чиқди,
Қувиб солди қадрдонларин.

Ҳамма кетди ҳайрон,
Бироқ дўст қолди.
Икки бора ўзини осиб — оса олмаган
Маҳмуд, Дўстдан тилади нажот.
Дўст маслаҳат берди унга —
Бешафқат, совуқ:
«Оёқ-қўлингизни боғланг яхшилаб,
Сўнг сиртмоқни совуланг,
Тамом-вассалом!»
Ва қўшиб қўйди:
Муҳими ҳеч нимани ўйламаслик,
Ўйлаш керак,
Агдир ўйлаш зарур бўлса, ҳаммаси —
яхши бўлар, деб!»

Қўшиқ давом этарди Бемор тасаввурида:

«Маҳмуд сени эслаб ҳар тун ёд этади,
Эслаб сени, ҳазин кўнглин шод этади.
Севсанг уни, деразангдан боқ ҳар саҳар,
Қалби унинг қушча бўлиб фарёд этади.»

Балки ҳеч ким билмасди
Дўст берган маслаҳатни,
Ўзи кўпга мақтаниб
Гапириб юрмаганда.
Қадрдонлар янди, ёзғириб қаттиқ,
Бўш келмади Дўст:
«Қийналмасин дедим,
Илмда бор гап —

«Андижонлик истеъодли шоир, марҳум Маҳмуд Тожибой ўғли на-
зарда тугилган.

Уз жонига қасд қилган одам
Улмасдан қолмас!»..

Кўшиқ давом этарди Бемор тасаввурида:

«Яна баҳор қайтармиқан
Сен қайтмасанг?
Қушлар кўшиқ айтармиқан
Сен айтмасанг?»

Сокин-салобатли товши янграр профессорнинг:
«— Кўзингизни очинг!»..»

Учинчи машқ

Уша шифохона ва ўша бўлма,
Уша профессор эттирар давом
Даволаш машқин:
«— Юрагим бир текис урмоқда, миям
Азлақандай фароғатдан маст,
Хамирга айланган бутун вужудим...»

Бемор бу гал қулоқ солмади гапга,
Фикран тафрорламади
Профессор буйруқларини.
Ҳолатга кирмади, бошқача айтсак.
«Даволаниш ҳолати»га кирмади Бемор.
Уйлаб қолди — «Нега ҳар икки машқда,
Бошқа одам эмас,
Айнан Дўст —
Кўзига кўринди, ўйламовди-ку
У ҳақда сира!»..

Даволовчи машқлар натижасими
Ёки аллақандай ҳаёлий ҳолат —
Соғайгандай бўлди Бемор ногаҳон,
«Келиб қолдим, деди, бу ерга қандоқ?
Рухий-асаб хасталиклари
Шифохонаси?!..
Жинниманми мен?!..
Нега айнан ўша одам келди ёнимга
Оғир паллада?!..
Бошқа қадрдонлар қолди қаёқда?
Хотин қайда қолди?
Фарзандлар қани?
Наҳот ҳаммасини совутдим ўздан?
Нега Дўст совимади?
Шифокор ҳузурига нега Дўст кириб чиқди?
Нега табиб бир сўз демади,
Қабул қилди уни индамай?
Нималар деган Дўст Бемор ҳақида?
«Яхши касалхона, — деди. — Бу ерда
Толиққанлар даволанади.
Пул бериб ҳам баъзи бировлар
Ётолмас бу шифохонага!»
Нега унда панжаралар — деразаларда?
Нега унда руҳсат берилмас
Кўчага чиқиш учун бирон-бир қадам?
«Номи ёмон холос!» — эмиш..
Нима бўлади энди?
Кўргани келишса, не деб ўйлашар?
Нега бирон марта келмади ҳеч ким?
Жиннини кўргани келишмасми ё?
Нега бирор марта келмади Дўст ҳам?!..»

Шунча китоб кўрган файласуф
Уқимаганми —
Бунда одамзодга қилинадиган

Муолажа тўғрисида, хўш?
Ўша санчқи-муолажа
Боис бу кенг мамлакатда
Табобат иши
Гайринсоний деб баҳоланганин
Билмасмиди Дўст?
Жавоб бер, эй Дўст?!..
Неча йиллар тузимни ичдинг,
Эримнинг дўсти деб, қийналиб-нетиб,
Тансиқ таом пиширар эди.
Сен учун келин.
Бу — тузликқа тупурганингми?!..
Ўғлим — ширинтойим қоларди йиғлаб
Ҳар гал кетарингда
Эргашиб сенга.
Амакилик қилганингми — бу!..
Гап чиқмасми энди орқаваротдан?
Шеър-пеър ёзиб юраман, ахир,
Ҳар қандай нашрнинг эшигин қоқсам,
Кўрқмайдиларми,
Жиннидан кўрққандай ҳуркиб шоирдан?
Наҳот сен шуларни ўйлаган бўлсанг
Мени бунда қолдираётми?!..

Айтарларким,
Қирқ кунсиз руҳсат бермасмиш,
Қирқ кун-ку, ўтар,
Лекин бунда бир бор ётиб чиққанлар
Мунтазам кузатувда бўлар бир умр,
Таҳқирли кузатувда.
Яширинча текширармишлар,
Сўраб-суриштирармишлар
Ҳаёт тарзимни —
Ким-бировлардан,
Наҳот, билар эдинг ҳаммасини, Дўст?
Билиб туриб мени бунда қолдирдингми,
Дўст?!..

Халақит берардим сенга ҳар жойда,
Фош этардим сохталигу
Худбинликларинг!..
Ҳаммаси самимий юз берганидан,
Эътирозга жуфтлай олмасдинг оғиз,
Тўғри ва ҳаққоний эди у гаплар —
Бошқалар наздида ҳам,
Эътирозга жуфтлай олмасдинг оғиз.
Мени четга суриб чиқармоқ бўлдинг
Доғғил бир йўлдан!..
Нимасан ўзи?!..
Нега сени ҳамма ёмон кўради —
Бироқ сенга қараб талпинар фақат.
Сендан қочарлару, сенга сўзларлар
Юрак сирларин,
Кимсан сен, эй Дўст?!..

Янграр сокин-салобатли
Товши профессорнинг:
— «Кўзингизни очинг!»..»

Аянчли жилмайиб кўяди Бемор,
Қаттароқ очар у очик кўзларин,
Аянчли жилмаяр профессорга.
Профессор бепарво боқар:
«Менга нима, даволангинг келмаса,» —
Деган сингари.

Бемор эса соппа-соғ эди,
Толиққанди холос асаби бир оз...

ТАДҚУРИНГИЧА ЖИЛОЛАРИ

Ҳар бир халқ ўз ўтмиши ва жаҳон маданиятига етиштириб берган алломалари билан ифтихор қилади. Заминнинг шарқий минтақасида истиқомат қилувчи халқлар ҳам, табиийки, бу туйғудан бебаҳра эмас. Шундай туйғулар, эзгу интилишлар оқибатида инсоният тафаккури ривожланиб боради. Айни пайтда шунини ҳам айтиш керакки, ҳар бир халқ маданияти унинг турмуш тарзи, азалий удумлари ва эътиمودидан келиб чиққан ҳолда мутлақо бетакрор ва ўзига хосдир. Панд-насиҳат ва ҳикматлар бошқа бир минтақада яшовчи элатлар учун бир мунча ғайриҳол туюлиши, сингишмаслиги мум-

кин, лекин биз учун ҳеч қачон у кадр-қийматини йўқотмайди.

Насиҳатгўйнинг сўзини тингла, у насиҳат ва муҳаббатни жамлаган, ишончли нарсаларга ишончли кишилардан бўламан десанг, эҳтиёткор бўл,— дейди донолардан бири. Зеро, ўғитлар замирида кўпни кўрган фозилнинг наинки ҳаётий тажрибаси меваси, балки падарона меҳрибончилиги ётганлиги билан ҳам азиздир. У бизни ҳамisha ҳушёрликка ундайди ва сабоқлардан сабоқ чиқаришга даъват этади.

Агар ҳокимият атрофида адолат ҳукм сурмаса, у инқирозга юз тутади.

Ишнинг тизгини умид қўлидадир.

Карамли киши таҳқирланса ҳам азиздир.

Ҳар қандай қабиҳ учун замонга осойишталикдир, лекин карамли учун у урушдан иборат.

Одамларнинг энг жоҳили биродарларни камситиб, султон олдига ўзини юқори тутган кишидир.

Манманлик орқада қолишликнинг дебчасидир.

Фаҳм ақлнинг шуъласи.

Шошилган одам йиқилишдан холи бўлмайди.

Авф хатони яширади.

Юракнинг торлиги кадр-қимматнинг кичиклигидан.

Фаровонлик ва қийинчиликда бўлганингда сен билан ёнмаён турган киши сенинг биродарингдир.

Эр кишилар қалъалардир, буларни эҳсон бино қилса, йўқчилик вайрон қилади...

Кишиларнинг ҳиммати қиладиган ишларида намоён бўлади.

Саҳоват қилган киши чарчамайди, бахиллик эса ҳеч роҳатланмайди.

Дилозорлик ярасининг таги чуқурдир.

Ғазаб ҳурматни унутади, яхшиликларни кўмиб юборади ва бегуноҳлар учун жиноятларни вужудга келтиради.

Сўзни зинҳор такрорлама, чунки уларнинг табиати қайтаришларга душман бўлишга вакил қилинган.

Олийҳиммат қаерда тўхтаса ҳам олийҳиммат, жоннинг азизидир. Қуёш қайси буржда бўлмасин, нурга эгадир.

Дўстларнинг ҳаммасига — улар хоҳ аччиқ, хоҳ ширин (нарсас) ичирган бўлса ҳам — яхши муомала қил, аралашмаган мусаффо (нарсани) сен умид қилма, чироқ ҳам қора қурумдан холи эмас.

Агар биродар тутинган бўлсанг, унинг хулқларига сабр қил, кимки сабр қилса доно ва тadbирли киши бўлади.

Нафсини тийганнинг юки енгилдир.

Шон-шухрат ғурурлантириб юборган ва хоҳишини амалга оширишда ҳокимиятни тўла эгаллаб олиш унга ёрдам бераётган зотга айт: ўрқачига миниб олганинг бойлик билан фахрланма, чунки аслинг сапол идишдир...

Узини ҳаддан ташқари доно санаш (бошқалар учун) оғир юкдир.

Ишнинг тизгини умид қўлидадир.

Меҳнат бу бир сел, агар сел тўхтаб қолса у сингиб кетади.

Утиндан бошқага ярамас гоҳи
Меваали дарахтнинг меваасиз шохи.

Одобсиз юз киши ичра ҳам ёлғиз.

Юзида доғ бўлмаганда ой қандай гўзал бўлган бўларди.

Худо қудуққа уни қазигандан бошқанинг йиқилишини ва ёмон макрга макр қилгандан бошқанинг йўлиқишини хоҳламайди.

Адабнинг меваси катта ақлдир, илмнинг меваси яхши амал қилишдир.

Қачон тақдир идрокли ва доно йигитга хоинлик қилса, сабртоқат унга хиёнат қилмайди.

...Ишонч йўқолиши билан (қилинган) такаллуф ҳақоратдир.

Карамли (киши) учун тўсиқ йўқдир, унинг олдидан эшик бекитилмайди ҳам.

Садафнинг ичи тўла сув бўлади, кейин қимматбаҳо гавҳарга ва ноёб дурга айланади.

Энг яхши жазо, менимча, кечиришдир...

Карамли фазилатни инкор этмайди, қабиҳ таънани сезмайди.

Қиличнинг (ўткирлиги) қалбга эмас, итга (уриб) синаб кўрилади.

АНКЕТАСИ

1. Қўлингиздаги соннинг энг яхши мақоласи [адабий танқид, мақоланавислик] номини айтинг.
2. Энг яхши адабий [насрий, шеърӣ] асар, Сизнингча, қайси!
3. «Ёшлик»нинг янада ўқишли бўлишига, Сизнингча, нима етишмаяпти! [Таклиф-мулоҳазаларингизни айтинг.]
4. Журналнинг бадний безаклари ҳақида фикрингиз қандай!
5. Сизнингча, бугунги кундаги энг ташвишли муаммо нима? «Ёшлик» саҳифаларида қайси мавзуга онд асар, мақола ва мусоҳабаларни кўпроқ ўқишни истар эдингиз!

Конверт сиртига «Ёшлик» анкетасига деб ёзиб қўйишни унутманг. Мукаммал жавоблар, қизиқарли, амалий таклифларнинг муаллифларини МУКОФОТ КУТАДИ!
Мақтубларни жўнатишнинг сўнгги муҳлати — шу йилнинг 15 декабри. Илтимос, кечикманг!

ЖАВОБЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ!



Сулувнинг сирғаси — кўнса ой...

Холмамат Ҳасанов. 1959 йилда Қашқадарё вилоятининг Қарши туманида туғилган. Шеърлари жумҳурият матбуотида эълон қилинган. Вилоят комсомоли мукофотининг совриндори.

Аёлнинг туши

Туяларнинг думи ерларга тегди,
Хўкизлар ҳомила-елин солдилар.
Фил хира пашшага бўйинини эгди,
Сичқонлар инсиз ҳам пулсиз қолдилар.
Ит, мушук ялоқда қошиқ талашиб,
«Сен-мен»дан ўтишди «Сен е», «Мен е»га.
Кенгайди чўққанинг дунёқараши:
«Ахлатга тегмасин махлуқман деган!»
Энди семизликни қўй кўтаролмас,
Тортсангиз чумчуқлар бир ботмон келар.
Тайхардан той тугул тулпор ўтолмас,
Ўтса ҳам бургадан тепки еб ўлар.
Бўрилар юраги ёрилиб яшар,
Кўённинг изнида юрар қимтиниб.
Жужуқ жўжаларнинг ғайрати жўшар —
Чўзғилаб чўқишар лақма тулкини.
У, бу қай макондир, қандай замондир,
Ақлдан оздирар одамнинг бўшин...
Уйғона қолсин-да, балки ёлғондир,
Ишқилиб, ўнг келсин АЕЛНИНГ ТУШИ.

Бодомлар шохида қовуриб бодрок,
Олмалар баргига осиб гулчинок,
Шотутлар танига солиб қалтирок,
Боғ ёза бошлайди боғбоннинг шеърин.

Ипини узади сим-сим туйғулар,
Тиллоранг қуёшни кучиб йўл-йўла
Бошлашар жўр бўлиб катта ашула —
Ирмоқлар ёд олиб уммоннинг шеърин.

Ҳушингдан оғдирар бу кўшиқ саси,
Борлигинг забт этар исёнкор фасл,
Баҳор, баҳор эмас — шоирдир асли,
Ёзар у бултурги армонли шеърин.

Махтумқули йўлида

Мол-дунёси бўлмаса ҳамки,
Парча нони бўлсин йигитнинг.
Кўнгли каби очиқ ва танги
Дастурхони бўлсин йигитнинг.

Тинглагани маст қиладиган,
Ғаюр дилни паст қиладиган,
Ағёрни-да дўст қиладиган
Тил забони бўлсин йигитнинг.

Сўрмаса дам масъул бир амал,
Мушкулнинг қилолгали ҳал,
Адл, азот келгучи дангал
Шер томони бўлсин йигитнинг.

Рухсорига кўз тўядиган,
Кучганида қўл куядиган,
Қўлларига сув қуядиган
Ёри — жони бўлсин йигитнинг.

Қавми бўлсин аридай аҳил,
Орасидан ўтолмасин қил,
Имон қадар бутун, бедахл
Ҳур макони бўлсин йигитнинг.

Бирор нокас камситса, кўнмас,
Ўз удуми, урфидан тонмас,
Ор-номус деб қуйилмас, тўнмас —
Қайноқ қони бўлсин йигитнинг.

Поёнига етганда умри,
Чапак чалиб қоларли эли,
Оёқ чўзиб ётарли ери —
Қабристони бўлсин йигитнинг,
Ўз осмони бўлсин йигитнинг...



Кетди султоним яна

Сой сувида сузган қушлар ўрдақмикан, ғозмикан,
Соҳилдаги сулув қиз ўшал сарвинозмикан,
Кўйида куйганларим, ёнганларим озмикан,
Оҳу қарашлари-ла олди оромим яна,
Жонима озор чекиб, чиқди ул золим яна.

Оқшом чоғи ой билан ҳусн талашди сулув.
Сочини сувга солиб, сой-ла тиллашди сулув.
Ҳатто соқов харсангга меҳр улашди сулув,
Бунда бир мен бебаҳра, бўғзимда жоним, яна,
Ой юзига доғ солиб, ўрлар фиғоним яна.

Ўғридай деворидин бўйлаб ўз боғимда мен
Уртаниб, ўтда ёниб, қоврилиб ёғимда мен,
«Бир қошиқ қоним...» дея оҳ чекар чоғимда мен,
Тахтини тарк айлабон кетди султоним яна,
Бул сафар ҳам чиппа-чин чиқди «ёлғон»им яна.

Қанийди узук бўлсам, бармогин ўпиб ўлсам,
Ойбалдоққа айланиб зулфини тўтиб ўлсам,
Кўзгу бўлиб йўлинда сувратин ётиб ўпсам,
Дутор бўлиб қўлинда толса забоним яна,
Маили номард кетай гар бўлса армоним яна...



Умидлар ўсмоқда Дарахтдай...

Ўткир РАҲМАТ. 1948 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Навоий номидаги Самарқанд дорилфунуни филология куллиятини битирган. СССР Езувчилар уюшмасининг аъзоси.

Хосиятнинг акасига мактуби

Майсалар қафтида рақс этар куёш,
Атиргул юзига шабнам босар лаб.
Дарахтлар кучоғи кушларга сирдош,
Шамоллар тиллашиб турар шовуллаб.
Не учун баҳорги сойдаи тошмайсиз,
Табиат бағрига нега шошмайсиз?
Офтобдан узилган бир парча ўтдай
Боғларнинг бағрига отгудай ўзни.
Бу сирли оламда қувонч, ҳайратдай
Наволи бир қалб деб билардик сизни.
Маъво-ку, турибди бизларни чорлаб,
Нега сиз келмайсиз офтобдай порлаб?
Тўрт девор — қафасни сиз айлаб ошён,
Овозли симларни ёниб суйдингиз.
Меҳрга ташна қалб синглингиз гирён,
Ғойибдан бир бор ҳол сўраб кўйдингиз.
Сўнган ўт-оловни қачон ёқасиз?
Акадай сингилга қачон боқасиз?
Дарахтдай умидлар ўсмоқда энди,
Оламда борлиқнинг яшил ўйлари.
Итоат лашкарин журъатлар енгди,
Уфурар ранго-ранг майса бўйлари.
Умидли кунларга, хайрият, етдик,
Биз сизни даладай соғиниб кетдик!

Ирмоқ

Гулдуракдек самони кучиб,
Мен дилларга солмадим туғён.
Камалакдай ранггин сув ичиб,
Бахш этмадим ҳатто ҳаяжон.
Тоғ бағридан чиқдим мен сизиб,
Сизга ирмоқ бўлиб туюлдим.
Кимларгадир ҳаёт бахш этиб,
Сўнг денгизга бориб қуйилдим.

Ҳаёт

Кўмир каби қора тун
Бағрин тилмаса чироқ,
Зулмат ва нур борлигин
Билмасмидик биз бироқ.

Зухросини Тоҳирга
Бахш этсайди бу ҳаёт,
Билмас эдик борлигин
Қоработир деган зот.

Тухмат тоши ёққанда
Қоматини тутиб тик,
Гоҳ қон йиғлаб, гоҳ кулган
Ҳақиқатни билмасдик.

Ишонч — оҳуга агар
Бермаса ҳеч ким ҳадик,
Бу дунёда хиёнат
Борлигини билмасдик.

Карвон карвон аталмас
Ит эргашиб юрмаса.
Карвонларни билмасдик
Итлар ҳуриб турмаса.



Саф тортганча тупроқ остида
Ниш — найзасин тутиб чигитлар —
Тўсиқларни енгиш қасдида
Жанг қилмоқда жангчи йигитлар.

Олдга томон ҳамма йўллар берк,
Ортга қайтмоқ ўлимга имкон.
Яшаш учун изланаркан эрк,
Жанг тугамас бермасдан қурбон!

Сафлар сийрак бўлса ҳам толиб,
Кураш билан топди йўлларин.
Бош кўтарди ниҳолар — ғолиб,
Силкитмоқда япроқ — қўлларин!



Осмон


Қор ёғмоқда майда-майда,
Дардин айтиб осмон бўзлар.
Гўё қийқим қоғозларда
Юрак дардин ерга сўзлар.

Балки ёниб ошиқлардай
Ерга мактуб битади у.
Жўнатишга журъат этмай,
Сўнг парчалаб йиртади у.

Сутга чайилган оқшом,
Кўйнида ухлар боғлар.
Кўриқчидай бошида
Чўккалаган чўнг тоғлар

Ёғдуларга чўмилиб,
Сехрланган ҳаммаёқ.
Бу кеча завққа тўлиб,
Ухламайди чирилдоқ,

Эркаланган бу оқшом,
Бирам осуда ва тинч.
Қаддин чўзиб шамшодлар
Ойдан олмоқда ўпич.



Дева эрға Қарайсан, Раъно?

(«Меҳробдан чаён» романидан
боб)

Агар Фарҳоднинг Ширин бўлса Мажнуларнинг

Лайлоси,

Насиб ўлмиш менга гулшан аро гулларнинг Раъноси.

[Мирзо Анвар]

Агар ор этса Лайли ҳақлидир Қайснинг жунунидан.
Не бахт, Раъно, харидорнинг талаб аҳлининг мирзоси.

[Раъно]

Кучли шамол кўтарилиб, боқчадаги ҳар нарсани тўрт тарафга бука бошлади. Кўча чанглари кўкка кўтарилиб, ой ва юлдузлар нурини хирароқ бир ҳолга қўйди. Чигирткаларнинг чириллаши, кеча ҳашаротларининг наъмаси кучли шамол товуши билан кесилди. Супа устидаги сўри ҳар замон тўрт томонга чайқалиб, ўз остида ўтирувчиларнинг бетларин гоҳ кўрсатиб, гоҳ яшириб, улар билан ўйнашгандек, теваракка ҳусайни ғужумларини бир-икки бора узиб ташлади.

Анвар ўзидан нарироққа тушган бир шингил узумни олиб еди ва бир-икки ғужумни ҳамроҳига узатди:

— Ма, Раъно...

— Мен емайман.

— Мен ҳам сенга, егин, демайман.

Раъно ўз ёнидаги ғужумларни йиғиб, Анварга берди.

— Мана узум есангиз... Менда нима юмушингиз бор?

— Боракалло... Тўкилган узумларни йиғиб бер-чи менга!

Раъно яна бир нечта ғужумларни териб узатди.

— Қани, юмушингиз?

— Сенда нима юмуш бўлсин, Раъно! Ҳар кунги ўзинг билган гап... сўзлашиб ўлтирамиз; узум тўкилса, менга териб берасан, деб чақирган эдим.

— Дадам хуфтандан қайтиб қолади. Гапингиз бўлмаса, мен кетаман.

— Хуфтан ҳали ўқилган эмас, азон ҳозир айтилди.

Башарти дадамик хуфтани ўқимай келиб қолса, бунинг ҳийласи осон; дарров анави гулнинг тагига яширинамик!

— Башарти дадам бизни қидириб, гулнинг тагидан топса, нима қиламик?

— Нима қилар эдик?.. Сен уйингга кетасан, мен бўлсам меҳмонхонага.

— Икковингиз гулнинг тагида нима қилиб ўлтирган эдингиз, деб сўраса, нима жавоб берамик?

— Узимиз ўлтирган эдик, деймик.

— Нима учун, деса-чи?

— Қизингиз уялгани учун, деймик.

Раъно кулиб ўрнидан турди ва супадаги кўзи илғаган ғужумларни териб Анварга берди.

— Хайр, юмушингиз бўлмаса мен кетдим, шамолдан қулоғим битди!

— Гапим бор, гапим! — деди Анвар, — кел, айтаман. Раъно қайтиб келди.

— Айтинг!

— Ултур!

Раъно Анварнинг қаршисига ўтирди. Утириши билан кучли шамол юриб бошидаги рўмолни учирди ва олиб бориб Анварнинг бетига ёпди.

— Ха-ха-ха, шамол сиздан ўчимни олди. Қани, гапиринг!

Анвар рўмолини қисимига олди.

— Ҳозир гапираман, лекин шартим бор.

— Айтинг шартингизни.

— Аччиғланмайсан!

— Хўп...

— Уялмайсан!

Раъно масалага тушунгандек ўйланиб қолди.

— Рўмолимни беринг!

— Рўмолинг учи кетди... Шартимга кўндингми?

Раъно жавоб бермади. Анвар Раънонинг олачалпоқ кўланка ичида хаёлий бўлиб кўринган юзига қаради. Унинг хаё ичида олийлик касб этган жоду кўзи, Анварнинг ҳозирги мақсадига тушунганликини ифода қилар эди. Бирмунча вақт шу кўйи сўзсиз қолдилар. Шамол дам кўтарилиб, дам босилар эди. Шамол асноси гуллар ҳам келинлар каби ҳар томонга эгилишиб салом беришиб олар эдилар.

Анвар ўзини супанинг қоронғи қисмига олди. Раънога айтмоқчи бўлган сўзи эҳтимол унинг ўзига ҳам ўн-файсизлик берар эди.

— Туғилганингдан сўнг ўсиш, ўсгандан сўнг икков-икков бўлиб яшаш бор! — деди Анвар ва бир оз тўхталиб олди. — Жуфтлик ёлғиз кишилар орасидагина эмас, ер юзидаги ҳар махлуқда ҳам бор... Масалан, тоғлардаги охулар, ўрмондаги тўтилар, чамандаги булбуллар ҳам ёлғиз эмас, жуфт яшайдилар... Сенингча, қандай, мен уни билмайман, аммо жуфтланишнинг, менимча энг муҳим бир шарти борки, ул ҳам ҳар икки тарафнинг муҳаббат занжири билан бир-бирларига қаттиқ боғланишларидир... Биз икков ёшлиқдан бирга яшаб келамиз, орамизда махфий сирларимиз йўқ ва бизнинг ўзаро сирларимизга воқиф бўлган чет кишилар ҳам йўқ. Шунга биноан сен билан менинг ҳар бир тўғрида ҳам очик сўзлашмагимизга ҳеч бир монелик бўлмас, деб ўйлайман... Агар янглишмасам, икковимизнинг бир-биримизга муомалаларимиз самимий ва юракларимизнинг теши ҳам ҳамоҳангдир! Ёки янглиш сўзладимми, Раъно?

Раънонинг ерга қараган кўзи секингина Анварга кўтарилиб, яна ерга оғди. Анвар унга бир оз қараб тургач, сўзида давом этди:

— Сен эшитдингми, йўқми, билмадим, улар иккимизни жуфтлаштирмоқчи бўлиб, бу кун мендан киши орқали тўй вақтини белгилашни сўраган эдилар, мен эртага жавоб бермоқчи бўлдим... Сени бу ерда туттишим ҳам, сен билан кенгашиб, эртага шунинг жавобини уларга айтишдир. Нега ерга қарайсан, Раъно?

Раъно секин бошини кўтариб кулимсиради ва юзини четга ўғирди...

— Сен уял, уялма, барибир улар бизни жуфтлаштирадилар. Марҳума Моҳлар бибининг фотиҳаси ерда қолмас! Агар сен шундай юра берайлик, десанг, мен ҳам уларга сенинг жавобингни айтаман... Гапир, Раъно!

— Юра берайлик! — деди Раъно юзини четга ўғирган ҳолда, — уларга нима оғирлиги бор?

Раънонинг бу сўзи Анварнинг устидаги юкни кўтариб ташлагандек бўлди.

— Иккимиздан бошқага албатта оғирлиги йўқ... Лекин, сен айтганча қачонгача юра берайлик? Уларга бир муҳлат кўрсатишимиз керак, Раъно!

— Қариғунимизча...

— Қариғунимизча, деб муҳлат сўрайми?

— Ўлгунимизча...

Анвар кулди ва сўрилиб, Раънонинг ёнига келди. Гўё уни ўзига қаратмоқчи бўлгандек, елкасига қўл юборди...

— Менга қара, тўғри жавоб бер, Раъно!

Раъно, қулоғи остига теккан иссиқликдан чўчиб, юзини ўнглаган эди, тасодифан лаби ҳалиги иссиқликка учрашди... Иложсиз каби, лабини иккинчи ҳароратли лабдан ажратолмай, бир неча сония кутиб қолди... Кучли шамол қўзғалган эди. Шамол, гўё кўмаклашган каби орқадан эсиб, Раънони Анвар томонга майл этдирад эди. Терак орқасида қолган ой ҳам кучли елнинг кўмагида терак бошидан буларга мўралаб олди. Икки ёшнинг ҳозирги ҳолини яқиндан томоша қилмоқчи бўлган туссиз бир юлдуз кўк саҳнининг ерга яқинроқ қисмига учи тушди...

— Жавоб бер, Раъно!

— Бу ҳолда мен жавоб беролмайман...

— Жавоб бермасанг, мен ҳам сени бўшатмайман!

— Дадам келиб қолади...

— Дадангдан бу кун жавоб олдим!

Раъно, Анварнинг ияги остига сўл чеккасини қўйиб, четга қаради.

— Сиз хоҳлаган вақтда бўлсин!

— Менга қолса, эртага...

— Майли...

Анвар ияги остидаги мулойимлашган қизнинг юзидан ўпди ва унинг тўзғиган сочларини тўғрилаб ҳаётбахш кокилларнинг муаттар бўйини узоқ ҳидлади.

— Чин сўзла, мен сенинг раъйинг билан уларга жавоб айтмоқчиман, Раъно!

— Кўкламга...

— Чинингми?

— Чиним.

— Хўп бўлгай. Мен, эртага, тўйимиз кўкламга бўлсин деб жавоб айтаман... Ерлар кўк гиламлар билан безалганда, ҳар тарафни бинафша чечаклари босганд, қушлар уя қайғусини чекканда, биз ҳам тўй қиламиз; чимилқидда бахт созини тинглаб, истиқбол куйини куйлармиз... Шундайми, Раъно?

— Шундай...

— Ундан сўнг менинг оғушимда шунинг сингари даданг келиб қолишдан қўрқиб, киши кўлига тушган қуш боласидек типирчиламассан. Шу хуснинг, шу малоҳатинг ва шу латофатинг билан тамом меники бўларсан, шундайми?

Раъно жавоб бермай, Анварнинг оғушидан ўзини қутқазиб ўрнидан турди. Супанинг зинасига бориб кафшини кийди ва Анварнинг қувлашидан қўрқиб, сапчиб ерга тушди...

— Жавоб айтиб кет, Раъно!

— Ҳа, шундай! — деди Раъно, гул ёнида рўмолини тўғирлаб. — Энди сизнинг олдингизга чиқмайман.

— Нега чиқмайсан?

— Негаки жуда ёмон киши бўлибсиз... Мен аямга айтаман.

Анвар кулди.

— Нимани айтасан?

— Ҳаммасини айтаман!

Шу вақт ўрта эшиқдан кириб келган маҳдум уларнинг сўзини бўлди, ичкарига кириб олган Раънони тўхтатиб, «Анвар акангга чой бердингми, қизим?» деб сўради.



«ЎТГАН КУНЛАР» ЁДИ

Абдулла Қодирий ҳақида ҳамма гаплар айтилиб бўлингандай, ул зот чеккан ранжу ситамлар, бошидан ўтқарган хорлиғлари еткизилган озору ҳақоратларни сўйламаган одам, қаламга олмаган шоир ё ёзувчи қолмагандай гўё. Йўқ, русумаат учун гапирётганларнинг ўзи, бу гап-сўзларнинг бари бир тараф, адиб яратган асарлар бир тараф! Шу боис ҳам улар энг одил сўз, олий маҳкамаларнинг олий ҳакамлари ҳам чиқара олмайдиган етук оқлов сифатида мангу салмоқ касб этиб турибди.

Бу асарларга — миллат фахри, муаллиф тақдир — миллат тақдир, деб қарамоқ керак. Мангу асарларнинг мутолааси мангу, тусанмас мутолаадир. Қодирийни ўқиб битқариб бўлмайди, шул сабаб, ҳамма гаплар буткул айтилгандай туюлса-да, аслида ҳеч нарса айтилмаган бўлиб чиқади.

Мутолаа — жозиб машғулот, руҳ ва кўнгли тарбияси, шул ажиб тарбия учун талаётган тушуниқсиз бир замонда яшаётирмиз. Шундай пайтда, бозор муносабатлари гала-говуридан қулоқ қоматга келган кунларнинг бириди, дейлик, сизни кўргазмага тақлиф қилишса, қандай ҳолатга тушасиз? Хамми ёқни қатта, улкан пештахталардай тўсиб турган уйлар оралаб кўргазмага борасиз, сукут поёндоз тўшаган йўлакдан юриб, йўмакор устунга сўяниб, хаёл суриб турган Кумуш, «киприги кўксига соя солган», ерга қараб турган Ратно қаршисидан чиқасиз, девонаҳол аларга тикиласиз, кўнглингиздан: «Бундай оқилалар энди дунёга келмайди», деган ўй кечади, алам қилади, замон савдолари ичра қолган

кўнгли бирдан юзага қалқийди, сиз майда-чуйда ташвишлар қурбони эмас, яна кўкси зарқираётган ошифта бир инсонга айланасиз.

Бу суратларнинг муаллифи Алишер Мирзаев, яъни Алишер Мирзо—ўзбек мусаввирлари орасида миллий тасвирга кўпроқ эътибор берадигани, марҳум Шухрат Абдурашиднинг энг яқин дўсти, шеърятдан, адабиётдан хабардор rassom, Абдулла Қодирийни мутолаа қилиш жараёнида кечирган дарду изтиробларидан бир қанча тасвирлар яратибдики, аларга боқиб нола қилгингиз келади.

«Ўтган кунлар»га шарҳ ва талқин шарт бўлмагани каби, ушбу суратларга ҳам изоҳ даркор эмас. Уларни кўрмоқ, англамоқ, кўнгли кўзгусига жойлаб қайғурмоқ керак. «Хаёл» суратидаги Кумушнинг (уни Раъно деса ҳам бўлади) инжа ҳолати, унинг йўмакор устунни тутган узун бармоқларини билганини қисган билағузуги, белининг ноциклигини янада нозиклаштирган нимчаси, қаро булутлар аро тилло тилимдай кўришиб турган ҳилол тасвирига-ча — ҳаммасида бир мукамал назокат бор, гўзал, бегубор интизорлик бор. Ўйин бўйлаб, сиргага некидир шивирлаб, ёқса видео айтиб, бағир узро пастга энган қоқилса қараб Фузунидан байт айтмоқ мумкин:

Жаҳонда қаддинг узра
воқилинган фитнае душмин,
Қиёмат ибтидоси,
фитнайи охир замондир бу.

«Хижрон»даги хижронга таъриф

йўқ, бундаги интиқлик, илҳақ кўзлар тубандаги умид, эшикка тегиниб турган нозик бармоқлари аллақачон тарих мулкига айланган зебиардонлар, эшик мулфинларидаги мунтазирлик яратуви-чисини сўраб фарёд қилаётгандай.

Ушбу сурат Қодирий асари муқовасига мутоза тасвир бўлмакка муносибдир. Ва яна бир жўяли тақлиф— ушбу суратларнинг ҳаммасини адиб асарларига расмил илова сифатида ишлатиш мумкин, Қодирийга бағишланган адабиёт дарсларида бу тасвирларнинг кўмаги беқийсдир. «Кумуш ва Зайнаб» суратида кинода тасвирланган ичи қора, жаррор Зайнаб эмас, аксинча, мунис, эзгин бир қийфа тасвирланади, уни айбситолмайсиз, унга раҳмингиз келади. Бу суратдаги Кумушнинг ҳолати эса сизнинг аҳволингизни тушуниб тургандай, чеҳрасида меҳр-шафқат...

«Хаётим долазоридин аюрдинг»да ҳам жонсиз ётган бўлса-да, шул шафқат Кумушнинг чеҳрасида зоҳир бўлиб қолибди.

«Тақдир эшиги», «Кўрқинчи туш», «Имомин тазйиқи остида сўзлайман», «Қатагон», «Ўтган кунлар ёди» каби суратлар кишини жунжиктиради. Қодирий сингари улғу сиймолар тақдирини бутун миллатни жунжиктирган тақдирдирким, мусаввир бунга бефарқ қарай олмайди, бизни яна бир қарра огоҳлантиради, бу тасвирлар унинг кўнгли ва руҳ эҳтиёжидан келиб чиққан, кўнгли ва руҳга эҳтиёж эса берух, дилгир бир муҳитда ниҳоятда зарурдир.

Сирожидин Саййид

АЛИШЕР МИРЗАЕВ



ЎШЛИК





«ЁЛҒИЗ УМИДИМ СИЗДАН...»

Олмаҳон Тожибой кизи
ихлосмандлари илинжномасини
шарҳлайди

«Ёлғиз умидим сиздан...»

«Менга ёрдам беринг!»

Сўнгсиз илтимос билан битилган ўтинчномалар. Уларнинг адоғи кўринмайди сира. Сохилини бузиб кетган асов дарё каби тахририятга оқиб келади. Сабаб — «Олмаҳондан сўранг», у жўрналнинг август сонидан эълон қилинган. Сабаб...

...турмушининг аянчлилиги. Қашшоқлик. Қулфат. Дард.

Ва, албатта, куни кеча ўн саккизга тўлган, ойдин кечалар ўн беш кунлик ҳилолга боқиб тани ўртанган паривашнинг оху ноласи: «Мен бир йигитни чин дилдан севаман, Усиз менга бу ҳаётнинг кераги ҳам йўқ. Унинг исми... сир! Биламан, у ҳам мени яхши кўрар эди, нима бўлди-нима кўйди, бирдан совиди. Шунинг иситишининг иложи йўқмикин? Қани энди аввалги холига қайтса у! Энди нима бўлади? Пешонамга ким ёзилган ўзи? Ўзини сўрайман сиздан, шунинг айтиб берсангиз!»

Сочларини олдига ташлаб сувратга тушган малаканинг чарос кўзларига термулганча жилмайиб кўясиз. Унинг остида ётган суврат... нечундир юзлари қарим-сик, гарчи жуда ёш бўлса-да, қартайиб қолгандай кўринувчи дардчил ва муштипар оналар, ҳали эсини танимаган бўлса-да, маънос боқаётган кўзлари мунга тўлуғ гўдақлар...

Шу сувратларни устол устига ёзиб кўйсангиз агар, Ўзбекистон ҳаритасидаги дардманл нукталар каби, эртанги кунга ишора каби бўлиб туюлади улар.

«Олтмиш тўрт ёшдаман мен,— деб ёзади навоийлик Файзулла Мардонов,— шифокорлар дардимни аниқ айтиша олмаяпти. Синглим, нима қилсам соғайиб кетаман, айтинг!»

Олмаҳон оқ рўмолини бошига ташлаб, ишчинома кишининг сувратига узалади ва уни кўлига олиб узок термулиб қолади.

— Бу киши анчадан буён касал. Жаҳли тез, шунинг учун ҳам ҳадеганда диққати ошади. Қон босими кўтарилади. Нафаси қисади. Бир қулоғи яхши эшитмайди ҳам. Бир маҳаллар сарикка чалинган. Иллат — талогиди; аммо жуда зехни ўткир...

Қийик ўти билан бедани қайнатиб, сувини ичса, шифо бўлади.

Ўйининг олдига авлиё бор, шунга сиғинса кам бўлмайди.

«Саккиз ё тўққиз ёшларда эдим, шундай бир воқеа бўлганки... севган йигитимга етиша оламанми?»— Д. исмли қиз шундай савол билан мурожаат қилади. Олмаҳон дейдики: — Бу қизнинг нишонаси бор. Болалигида қуйган. Ҳадеганда ўзидан ўзи ўксиниб юради у. Бир йигитга қўнғил қўйган. Ўғлининг шу қизга уйланишини йигитнинг онаси истамайди, холюс. Аммо улар муроду мақсадига етишади, бироқ...

Бу қиз ўқишни истади, ўқийди ҳам: ё математик, ё тиббиёт ходими бўлиб етишади.

«Онамиз олти йилдан буён бетоб, кўрсатмаган жойимиз қолмади. Олмаҳон опа, ёлғиз умидимиз сиздан...»

Ҳафиза Сафарова,
«Нарпай» давлат хўжалиги.

— Ҳафизанинг онаси чиндан ҳам шифо истаб кўп-ларга юкинган, аммо нафи тегмаган. Чунки касали эскичадан. Қўйнинг қалласи билан қоктирса бўлар эди. Учта мулла иштирокида чилёсин қилдирса, кейин уч кун чилла ўтирса, худойимнинг ўзи меҳрини дариг тутмас!

Навбахорлик Нодира Шукурова сувратига кўз ташлаб, Олмаҳон айтдики:— Бу қизнинг қонига араб қони аралаш; ўзи жуда меҳнаткаш. Мендан, бахтим очиладими, деб сўрабди. Ҳа, бир оз кеч, аммо жуда бахтли бўлади.

«Қимматли Олмаҳон опа!

Агар сиз чиндан ҳам билсангиз, айтинг-чи, меннинг қандай касалим бор? Ўқишга қира оламанми? Бахтим қачон очилади?»

Синглингиз Матлуба Ражабова»

Нотаниш қизнинг жажжигина сувратига тикилиб туриб, Олмаҳон дейди:

— Синглим Матлуба!

1. Сиз сал асабийсиз, сабаби — ошқозонингизда пича касалингиз бор. Ҳаётдан кўнглингиз совуган. Гоҳи-гоҳида бошингиз оғриб, ўзингиздан кетасиз.

II. Ўқишга киришни жуда ҳам истайсиз, биламан, омадингиз чопсин. Аммо кафолат бера олмаман.

III. Бахтингиз очилиб кетади, агар янглишмасам, йигирма уч ёшингизда...

Бахтни куйламоққа анча моҳирман,
Ғамни куйламоққа тилларим тугун,—

дейди Абдулла Орипов. Зеро, ҳар қанча бировга зарур бўлса-да, сен шу сирни билсанг-да, ғамдан сўз очиш жуда оғрикли. Шунинг учун ҳам Барно Дўстованинг ҳали илтижоси билан танишмай туриб, хатта илова қилинган Севдиёр исмли йигитнинг сувратига кўзи тушди-ю. Олмаҳон маънос тортиб қолди.

— Укажоним-эй!— деди у Севдиёрнинг сувратидан кўз узмай.— Сен ёмон кишиларнинг кўлига тушибсан. Жигарингни эзиб юборибди улар. Бурунларингдан қон қуюлипти. Ахийри сувга ташлаб юборишибди-да...

«Дардлардан фориғ бўлиб, ўзимни соғлом ҳис этадиган кун ҳам келармикин? Орзу-ниятларим ушалармикин? Еҳуд тирноққа зор бўлиб ўтиб кетаманми?...»

— Нурали Раҳмонов шундай деб ўқинади. Зорланмаса ҳам бўлади, негаки, бу кишининг аёли Гуллола Саттороводай покиза, юраги тоза, очиккўнгли жувон дунёда йўқ. Рост, Нурали анчадан буён азоб чекиб келади, умидсизликка берилади ҳам. У етти авлиёни зиёрат қилсин. Уч марта қайтарма келтирсин. Уш вилоятдаги авлиёга сизинсин. Гарчи кечикиб бўлса-да, албатта, фарзанд кўради.

— Олмаҳон, мана бу синглимиз — Шоира Нурбоева онасининг сувратини юборибди...

— Онаси — Нуртожи Нурбоева — оилавий ҳаётда сиқилган. Азиз кишидан айрилиб қолган. Ўзи ҳам шифохонада ётиб чиққан; буйрагини шамоллатиб қўйган у. Ҳадеганда боши, тагин бир оёғи оғрийди. Кун кечирини ёмон эмас, айтиш керакки, жуда узок умр кўради.

Агар исирик, маргансофка, туз қориштириб ванна қилса, ўзига фойда. Оқ ёғни қиздириб бошига суртса, думба қўйса яна-да яхши. Қайтарма қилдирса, бунга нима етсин.

«Олмаҳон опа!

Ўтиниб сўрайман: дардимни айтинг! Нима даъвоси бор бунинг?»

Шухрат Чинназаров»

— Шухратнинг бир оёғида нишонаси бор. Ҳар-ҳар замонда дард тутади, ҳушини йўқотиб кўяди у. Ўпка-нафас йўлида шамоллаш асорати қолган. Тиббий тарзда даволаниши керак. Азиз жойга у... Қасида ўқитса, ўнглиниб кетади.

Насриддин ота олтимиш етти ёшда, Бухоро туманида истикомат қилади. Саломатлигидан арз қилади у, айтишча кечалари мижжа қокмайди, оромни йўқ...

— Насриддин ота бир оз илгари йиқилиб тушган ва мияси чайқалган. Эскичасига айтганда, бошини солдириши, хомчалпақ қилиб бошига қўйиши керак.

Асаблари ҳам толиққан бу кишининг.

Агар кашнич, райхон ва шавилни қайнатиб сувини ичса борми, шубҳасиз енгил тортади.

Вобкентнинг Хумрён қишлоғидан Лайло исмли қиз дардманд онасининг сувратини юборган. Олмаҳоннинг айтишча, бу аёл қон босимида мубтало. Буйраги касал. Нафаси қасида. Тани шишади. Оёғининг бўғинлари сиркирайди.

— Бешта мулла иштирокида чилёсин қилдирсин. Яратган эгамдан шифо тиласин.

«Менинг сочим бир йил аввал қизлар ҳавас қилгулик эди, бирдан тўкила бошлади. Нега шундай бўлди? Давоси нима бунинг?»— деб сўрайди Юлдуз Шамсиддинова.

— Эҳ, синглим, синглим,— дейди Олмаҳон.— Сочини ювгач, эҳтиёт қилиш керак-да. Сиз бўлса, сочингизни ювиб, тўкилганини мағзава аралаш жойга ташлагансиз. Шунинг асорати бу. Қолаверса, кўп ўйланасиз...

Сочингизни пиёзнинг суви билан ювинг; авлиёнинг тупроғидан суртинг унга. Агар иложи бўлса, анорнинг сувини қайнатиб, сочингизни чайинг. Ҳеч хафа бўлманг, ҳаммаси кўнглингиздагидай бўлиб кетади!..

Қани энди ҳар бир мактуб муаллифига шундай таскинбахш, жиллакурса, шикаста кўнглида умид уйротувчи жавоб айтиш мумкин бўлса. Хатлар... тахририятга асов дарё янглиғ тошиб келаётган хатлар. «Отам етмиш тўққизинчи йилда оғир дардга мубтало бўлди. Шифо истаб, бормаган жойи қолмади. Мен ҳатто умримни у кишига беришга тайёрман. Илтимос...»

«Укам Шухратжон саккиз ойида дардга чалинди. Кўрсатмаган шифокоримиз қолмади. Мана, ҳозир ўн уч ёшга тўлибдики, ҳалиям дардманд. Онаминг кўзёшларига қараб, қон бўлиб кетаман. Сиздан ёлвориб сўрайман...»

«Нахотки мен тузалмасам? Нахот фарзанд доғида қуйиб ўтсам?...»

Елғиз умидим сиздан...»

Унсиз фарёдлар. Улар Ўзбекистоннинг турфа бурчакларидан ёғилиб келаётир. Ва сен беихтиёр ўйлайсан: нега?

Қайси бир мамлакатда шундай аянчли аҳволга шохид бўлиш мумкин?

Шу кун, шу замонда қайси бир мамлакатда юз минглаб дардмандлар бирварақайинга оҳу фиғон чекиб, экстрасенсга ёлвориши, «елғиз умидим сиздан!» дея илтижо қилиши мумкин?

Ери, суви, ҳавоси захру заққумга айланган, тиббий шароити ҳақимлари яроқсиз холга келган, дардмандлари ташлаб қўйилган, нанки ташлаб қўйилган, балки, унутилган ўлкадагина шундай аянчли кўргуликлар содир бўлади.



Арнолд ШВАРТСНЕГЕР

ҳикоя қилади

Алқомат дўстларимнинг: «Арнолд! Арнолд!», деган овозлари ҳануз қулогим остида. Бу хотиралар мени биз бола деса бола, катта деса катта бўлмаган ўша ажойиб кезларга олиб кетади. Ҳар биримиз: «Ким бўлсам экан?», деган саволга жавоб излашга эндигина киришган пайт.

Гратса яқинидаги қўл ёқасида жойлашган соя-салқин майсазорда пайдо бўлишим билан машққа зўр бераётган катта ёшдаги дўстларим мени чақириб қолишарди: «Арнолд! Арнолд! Тезроқ буёққа чоп, бирга машқ қиламиз».

Маълум бир вақт ўзлимни топишга бўлган табиий интилиш ҳамда ҳаётий мақсадларимни қандай бирлаштиришни билолмай юрсам-да, ҳар бир ўн беш яшар болакайда бўлганидек, гузааллик ҳақида ўз тасавуриим бор эди.

Охир-оқибат, дўстларим ёнгари фақат алқомат бўлиш билан кифояланмасдан, уларга сардор чиқишга аҳд қилдим. «Асл эркак бўламан!», деб дилимга тугдим. Аммо ўша пайтдаёқ бунга эришиш нақадар машаққатли эканини ич-ичимдан ҳис қилиб

турардим. Шунга қарамай, энг барваста тана тузилишига эришиш учун исталган қийинчиликларни енгишга қарор қилдим.

Рости, бу қарорга келганимда, спорт билан шуғулланаётганимга анча бўлиб қолганди. Спортчилар оила-сида катта бўлганим бунда жуда қўл келди. Отам кегли ўйини бўйича чемпион эмасми, доим оиладагиларнинг кўп ҳаракат қилиб, меъёр билан оҳ-қатланишларини назорат этиб турарди. Шунинг учун бўлса керак, болалигимданок батартиб, бевосита ҳаракат билан боғлиқ кундалик турмуш тарзининг афзалликларига тушуниб етдим.

Ўн ёшга тўлмаёқ футбол билан жиддий шуғуллана бошладим. Ҳафтада уч марта жамоа билан бирга майдонда машқ қилдим. Беш йилни спортнинг шу турига бағишладим. 13 ёшимда футболдан совий бошлаганимни сезиб, келажак муваффақиятларим гарови бўла оладиган спорт турини излашга тушдим. Югуриш, сузиш, бокс бўйича кўплаб мусобақаларда иштирок этиб, анчагина юқори натижаларга эришсам-да, ўз йўлимни

тополмаётганимдан сира кўнглим жойига тушмасди. Бир кунни футбол бўйича устозим умумжисмоний тайёргарликка жиддий эътибор беришимни маслаҳат қилди. Асосан, мушакларимни пиштутувчи машқларни бажаришим керак экан.

Илк бор алқомат паҳлавонларнинг уюшмасида пайдо бўлганим ҳамон ёдимда. Кўп вақтимни спортга бағишлаган бўлсам-да, негадир паҳлавонлик турлари назаримдан четда қолиб келаётган экан. Номаялум дунё остонасидан ҳатлаб ўтдим у мени ўзига тамоман ром қилди-қўйди. Мушаклари Геркулесникидек бақувват бу паҳлавонсифат кишиларнинг таналари тердан ялт-ялт қиларди. Уларни четда туриб зимдан кузатар эканман, қойил қолмай иложим йўқ эди. Уларнинг мушакларини айтинг! Бундай куч-қудратни биринчи бор кўриб турардим.

Айни шу дақиқа тақдирим ҳал бўлди, десам, адашмайман. Қоронғида пайпаслаб қидираётган нарсамни ахийри топгандим. Шу онинг ўзидаёқ оёқ мушакларимни тоблаш машқларини бошлаб юбордим (чунки ҳануз «футболчи» эдим). «Эҳтиёт бўл», деб такрор-такрор огоҳлантиришса-да, тиришгандан тиришавардим. Машғулотлардан сўнг шу қадар ҳолдан кетардимки, уйга аранг етиб олардим. Эрталаб соч тарамоқчи бўлиб тароққа ҳарчанд қўл чўзмай, бармоқларим изимга бўйсунмасди. Шунга қарамай, мушакларим кундан-кунга пишиб бо-



раётганини ҳис қилиб турардим ва бу менга куч бағишларди.

Кўп ўтмай, зўр бериб соққатош билан ўтириб тураётганим ва бошқа машқларни бажаришдаги тиришқоқлигини кўрган алпкелбатлардан бири мендан ҳақиқий паҳлавон чиқишини маълум қилди. Ун беш ёшимда вазним 68 кило, бўйим 183 сантиметр эди. Исталган оғирликни бемалол кўтара олардим. Машгулотларим учун махсус машқлар мажмуасини ишлаб чиқишга, имкониятларимдан кенгроқ фойдаланишга интила бошладим. Юқорида бир тилга олганимдек, ёзги машгулотлар кадрдон шахрим Гратса яқинидаги кўлардан бирининг ёқасида ўтарди. Шу мунгазам машқлар шарофати жуда тез чиниқа бордим. Уч ойлик ёзги машгулотлардан сўнг аксарият мактабдошларим мени ҳатто танимай ҳам қолишди. Паҳлавонлар уюшмасидагилар менга қараб ҳавасларини яшира олмасдилар. Аммо мени бу ҳам қаноатлантирган йўқ эди. Спорт журналида кўрган сувратим — Рэг Паркиннг гавда тузилиши мени сира тинч қўймасди.

Синфдошларим устимдан кулишар, баъзилар мени тентакка ҳам чиқариб қўйишганди. Ҳатто отам ҳам бу интилишим маънисини тушунишни истамасди. Бир куни у мендан: «Мушакларингни обдон пишитиб олгач, нима қиласан?», деб сўради. «Дунёда энг кучли одам бўламан!», деб жавоб бердим мен. «Хўш, кейин-чи?» «Кейин Голливудга кинода ўйнашга кетаман».

Паҳлавонлар уюшмасидаги машгулотлар нафақат кўришимини (мен қисқа вақт ичида 115 килога оғирлашгандим), балки ички оламим, одамлар билан муносабатларимни ҳам ўзгартириб юборди. Ҳамма менга энди бошқача назар билан қарай бошлади. Шу билан бирга, машгулотлар давоминда ҳеч қандай муаммога дуч келмадим, десам ҳам ёлгон бўлади.

Ишим юришаётган эса-да, 18 ёшимда ҳам ҳали мукамал гавда тузилишига эга эмасдим. Кўпгина пайларим ҳали ҳам буш, уларни тобига етказиш учун мендан яна қандайдир номалум машқларни бажариш талаб қилинарди.

1965 йили мени ҳарбий хизматга чақирди, бахтимга, у ерда ҳам машгулотларни тўхтатганим йўқ. Устига устак, биринчи марта Штутгартда ўтказилган мусобақада иштирок этиб, ғолиб ҳам бўлдим. Бу — галабаларимнинг ибтидоси эди.

Афсуски, ҳозирги замон кишиси жуда кам ҳаракатда бўлади. Ҳатто юз йил муқаддам ҳам жисмоний меҳнат ҳозиргидан кўра аҳамиятлроқ эди. Дярли ҳар куни кишиларда ўз мушакларига куч бериш эҳтиёжи туғиларди. Одамлар қўлда ишлаб, пиёда юришга мажбур эдилар.

Вугунги кунда ҳаммаси бошқача. Жамики оғир меҳнатни мошинлар бажаради. Техника бизни ҳаддан ташқари талтайтириб юборган. Шахсан

ўзим ҳатто қўшни маҳаллага ҳам улосвиэ бормайман.

Агар мушакларимиз борлигини тез-тез эслаб турмасак, бир кун келиб улар ҳазон бўлиши муқаррар. Кўпинча шундай бўладик, арзимас ҳаракатлар оқибатида ёшгина йигитларнинг танаси жароҳатланади. Уйни тозалай туриб кескин ҳаракат қилган беканинг елкаси чиқиб кетади. Уловининг гилдирагини алмаштираётган эркак эса мушак пайларини чўзиб юбориши ҳеч гап эмас. Нега шундай бўлади? Бунга жавоб битта: танамиз «ипакойим» — қаттиқ ҳаракат ёки оғирликка тайёрланмаган! Ахир ҳар биримизда 600 га яқин мушак бор. Улар миллиардлаб тўқималардан ташкил топган. Танамизнинг ярмидан кўпини мушаклар эгаллаган. Нафас олишимиз, ҳаёт учун зарур аъзоларимизнинг озиқланиши уларга боғлиқ. Афсуски, фақат хасталик эшик қоқиб келгачгина бу ҳақда эслаб қоламиз...

Тана уйғунлиги ва соғломлигига исталган киши эришиши мумкин. Бунга эришишнинг энг тўғри йўли танани узлуқсиз чиниқтиришдир. Вугунги кунда бу барча томонидан тан олинган. Аммо йигирма йил аввал бу ҳақда гап бўлиши ҳам мумкин эмасди. Ҳатто тажрибали устозлар ҳам танани чиниқтириш чидамлиликка олиб келмайди, шунчаки, мушакларни каттайтириши мумкин, деб ҳисоблашарди. Паҳлавонкелбат кишилар забардаст бўй-бағга эга бўлсалар ҳам аслида бесўнақай, шалварадан, деб ўйлашарди улар. Аммо мазкур спорт турининг чинакам фидойилари ўзларининг ҳақ эканликларини исботлаб беришди. Тош кўтариб танани чиниқтириш спортнинг барча турлари вакилларига фойдали экани ойдинлашди. Ҳатто амриқоча футбол шинавадалари ҳам сўнгги йилларда танани чиниқтириш шарофати билан юксак натижаларга эришдилар. Вуни футболчи Бриам Отфилд ҳам тасдиқлади. Танани чиниқтирувчи машгулотлар тўғрисида у ҳамда унинг дўстлари ҳозир тўғри узоққа ва аниқ отишмоқчи.

Бу фикрни ажойиб чанги учини устаси Карл Шрантс ҳам тасдиқлаши мумкин. У 73 кило вазнига эга бўлса-да, ҳар тонг оёқларини чиниқтириш мақсадида 180 кило вазинли соққатош (штанга) билан ўтириб туради.

Танани чиниқтириш фақат спорт юлдузи бўламан деганларгагина фойдали эмас. У қорним ихчам, елкам кенг, гавдам расо бўлсин деганларга ҳам асқотади. Бундан ташқари, шифокорлар ҳам кўпинча даволаш мақсадида беморларига куч ишлатишни талаб этадиган машқларни бажаришни тавсия қилишади.

Танани чиниқтириш инсоннинг барча аъзоларига фойдали. Спортнинг бўлак турлари (шу жумладан, теннис ҳам) фақат айрим мушакларга таъсир қилади. Шундай экан, дярли ҳар бир мактаб, ҳар бир дорилфунунда паҳлавонларнинг ўз машгулотхоналари борлиги табиий ҳолдир. Фақат тана-

миз эмас, ақлимиз, шууримиз билан ҳам шугулланишимиз муҳимдир. Ақлимиз бизни ишга, ҳаракатга ундайди. Айнан у-танани чиниқтиришимизда бизга воситачи бўлади. Агар ақлимиз спортзалдаги машаққатли меҳнатга вужудимизни йўллай олмас экан, унда бирор натижа чиқишига ишониб қийин. Чиройли спорт кийимини сотиб олиш, нари борса, стадиёнга ҳам бориш мумкин, аммо шугулланмай, ўзингизга ўхшаган эричқоқ ва субутсиз кимсалар билан валдираб ўтирганингиздан на фойда?

«Бу машқни бажаролмайман» — мазкур иборани асл спортчининг овоз чиқариб айтиши у ёқда турсин, хаёлидан ўтказишга ҳам ҳаққи йўқ. Агар машқни бажара олмасангиз, дарров кўлингиздан келадиган хийла енгилроқ машққа ўтингки, у ўз навабатида сизнинг бу мақсадга етишингизга замин яратсин.

Машгулотларни энг оддийларидан бошлаб, бирин-сирин мураккаблаштириб бориңг. Шунда танангиз ривожланиши нафақат муваффақиятли, балки ақлингиз билан уйғунликда давом этиб боради. Танангиз ақлингизга айтиб туради: мен ўзимни яхши ҳис қилганим; бу машқ мен учун оғирлик қилмади; мен бундан ҳам катта оғирликни кўтаришим мумкин эди.

Танасини чиниқтиришга киришаётган киши нега бу йўлга қираётганининг сабабини идрок эта билиши ниҳоятда муҳимдир. Албатта, туртки бўлиб бировнинг лўқмаси ҳам хизмат қилиши мумкин: «Ўзингиз қарасанг бўлмайдингиз? Қорин қўйворибсан-ку. Тош билан жиддий шугулланмасанг, яқин орада иштон ҳам тор келиб қоладиган кўринад!»

Аммо бунини жиддий қабул қилиш ярамайди. Чунки бу гап бировдан чиқяпти. Энг маъқули — ўзингизга савол беринг: хўш, мақсадим нима, танамни чиниқтириб нима қилмоқчиман?

Агар шунда ўзимизни ўзимиз алдамасак, яхши натижаларга эришишимизга замин яратган бўламан.

Кейинги қадам — мақсадни аниқ белгилаб олиш. Яъни, қандай кўринишга интилаётганингизни кўз олдингизга келтирасиз. Мен учун бундай одам Рэг Парк эди. Унинг сиймоси бирор дақиқа ҳам кўз олдимдан кетгани йўқ. То ўз мақсадимга эришганимга қадар, албатта. Мақсадни ҳис қилиш, шунингдек, энг оғир тўсиқлардан ошиб ўтишга ҳам ёрдам беради.

Ешлар билан учрашсам нуқул бир илтимосни эшитаман: «Вуни қаранг, шу ерда экансиз-а! Соққатош билан ётиб машқ қилиб беринг! Қўрайлик!»

Бунга мен доим шундай жавоб қайтараман:

— Шошманглар. Ҳали бунга улгураман. Энг олдин машгулотларга киришишимиздан мақсадимиз нелигини бир аниқлаб олсак. Ана кейин...

(Давоми бор)

Жужкадан олинган пул атиги тўққиз тийин чикди... Ана шу пул билан темир йўл бекатига караб юрдим. Йўлда роса қорним очди. Шу кечанинг ўзида иккинчи марта жиноий ишга қўл урдим, яъни даладан картошкани эгасидан бесўрок қовлаб олиб, кўрда пишириб ёдим.

Бекатда биринчи дуч келган поезднинг бўшроқ вагонига кирдим. Кейин билсам: поезд Берлинга кетаётган экан. Чиптам йўк. Уриндик тагига кириб (хаётимда бу учинчи ва сўнгги жиноят) котиб ухлаб қолибман.

Аммо шу билан иш битса қошки эди-я. Кўп ўтмай вагонга назоратчи кирди ва йўловчиларни уйғотиб, чипталарини текшира бошлади.

— Йигитча! — унинг овози хануз кулогим тагида. — Сенинг чиптанг...

Кўрқиб кетдим. Секин қўлимни чўзиб оёқ остидан қандайдир қоғозни, чамаси газет парчасини олдим. Бир-биримизга тикилиб қолдик. Мен бутун вужудим билан назоратчининг шу бир парча қоғозни чипта деб ўйлашини истардим. Назоратчи қоғозни қўлига олди-да, айлантириб томоша қилди. Мен гужанак бўлиб олдим. Хануз бояги истакда ёнардим. У газет парчасини темир жағ (компостер) тишлари орасига сукди-да, «шик» этиб босди. Кейин «чипта» ни менга узатаётди:

— Нега чиптанг бўлсаям, ўриндик тагида кетяпсан? Чик! — деди. — Икки соатдан кейин Берлинда бўламиз...

Мендаги фикран ишонтириш қобилияти шу тарзда тасодифан намоен бўлди.

* * *

Аста-секин танилиб, шуҳрат қозона бошладим. Импрессариом* Целмейстер жаноблари ҳам борган сари кўзга кўриниб, юзлари юмалоклашмоқда, унча катта бўлмаган қорни келишган коматини бузмोकда эди. 1915 йили у мени биринчи бор саёхатга — Венага олиб борди. «Ойдинбоғ» да томоша кўрсатишга тўғри келди. Барчанинг эътиборини ўзимга жалб этдим, «мавсумнинг гули» бўлдим деса муболаға бўлмас.

Шу ерда — Венада Алберт Эйнштейн билан илк бор учрашиш бахтига муяссар бўлдим. Мен у вақтда Эйнштейн нима ихтиро



Хурматли редакция!

Мен машхур экстрасенс Волф Мессинг ҳақида кўп эшитганман, бироқ унинг таржимаи холи, беназир салохиятининг куч-қудрати ҳақида ҳеч нарса билмайман. Айтишларича, унинг ўз ҳаёти ва фаолиятига доир хотиралар китоби бор эмиш. Иложи бўлса, «Ёшлик» саҳифаларида шу асар берилса.

Адиба Темирова, Андижон

Биз бу мазмундаги хатларни жуда кўп оламиз. Чиндан ҳам, ноёб истеъдод соҳиби Волф Мессингнинг «Ўзим ҳақимда» деб номланмиш хотиралар китоби бор. Бироқ, афсуски, биз уни тўлалигича беролмадик, чунки мазкур китоб «Ўзбекистон» нашриёти томонидан бир неча қайта чоп этилган ва уни қизиқувчилар кутубхоналардан топиб ўқишлари мумкин. Сирли ходисалар ишқибозлари учун эса келгуси йилда бизнинг ажайиб тухфамиз бор — 1992 йил I-сондан эътиборан «Ёшлик» бўлак ноёб истеъдод эгаси, машхур экстрасенс Ури Геллернинг китобини эълон қила бошлайди. Геллер масофадан туриб металл ва бошқа буюмларни букади, синдиради, яширилган буюмларнинг жойини аниқ айта олади, ёнидаги кишининг фикрини ўқийди, буюмларни йўқотиб, яна пайдо қилади, бузук соатларни нигоҳ кучи билан юргизиб юборади, шу каби яна ўнлаб ақл бовар қилмас жараёнларни осонлик билан намойиш этади. Волф Мессингнинг «Ўзим ҳақимда» асаридан олинган куйидаги парчани эса хамир учидан патир сифатида қабул этгайсиз.

қилганини билмасдим, аммо номини анча бурун эшитгандим. Мен учун у «атоқли физик» эди.

Олимнинг уйда мени лол қолдирган нарса бу китобларнинг ниҳоятда қўпчилиги бўлди. Хоналар китобга лик тўла. Мени икки киши қарши олди. Булардан бири — мезбон Эйнштейн, иккинчиси — машхур врач ва рухшунос австриялик Зигмунд Фрейд эди. Мен уни танирдим. Фрейд дарҳол тажрибага киришишни таклиф этди ва менга фикран буйруқ бера бошлади.

Унинг фикрий буйруғи ханузгача эсимда: пардоз столига яқин бориш, мўйчинакни олиб Эйнштейнга яқинлашиш ва... унинг қалин мўйлови орасидан учта толани юлиб олиш. Мўйчинак билан аста-улуғ алломага яқинлашдим ва узр сўраб, дўстининг хоҳяшини айтдим. Эйнштейн бир жилмайиб кўйди-да, менга юзини тутди...

* * *

Полшада менга одатда оилавий можароларни бартараф этиш, қимматбахона буюм ўғриларини қидириб топиш каби илтимослар билан муурожаат этишарди. Мен бу ишларда фақат виждоним амрига қулоқ тутдим: олдимга келувчи киши бойми — қамбағалми, жамиятда юксак ўрин тутадими — йўқми, қатъи назар, хамиша ҳақиқат томонида турдим, одамларга яхшилик қилишга интилдим. Бу ўринда айрим воқеалар устида тўхталмасам бўлмас, деб ўйлайман.

Улардан бири граф Чарторийскийнинг қўхна қасридаги тасодиф билан боғлиқдир. Бу панлар Полшасидаги энг бой ва машхур оила эди. Граф Чарторийскийнинг ўзи сейида анча нуфузли киши бўлган. Ана шу оилада наслдан-наслга мерос бўлиб келаётган қимматбахона буюм — жавҳар тўғноғич йўқолди. Тўғноғич, заргарларнинг баҳосича, ақл бовар қилмайдиган даражада қиммат — 800 минг злотий¹ турарди. Уни қидириб топишга бўлган урғинчиликнинг бари зое кетди. Таклиф қилинган хусусий айғоқчилар ҳам иш чиқара олишмади.

Граф Чарторийский ўз тайёрасида хузурига учиб келди. Мен бу пайт Краковда томоша кўрсатардим. Бўлган воқеани айтиб мендан ёрдам сўради. Эртаси куни биз Варшавага учдик. Бир неча соатдан сўнг биз унинг қасрига етиб келдик.

¹ Злотий — Полша пул бирлиги

* Импрессарио — хомий.

Шуни айтишим керакки, менинг ўша вақтдаги киефам артистларникига жуда ўхшарди: кўкиштобқора, қуюк, жингалак сочим елкамгача тушар, юзларим рангсиз, оқиш эди. Эгнимда қора костюм, бошимда шляпа. Қасрда граф ҳаммага ўзи билан рассом олиб келганини маълум қилди.

Мен эрталабдан «натура» танлашга киришдим. Қасрнинг барча хизматчилари ва малайлари олдимдан бирма-бир ўтишди. Уларнинг ҳаммаси ҳалол ва тўғри одамлар эканига ишонч ҳосил қилдим. Қаср эгасининг оиласи билан танишдим, ўғри улар орасида ҳам йўқ эди. Фақат бир одам тўғрисида аниқ бир нима дея олмадим. Мен унинг фикрларининггина эмас, ҳатто кайфиятини ҳам сира сезмасдим. Бу одам қасрда кўпдан бери ишлаётган хизматкорлардан бирининг ўн бир ёшлар атрофидаги акли заифроқ ўғли эди. У бу ерда тўла эркинликка эга, хоҳлаган хонасига қира оларди. Бола бирор ёмон иш қилиб, қўлга тушмагани учун одамлар унга эътибор ҳам беришмасди.

Мен турли-туман ўйинчоқларга тўла болалар хонасида у билан яккама-якка қолиб, ўзимни гўё ён дафтарга нимадир чизаётгандек қилиб кўрсатдим. Кейин киссамдан тилла соатимни чиқариб, хавода силкитиб ўйнатганча стол устига қўйдим ва хонадан чиқиб, кузата бошладим.

Кутганимдек, бола столга яқинлашиб соатни олди, менга ўхшаб занжиридан ушлаганча хавода силкитди, оғзига солиб кўрди... Шу тахлит ярим соатдан кўпроқ ўйнади. Сўнг бурчакда турган каттакан айик тулуми олдига борди ва эпчиллик билан тирмашиб унинг елкасига чикди. Сал ўтмай тилла соатим боланинг қўлларида охири бор яраклаб кўринди-да, айикнинг катта очилган оғзига тушиб ғойиб бўлди... Ҳа, мен янглишмаган эдим. «Ўғри» шу беозор бола эди. Тулум эса унинг гунг шериги — ўғирланган буюмларни асровчи...

«Айик»нинг қорини ёришга тўғри келди. Уни тилган «жарроҳ»лар қўлига бир талай нарсалар — тилла суви юритилган чой қошиқлар, арча безаклари, турли рангдаги шиша синиқлари илашиб чикди. Улар ичида графнинг наслданаслга ўтиб келаётган қимматбаҳо тўғноғичи ҳам бор эди.

Келишув бўйича, топилган буюмлар нархининг тўртдан бирини граф менга бериши керак эди. Бу тахминан 250 минг злотий

бўларди, чунки бахтсиз «коп»дан топилган нарсаларнинг умумий қиймати бир миллион злотийдан ошироқ чикди. Мен бу пулни олишдан воз кечдим, лекин графдан Полша ҳукумати яқинда қабул қилган яҳудийлар ҳуқуқини камситувчи қарорни бекор қилиш учун сеймда ўз таъсирини ўтказишини илтимос қилдим. Жавҳар тўғноғич соҳибим бунга қўнди. Икки ҳафтадан кейин қонун бекор қилинди.

Бошқа бир ҳодиса хийла тасодифан юз берди. Кичкинагина поляк кишлоғига битта «американ бойвачча» келипти. У «энг яхши уйлар»да кутиб олинди, ўн олти яшар чиройли қизга хуштор бўлиб, қўлига жавҳар узук тақипти, қиздан хотинликка рози бўлишини сўрапти. Таклиф бажону дил қабул қилинганини айтмасак ҳам бўлади. «Американ бойвачча» панлар Полшасида гўзал шахзода сингарини афсонавий шахс ҳисобланарди...

Бу жойга мен гастролга келиб қолдим. Қизнинг ота-онаси олдимга маслаҳат сўраб келишди. Йигитга олисдан бир кўзим тушган, унинг нимасидир менга ёқмасди. Уни томоша кўрсатаётган жойимга олиб келишларини сўрадим. Йигит келди. Ўзини ҳаёсизларча тутди. Гап ташлаб турди, талтайиб ўтирди. Унга бир савол билан мурожаат қилганимда ўрнидан туриб, залдан чиқиб кета бошлади... Бирок менга ҳамма нарса ойдин эди.

— Чўнтагини текшириб кўринглар! — дея бақирдим.

«Американ» қаршилик кўрсатишига қарамай, уни тўхтатишди. Бир чўнтагидан хар хил исм-шарифлар ёзилган, лекин сурати бир хил бир неча паспорт топиб олишди. Паспортлар нукул бўйдоқларники эди. Иккинчи чўнтагидан бир талай беҳаё суратлар чикди. Шунинг ўзи етарли эди. «Американ»ни камокка олишди. У турли мамлакатлардан Аргентина фоҳишахоналарига хушрўй қизларни етказиб берувчи жиноятчи гуруҳ аъзоси экан.

Китобхон «натпінкертолик» салкам иккинчи касбинга айланиб копти, деб ўйламасин. Мен ҳеч қачон на полиция, на хусусий ёки давлат органларининг тинтув ишларида қатнашганман. Нимаики қилган бўлсам, таваккалга қилганман!

Э воҳ! Телепатия соҳасига ҳам аламли ракобат ораламай қолмади. Саҳнада эканимда «ҳамкасбларим» неча бор мени обрўсизлантирмоқчи бўлишган! Бир кун мех-

монхонадалигимда хонамга ёш ва чиройли бир қиз кирди. Шуни айтишим керакки, бир ўзим ёки импресарио билан юртма-юрт кезиб юрганымда, реклама талабига қўра, барча мехмонхоналардан энг яхши номерларни олардим. Бу сафар номернинг дабдабали хонаси тепса тебранмас, беғам Кобак жойлашган хоналардан деярли алоҳида, четда эди. Хонамга кирган аёлни кўздан кечириб нимага келганини дарров пайқадим... Мулозимат билан ирғиб ўрнимдан турдим:

— Ўтиринг, хоним! Бунақа дилбар мехмонлар телепат хужрасига камдан-кам қиради... Улар келганда ўзимни жуда бахтиёр ҳис этаман... Фақат, кечиринг, мен бир зумга ташқарига чиқиб, у-буни буюриб келай...

Дахлизга чикдим. Кобак хузур қилиб сигара чекарди.

— Полицияга югур! Учта одам олиб, изинга қайт. Хонамга қирмай, эшикнинг тепа ойнасидан қараб туринглар... Тезроқ!

Хонага қайтдим. Яна хушомад сўзларини ёғдира бошладим. Билардимки, ёрдам етиб келгунча уни беш-саккиз дақиқа ушлаб туриш керак...

Нихоят, мехмоним иш бошлаётганини сездим:


— ...Сиз ажойиб ишларни ихтиёр этасиз... Лекин билапсизми, мен нимани ўйлаяпман...

— Хоним, мен саҳнада эмасманку... Турмушда мен бошқалардек оддий одамман... Бир нарсанигина айтишим мумкин: шунақа гўзал, боқира мияда фақат гўзал фикрлар бўлиши мумкин.

— Мен сизнинг ўйнашингиз бўлмоқчиман. Тезликда... Ҳозирок...

Бирдан қиймларини юлқиб, йирта бошлади. Кейин деразага ташланиб, очди-да:

— Ердам беринг! Зўрляпти! — деб қичқирди. Мен қўл силқидим, эшик очилиб, полиция кирди. «Хоним» камокка олинди...



Биз ҳар кунни Сиз, азиз мушғарийлардан ўнлаб мактублар оламиз. Уларнинг аксариятида «Ёшлик»нинг суврати ҳамда сийрати ҳақидаги фикр-мулоҳазалар, таклифлар мужассам. Бунинг учун катта раҳмат, албатта. Бироқ мактублар орасида дарад ила йўғрилганлари, кишининг дилини пора қиладиганлари, баҳсга чорлайдиганлари ҳам йўқ эмас. Биз қуйида эълон қилаётган мактублар худди ана шундай номалар сирасига мансуб. Уларни эътиборингизга ҳавола этишдан мақсад Сиз, азизларнинг фикрингизни билишдир. Уйлаймизки, мактублар билан танишгач, бу сафар ҳам ўз мулоҳазаларингизни биздан дариф тутмагaysиз.

Яшашнинг қизиғи қолмади

Балки кимдир бу хатимни ўқиб ҳайрон бўлар: ёшим эндигина ўн еттида, ҳеч нарсадан камчилигим йўқ, еганим олдимда, емаганим кетимда, бироқ... яшашнинг мутлақо қизиғи қолгани йўқ, ҳатто жонимга ҳам теккан бундай ҳаёт!..

Ҳа, нимаки истасам — ҳаммаси муҳайё. Ота-онам ҳам у қадар қаттиққўл эмас, истаган еримга бора-ман, истаган ишимни қиламан. Дўстларим ҳам анчагина. Магнитофон, машина, латта-путта... ҳамма-ҳаммаси бор. Бироқ... барибир нимадир етишмаётгандек. Нима — билмайман...

Хўш, нима қилай? Ким менга тайинли бир маслаҳат бера олади? Яқинда ўн саккизга тулман. Тайинки, ҳамма қатори ҳарбий хизматга чақириламан. Бироқ, ота-онамнинг айтишича, ҳаммаси аллақачон ҳал этилган, бу ҳақда ташвиш чекмасам ҳам бўлади. Аммо мен истамайман умр бўйи тақдиримни бировлар ҳал этишини, ҳатто бу «бировлар» ўзимнинг ота-онам ва уларнинг таниш-билишлари бўлишса ҳам.

А. Шерзод, Тошкент

Яшаш — яхши. Яхши яшаш...

Юнусободдан салом!

Мен талаба эмасман, бироқ ўқишга киришга бу йил, мана, иккинчи марта ҳаракат қилиб кўрдим. Биринчи имтиҳонданоқ «йиқилдим». Лекин сира хафа бўлганим йўқ, чунки шундай бўлишини олдиндан билардим. Бултур ўқишга ҳаракат қилаётганимда ўлиб-тирилиб тайёрланган эдим. Бу йил кўлимга китоб ушлашни ҳам эп кўрганим йўқ. Хужжатларимни эса фақат яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мақсадида топширдим: ҳа, таниш-билишсиз, пулсиз ўқишга кириш ҳозир амри маҳол. Уйламанг, зиғирчаям кўнглимга олганим йўқ буни. Ахир биламан-ку, кўпчилик фақат диплом учун ўқийди.

Бўлак ўқишга ҳаракат қилмайман. Олий маълумотсиз ҳам бир кунимни кўрарман. Ҳозир 200 сўм маош оламан. Тўғри, ҳозирги кунда бу сариқ чақа. Бироқ институтни тугатганимда қанча олардим жуда? Шунча, балки бундан ҳам кам. Шундай экан, нима қиламан беш

йил овора бўлиб? Ахир, вақт — оқар сувдай гап. Кўз очиб юмгунча ўтади-кетди ёшлик...

Ҳаётимдан нолимайман. Ишдан сўнг дугоналарим билан кинога тушамиз, бирор кафега бориб ўтирамиз. Биронта ҳам тўйни, тайинки, қолдирмаймиз. Тез кунда ўзимни ҳам турмушга узатишади. Бир йилдирки, уйимизга совчилар танда кўйишган. Лекин бирортасига ҳам ҳали розилик беришгани йўқ. Ойимларнинг айтишларича, «яхши жойдан харидор чиқшини» кутишаётган эмиш. Яна бир йил, узоғи билан икки йил ва чиқади шундай «харидор» — уйли-жойли, машинали, топармон-тутармон бирор пўкон. Довруғи оламни бузадиган катта тўй берилади, сўнг данғиллама иморатли ҳовлига келин бўлиб тушаман. Яшайвераман кейин кенг уйнинг келинчаги бўлиб. Айтганим — муҳайё, истагим — қонун...

Пасткашлик-ку бу, дейсизми? Билмадим. Балки сиз ҳақдирсиз. Бироқ менга айнан шундай ҳаёт ёқади. Яшаш — яхши. Яхши яшаш эса...

Севара, 18 ёш

Мен ҳам кунни кеча талаба эдим...

Ҳа, собиқ дорилфунун талабаси йўлламоқда ушбу мактубни. Яқиндагина, йўқ, кунни кеча камина ҳам талаба эдим. Энди эса...

Ҳеч ким ҳайдагани йўқ мени бу ердан, ҳайдамоқчи ҳам эмас эди. Ўзим кетдим, ўз ихтиёрим билан!

Рости, фақат ота-онамнинг хоҳиш-иродасиyo кийин-кистови билан кирган эдим ўқишга. Иккаловларининг ҳам кўп йиллик орзуси эди бу—ўғилларини олий маълумотли қилиш. Шу ваздан уларнинг иродасига қарши боришга ҳаддим сиғмади. Кейин ҳаёт, келажак ҳақидаги тасаввурларим ҳам бошқача эди у пайт. Уйлаб ҳам ўтирмай тил ва адабиёт факултетига ўқишга кирдим... Фақат икки йил ўтибгина англаб етдим бу қилаётган ишимнинг нақадар бемаънилигини. Чиндан ҳам: хўп, ана, ўқишни битирдим — хўш, нима қиламан кейин? Нима кутмоқда мени келажакда? Тунлари ухламай ўқувчиларнинг даста-даста иншо дафтарларини текшириш, мактабда эса ўзимга ўхшаш зўраки «мураббий»ларнинг «Ундай эмас, бундай иш тут» қабилидаги думбул насиҳатларига тишни тишга босиб қулоқ солишми? Ёки, худди менга шундай қисматни

раво кўрган ота-онам каби, маошдан маошгача тийинларни санаб кун кечиришми?!

Шулар бирма-бир хаёлимдан ўтдию ота-онамнинг зорланишларига ҳам қарамай ўқишни ташлашга қарор қилдим.

Мана, ҳозир шаҳардаги обрўли сартарошхоналардан бирида сартарошман. Мижозларим бор. Топар-тутарим яхши. Хуллас, ишларим ёмон эмас. Узимга ёқади.

Мана, бир ярим йилдирки, худонинг берган кунни уйқули кўзлару ҳардамхаёл чехраларни кўришдан, уларнинг соҳиблари билан даллидевона суҳбатлар қуришдан фориғман. Ҳеч ким: «Буни ўқиб кел, буни конспект қил, семинар, балобаттар», деб бошимни оғритмайди. Озод қушман! Ҳар кунни ўнлаб мижозлардан раҳмат эшитаман, уларнинг чиройига, оз бўлса-да, чирой қўшаман. Хурматим жойида. Вақтим ҳам бемалол: ярим кун ишлайман, ярим кун бўшман. Истасам — кинога тушаман, истасам — уй ишларига аралашаман. Китоб ўқишга ҳам вақтим илгаригидан кўп. Йигирма икки ёшимда ойига беш юз, олти юзга етказиб маош оламан. Бунча пулни ота-онам шунча ёшга етиб ҳам ҳали яхлит қўллариди тутишмаган. Аввалгидек тотувимиз. Бир-икки ҳафта хафалашиб, қовоқ уйишиб юрдик. Кейин ҳаммаси изига тушиб кетди. Рост-да, фарзандларининг шодлиги — уларнинг ҳам шодлиги-да!

Курсдошларимга жуда-жуда ачинаман. Айниқса, қизларга. Чунки биламан: кўпчилигига қимматга тушади, кўпчилигини бир умрга бахтсиз қилади бу сароб манзиллар ҳавасида ўтказилган беш йил. Турмуш қурганлари ҳам барибир танлаган соҳаларида ишлашмайди. Минг бир машаққат эвазига эришган олий ўқув юртини тугатганликлари ҳақидаги диплом эса фақат фарзандларига келажакда: «Мана, кўринглар, оинглар бир пайтлар нақадар илмли эди!», дея кўз-кўз қилишлари учун ярайди, холос...

Т. Алимов, Тошкент

Барҳам бериш фурсати етди

Олий ўқув юртларимиздаги аҳволни кузатиб: «Олий таълим ҳам ўрта мактаблардаги таълим каби мажбурийми?», деган хаёлга борасан киши. Агар мажбурий бўлмаса,

хўш, нима кераги бор ушлаб туришнинг ўқишга мутлақо ҳафсаласи йўқ, дангаса талабаларни? Паттасини қўлига тутқазиб керак — тамом-вассалом!

Ўқишга кирганимнинг учинчи йили кетяпти, бироқ хануз имтиҳонлардан «беш»дан бўлак баҳо олганим йўқ. Мақтаниш учун айтаётганим йўқ буни, асло. Мақтанадиган жойим ҳам йўқ бунинг кейин: жуда осон эришганман ҳаммасига. Рост, ўрта мактабда ҳам бу қадар осон бўлмаган эди.

Баъзида ўйлаб қоламан: балки пулли қилиш керакмикан олий таълимни, ҳеч бўлмаса биринчи босқичда. Балки шунда озгина эса-да масъулият пайдо бўлар ўқишни хоҳловчиларда. Касб танлашга ҳам жиддийроқ ёндошилар шунда. Олий мактаблардаги таълим-тарбия ишларининг ҳам сифати бирмунча ошар...

Ҳозирча ҳеч нарса ўзгаргани йўқ, яқин орада ўзгарадиганга ҳам ўхшамайди. Демак, қишлоқ хўжалигимиз тизгини курсдошларим ва уларга ўхшаганларнинг қўлида қолавереди. Демак, яна ўша эски ҳаммом, эски тос... Хўш, шундай экан, нима кераги бор даладаримизда ҳосилдорлик даражаси тушиб кетатиётгани сабабларини тинимсиз қидиришнинг, ерларимиз заҳарланипти, экин майдонлари йилдан-йилга қисқариб боряпти, дўконлар, пештахталар бўш, дея дод-вой қилишнинг?!

Ҳаммасига сабабчи — ўзимиз! Токи ўқишга муносабат ҳозиргидек аҳволда қолавераркан, олий мактабларда жиддий ислоҳот амалга оширилмас экан, турмушимиз ижобий томонга ўзгаришига умид қилмасак ҳам бўлади.

Ҳ. Уктам, Тошкент қишлоқ хўжалик дорилфунуни талабаси
Наҳот беш йил ҳавога совурилган!..

Менимча, биз олий мактабда нафақат бирор-бир илмга эга бўлмаяпмиз, балки ўрта мактабда олган билимларимиздан ҳам айрилмоқдамиз. Олтинчи синфда кўз юмиб ишлаб ташлаган мисолларимизни ҳозир минг машаққат билан ечамиз. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас! Ахир айтилган-ку: киши мустақил фикрламаса, ҳеч қачон

ақлий жиҳатдан ривожланмайди, деб. Олий мактабда эса мустақил фикрлашга мутлақо имкон йўқ.

Лекция ва семинарлар ҳақида гапирмасам ҳам бўлар. Чайнаб оғзимизга солиб қўя қолишади ҳаммасини домлалар, ҳатто ёзиб олишга ҳам базўр улгураимиз. Мисолларни ҳам ўзлари ечиб беришади, ҳатто сезмай қоламиз буни қоз қоралашга алағда бўлиб.

Дарсларда олинган билимлар, одатда, амалий машғулотлар билан мустаҳкамланади. Бироқ бу ҳам қуруқ гап. Амалий машғулотлар давомида қиладиган бор ишимиз тайёр формулаларга домлаларнинг оғзидан ёзиб олинган маълумотларни қўйишдан иборат, холос. Тўғри, хийла мушкул иш бу, лекин барибир мустақил фикрламайди киши.

Ташқаридан қараганда, барча масалаларни ҳар олти ойда бир эшик қоқадиган имтиҳонлар мавсуми ҳал қиладигандек. Бироқ...фақат ташқаридан қарагандагина шундай. Нима, қийин эканми ўтилган дарсларни ёдаки қилиш? Тўғри, барибир ёддан чиқиб кетади ҳаммаси. Лекин бу муҳим эмас. Муҳими — «зачётка»га қўйилган баҳо!

Бошқаларга қандай — билмадим-у, лекин мен баъзан келажаким ҳақида ўйлаб даҳшатга тушаман. Бугун, хўп, амаллаб ишимни топиб оларман. Бироқ беш, етти, ўн йилдан кейин нима қиламан? Ахир замон ўзгаряпти, кўшма корхоналар, кооперативлар сони кундан-кунга ортиб боряпти, чаламулла, мустақил фикрлаёлмайдиган мутахассислар бугунги кундаёқ ҳеч кимга керак эмас. Хўш, шундай экан, ишлаб чиқарувчи кучлар рақобати юксалиши кутилаётган эртанги кунда нима бўлади?

Диплом-ку деярли чўнтакда... Хўш, кейин-чи?!

Анвар Юсупов,
ТошДД

ОДИМНИМ

...АДАВЛАТ...

Турфа олам тилгисимлари

1559 йилнинг ёзида Фарангистон қироли Хайрих Иккинчи тўнғич қизини Испания қиролига турмушга узатди, Ушбу шохона никоҳ дастури таркибига уч кунлик олишув — кўнгилочар тамошалар ҳам киритилган эди. Олийнасаб Хайрих Иккинчи турнирда шахсан ўзи иштирок этажagini маълум қилди. Турнир давом этаркан, фаранг қиролдан бирмунча ёш инглиз граф Монтгомери унинг рақибни либосида майдонга тушди. Олишув аж палласига кирган чоқда навқирон графнинг

шон-шўхрати юлдузи янада ёрқинроқ порлашига сабаб бўлди. Бу зотлар эндиликда довруги бутун оламга ёйилган Лука Кори билан Мекоил Нострадамуслардир.

Лука Кори 1556 йилнинг 6 февралда қирол номига мактуб йўллаб, унинг бўлғуси турнирларда иштирок этмоғи мамлакатнинг бевақт сағир қолишига сабаб бўлажagini маълум қилади. Нома лотин тилида битилганлиги туфайли кардинал Клод де Лубениннинг ўзи фарангчага таржима қилади ва қирол хазратларини унинг тўлиқ мазмуни ила муфассал таништиради. Шунда мағрур ҳукмдор: «Мен учун қўрқоқлик оғоҳлантирилган ўлим ёхуд суиқасддан ҳам қўрқинчлидир», дея кейинчалик машҳур иборага айланган хулосасини баён қилади сарой аҳлига. Хайрих Иккинчи, мабодо бўлажак рақибни жасур ва танти одам бўлса, унинг тигидан ор-номуси ҳукмдорга лойиқ ўлим топмоқни афзал кўрганлигини ҳам илова қилган экан ўша мажлисда Фикрингизни чалғитмаслик учун, маъ-

НОСТРАДАМУС: БАШОРАТЧИМИ ЁХУД ПАЙГАМБАР?

Найзаси анча тез толиққан қирол совутининг қулоғига санчилиб, синиб кетди, кескир найзанинг хосиятсиз парчаси қиролнинг кўзларини қаттиқ ялаглаб ўтди. Хўш, нимаси кўргулик бунинг? Анғананага киритилганидан буён сон-саноксиз қурбонлар билан тугайдиган доимий олишувларнинг бирида содир бўлган бахтсиз тасодифдир-да, дерсиз, албатта. Арқонни узун ташлаб: «Бу узоқ муддат давомида уюштирилган қойилмақом суиқасддир, деган доғули мишмишларда тарихий ҳақиқатнинг айрим жиҳатлари акс этмаганмикан», деган ҳаёлларга ҳам борасиз. Хато қилмайсиз.

Қадимий тарихда келиб чиқиш сабаблари ва фаол иштирокчилари номаълум турли-туман воқеалар анчагина. Теварагида ҳар хил тахмин ва мишмишлар кезиб юрган Хайрих Иккинчи ўлими воқеаси муаррих ва файласуфларнинг мунтазам ва изчил жавоб изловига қарамай ўзгарувчан фарзпарастлик туфайли очиқ мавзулигича қолиб кетган.

Аслзода Хайрих Иккинчи 1559 йилнинг 26 июнида ўша машҳур жароҳатдан сўнг ёнланмади, бу-эса ўз мавридида турнир бошланиши арафасида қиролнинг ўлиmidан унга дарак берган ва тенгсиз фожиятларни ишга солган учун барча имкониятларни ишга солган икки донгдор табиб ва мунажжимнинг

риди бўлса, рицарлик — футувват тамсили хусусида қисқача тўхталиб ўтсак. Футувват тарбияси нафақат Шарқда юксак раванқ шўхсупасига кўтарилган Тасаввуф таълимотининг ажралмас қисми эди, балки ўрта асрлар Фарбиди ҳам яшаши тарзи рутбасига етишган Олийжаноблик белгиси саналарди, дея таъкидлаб ўтиш жоиздир шарҳ аввалида. Мурувватли бўлиш, қомилликка интилиш Шарқда имон тамойиллари заминида шаклланган ва руҳоний қамолотнинг инсон жисмониятига ижобий таъсир кўрсатишига асосланган бўлса, аксинча, Фарбда бу ҳодиса бошқача тарзда, яъни жисмоний имкониятлардан бош олган ҳаракатчанлик ва уюшқоқлик одамзотнинг маънавий-руҳоний заруриятларига ҳам асос яратди. Қисқаси, футувват Шарқда имоннинг ажралмас бир қисми, Фарбда эса сиёсат ва сиёсатбозликнинг етакчи унсурига айланди. Шунинг учун Хайрих Иккинчининг ўзидан анча ёш рақиб тигидан ҳалок бўлишни улкан сиёсий майдондаги олишувлардан шарафлироқдир, деб билганига унча ажабланмаслик керак. Ўлим чангалиди тўлғониб ётган қирол 1556 йилнинг августда Мекоил Нострадамус билан учрашади. Чунки Нострадамус ҳам Лука Коридан анча илғари «Центурийлар» асарининг бир катренасида Фарангистон қиролининг навқирон ва жасур рақибдан енгилиб



ҳалок бўлишини каромат қилган эди. «Центурийлар» Мекоил Нострадамуснинг шоҳ фалсафий асари бўлиб, унинг шарофати туфайли муаллифнинг номи инутиллиш тўфонларидан омон чиқди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Нострадамус, жумладан, Лука Қори ҳам Хайнрих Иккинчи ёзуғидаги тасодиф талқинининг чинакам пайгамбарлик эканлигини ҳеч ҳаёлга келтирмадилар. Бор-йўғи қиролни муқаррар бахтсизликдан муҳофиза қилишга уричиб кўрганлар, ҳолос. Бу ташвишнинг ўринли эканлиги Хайнрих Иккинчининг навқирон ва бақувват чоғларида турли олишувларда иштирок этаркан, рақибларга илдам ҳамла қилиши ва жангларда бор кучини ишга солиб келганлигини инobatга олиш билан изоҳланади. Қирол ҳамла чоғида нечоғли илдам ва доворак бўлса, у ўз жисмининг ҳимоясида шунчалик бепарво, қолаверса шахсий мудофаа услубига эга бўла олмаган жангари эди. Футуваат ишор бўлган асрларда табиблар турнир ва урушларда қатнашган рақибларнинг кучли ва ожиз сифатларини бехато аниқловчи ҳамда муфассал қайд этиб бўрган солномачи ҳакамлар эдилар, деган ҳулосага келишимиз мумкин. Навқиронлик йиллари олишувларда кечган қиролнинг деярли укувсиз ҳимояси мавриди этиб ишрин ҳаётига чамг солмоғини Қори ва Нострадамуслар бирдай пайқасанлигини ҳеч бир ортиқча далолатсиз ҳаётий ҳақиқат деб тушуномқ лозим.

«Центурийлар» мукамал талқинининг яратилиши Нострадамуснинг пайгамбарона башоратларини унинг сон-саноксиз ҳамда мажозан турли либосдаги огоҳлантиришларидан фарқ қила олишимизга имконият яратади.

«Центурийлар»нинг асримизгача этиб келган қисал тақдирли ягона нусхаси икки қисмдан иборат бўлиб, насрий йўлда ёзилган қасидалар файласуфнинг фарзанди Цезар Нострадамус билан қирол Хайнрих Иккинчига бағишлангандир. Шу сабабли Оверпунинг айрим мамлакатларида уларни «Улуғ қиёматнома» ва «Қичик қиёматнома» деб юритиш анъанаси мавжуд. Матн-шунослик илми анъаналари таомилларига асосланиб ёндашадиган бўлсак, аксар қадимий кўлёмалар уҳдасига тушган қисмат ушбу сирли китобни ҳам четлаб ўтмаган, чунончи, унинг 7, 11 ва 12 катреналардаги тўртликларини исиз йўқолган ёхуд йўқотилгандир.

«Центурийлар» муаллифнинг инсоният тарихининг келажак тақдирига фикрий саёҳати баёнидан иборат бўлиб, турли-туман кароматлар дунёга келишига сабаб бўлган ушбу саёҳат замон жиҳатидан XVI асрнинг I чорагидан бошланиб то 3979 йилгача давом этади. Асар адоқсиз жанже жадаллар, офат ва фалокатлар уммонида фикрат қайғи ҳақиқат томон сузаетган файласуфнинг дарду фиғонларидир.

1555 йилдан эътиборан асримизнинг сўнги 10 йиллигига қадар «центурийлар»ни тўлигича ё қисман маъқулловчи ёхуд уни бутунлай рад этадиган тадқиқотларнинг улкан жами бунёд этил-

дики, бу жиҳатдан фақатгина муқаддас диний китоблар у билан беллаша олишга қодирдирлар. Бировлар наздида Нострадамус пайгамбар ва кароматгўй, «Центурийлар» эса инсониятга маълум китобларнинг энг машҳурдир. Бошқа бир гуруҳлар талқинида Нострадамус вайсақи ва масхарабоз, унга лойиқ эҳтиромни эса граф Калостро сингари сон-саноксиз ёлгончи «пайгамбар»лар сийсисласидан издиқ шартли илгари сурилади. Учинчи бир нуқтаи назарга мувофиқ, Нострадамусни ўз асридан нарини кўролмайдиган Жюл Верн ва Герберт Уэллс сингари фантаст ёзувчиларнинг салафидир, дея баҳолаш муқаррардир.

Диний-мистик адабиётларга мурожаат этадиган бўлсак, рўҳонийлар ҳам худди муаррихлар сингари Нострадамус шахси ва унинг шоҳ асари хусусида турлича тўхтамага келганлар. Бир-бирига зид ҳамда муҳолиф бу асарларнинг айримларида Нострадамус инсоният тарихининг саховатпеша даҳиси, маънавий устози, қолаверса авлиё рутбасида шарафланади ва унинг ёди-га сифиниш удуми ташвиқ этиб келинган. Нострадамусни ўз покиза руҳини «қора китоблар»нинг Иблисига сотган Улмас яхудий Аеофернинг иккинчи сиймоси тарзида қабул қилган мазҳабу черковлар ҳам бир талай. Рўҳонийларнинг Нострадамус шахси ва унинг асарига бу хил бир-бирига зид қарашлари учинчи бир нуқтаи назарнинг шаклланишига монелик қилади; зеро диний эътиқодда иккиланиш бўлмайдиган ёлғиз, ёки осий дея айтиш шартдир файласуфни.

Баркамол тафаккурга эга бўлган Мекоил Нострадамуснинг ҳаёт йўли ва XVI асрдаги тарихий сиёсий вазиятга қисқача баҳо бериш баҳонасида довриги бутун оламга ёйилган ушбу шахснинг сир-асорини қисман бўлса-да англаб етишимиз мумкин.

Мекоил Нострадамус 1503 йилда Фарангистон қироллиги Прованс вилоятининг Цент-Рени шаҳрида яхудий оиласида дунёга келди. Боболари Пьер Нострадамус ва Жон де Цент-Ремилар қироллар ва асилзодаларни даволаганликлари сабабли жамиятда алоҳида ҳурматга лойиқ қиборзода табиблар бўлган. 1502 йилда дастлаб боболари, кейинчалик волидаси Рени хоним ва фарангилар орасида кўлаб мижозлар орттиришга улгурган отаси нотариус Жон Нострадамуслар яхудоликдан насоролликнинг католик мазҳабига ўтидилар. Бу сулолани Прованс вилоятдан мажбурий кўчирилишдан қутқарди. Мекоилнинг настронийлик этагини тутиш шарт эмасди, зотан, Жан ва Ренининг фарзанди туғилганданоқ католик саналарди.

Мекоил илк сабоқни бир пайтлар Прованс вилоятининг ҳукмдори граф Рене Саховатпешанинг лейб-медиеи бўлиб ишлаган, табобатдан ташқари риёзат илми бобига шўҳрат қозонган, доно файласуф, тийрак мунажжим сифатида бутун қитъага таниқли бобоси Жан де Цент Ремининг қўли остида ўрғанади.

Мекоил 1519 йилда умумий таълим сабоқларини олиш мақсадида Авинон шаҳрига келади. 1522—1526 йилларда Урта асрларда энг илғор саналган Монпелье дорилфунуцида тиббиёт илмини туршиқоқлик билан ўзлаштиради.

Бакалавр унвонини олиб улгурмасданоқ Мекоил Нострадамус Фарангистон вилоятларида тез-тез тарқалиб турадиган ўлатга қарши курашини асосий бурчи эканини англайди. У тиббий амалиётни Сарбонн, Каркассон, Тулуза, Бордо шаҳарларида орттирган хусусий тажрибалар ҳисобидан мустаҳкамлаб борди. Уша йиллари даволаш ускуналари ва турли-туман китоблар билан лиқ тула туржун ортилган юввош шиакни етаклаб манзил босаётган ёш табибни гоҳ у, гоҳ бу шаҳарнинг йўлида учратилиш мумкин эди. Мекоил 1529 йилда Монпельега қайтиб келди ва табиблик гувоҳномасини олиш мақсадида тобат назарисини эгаллашни давом эттирди. Давлат имтиҳонларини топишириб, диплом олгач, ўз қобилияти ва куч-қувватига ишонган истеъдодли шифокор дорилфунундан иш топиши, изланишларини давом эттириши ва басавлат профессор бўлиши ҳам мумкин эди. Бироқ уни мансаб қизиқтирмасди. 1532 йилдан бошлаб Нострадамус Монпелье шаҳрини янгидан янги дарбадарликлар иштиёқида тарк этади — Бордо, Пе-Рошел, Тулуза — бу шаҳарларнинг барчаси навқирон тиббиёт фанлари докторининг илмий сафаригадаги навбатдаги босқичлардир.

Тулузада Нострадамус йирик давлат арбоби, табиб, шoir ва аллома Жуил Скалегрдан мактуб олиш бахтига мушарраф бўлди. Хатда Скалигер Нострадамусни ўзи истиқомат қилиб, фаолият кўрсатаётган Ажан шаҳрига таклиф этганди. «Дарбадар табиб» Ажанда бир неча йил муқим туриб қолади. Бу ерда турмуш қуриб, икки фарзандга ота бўлди. Қўли енгил табиб сифатида шўҳрат қозонгач, машҳур Скалигер билан ўрталарида кечган маънавий, ирфоний баҳслар ва дилкаш суҳбатлар таъсирида камолот даргоҳида дохил бўлди ҳамда руҳан улғайди.

Юз минг машаққат ила тикланган дўстлик ва ишонқ иморатида етказилган таърифга сизмас зарба илму ирфон ва таълим-тарбия равиқани сўндирди. Нострадамус Ажан ва унинг атрофларида кундан кун қутураётган вабо билан олишувда қаттиқ мағлубиятга учрайди; хотини ва болаларини юҳу ўлат ҳалқумидан асраб қололмайди. Айни чоқда ўзига нисбатан бурунги илмоси сусая бошлаган Скалигер билан ҳам жанжаллашиб қолади.

Кўп ўтмай Нострадамус инквизиция назоратининг зилдек соясини ҳар қадарда ҳис эта бошлади. Тулуза инквизиторининг чорловини рад этган Мекоил Нострадамус ҳаётида ҳалигача тадқиқотчилар томонидан чуқур ўрганилмаган ва бунинг бирор бир имконияти сақланмаган «Етти йиллик дарбадарлик даври» бошланди. У асосан Оверпунинг жанубий-ғарбий ўлкаларини кезиб чиқди. Мекоил Нострадамус Фарангистон типроғида 1545 йил Марсел

вабосига қарши курашаётган ажойиб табиб Луи Серронинг ёрдамчиси лавозимида пайдо бўлди. Муаррихлар ўшанда ўпка ёхуд ичак-ошқозон вабоси тарқалганлигини аниқлай олмаганлар. Фақат шуниси маълумки, анча муддат муқим яшаган Нострадамус бу ўлат билан олишувда ҳам топқирлик, жасорат намуналарини кўрсатган эди. Меконл Нострадамус 1546 йилда Прованс ва Эксе вилоятларида бош кўтарган вабога қарши кураша жалб этилади. Дахшат якка ҳукмон эди бу ўлкада. Бошқа йиллардоғизга қараганда кучлироқ бўлган сув тошқини кўп-лаб одамларнинг ёстигини қуритди, чорвага қирғин солаверди. Кейинчалик, тошқин ҳовуридан тушганда, очик ҳавода қолиб кетган сон-саноксиз мурдалар давоини заҳарлай бошлади. Ўдиклар тирикларга вабо юқтирарди. Ибодатхоналар ҳувилаб қолди. Етим болалар ёввойилашиб кетдилар. Очлик ва афсус-надомат жони омон қолганларни зўравонлик ҳамда қимнидир талон-тарож қилишга ундарди.

Турли кўклатар ва гулларнинг зардобини чечан табибнинг қўлига тушиб қолгудек бўлса, Нострадамуснинг ўзи ишлаб чиққан янги махсус дастурга мифофик вабонинг олдини олувчи асосий воситага айланарди. Тайёр дори-дармондан ўринли фойдаланиш зарур чора-тадбирларнинг асосий мазмунини ташкил эта олмасди. Нострадамус Прованс ва Экседа табобатда кейинчалик узоқ йиллар қўлланилган, қарийб унутилган даволаш услубларини ҳам қўллаш бошлади. У вабо хуружидан тахликага тушган ожиз аҳолининг диний-руҳий туйғуларига таъсир этиш барибарабора ёруғ кунларга тўла ишончини шакллантириш йўлидан борди. «Эътиқод қилгил, албат иймон сени кутқарувчидир» деб ишонтиради насронийлик таълимоти. Нострадамус айни ҳақиқатни вабо кўрқинчи ҳукмон майдонда ишонч байроғидай юксак кўтарган буюк табибдир.

Марсел ва Экседа ўлатга қарши курашдан сўнг шухрати кундан кун ортиб борди. Авом халқ уни авлиё билиб, ягона нажотпарвардек сизина бошлади. Вабо ва ўлатни инсон иродаси олдида тиз чўктира олган табиб афсонавий набий рутбасига сазовор бўлди.

Нострадамуснинг Ажан, Эксе ва Провансда чексиз азоблар элагидан ўтган турфа кечмишлари «Центурийлар» ва «Ялов» сингари хилма-хил баширатларга бой асарларининг ер юзининг баъзи бир иқлимларида муқаррар содир бўлажак адоқсиз талотуллардан хабар берувчи совуқ шабодаси олдиндаги ададсиз тарихий фожеалар ва тинчсиз сиёсий кўчклардан бир муждадир. «Центурийлар»да Нострадамус сўё қочқин йиртқич изидан тушган моҳир овчидек вабо, ўлат, таносил каби хасталиклар тўғрисида доимий изланган. Йиртқични ўлдириш ёхуд зарарсизлантириш учун унинг феъл-атворини биллиш шарт бўлганидек Нострадамус асарларида инсоният ўша асрлардаёқ дарди бедаво саналган хасталиклардан

эмин бўлмоғи учун уларнинг пайдо бўлишига олиб келган ижтимоий-сиёсий ва табиий шартларни чуқур ўрганиши зарурлигини англаб етди.

Эксе ўлатидан сўнг Нострадамус ўтроқ кун кечиринишга туғинди. 1547 йилдан бошлаб то вафотига қадар Марсел билан Авинон оралиғида жойлашган Салон кўрғонига умргузаронлик қилди. Анна Понсар деган бир бевага уйлангач Цезар, Андрей, Карре деган ўғиллари ва Мадлен, Диана, Анна исмли қизлари туғилди. Янги рўзгорнинг пояси, анча мустаҳкам экан. Улуғ табиб ва зукко мунажжим сифатида унга кўрсатилаётган эътиром кундан кун ортиб борди. Бадавлат ва закий кишилар унга маслаҳат сўраб мурожаат этардилар. Воқеан, ҳурмат эътибор ва муҳаббат изидан ҳасаднинг соядек эргашиб юришини ҳисобга олсак, дўстлар ва ҳаммаслақлар ортда Нострадамуснинг қонини қайнатган фосиқлар ҳам анчагина эди. Баъзилари бу олачқ яхшудий шайтон билан тил бириктирганлиги тўғрисида мансаб билла-посянда шиддат билан юксалмоқда, дея тахмин сўқсалар, бошқа ичи қора гуруҳлар уни икки динлик қолаверса, уч динликда айблай бошладилар. Турли тўхмат ва бўҳтонлар шайхонатида Нострадамус яширинча яхшудийликка содиқ қолиш билан бирга католик ва гуенотчиликнинг этагига маҳкам ёпишиб олган эмиш. Аслида Нострадамус мамлакатдаги диний кескинликни юмшатиш ва сиёсий тарқоқликни бартараф этишга киришган граф Монморсе де Маннинг гояларига хайрихоҳлик билдирган эди.

Бироқ Нострадамус жаҳли тез саводсизлар ва шафқатсиз фитначилардан ўз вақтида йироқлашмаса бўлмасди. У Салонда шухратиға шухрат қўшган бир неча тиббий фалсафий рисоалар яратди.

1555 йилда амалга ошган «Центурийлар»нинг биринчи нашридан сўнг катта шухрат қозongan Нострадамус Хайнрих Иккинчи ва Екатерина Медичи саройига тақлиф этилади. Катта ўғли Цезар билан ҳижратга чиққан отанинг таширфи бир ойча давом этади. Дабдаби ва кутловлар авжига чиққан эди. Пойтахтда уни ҳерцог Монмерансе, қиролчица Екатерина Медичи, қирол Хайнрих Иккинчилар сочил қилдилар. Мунажжим бошидан сочилган садақа ва ҳадяларнинг салмоғи ҳам шунга яраша бўлди.

1564 йилда Екатерина Медичи билан 10 яшар ўсмир қирол Карл IX Хайнрих Иккинчининг фожеали ҳалокати ва Франсуа Иккинчининг бевақ ўлимидан сўнг Франгистоннинг жанубий ўлкаларига таширф буюрдилар. Улар Салонда тўхтаб, Нострадамусни зиёрат қилдилар. Карл IX ушбу сафар чоғида, кейинчалик турли юришларда «Центурийлар» муаллифини бош мунажжим ва бош табиб сифатида қарвонда бирга олиб юради. Қиролчица Ионна Наваррлининг илтимосига кўра тахтнинг бошқа бир даъвогарни Анри Бурбоннинг соғлиғини кўридан ўтказаркан: «Сиз албатта Франгистон ва Новарр қироли

бўлурсиз»,— дейди. Дарҳақиқат, Анри Бурбон кейинчалик Хайнрих IX рутбасида Франгистонда ҳукмонлик қилган. Нострадамуснинг яна бир хислати унинг гўдақлар, ўсмирлар, ёшлар сиймосида бўлажак буюк зотларни кўра олганлигидир. Ёш Франсуа Рабле Монпеледа доктор Нострадамус маърузаларини тинглаган эди. Эътиборли жиҳати шундаки, Нострадамус «Центурийлар»да ёш бакалавр Франсуа Рабле ўлмас адабий шон-шўҳратга эришмажиги хусусида ҳам сўз юритган экан.

Нострадамус қашшоқ табақадан чиққан юпун ва навқирон роҳиб Фелиге Пиаретти қошида тиз чўкиди, унинг қўлини ўпа туриб бўлажак папа олдида самимий тавозеда эканини билдирганда, чиндан ҳам кейинчалик Икзёе V кунясини олган ўспирин ҳайратда қолганлиги ва бегубор жиламайиб қўйганлиги ҳақидаги ривоятда ҳам ҳақиқат мужассамдир.

Нострадамус 1566 йилда юраги ёрилиб ўлади. Содик хизматкори, моҳир воқеанавис Жан Шавине уйқу олдида: «Эртагача бахайр, тақсирим» дея хайрлашганда: Нострадамус «Азизим, эрта тонгда мен чин дунёга равона бўлман»,— дея жаовоб берган экан. Бу унинг сўнгиё каромати бўлиб, у амалга ошган: 1566 йил 17 июл тонгда Меконл Нострадамус вафот этади.

Буюк фаранги инқилобининг намояндalари бу тўнтарини қачон содир бўлишини башират қилган ва унинг кўп-лаб қон тўкилишига олиб келишини қаттиқ қоралаган Нострадамус каромати устидан заҳарханда қилганойлар. Инқилобчилар 1791 йилда Франсуа черковининг хилхонасидан қабрири очадилар ва мурдани сочиб-сочиб ташладилар. Турбатни оёқ ости қилганлардан бири шу қадар жўшиб кетган эдики, у ҳатто Нострадамуснинг бош чаногига май ичишдан ҳам тоймайди. Авлиёнинг садоқатли издошлари ҳақоратланган сунякларни яширинча йиғиштириб Салонга кўчирадилар. Ва ҳозирги кунда ҳам аҳли олам эътибори сусаймаган Авлиё Лаврентий қабрири дафн этадилар. Қабрири топтаганларнинг барчаси 6 ой ичида ўлиб кетади.

Нострадамуснинг вафотидан кейинги таржимаи ҳоли унинг шарафини азиз тутиб, шахсий эътиромини бажо келтирган ёхуд Нострадамус номини эшитганда тепа сочи тикка бўладиган гуруҳларнинг муносабатисиз тўлиқ эмас, албатта. Инқилобчилар ва ёвуз фитначиларнинг ҳам газаби гоҳида ҳамиятга айланган, гоҳида ҳамият ортдан газаб келган. Бинобарин, ўтган асрнинг 80-йилларида расмий черков ҳам Нострадамус номини ўрганишини қаттиқ қоралаган эди. 1915 йилда васий оти Херберт Торнтон «Уруш ва пайғамбарлар» рисоласида Нострадамус шайхонини ноҳақ бўҳтонлардан ҳимоя қилиб чиқади. Азаганда ҳўлу қуруқ баравар ёнаётган ўша йилларда Нострадамус асарларига мурожаат қилган халқлар дастлаб унинг валийлиғига қойил қолдилар, сўнгра эса оғир кунлар ўткинчи эканига ишонч туйдилар.

«Центурийлар»да биринчи жаҳон

уруши қачон бошланиши; Русийдек ёввойи ёлкада янгича зўравонлик назариясига эрашган қора гуруҳларнинг галаба қилиши; илгор Европа халқларининг Коммунизм вабосига қарши курашда бирлашишлари; дастлаб Хитлернинг мағлубиятга учраши; кейинчалик пайдо бўлганидан бошлаб 73 йилу 6 ой Шарқий Оврупони зулматга тортган коммунистик диктатуранинг инқирозга учрашини каромат қилган эди у.

Нострадамус ижодий меросининг шарҳчилари жами башоратларнинг неча фоизи рўёбга чиққани ҳақида узоқ йиллардан бери баҳслашиш келадилар. Бир гуруҳ олимлар Нострадамус башоратларининг тўқсон фоизи амалга ошган деб тасаввур қилсалар, баъзилари башоратларнинг ўн фоизгина амалга ошган деб тан оладилар. Уларнинг фикрича, тўқсон фоиз кароматнинг амалга ошиши муболағали, ўн фоиз башоратнинг тарихий воқеаларга тўғри келиши эса бор-йўғи тасодиф эмиш. Чин маънодаги тарихий фалсафий тадқиқотлардан келиб чиқиб айгиши мумкинки, икки томон ҳам ҳақ эмас; башоратларнинг тенг ярми амалга ошган.

Нострадамус тарихий тараққиётнинг


ички қонуниятларига ишонган алломалар: уни сеҳргар ва жодугар сифатида тасвирловчи афсоналарнинг мағзи пуч бўлиб буюк мутафаккирнинг юксак салоҳиятининг пойини қирқади.

Нострадамус талқинида тарих фалсафаси янгиафлотунчилик либосига бурканган дея хулоса чиқариш унчалик ҳам тўғри эмас. Ёлмон тадқиқотчилари Нострадамус дунёқараши Пифагор ва Пилолин асарларининг насприйликнинг дастлабки асрларда яшаб ўтган шарҳчиси аллома Порфирийнинг фалсафий тағлимоти таъсирида шакланган эди, деган хулосага келадилар. Бу тағлимот тарихий воқеалар маълум бир узун-қисқа даврлар мобайнида такрорланиб турувчи доимийлик эканини исботлашга қаратилган эди. Нострадамуснинг ўзи ҳам роҳиб Флорий илгари сурган инсоният тарихи ўқтин-ўқтин бир-бирини такрорлаб турувчи ўз ички қонуниятларига эга бўлган даҳшатли, дўзахий воқеалар силасидан иборатдир, деган хулосада Пифагор таҳаюлотининг таъсири сезилиб турганини қайд этади. Демак, тарихий такрорланиш қонуниятларига жиддий амаж қилган Нострадамус «Давр чириши» фаразининг муаллифи Хенслер, «Замоннинг

спиролсимонлиги»ни қайд этган Лекюк ва ниҳоят нисбийлик назариясининг отаси Эйнштейн ҳамда зид дунё теоремасининг муаллифи Пол Диракларнинг салафидир.

Нострадамус сиймоси Гёте, Томас Манн, Михаил Булгаков асарларида ўзига хос талқинга эга бўлганки, чунончи, Маркс, Ленин, Сталин, Гитлер сингаи мудҳиш тарихий сиймоларнинг тарих саҳнасига чиқиши ва албатта дувузлик инқирозга учрашини каромат қилган Нострадамус тимсоли «Фауст», «Доктор Фаустис», «Уста ва Маргарита» асарлари орқали халққа етказилди. Қизиги шундаки, Нострадамус ҳақидаги илк маълумотларни инқилобдан кейин Русийга етказганлар Олмония концлагерларидан қутулиб чиққан ҳарбий асирлар бўлдилар. Биз ҳам яқиндагина ўзининг муқаррар ҳалокатини тезлаштирган тоталитар тузумнинг муқаррар инқирозга учрашини каромат қилган Нострадамусдан миннатдор бўлмоғимиз керак.

Жаҳонгир ҚУЧҚОРОВ,
илмий ходим



ЦИФРОГРАММА (РАҚАМЛИ БОШҚОТИРМА)

Қуйида «Нома» сўзи билан тугалланувчи 11 асар таърифи берилган. Бу асарларнинг номи ни топиб, асосий каталарга чапдан ўнгга томон бирма-бир жойлаштиринг. Сўнг бу номлар асосида шакл теграсидаги рақамли (ўнг томондаги рақам — жавоб тартибини, чап томондагиси эса — нечанчи ҳарфлигини англатади) каталарни тўлдиринг. Шунда «Нома» сўзи билан тугалланувчи яна учта мумтоз асарнинг номи ҳосил бўлади.

Мазкур асарларнинг муаллифлари ким?

10-СОНДА БЕРИЛГАН ЧАЙНВОРД
(СУЗЛАР ЗАНЖИРИ)НИНГ
ЖАВОБЛАРИ:

1. Машраб. 2. Бинафша. 3. Адолат. 4. Темурнома. 5. Аждодлар. 6. Раъно. 7. Оқсоқол.
8. Лаъли. 9. Ишчи. 10. Игоат. 11. Тирилиш. 12. Шодикул. 13. Лоҳутий. 14. Йўлга. 15. Атлас.
16. Сўфизода. 17. Абдурашидхонов.

МУСИКА ТОКИ-91

«Кўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ»...

Карийб етмиш йил биз шу ақидага бўйсуниб яшаб келдик. Кўшиқ билан жон олиб, жон бердик, кўшиқ билан «ички ва ташқи» муҳолифларимизни кийратдик, кўшиқ билан «сўнгги ва катъий» жангга кирдик. Не ажабки, «сўнгги ва катъий» дейилса-да, мингинчи, юз мингинчисидан сўнг ҳам бу жанглар сира тугай демаётир.

Мазкур талотўп ва олишувлар силсиласида кўшиқ санъат сифатида ўзининг асл маъносини йўқотгандек бўлди, маддоҳлигу марсиябозликда «санъатлар ичида биз учун энг муҳим» саналмиш (санъат ҳам «муҳим-номуҳим»га бўлиниши мумкинлигига тийрак ақл у қадар бовар қилмасида) кинодан асло қолишмайдиган қолипга кирди.

1985 йилнинг савридан бу ёнгига ўтган муддат бизга барча қадриятларимиз қатори кўшиқни ҳам ўзининг асл маъносида қайтариб берди. Таъқиқу таъқиблар барҳам топди, чегара ва қолиплар кунпаякун бўлди. Ҳар қандайин тирик, ҳаётга ташна вужуднинг бағрига шамол текканида бўладиган бир ҳолат юзага келди: янги-янги оқимлар пайдо бўлди, ижодга ташна иктидорли ёшлар келиб куйилдилар, шу билан бирга, асрлар оша тирик ва виқорли мумтоз мусика санъатимиз ҳам асло унутилгани йўқ, аксинча, ширага тўлик навкирон овоз-ла ўзининг янги-янги нақшин қирраларини намоён этмоқда.

Халқимиз иктидорларга бой. Кўшиқ санъати ҳам, тайинки, бундан бебаҳра эмас. Ўзбекистонимизнинг исталган бурчагидан

ўлмас халқ анъаналарини ўз овозларида жам этган комил истеъдодларни кўплаб топиш мумкин. Биз жойлардаги иктидорли овоз соҳибларини кашф этиш, уларга маънавий мадад кўрсатиш, шунингдек, мусика шинавандаларининг дид ва қизиқишлари ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш ҳамда мусиқий ҳаётимизга маълум бир мазмун киритиш мақсадида «Ешлик» саҳифаларида ўзига хос танлов ўтказишни режалаштирдик. Мазкур танловнинг ўзига хослиги шундаки, у Сиз, азиз муштарийлар билан бевосита ҳамкорликда ўтказилади ва ғолибларни аниқлашимизда асосий мезон бўлиб Сизлардан олинган мактублар хизмат қилади.

Танлов куйидаги поғоналар бўйича ўтказилади:

1. Йилнинг энг яхши хонандаси.
2. Йилнинг энг яхши эстрада кўшиқчиси.
3. Энг яхши эстрада гуруҳи.
4. Энг яхши классик куй ёки кўшиқ ижрочиси.
5. Бастакор.
6. Шеърый матн муаллифи.
7. Келажагига умид уйғота олган кўшиқчи ёки гуруҳ.
8. Умидларингизни оқлаётмаган кўшиқчи ёки гуруҳ.
9. Энг яхши пластинка ёки магнитли албом.
10. Сизга ёкмаган пластинка ёки магнитли албом.
11. Энг яхши кўшиқ.
12. Сизга ёкмаган кўшиқ.
13. Энг яхши чет эллик ижрочи.
14. Йилнинг энг муҳим мусиқий анжумани.

Бизга мактуб йўллаётганингизда куйидагиларга алоҳида эъти-

бор беришингизни сўраймиз:

жавоблар қисқа, аниқ ва лўнда бўлмоғи;

ҳар бир поғонада фақат битта ижрочи, муаллиф ёки кўшиқнинг номи кўрсатилмоғи;

11- ва 12-чи поғоналарга жавоб бераётганда мумкин қадар кўшиқ ижрочиси номи билан бирга унинг муаллифлари ҳам айтилмоғи;

конверт сиртига албатта «МУСИКА ТОКИ—91 танловида» дея ёзиб қўйилмоғи лозим.

Ғолиблар келгуси йилнинг бошланишида аниқланади. Биз ғолибларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида-алоҳида ҳикоя қилиш, улар билан сизни қизиқтирган саволлар юзасидан суҳбатлар уюштириш ҳамда рангли суратларини журналнинг ички муқоваларида бериб бориш ниятида-миз.

Танлов ниҳоясида ғолиблар ҳамда машҳур санъаткорлар иштирокида катта томоша уюштириш ниятимиз ҳам йўқ эмас. Тайинки, бу томошага энг аввало танловда фаол иштирок этган ва ғолибларни аниқлашимизда энг кўп ҳисса қўшган муштарийлар тақлиф қилинади.

Шунингдек, биз яна Ўзбекистон радиоси ва ойнан жаҳони «Ешлик» ижодий уюшмаларидаги ҳамкасбларимизни ҳам ҳамкорликка чорлаймиз!

Жавоблар 1992 йилнинг 31 январига қадар қабул қилинади.

«МУСИКА ТОКИ—91» сиртки танловида марҳамат!

Мактубларингизни кутамиз!



Алишер Навоий

СИРОЖУЛ-МУСЛИМИН

Чун йўндум хомаи мушкин шамома,
Қилай деб Ҳақ оти бирла зеби нома.
Таоллиллах зиҳи, холики Маъбуд —
Ки, махлуқот андин бўлди мавжуд.
Пўк эрди ҳар не бор ул қилди изҳор,
Борин йўк айлабон ҳам бўлғуси бор.
Қилиб барҳақ улуска анбиёси,
Мухаммад барчасининг пешвоси.
Мунга юз минг салом андин дамодам,
Яна авлодию асҳобиға ҳам.

Қитоб назмининг сабаби

Қилур арз ушбу водий раҳнамоини,
Ғариби бенаво, яъни Навоий —
Ки, чун офоқ шоҳи давлатидин,
Анинг ҳам тарбият, ҳам химматидин.
Не шох, Султон Хусайн, ул шоҳи Ғозий,
Мамолик шахларининг сарфарози.
Ки, минг йил олам ичра жоҳи бўлсун,
Салотин бандан даргоҳи бўлсун!
Менинг назмим ёйилди олам ичра,
Қўп офат солди хайли одам ичра.
Биров бир кун деди айлаб нишоте, —
Ким ул қилмиш бино олий работе.
Мусофирға ҳар уй бир турфа манзил,
Ким, ҳам орому ҳам ком анда хосил.
Эшиттим базмининг бир нуктадонин,
Шоҳи соҳибқирон жон дармиёни
Демиш: не суд гар бир уйин тузмиш, —
Ки, назми шайнидин қўп ўйин бузмиш.
Уқуғон эл анинг шеърини пайваст,
Тилар бўлғай ҳамиша ошину маст.
Солиб ислому дин уйига ошуб,
Бинойи хайр буткармакни маҳсуб.
Тушуб бу нуктадин жисми аро печ,
Чу билдимким, чин эмиш дам урмадим ҳеч.
Дедимким, айлайин бир нусха мастур
Ки, бўлғай дину ислом уйи маъмур.
Неким дин аҳлиға бўлғай зарурат,
Бари тутқай ани билганга сурат.
Ҳам этқаймен бурун шарҳи ақоид
Ки, ислом аҳлиға берғай фавоид.
Яна ҳам фарз, ҳам вожиб, сунан ҳам,
Неким ориз бўлур яхши, ёмон ҳам.
Ки, дин аҳлининг ўлғай дилпазири,
Мусулмонлиғ ишида ногузирини.
Баён қилғаймен андоқ равшану пок,
Ки, идрок этқай они хайли атроқ.
Ва лекин гоҳи ашғол эрди монёъ,
Ғаҳи ҳар мухталиф ҳол эрди монёъ,
Анга тегруки, бу фурсатда ногоҳ,
Бировким, эрди қўп маъниндин огоҳ.
Мақому мавлиди онинг Самарқанд,
Ки, нузхат ичрадур фирдавс монанд.
Буён ўлмакка кишвардин етишти,
Суруши чарҳи ахзардин етишти.
Қўнгул майл айлабон анинг хидматиға,
Мушарраф қилдим ўзни суҳбатига.
Бўлур эрди маонийдин гуҳарпош,

Сўз асносида бу навъ айлади фош
Ки, бир кун Хожаким, чарҳи эъло,
Ҳилолин истар аниқ оти наъли,
Равишда Шиблю Зуннунға фойик,
Убайдуллоҳ деб отин халойик.
Ким, улдур пешвойи аҳли иршод,
Бу иршод этти сандин айлабон ёд —
Ким, ул қўп назм дерга бўлди роғиб,
Бу янглиғ назм ҳам эрди муносиб.
Чу қилди Хожанин амриға тақрир,
Ул эрдиким, бурунроқ бўлди тахрир —
Ки, мен дер эрдим айтай улча мақдур,
Вали монёъдин эрдим анда маъзур.
Чу сўрди Исо анфоси бу дамни,
Ҳам ул дам азмиға йўндум қаламни.
Бу сўзнинг сидку кизби ков-кови,
Адаб эрмас чу содиқ эрди ровий.
Чу лобуд нукталар малхуз бўлғай,
Умид улқим, улус маҳзуз бўлғай.
Навоийдин чу топқайлар навое,
Анинг руҳиға ҳам етғай дуое!

Шариатда аҳком шарҳи ва ақоид ва қавоиди адоси

Бурун билким, эрур шаръ ичра аҳком
Ки, билмак они бўлмиш элға ноком.

Ул аҳком икки янглиғ бўлди мавжуд,
Ки, бордур ҳар бирида ўзга мақсуд.

Бирисидин мурод ўлди ақида,
Амал матлуб бўлди ул бирида.

Ақоид дедилар аввалгиға исм,
Иккинчи аҳком фаръидин топиб қисм.

Амалдин чун бурун келди ақоид,
Пас андин етқурай аввал фавоид.

Имон қондасининг ижмоли

Бурун ул нимаким, фарз этти Яздон,
Эрур оқилға болиғ бўлғач имон.

Анинг маънисидур тил бирла иқроп,
Қўнгул бирда инонмоғлиғ дағи бор.

Тилар бўлсанг анга ўзин етурмак,
Бил олти нимаға имон кетурмак.

Мўминнинг бихилларининг тафсили

Бурун бермак тонуглуқким, Худованд
Ки, не бордур анга мислиҳ, не монанд.

Худоедур яраткан буду нобуд
Ки, андин ўзга йўқтур тенгри мавжуд.

Яна билмак малоникники, холик
Яратибдур ибодатка мувофик.

Яна билмак китобин ҳам камохий,
Қадим ўлди дағи бори илохий.

Яна ҳам анбиёга қилмоқ иқроп
Ки, борин элга ирсол этти Жаббор.

Яна улким, бўлур койим киёмат
Ки, кўпрак элгадур оху надомат.

Яна билмакдурур бемакру тазвир
Ки, Ҳақдиндур ямон-яхшига тақдир.

Секкиз сифати Оллоҳким ақондда дохилдур

Яна секкиз сифатка мўътақид бўл,
Алардин ҳар бирига кўргузай йўл

Ким, ул секкиз эрур Ҳақнинг сифоти —
Ки, боридин муназзах килди зоти.

Эрур Хайю Алим у яна Қодир,
Муриду ҳам Самий ўлдиву Нозир.

Таккаллум васфиға дағи мувофик,
Яна ибод афъолиға Холик.

Не бор анинг шарики, не вазири,
Не бор анинг сахими, не назир.

Не жавҳар, не арз, не маконда,
Не воқеъдур жиҳатда, не замонда.

Чу эрмас анга ҳеч ашб мушобих,
Анинг шониндадур «лайсака мислиҳ».

Қадим ўлди калому дағи олам,
Эрур ходис дедим бу сўзни фохам.

Нечаким ҳақ билмаки ақидадиндур

Яна билким ақонд ичра мутлак,
Неча иш келди билмак керак ҳақ.

Азоби қабр эрур куфр аҳлиға хосий,
Яна дин аҳлидин баъзи бўлса осий.

Яна икки малакнингдур сўрови,
Яна ҳам руъя Оллоҳ ихтимоли.

Яна ҳақ бир сироту, яна мезон,
Яна дўзах, яна фирдавси ризвон.

Шарофат анбиёдин ҳам эрур ҳақ,
Муҳаммад барчанинг сархайли мутлак.

Яна ҳақ келди эъжоз анбиёга,
Анингдекким, каромат авлиёга.

Яна билгил ақонд ичра маҳсуб —
Ки, бўлмас элдин амру наҳй маслуб.

Яна куфр англагил тасдиқ комин,
Нечукким, тенгридин маъюс домин.

Ислом арқонининг шарҳи

Ангаким, бўлди имон амри кирдор,
Керак исломдин бўлса хабардор.

Биносин англагил исломнинг беш,
Ани билмакка бўлгил фикратандеш.

Бу бешдир бир эрур лафзи «шаҳодат»
Ки айтурлар ани аҳли саодат.

Эрур бир билмак ул тенгриин аввал,
Муҳаммадни анинг халқиға мурсал.

Бу сўз имон сўзида бўлди мазкур,
Ақонд шарҳини айларди мастур.

Яна тўртин дағи айтай яко-як
Ки, мўмин хотирида колмасун шак.

Салоти ҳамс анинг иккинчиси бил,
Анинг шарҳини айлай эмди тафсил.

Таҳорат фароизининг адоси

Эрур шарти анинг аввал таҳорат,
Таҳоратда сурай аввал ибодат.

Таҳорат ичра билким, тўрт эрур фарз,
Ҳар этсанг истимоъ, айлай ани арз.

Юмоғлик юзни манглай то закандур,
Кулоқдин то кулок ваҷҳи ҳасандур.

Маҳосин бўлса ончаким, ёпар юз,
Ани ғусл айламак, эй ниятинг туз!

Ики қўлни ики тирсак била ю(в),
Вузу айларда билким, фарз эрур бу.

Яна бош масҳини ҳам фарз билгил,
Валекин, тўрт улуштин бирни килгил.

Ю(в)моғ ики оёғни фарз эрур ҳам,
Ики ошуғни ҳам қилмоқ анга зам.

Таҳорат суннатларининг шарҳи

Вузу ва ики иш келди суннат,
Бирисин тасмия бил, бирини ният.

Ю(в) уч қатла қўл тирсакка тегру,
Яна бир мазмаза уч қатла ҳам бу.

Чу бўлди мазмаза қилмоқ муқаррар,
Бил истишюк ҳам мундоқ муқаррар.

Яна таҳлил қилмоқ лиҳиятға фар зам,
Оёғ бирла илик бармоғлари ҳам.

Яна уч қатла аъзони ю(в)моқ бил,
Яна бошнинг тамомини масҳ қилгил.

Яна тартиб, яъни, улча таҳрир,
Қилинди бермалик анга тағйир.

Биров ул жумладин келди маволот,
Ю(в)моқ яъни паёнай узвини бот.

Таҳорат ичра олти мустаҳабдур,
Эшитсанг ҳар киши аҳли талабдур.

Вузу мустаҳаблари

Бурун ният, яна билгил маволот,
Бори бош масҳию тартиби одот.

Бўюн масҳини дағи мустаҳаб қил,
Агар қилсанг саодатка нисбат бил.

Вузу ноқислари

Ики ёндин неким дафъ этса зоҳир,
Таҳоратнинг бўлур нуқсони зоҳир.

Яна бир узвдин рим окса ё кон,
Вузуға бор алардин дағи нуқсон.

Қонаса тишки, кўз солганда толиб,
Оғиз сувиға рангин топса голиб.

Йўқ эрса қуссақим, кон келса софий,
Икисидур таҳоратка мунофий.

Яна қий уйлақим, бўлғай тўла фам,
Ва лекин дафъ бўлғай ғайри балғам.

Жунуну хушсизлик дағи уйқу —
Ки, бўлғай такада ноқисдурур бу.

Намоз ичра билик кулгу вуқуъи —
Ки, бор анинг сужудию руқуъи.

Бу ҳолатларки, мазкур ўлди бир-бир,
Берур барча вузу холиға тағйир.

Ғуслнинг фароизи

Оғизға мазмаза қилмоқни билгил,
Бурунға дағи истиншоқ қилгил.

Эрур бу икки бўлғач бебахона,
Бори аъзоға сув қилмоқ равона.

Яна ғусл ичра суннатлар дағи бор,
Таомил айлагил то айлай изҳор.

Ғуслнинг суннатлари

Илик аввал ю(в)моғлиғ айла мафҳум,
Пас андин сўнг ю(в)моқдур узви маълум.

Баданда гар најосат бўлса зоҳир,
Ани қилмоқдур су(в)бирла тоҳир.

Таяммум фарзлари

Яна суннатдурур қилмоқ вузу ҳам,
Ю(в)бон аъзо қуёб уч қатла су(в)ҳам.

Таяммум фарзи ул бўлди ният,
Илик туфроққа урмак икки навбат.

Керактур бирни юз масҳига билмак,
Яна бир бирла масх эт қўл ва тирсак.

Намоз фароизида олти хориж фарзнинг шарҳи

Намоз ичра фароиз, эй хирадманд,
Ўн икки нима айлабдур худованд.

Намозингга алардин олти дохил,
Яна олтиси хориж келди ҳосил.

Бу олтидин бири қилсанг ибодат,
Хадас бирла најасдин бил таҳорат.

Яна бир пок бўлмоқдур макон ҳам,
Яна авратни қилмоқдур ниҳон ҳам.

Яна бир вақт билмак кеча-қундуз,
Яна бир қибла сори айламак юз.

Яна бир ният этмак бўлди билгил,
Намоз албатта ният бирла қилгил.

Намоз олти доҳили фарзнинг баёни

Чу хориж олтини қилдим аёнинг,
Қилай доҳилни ҳам хотир нишонинг.

Эрур аввалғиси аввалғи такбир,
Қиём ўлди намозингда яна бир.

Яна бирни яқин билгил кироат,
Яна бирдур рукуъ айларда тоат.

Сужуд ўлди бири, эй хилқатинг пок,
Яна бир қаъдан охир қил идрок.

Қиши бу ерга истар бўлса яъни,
Ташахҳудға чоқилмоқмас яъни.

Намозинг ичра вожиб келди етти,
Ки соҳиб шаръдин бу навъ етти.

Намознинг вожиблари

Бурун «ал-хамд»ни қилмоқ кироат,
Яна бир сура анга қилмоқ изофат.

Яна тутмоқдурур тартиби маръи,
Будур хожа қўйини вожиби шаръи.

Кироат айламак таънин бирин бил,
Яна бир айламак арқонға таъдил.

Бирин эт қаъда аввал таахҳуд,
Бири бу қаъдадин сўнгра ташахҳуд.

Намознинг ўн суннатлари ва ўн қавлиси адоси

Намоз ичра йигирми келди суннат,
Қишиқим қилса қўйдук жонға миннат.

Йигирмидин ўнини анга қавли,
Яна ўнини феъли билмак авло.

Бурун улқи қавледур ани бил,
Яна феъли сари майл қилгил.

Ул ўндин бирини истифтоҳ билгил,
«Ауз»ни иш бандиға мифтоҳ билгил.

Яна бил тамсия, андин сўнг омин,
Қил андин сунг «самий оллоҳ» таъйин.

Учу тўртинчида йўқ фотиҳа фарз,
Эрур суннат бу янглиғ қилдилар арз.

Рукуъ ва саждада ҳам икки такбир,
Икки тасбиҳға ҳам берма тағйир.

Намоз суннатларидин ўн фаълиси баёнида

Яна феъли бировғаким, билиқдур,
Қулоққача пилик қилмоқ илиқдур.

Унг илгинг сўлга кўймоктур яна сўз,
Яна сажда, ерда тикмоғинг кўз.

Рукуъ ичра илик тизга килиб ёр,
Учони тутмок ул холатда хамвор.

Ики овучни ерга бўлса мансуб,
Эрур сажда арода бошка матлуб.

Сужуд айларда пайдову ниҳондин,
Қорин тиздан жудо тут. кўлини ёдин.

Намоз фароизи ракаоти адади

Яна сўл пошна устида ором,
Қилмок кибла сори мойил ибҳом.

Кеча-кундуз намозеким, эрур фарз,
Эрур ўн етти ракъат уйлаким, фарз.

Ики субҳу яна тўрт ўлди пешин,
Яна аср ичра бўлди тўрт таъйин.

Намоз суннатларининг ракаоти адади

Учу тўрт англа мағриб-дан ишола,
Вали қил витрин вожиб арода.

Бировким, кеча-кундуз қилса тоат,
Эрур суннат анга ўн икки ракъат.

Ики ракъат ўлди субҳ ила шом,
Ул икки-тўрттар айгла барча айём.

Ислоннинг учунчи рукниким, закотдур баён қилмок

Закот ўлди учунчи руки билгил,
Нечукким, амр қилмиш тенгри қилғил.

Киши соҳиб нисоб ўлгунча маъмур,
Эмаским, ҳақ тутубтур ани маъзур.

Нисоб ўлса киши молига зоҳир,
Айирмок фарз келди қирқдин бир.

Етурмағил ангаким, мустаҳикдур,
Бу ишга мустаҳик бўлган муҳикдур.

Бу сийм аҳкомидур қилмок тасаддук,
Яна ашёда мундоқ бил таҳаккук.

Ки, ҳар турлук яна бўлса ниҳотинг,
Баҳоси узра мундоқдур закотинг.

Мавошига бутубтурлар кавоид,
Ани ҳам яхши англа кўргузуб жид.

Яна жамъики, дерлар исми худдом,
Муқаррардур аларга дағи аҳком.

Вали эрмас қияр тўн ва минар от,
Яна ҳам ногуриз ўлган мис олот.

Давоту хома ё авроку ажзо,
Бу дастур ўлса бир ҳар навъ ашё.

Ки, онсиз бўлмағай маслуб ҳосил,
Закот ичра эмас ул шай дохил.

Вали дохили ҳаққи Оллоҳ билгил,
Анинг амсокидин иъроз қилғил.

Адосида балонинг раддин айла,
Яна қилмок сабақкор ўзни тонгла.

Ислоннинг тўртунчи рукниким, рўзадур шарх этмак

Эрур тўртунчи (рукни)исломнинг савм,
Ки, ўтгай кимсага такво-била явм.

Чу рўза фарз бўлди йилда бир ой,
Анинг ижросида бу нафси фарсой.

Ани бил субҳдин то шом чоғлик,
Таому шурбу шахватдин йироғлик.

Эрур бу рўзада ният санга фарз,
Валекин кеча авло айладим арз.

Навофилда вали ниятни қилмок,
Санга жойиздурур туштин бурунрок.

Чибин ё пашшадек ҳар жинси ҳосил,
Эмас бўғзунгга кирса рўза ботил.

Тузу сирка тоторга аҳли идрок,
Тенгурса тил учун эмас анга пок.

Яна улким, ҳижомат қилсаю қасд,
Ғам эрмас, рўзага чун қилмаминш қасд.

Гар ўтмак тифл учун чайнар аноси,
Раводур гар яна йўқтур ғизоси.

Вали билмак керактур ани макрух,
Керак макрухдин хотирда андух.
Унутуб гар есанг, ичсанг эмас ғам,
Эрур ул рўза бокий, эй муқаррам.

Фавт бўлган рўза эвази ва кафорати

Агар не боклик ойини туздук,
Ғизонинг гайр бирла рўза буздук.

Ғизо еб рўза улким, қилса зойил,
Ва ё нафси бўлиб шахватга мойил.

Кафорат отмиш мискинга итём,
Эрур ё олтмиш кун савми ноком.

Ким ул қуиларининг ўлғай иттисоли,
Пўк эрса солим эрмас рўза холи.

Ва ё бир баяданин кўнгли килиб шод,
Ани тенгри йўлинда қилмок озод.

Ислоннинг бешинчи рукниким ҳаждур баён қилмок

Бешинчи руки билгил ҳажги ислом,
Чу фарз ўлди адоси келди ноком.

Вали фарзиятида шартлар бор,
Қулоқ тутким, қилай борини изҳор.

Биров улким, иститоат бўлса мавжуд,
Анга тенгруки, қилдинг ани максуд.

Яна бир шарт йўл амнияти бил,
Бу чун мавжуд ўлур ҳаж нияти қил.

Яна гар дайн йўк бўйинунгга лозим,
Санга бўлмок бўлур ул йўлга озим.

Яна гар йўк аёлингдин маунат, —
Ки, ул кўрғай маош учун суубат.

Яна гар бермади жисмингда сонё,
Мараз андоқки, бўлғай йўлга монё.

Бу махзурот гар йўк тебра филҳол,
Ўзунгу дўст кўйи тавқиға сол.

Неким фарз ўлди бўйнуғда адо қил,
Етиб мақсадқа коминғни раво қил.

Хотима ва китобни туғанчининг тақрири

Манга бу нукталарким, бўлди таҳрир.
Қилай итмоми тақрибини тақрир.

Агарчи хутбаву фикрастида бор,
Вали ул аҳддин гардуни даввор.

Басе ошуфталиғлар қилди ҳодис, —
Ки, итмомиға маъдум ўлди боис.

Тўқиз юз бешда бир фархунда фарзанд,
Адаб бирла тавозуъдин баруманд

Ки, мажлис ичра ҳозир эрди бир кун,
Масойил баҳси эрди тилға мақрун.

Чу анда қобилият зоҳир эрди,
Кўнгул бу назмға тартиб берди —

Ки, шояд анга нафъи ҳосил ўлғай,
Кўп элга ҳам бу маъни восил ўлғай.

Сабаб бу ишни қилди даври айём,
Топорға бу китоб оғози анжом.

Чу равшан айлар ислом аҳли зотин;
«Сирож ул-муслимин» кўймишмен отин.

Умидим улки, ҳар ким ўқуғай,
Мунунг нури била кўнгли ёруғай.

Дуо бирла мени ҳам айлағай ёд,
Равоним ул дуодин айлағай шод!

Асарда учрайдиган тушунилиши қийин бўлган сўзлар ва иборалар луғати (Матн аввалидан)

Сирож — чироғ, нур, ёруғлик

шамома — хушбўйлик

Халлоқ — яратувчи, худо

барҳақ — ҳаққоний, чин, рост

асқоб — саҳобалар, дўстлар, ҳамсуҳбатлар

шайн — камчилик, нуқсон

ошуб — ғавғо

маҳсуб — ҳисобга олинган, текширишдаги гуноҳкор киши

печ — тўлғаниш, буралиш

сунан — суннат, тутилган йўл, қоида. Муҳаммад пайғамбар

ва саҳобалари тутган йўл ва пайғамбарнинг буйруқлари

ноғузир — иложсиз, чорасиз

ориз бўлмоқ — юз бермоқ, пайдо бўлмоқ

фавойид — фойдалар, нафълар

нузҳат — кўнғил очиш, ҳузур қилиш

атроқ — туркийлар

ахзар — кўм-кўк, яшил

наъл — тамға, тақа, кавуш

фонқ — юксак, улўвор

кизб — ёлғон, ков-ков, ковлаш, қидириш

иршод — тўғри йўл кўрсатиш

суруш — худодан хабар келтирувчи фаришта

лобуд — зарур, керак

малҳуз — мулоҳаза қилинган, хотирга келган

маҳзуз — баҳра олган, завқланган

аҳком — ҳукмлар

фаръ — шохча, шоҳобча, тармоқ

Жаббор — қудратли

Яздон — худо, тангри

ирсол — юбориш, етказиш

ижмол — қисқалик, мухтасар

бнҳил — кечириш, авф этиш

тонуг — гувоҳ, шохид, белги, нишона

тазвир — ҳийла, фириб, алдаш

мутаққид — эътиқод қилувчи, ихлосли

муназзаҳ — пок, соф, равшан

ҳай — тирик, жонли

уббод — обидлар, ибодат қилувчилар, диндорлар

саҳм — ҳисса, улуш

«лайсака мислиҳ» — «Аллоҳга ўхшайдиган нарса йўк» (Куръ-

он оятларидан)

мурсал — элчи

итмом — тамомлаш, битириш

даввор — айланувчи

маъдум — мавжуд эмас, йўқолган

масоил — масалалар

мақрун — яқинлашган, қўшилган

фархунда — саодатли, бахтли

сирот — кўприк, дўзахнинг устидан жаннатга ўтиладиган

ингичка кўприк

мезон — ўлчов, илми нужумга кўра ўн икки буржнинг

еттинчиси

эъжоз — мўъжиза кўрсатиш, ожиз қилмоқ

наҳй — манъ этиш, қайтариш

маслўб — ажратиб юбориш

фаройиз — рўза, намоз, ҳаж ва б. каби мусулмон учун

бажариш қатъий бўлган беш мажбурият

зақан — бағбаға

зам — қўшиш, жамълаш

мазмаза — оғизни чайқаш

истиншоқ — бурунга сув тортиш

лиҳият — соқол, мўйлаб

маволот — дўстлик, меҳр, муҳаббат

рим — йиринг, яллиғ

қий — қусиқ

фам — оғиз

тоҳир — тоза, пок, муқаддас

таямум — кесак ё кўм билан таҳорат қилиш

навоқиз — жонга шодлик ё ғам кирадиган йўллар — бурун,

оғиз, қулоқ ва б.

ҳадас — нажосат, ахлат

қаъда — ўтирганда эгалланган жой, ўрин

машаҳҳуд — Аллоҳ билан Муҳаммад пайғамбар бирлигини

эътироф этиш

макс — тўхталиш, туриб қолиш

маръий — кўринган, кўзга илинган

тааҳҳуд — аҳд қилиш, зиммага олиш

таъдил — тузатиш

такбир — худони улўглаб «Аллоҳу акбар» иборасини айтиш

ибҳом — ноаниқлик, шубҳа, гумон

ишо — кечки намоз (хуфтон)

нисоб — асл, асос, миқдор, ҳисса; мол, маблағдан закот

мустаҳиқ — муносиб, лойиқ

муҳиқ — ҳақли, муносиб

эъроз — қочиш, чап бериш, юз ўгириш, пайдо бўлиш

савм — рўза

навофил — художўйликни билдириш ҳолатлари

ҳижомат — қилинган гуноҳни ювиш учун эваз қайтариш

итъом — тўйдириш; таомлар

иститоат — қудрат, куч, иқтидор

дайн — қарз, бурч

маунат — тириклик учун керакли нарсалар

маҳдурот — пардали, номусли

«НАВОЙИ ДИН ЧУ ТОПҚАЙЛАР НАВОЕ»

Алишер Навоийнинг бизда ханузга қадар нашр этилмаган асари «Сирож ул-муслимин»дир. Турк олими Огоҳ Сирри Лаванд ўзининг 4 жилдлик «Алишер Навоий» номли китобининг сўзбошида шоир қаламига мансуб «Муножот», «Арбаин», «Назм ул-жавоҳир», «Насойим ул-муҳаббат» ва «Лисон ут-тайр» каби асарлар сирасида «Сирож ул-муслимин»ни ҳам тилга олади. У ёзади: «Навоий бу асариди шариатнинг аҳкомларини, Теңрининг саккиз сифатини англагандан сўнгра Исломининг асосларини назмда баён этади».

4 жилдликнинг сўнги жилдида эса асар матнини айрим қискартиришлар билан эълон қилади.

Асар Ҳақ номи билан бошланади; барча мавжудот ва махлуқотнинг яратувчиси — Халлоқ ва унинг анбиёлари пешвоси Муҳаммадга ҳамду сано айтгач, Навоий асарининг ёзилиш сабабини баён этади. Султон Ҳусайн ҳиммат-марҳаматидан баҳраманд шоир Навоий шеърининг шуҳрати оламга ёйилди, барча эл уни эътироф этди. Қуиларнинг бирида Олий мажлисда Шохга яқин, нуқтадон бир шахс: «Шоир ўз шеърлари билан ислому дин уйига ошуб-ғавго солди, уларни ўқиганлар ошиқу маст бўлишлари муқаррар», — деган фикрни ўртага ташлайди. Буни эшитгач, Навоий фикридан: «Ислому уйини маъмур қиладиган, яъни ислом аҳлига фойда берадиган, улар учун фарз, вожиб ва суннатий ақидалар ҳақида ёзишим керак экан», деган ниёт кечади.

Бундай асарни шоир бошлайди ҳам, лекин унинг якулинишига турли иш ва мухталиф ҳолатлар монеълик қилади. 1499—1500 йилларда Самарқанддан бир нуфузли шахс Ҳиротга келади. Навоий дарҳол унинг ҳузурига ошиқади. Сўз асносида ўша шахс қачонлардир Хожа Убайдуллоҳ Навоийни назарда тутиб:

...ул кўп назм дерга бўлди роғиб,
Бу янглиғ назм ҳам эрди муносиб,—

деганини хотирлайди. Энди Навоий асарни охирига етказиш вақти етишганини эътироф қилади ва ёзади:

Чу лобуд нукталар малҳуз бўлғай,
Умид улким, улус маҳзуз бўлғай.
Навоийдин чу топқайлар навое
Анинг руҳига ҳам етқай дуое.

Шундан сўнг шоир шариат аҳком — ҳукмлари, қонунлари ва ақидаларининг қондаларини баён этади. Имон қондаси — тил билан иқдор бўлиб, кўнгил билан инониб имон келтирмоқ ҳамда «мўминнинг бихилларининг тафсили»ни беради. Унга кўра Худованднинг белгилари — мислсиз, бемонандлиги, барча мавжудотнинг яратувчиси эканлигини эътироф этиш Оллоҳ китобини билиш, пайғамбарларни иқдор қилиш, қиёматга ишониш ва Ҳақ тақдир этганга «макр ва ҳийласиз қонез» бўлиш лозимдир.

Муаллиф Ҳақнинг сифатлари ҳақида — унинг қодирлиги, ёлғиз-ягоналиги, замон ва маконда қонез эмаслиги, ҳеч нарсага ўхшамаслиги ва бошқаларни санаб ўтади.

Шунингдек, Ҳақ тарафидан белгиланадиган азобу шафқат, икки фаришта сўрови, сирот ва мезон, жаҳаннам ва жаннат, пайғамбарлар шафоати, Муҳаммад алайҳи васалламнинг уларга бошчилиги, авлиёлар қаромати қаламга олинади.

Ислому «арқони (руқилари) шарҳи»да ислом бияносининг беш руқини билмоқлик хусусида сўз юритиб, шаҳодат лафзини айтиш, Муҳаммадни Теңрининг элчиси деб англаш, озодалик фарзлари ва суннатлари, намоз фарзлари, вожиб ва суннатлари, закот, рўза ва ҳаж ҳақида равшан маълумот беради. Асар шундай якулланади:

Манга бу нукталарким, ўлди таҳрир,
Қилай итмоми тақрибни тақрир.

Агарчи хутбаву феҳрастида бор,
Вали ул аҳддин гардуни даввор
Басе ошуфталиғлар қилди ҳодис —
Ки, итмомига маъдум ўлди боис.
Тўқиз юз бешда бир фархунда фарзанд,
Адаб бирла тавозуъдин баруманд —
Ки, мажлис ичра ҳозир эрди бир кун,
Масойил баҳси эрди тилга макрун.
Чу анда қобилият зоҳир эрди,
Кўнгул бу назмга тартиб берди —
Ки, шояд анча нафъи ҳосил ўлғай,
Кўп элга ҳам бу маъни восил ўлғай.
Сабаб бу ишни қилди даври айём,
Топорға бу китоб оғози анжом.
Чу равшан айлар ислом аҳли зотин,
«Сирож ул-муслимин» кўймишмен отин.
Умидим улки, ҳар ким ўқугай,
Мунунг нури била кўнгли ёруғай.
Дуо бирла мени ҳам айлағай ёд,
Равоним ул дуодин айлағай шод!

Кўринадики, бу асарнинг майдонга келишида Хожа Убайдуллоҳ Валининг истаги асосий туртки бўлган. Лекин айланувчи фалақнинг «ошуфталиғлари» (паришонлик, тарқоқлик) туфайли охирига етмай қолиб кетган, ниҳоят, 905 (1499—1500) йилларда бир мажлисда диния масалалари юзасидан баҳс юритилган. Унда одоб-тавозеъли, қобилиятли ва саодатли бир фарзанд ҳам иштирок этган. Афтидан, бу ёшга шояд унга фойдаси тега, қолаверса, барча эл баҳраманд бўлса, деган фикр келади ва асар охирига етказилади. Унга «Сирож ул-муслимин» («Мусулмончилик ёғдуси») деб ном берилади.

Алишер Навоийнинг бу асари ҳақида илмий адабиётда ҳеч қандай маълумот учрамайди. Ҳамид Сулаймонов «Алишер Навоий куллиёти кўлёмалари тадқиқотидан» деган мақолада Истамбул, Париж, Лондон, Ленинград, Тошкент фондларида сақланаётган Навоийнинг 8 та куллиёти мухтасар тавсифини ва уларнинг таркибини беради. Олим келтирган жадвалдан маълум бўладики, «Сирож ул-муслимин» фақат учта куллиётда, яъни Истамбулдаги (Тўпқопи) Реван ва Сулаймония китобхоналарида ҳамда Париж Миллий китобхонасида маҳфуз шоир куллиётлари таркибида мавжуд экан. Лекин олим бу асар насрда эмас, балки назмда берилганидан беҳабар, унинг ҳажмининг «93 сатр» деб кўрсатади. Айтиш керакки, муаллиф назмий асарларнинг байтлари ададини, насрийни эса сатр саногини беради.

Шундай қилиб, «Сирож ул-муслимин» Ислому аҳкомлари, мусулмончилик қондаларидан баҳс этувчи назмда битилган кичик ҳажмдаги асар бўлиб, Алишер Навоий умрининг охирида яратилган. Лекин уни ёзиш нияти шоирда йитиллик йилларида пайдо бўлган. Бу муборак асарнинг матни нашр учун тайёрланди, унинг устида жиддий таҳлилий иш олиб бориш истикболдаги режаларимиз сирасидадир.

Нашрга тайёрловчи
Суйима ҒАНИЕВА

Жафбада Фозилмас

ЕХУД ЗОЛИМЛАР, МҮМИНЛАР ВА ҚАСОСКОРЛАР Ҳазрат Али ва ўғиллари ҳақида тарихий-бадий қисса

Ўрис тилидан Собир УНАР таржимаси

Қайс ибн Эшес қизи Жийданинг ёстиғи остида Марван келтирган заҳар сақланарди. Бу — олмос кукунлари эди. Жийда кўпинча уни ичимликка ёки овқатга сепларди. Ҳасан анчадан буён бутун танасининг томғири тортишиб оғришидан қийналар, юзига ҳам яра-чақа тошиб, хунук излар қолдира бошлаганди. У бу нарсалар ўлим аломати эмасмикин деб кўркарди.

Жийда ўз тўшағида яшноқ кўзларини шипга тиккан-кўйи ётарди. Бу кўзлар Дамашқ саройидаги бўлажак тўй, Язидга никоҳланиш орзусида севиноар, чақнар эди.

Келин бўлиб тушган кезлари у Ҳасанни жон-дилдан севарди. Лекин кейин келган кундошлари уни рашк оловида ёндирди. Умидсизлик ва тушкунлик Жийданинг Ҳасанга бўлган ғазабини оширмоқда эди; Язидга турмушга чиқиш хоҳиши бу ғазабга тагин мой куйгандай бўлди.

Мадина халқи осуда уйқуда эди. Жийда ўрнидан туриб ҳовлига чиқди: уйқуси келмаётганди. Қўшни уйдаги Марван ҳам ухлаётмаётган эди. Бу ердан жуда олисда, Дамашқда халифа Муовия ҳам Ҳасаннинг ўлими тўғрисидаги хабарни интиқ кутиб, бошини ёстикқа кўёлмасди.

Ҳасан ухлаётган ётоқбўлманинг ярим очик даричаси ёнига Жийда одатдагидай секингина келиб сувкўзани пайпаслаб топди ва бир сиқим заҳарли кукун ташлади. У ҳар кеча айни тонг ипи узилар маҳал, уйқунинг энг ширин дамида келиб худди шундай қиларди.

Тун бўйи тўлганиб ҳамда босинқираб чиққан Ҳасан субҳи содиқда ўрнидан турди.

— Тушимда, отам билан бобом кўлларини орқага қилиб мен томон югуриб келишяпти... — деди у кичик хотини Зайнабга. — У, Зайнаб, ичим кўйиб кетяпти, кўзани бер.

Зайнаб кўзани узатди, Ҳасан ютоқиб сув ичди. Бу у ичаётган охириги култум сувлар эканини билмасди. Бир қанча муддат ўтгач, унинг аъзои бадани тиришиб, акашак бўлиб қолди, оғзидан қон кела бошлади.

— Ҳусайинни чақир, — дейишга зўрға улгурди у.

Ҳусайн тезда етиб келди-да, акасининг бошини суяди.

— Заҳар ичирдилар менга, — деди Ҳасан базўр. — Бобом билан отамнинг ҳузурига кетяпман...

Ҳусайн шошганидан гоҳ унинг ёнида пайдо бўлар, гоҳ кўздан йўқоларди. Туши ўнгига айланаётганга ўхшар, энди Ҳасан ўзини тетик ва шодон сезар, бобоси Муҳаммад соллоллоҳу алайҳи васаллам ҳамда отаси имом ҳазрат Алини қаршилаш учун югуриб борарди ўзича.

Кўешининг тонгги нурлари Ҳасаннинг қорачиғи оғиб оқарган кўзларида ялтираб шуъла берди, бояғи томир тортиши ҳам энди хуруж қилмади, юзи кўкариб бораётганди...

...Бу вақтда Марван билан Жийда нортуюга мингашиб саҳрода кетишарди.

Марван кутилмаганда туяни тўхтатди.

— Ана, ана... — деди у. — Мен шу овозларни кутган эдим. Эшитяпсанми?

— Эшитяпман, — деди Жийда. — Бу — Ҳасанга марсия... Сен бўлса айнан шу бугун ниятимиз амалга ошишига ишонмаган эдинг...

— Энди ишонаман. Менга деса, ушбу йиғи-айтимлар садоси нортуюмизни Дамашққача ҳайдаб кетсин! Сен эса мени маҳкам ушлагин!

Жийда Марваннинг елкасидан кучоқлаб ёпишаркан, тез орада халифалик вориси бўлмиш Язид ўзини бундан ҳам маҳкамроқ кучоқлашини кўз ўнгига келтирди. Мадинадан таралаётган йиғи-айтимлар садоси аллақачон олисда қолган, шундай бўлса-да, қочоқлар мадиналиклар изимиздан тушиш-мадимикин деган ҳадик ила ортларига қарай-қарай йўлнинг танобини тортишарди. Улар бахтли манзилга сабрсизлик ва иштиёқ билан интилишарди. Йўл эса тугамасдай туюлар, тунни кун билан адаштиришар, ҳатто Дамашққа кириб келишганда, йўлни неча соатда, неча кунда ёки неча ойда босиб ўтишганини билмай қолишди.

Жийда Марваннинг ортидан сарой зинаси бўйлаб кўтарилиб, халифа Муовия ҳузурига қадам қўйди, шунда у ўзича мен жаннатда юрибманми ё ердами дея шошиб қолди. Мадина қанчалар олисда қолди-я! Эри Ҳасан ҳалиям уйидамикин ё ерга қўйишдимикин? Олтин ва кумуш ила зарҳалланган тахтда

* Охири. Бошланиши 9—10-сонларда.

керишиб ўтирган Муовия эса нақ осмонга соя солаётган девдай ҳайбатли кўринарди.

— Ассалому алайкум!

— Ваалайкум ассалом! Сен аёл бошинг билан ислонинг порлоқ келажоги учун катта хизмат қилдинг, бу ёққа, тахтимга яқинроқ ўтир.

Хурсанд ва мағрур Жийда халифа кўрсатган жойга ўтирди. Унинг юзи ва кўзлари шу қадар порлардики, худди у эрини, халифа ҳазрат Алининг ўглини эмас, шайтонни ўлдириб келгандек тутади ўзини.

Халифа Жийданинг кўзларига узоқ тикилиб, унинг фикрларини қарта дастасини ўргангандек ўрганиб чиқди, негадир ҳаяжонланиб шошди. Ҳасан ўлмагандай, қабрга тушмагандай, худди Жийданинг таънасига кўчиб ўтиб, ҳозир Муовияга термулаётгандай эди... Бари бир халифа тилидан тутилмади.

— Эй, жувон, сен халифанинг топширигини қандай бажарганингни гапир.

— У, жаноб Муовия, — дея жавоб берди Жийда, — ўша тунда мен Ҳасанга аввал берган доримнинг таъсири сезилмаган вақт келгач, кўзасига охириги бир сиқим кукунини ташладим. Дори таъсир қиладиган маҳалда биз Марван билан келишилган жойда учрашдик, шу пайт йиғи-айтим садолари бизнинг кулоғимизга эшитилди...

Халифа ўзининг минг бир кулгусини юзида акслантириб, яна сўради:

— Қайси кўлинг билан сепдинг ўша кукунини?

— Ҳар иккаласи билан, халифа жаноблари!

— Шу кўллар билан-а, — деди Муовия, — ислонинг жаннат боғларига хотиржамлик уруғини сепдим дегин. Ҳозир ҳарамга бориб дамнингни ол. Ҳадемай, ўғлим билан учрашасан. Жийда сакраб ўрнидан турди, оёқлари ўрнида қанот пайдо бўлган янглиг пилдираб учиб чиқди.

Халифа Марвани ёнига қақирди. Муовия бир сўз ҳам демай ўзининг содиқ хизматкорига тикилди. Марван Муовиянинг юз кнефасидан: «Нега хато қилдинг, нега Жийдани чўлда ўлдирмай ўзинг билан олиб келдинг?» деган таънани ўқди ва кайфияти тушиб, ваҳима ичиде қолди.

— Сен менинг буйруғимни бажардинг, — дея тишларини гижирлатиб ёлдиради халифа. — Хурсандман сендан ва навбатдаги топширигимни берман. Агар бу вазифаниям аввалгисидай уддалай олсанг, ўзингни Мадина ҳоқими санайвер. Лекин ҳозир эмас. Ҳозир менинг зарур ишларим бор. Бориб дамнингни ол...

Марван кетди. Муовия кафтига кўлини ураркан, очилаётган эшикка қараб кичкирди:

— Баширни чақиринглар бу ёққа!

Халифа ойна яқинига келиб пардани сурди. Гулларга бурканган Дамашқ яшнаб ётарди.

Халифа ўгирилиб Баширнинг ибодатга шайлангандай қаққайиб турганини кўрди.

— Башир, бугун ислом дунёси учун аянчли кун эканини биласанми? Мадинадан шум хабар олдим: Ҳасан ўлди. Суюкли пайғамбаримизнинг невараси ўлди. Ислонинг яна бир шами сўнди... Кеч тушиб қолмасдан...

Башир таажжубланди: у ҳеч қачон Муовияни бу қадар саросимага тушган ҳолда кўрмаганди.

— Буйруғингни кутаман, халифа...

— ...Хали Дамашқнинг кўшиқларда мадҳ этилган улуг машъаллари ҳам сўнажак... — деди титраб Муовия.

Баширнинг халиям ўрнидан кўзгалмаганини туйсуқ пайқаб, ёввойи бир овозда бақириб берди:

— Нега серраясан, Башир? Дамашқда нечта девору дарвозалар бўлса, ҳаммаси қорага бўяб чиқилсин. Дамашқ мотам рангига кирсин, ахир, бугун ислом дунёсида энг мусибатли кун эмасми? Ҳасан халифанинг юрагига дафн этилди, кимки халифага қайғудош экан, ўз бурчини бажарсин...

Башир хонадан дадил чиқди. Халифанинг сўзлари уни нақадар мутаассир қилган, шу боис сарой зинасидан пилдираб пастга тушдию дарҳол Дамашқ кўчалари бўйлаб учиб кетаёзди.

...Бир неча соатдан сўнг қора либос кийиб олишган Марван ва Жийда халифа тахти ёнида туришарди. Муовия тахтни олд ва орқага тебрата туриб Марвани охириги марта яна синиб кўрмоқчи бўлди:

— Марван, сен мухтарам Жийдага нима ваъда қилганимни биласанми?

— Биламан, амирим.

— Айнан нима ваъда қилганман?

— Сенинг ўғлинг Язид, ҳазратим, Жийдани хотинликка олади.

— Мадомики шундай экан, — дея кулимсираб ўрнидан турди Муовия, — Жийдани Язиднинг Филлар оролида жойлашган саройидаги ҳарамига элтиб қўйгин.

Марван халифага тикилди ва ҳаммасини тушунди. Рўпарасида кўзларини ерга қадаб турган Жийдага термулди: унинг юраги Язид билан учрашмоқ кўйида ҳапқирарди.

— Жаноб имонлилар амири, буйруғинг сўзсиз бажарилади. Тахтга яна ястаниб ўтираркан, Муовия: «Бундай шарафли вазифадан ким ҳам бош тортарди?» дея хаёл қилди.

Марван саройдан чиққач, Жийдани Дамашқнинг қоронғи кўчалари бўйлаб денгиз соҳилига яширинча етаклаб кетди.

Чўлда ўсиб-улғайган Жийда денгизни ҳам, қайиқни ҳам биринчи мартаба кўриши эди. Марван қайиққа ўтириб эшак эша бошлади, Жийда эса олисларга тикилиб, Филлар оролини кидирарди.

— Язиднинг саройи Дамашқдан анча олисга ўхшайди, — деди Жийда. — Сен Язидни кўрганмисан ўзи, Марван? Филлар оролига кўп борганмисан?

Марван Язидни кўп мартабаб кўрган, лекин Филлар оролининг қаерда жойлашганини, ўзи умуман бундай оролнинг бор ё йўқлигини билмасди. Бироқ у айнан ҳозирги сафари денгиз кўрфазининг энг чуқур нуқталаридан бирида Жийданинг ўлими маротаба кўриши эди. Марван қайиққа ўтириб эшак эша бошлади, Жийда эса олисларга тикилиб, Филлар оролини кидирарди.

— Жаноб амиримизнинг ўғлини яхши танийман, Филлар оролига ям тез-тез келиб тураман. Сен қандай бахтлисан — ушбу саройга биринчи келин бўлиб борясан.

Қайиқ тўлқинлар узра чайқалар, Жийданинг орзулари унинг тепасида айланаётган балиқчи кушларнинг парвозидек баланд эди.

Қирғоқ кўринмай қолди. Марван ўрнидан турди ва кулимсираб Жийдага яқинлашди.

— Урнингдан туриб қарагин, — деди у, — Филлар ороли хув анови томонда, ҳозир кўринади...

Жийда турди. Қайиқ арқон устида тургандек тебранарди. Зум ўтмай Марван Жийдани денгизга итариб юборди ва дарҳол қайиқни соҳилга қараб ҳайдади. Жийда ўзи билан ўзи бўлиб қолди — қайиқ ундан олислаб кетганди. У гоҳ Дамашқ тарафга, гоҳ Филлар ороли тарафга қараб кичкирарди:

— Ой, Язид! Ой, халифа! Қутқаринглар мени! Бундай-лигингни нега билмабман-а, лаънати Марван! Язи-ид! Язи-ид!

У жуда қийналиб молтий бошлади, лекин қора ёпинчиғи ивиб баданига ёпишиб қолгани сабабли умидини узди. Жийда ўлими билан юзма-юз келгачгина Муовия ва Марваннинг қармоғига илинганини билди. Бир неча бор у тўлқинлар остида қолиб денгиз ўсимликлари ҳамда ям-яшил кўкатларга кўзи тушди, улар Ҳасаннинг заҳарланган жасадига ўхшаб кўринди. Оғзи-бурнидан сув ютиб, шу пайтгача тушидаям кўрмаган дахшат гирдобига ўралди ва титраб-қўқшаб эланди: «Ой, Ҳасан! Ой, Ҳасаним менинг!..»

Йиртқиқлар ва кушларнинг уя, инларини бузиш Язиднинг овдаги энг сеvimли эрмағи эди. У оналарини, яъни боқувчиларини кутиб оғзиларини каппа-каппа очётган полапонларни тутиб олиб қанот ва оёқларини юлиб ташлар ёки оёғи остига олиб эзгиларди. Кунларнинг бирида у ушбу сеvimли машғулоти билан банд эди, ортидан ҳарсиллаб етиб келган халифа саройининг удайчисиси дабдурустан:

— Эй, Язид, отанг ўлим тўшагиде ётибди! — деди ваҳима билан.

Язид совуқ хабарни эшитгандан кейин ҳам бошлаган эрмағини охирига етказмасдан қўймади, шундан сўнггина отига миниб Дамашқ сари йўртиб кетди. Унинг кўзларинда майда ҳайвонни эмас, катта ўлжани қўлга киритган овчининг хурсандлиғи зоҳир эди.

Сарой зиналаридан деярли учиб чиқди, халифанинг ётоғи қошида тўпланган сарой аҳлини елкаси ила уриб-суриб жон таслим қилаётган падарига яқинлашди.

Халифа Муовия соғ-саломат вақтлари керлиб ўтиргувчи

тахтга монанд кенг тўшакда оёқ-кўлларини узатганча мадор-сиз ётарди.

— Отажоним! — дея қичқирди Язид.

— Демак, сени ов маҳали топишибди-да... — деб шивирлади халифа.

У амирона ишора билан Язиддан бўлак ҳамма ётоқхонадан чиқиб кетишини буюрди. Язид отасининг бош томонига ўтди. Ашадий овчи боя, бир соат бурун тулки боласини бўғаётиб қай тарзда табассум қилган бўлса, ҳозир отасига ҳам худди ўша тарздаги табассум билан боқди. Язиднинг нигоҳи отасининг зўриқи нафас олаётганида ғайритабиий кўтариллиб тушаётган қорнида айланди, сўнг султонлик узугида тўхтаб қотиб қолди. Халифа Муовия ўғлининг нигоҳидаги шайтонлиқни пайқаб, бир силкинди.

— Кўзларимга қара, Язид. Қулоғингга қуйиб ол, менинг айтадиган гапларим сен учун ҳам, султонлик учун ҳам жуда муҳим. Менинг ҳамма тентқурларим ўлиб кетишиди... Мен ҳам ўламан... Шошилма... Оз қолди...

Язид узукдан нигоҳини узиб ғўлдирай бошлади:

— Эҳ, ота... Балки, ҳали жон бермасингдан бурун мажлис чақирарсан... Халифалик менга ўтганини эъло қиларсан... Чунки исломнинг келажаги...

Муовиянинг жонсиз лаблари бари бир унинг нафратини яширолмади. Аччиқ қулди.

— Исломнинг келажаги... Исломнинг келажаги... Бу сўзларни мен кўп такрорлардим. Лекин уларни менга қарши ишлатмагин... Эшит...

Шу лаҳза аъёнлардан бири сарой табиби бу ёққа кирмоқчи эканини маълум қилди. Муовия қўлини кўтариб рад ишорасини қилди. Ўғлининг кўзларига тик қаради.

— Манавинга ўхшаш табиб-сабиблар ҳам бор... Улардан хоҳлаганинча бошқалар учун фойдалан... Узинг эса... фақат ўзинг унинг қўлида даволанма. Бу эса уни Оллоҳ лазнатлагандир, худди шу табиб Ҳасан учун заҳар тайёрлаб берганди, у ҳузуримга кирса, гўё бадбахт Ҳасаннинг жасадини кўтариб кираётгандай туюлади...

Муовиянинг жони танасини тарк этгандай бўлди. Бирок у тагин нафас олиб, сўзида давом этди:

— Ўғлим... Мен сенга ўламан деяпман-у, сенинг фикру хаёлинг бутунлай бошқа ёқда. Менинг барча бойлигим сенга қолади. Охириги ўғилларини уқиб олсанг — янада бойийсан... Мендан ҳам... Қурбинг етганча халқни қўрқит. Агар бунга зриша олмасанг, қонунларни айблама, аксинча, ўзингга энг яқин кишилар ва аъёнларни айбла... Айбла, чақир ва жезола, шунда эл сендан кўнгли тўқ бўлади. Эл-улус ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетса, сен пайтдан фойдаланиб хоҳлаган ишингни битириб ол... Буларни ўлим бўсағасида туриб сўзлаяпман... Сенинг иккита йирик душманинг бор. Бир — ўзинг. Мен сени ҳокимият ишлари ва ҳарбий юришларга қатнаштирмадим. Жанггоҳларда қону терга фарқ бўлиб юрган кезларим сен саройда кўнглихушлик қилар, ҳеч нарсадан ғам чекмасдинг. Мен ҳеч кимга насиб этмаган молу мулк ҳамда шон-шухратга зришдим. Язид, сенинг бесабрлигинг ўйлантиради мени, агар мендан қолаётган меросдан оқилона фойдаланолсанг эди, биринчи ғаниминг у қадар қўрқинчли бўлмасди. Иккинчи душманинг, бу — Ҳусайн. У билан очикчасига жангга киришдан Оллоҳнинг ўзи асрасин сени. Уни жангда мағлуб қилишдан умид қилма, сабаби унинг зътиқоди, имонига бас кела олмайсан, Язид. Ҳусайн ўз наслидан ёруғ дунёдаги энг охириги ўғил, шу боис у отанг қилган барча ишлар учун ўч олиши мумкин. Мабодо уни энгиб нафратини кўзитсанг, у саҳро ўртасидаги қуюндай тез кўтарилиб ҳужум қилиши мумкин. Саҳродаги жамики кумларни тарозининг бир палласига қўйиб кўр, у палласида Ҳусайннинг ўзи қолсин, лекин Ҳусайн босиб кетади, биласанми шунга? Чунки, ўғлим, ҳақ — у томонда... Улар менинг сабрим ва айёрлигимдан устуи келолмаганларидек, сен ҳам уларнинг кучи олдида ғолиб бўлолмайсан... Келажагинг шундай бўлади...

Лекин Язид халифанинг сўзларини умуман эшитмаётганди. У отасининг қўлларидан тутди. Муовия, ўғлим қўлимни ўпмоқчи, деб ўйлади, бироқ Язид ўзига мерос қолаётган узукнинг тошини силлаб кўяқолди. Халифани ажал тобора қисиб келавергач, охириги кучини тўллаб қўлини бир силтай олди, холос.

Муовияни ҳозир ўз қўли билан қилган жиноятларидан кўра ортида мана бунақа ўғли қолаётгани кўпроқ даҳшатга соларди.

У тагин қийналиб оғзини очганди, Язид отасидан бурун сайрай кетди:

— Отажон, яхшиси келажақ ҳақида гапирмайлик, гапнинг очиги, у мен учун эртакка ўхшаб туюлади. Кел, бугунни ўйлайлик. Ҳозир, яхшиси, шу ерда мажлис чақирайлик, унда сен васият қилгин, мана, менинг ҳам қазоим яқин, ўғлим халифа бўлақолсин, дегин.

— Менинг сўзларимни эшитмадинг, — дея зўрға тин олди Муовия.

Язид отасининг хириллаётган кўкрагига қаради. Назарида, отаси зўрға нафас оларди-ю, чиқармас, ичида йўқ бўлиб кетаётгандек эди. У отам энди ўлди, деб ҳисобларди. Бу ҳолатни одам ҳикоя қилишга ҳам тортинади, ахир, кўз кўриб қулоқ эшитмаган воқеа-ку. Мана, у тагин нима қилмоқда: отасининг, ўз падари бузрукворининг қўлини тутиб, — қанчалар ориятсизлик, юзсизлик керак бунга, — ҳали совиб улгурмаган бармоғидан султонлик узугини ечиб олди. Шодланиб тақди ўз бармоғига. Сўнгра халифалик тожини бошига қўндирди.

Ичкарига кирган мулозимлар, худди Язид айрилиқдан жигар-бағри эзилиб кетгандек унинг қўлтигидан тутиб даҳлизга олиб чиқдилар. Язид янги халифа сифатида қасам қабул қилиши лозим эди. Даҳлиздаги бўғиқ товушлар бу ерга, жим ётган Муовияга ҳам етиб келди. Унинг кўзларидан оққан ёшлар ёноқлари бўйлаб очик оғзига томиб тушарди...

Аҳли сарой ичида гангиб турган Язиднинг миясига бир фикр яшиндай урилди: отаси ўлмаган бўлиб чикса-чи? Тўсатдан ўлим тўшагидан турсаю буёққа кириб келса-чи? Сўнг: «Эй, аҳмоқлар! Мен ўлмаганман, нима учун Язидга қасамёд қилмоқдасиз? Ахир Язид аввал менинг узугимни, кейин тожимни ўғирлаб сизнинг ҳузурингизга келмоқда-ку...» деб қичқирса.

Қўллар Язидга қараб узатилдилар. У ўзига қасамёд этиб келувчиларнинг ҳар бирига алоҳида зътибор берар, энди ким келишию ким ишонч билдириши у учун қўрқинчли эмасди.

...Муовиянинг ўлик кўзларида ёш томчилари турарди. Токи бу кўзларни ёпиб қўйишмагунча қорачиклари осмонга эмас, ўли халқдан овоз тўплашга шошилаётган даҳлиз томонга термулиб тураверди...

Язид халифа этиб сайланганидан кўп вақт ўтмай Дамашқнинг нуфузли кишилари пайтавасига қурт тушди. Шу туйфайли улар Язид кўнглихушлик ва ов билан андармон чоғида ялли сарой мажлиси чақириш, унда бўлғуси халифа хусусида фикрлашиб олиш, оммавий овоз йиғиш ҳақида кенгашдилар.

Бир кун, Язид овдан эндигина қайтган палла, Дамашқнинг энг нуфузли мўйсафиди Сархун ундан қабул қилишини сўради.

— Э, халифа, — деди у остонадан киратуриб, — балки сен ов билан бўлиб чарчагандирсан, лекин сенга Дамашқнинг манаман деган беклари номидан айтадиган гапларим бор, суҳбатимиз жуда муҳим бўлгани учун узоққа чўзилиши мумкин.

Язид тахтга ўт-ўланларнинг ранги, чанг уриб қолган, қон юки кийимлари билан гуп этиб ўтирди.

— Мен чарчаганим йўқ, — деди у юпқа, ёқимсиз лабларини чўччайтириб, — гапир, Сархун.

— Бизнинг биринчи даражали ташвишимиз, бу — халифалик, — дея гап бошлади Сархун, — хоҳишинг борми охиригача эшитишга?

Язид бунчалик тайёргарлиқни кўриб энсаси қотди, бошини чайқаб қўйди.

— Гап шундаки, — дея бир оз ҳадиксираб давом этди Сархун, — отангнинг хурмати туйфайли ҳозир сенинг қўлингга ўтган халифалик ҳаддан зиёд мустабидлик йўлини тутди, бунга ҳамма гувоҳ — Дамашқдан тортиб Кўфагача, Кўфадан тортиб Маккаю Мадинагача.

Язид ҳамсуҳбатига муносабат бобида отасига сира ўхшамасди.

— Қисқароқ қил, Сархун, дангалини гапир.

— Эй, халифа, мен вайтмоқчи бўлган масалалар ана ўша дангал ва муҳим ишлар билан чамбарчас боғлиқ. Сенинг валиаҳдликнингдаги қаттиққўл сиёсат бир нарсани исботлади: мачитларда мўминларни тавбасига таянтирган, энг яхши ҳақиқатгўй, бу — шамшир.

Язид сапчиб тушди.

— Такрорла, такрорла! Нима дединг? Энг яхши ҳақиқатгўй...

— Энг зўр ҳақиқатгўй, бу — қилич, — деб такрорлади Сархун.

— Жуда тўғри! Ажойиб сўзлар! Менинг бугунги омадли овим давом этяпти. Ахир, яхши сўзини тутиб олиш ҳам ов-да, тўғрими, Сархун?

— Қўшиланам гапингга, э, халифа, сенинг марҳум отанг боз устига саҳий одам эди. Оламда энг тўкин дастурхон унинг дастурхони эди. У қушларга дон селгандек халққа ризқ улашарди. У мачит ҳамда мажлис ёрдамида халқни бошқаришга муваффақ бўлганди. Душман билан курашга шошмас эди. Зеро, бу фазилатлари ҳаммага маълум эди. Энди сенинг ҳукминг остидагиларнинг ҳаммасиям билавермайдиган масалаларни гапласак. Макка ва Мадинада Муовия ўлиб ўрнига сен халифа бўлганингни ҳали билишмайди. Биласанки, халифа Алининг ўғли Хусайн, Абу Бакирнинг ўғли Абдурахмон, Зубайрнинг ўғли Абдуллоҳлар отанг учун ишонч билдирди қасамёд этишмаганди. Дамашқ ва Қўфанинг олийнасаб кишилари халифа Язид мамлакатимиз ҳокими бўлсин дейишмоқда. Чунки сен отанг каби эл-юртни зинҳор ҳимоясиз қолдирмайсан. Мадина ҳокимига хат ёзишингни тайинлашмоқда. Хатинг орқали мадиналиклар отангнинг вафот этгани, ўрнига сен ўтирганингни билиб қўйишини, яна шаҳар ҳокими Валид Утба ўғлига фармон беришинг керак, унда ҳоқимият учун кураш олиб бориши мумкин бўлган Хусайннинг исён кўтаришига йўл қўйма, деб алоҳида таъкидла. Эй, амирлар амири, кўп жойларда сенинг халифалигингни қабул қилишмаётганимиш.

Сархун булбулгўё бўлиб сўзлар; Язид хона бўйлаб юрарди. У Сархуннинг рўпарасида шахт тўхтаб, сўради:

— Булар билан нима демоқчисан ўзи?

— Эй, халифа, бу муаммоларни зудлик билан ҳал этиш зарур. — Шундай деб Язиднинг нима жавоб қилишини у кутиб турди.

— Фармон бериш — қийинмас. Бироқ унинг ўрнига қилич жўнатиш ҳам мумкин. Энди эса менинг сенга берадиган саволларим бор.

Язид яна тахтага ўтирди. Қўлида у тожни ушлаб олган, ерга дўкиллабти урарди.

— Биринчи саволим, — дея кўзларини олайтирди у, — ер юзида мендан кўра улўғроқ киши борми?

Сархун шошиб қолди.

— Тавба қил, энг буюк — Оллоҳ!

— Оллоҳ — аршда, — дея ўзини хафа бўлгандек кўрсатди Язид, тожни ердан кўтарди, — мен сендан ер ҳақида сўраяман: ер юзида энг буюк инсон ким?

Сархун индамади. Язид мактанди:

— Мен энг буюк ва энг кучли инсонман! Мен ҳали отамдан ҳам кучлироқ эканимни кўрсатаман, ҳам етти сайёра халқларини ҳошимда бўйин эгишга мажбур қиламан. Сен отангга учта бўйин эгмаган киши қолувди деб таъна қилясанми? Лекин у ўша учови ҳақида менга бир оғиз гап айтмаган. У фақат Хусайндан келажак офатдан эҳтиёт бўл, деган, холос... Шунинг учун ҳам айтяманки, мен отамдан кучлиман, чунки Хусайндан заррача кўрқмайман! Хусайн ким бўлибди ўзи? Отамнинг ваҳимасидан кўрқиб Мадинага қочиб жон сақлаган бир жулдурвоқи-да, кўз ўнгиди отасини ўлдириб кетишган яна, у бўлса падари учун қасос олишиням ўйламайди!

Сархун бир қадам орқага юрди.

— Эй, амирлар амири, — деди уни жеркиди Язид, — нималар даясан? Ахир у жаноб имом Алининг ўғли, Мухаммад алайҳис-саломнинг ўз невараси-я! Хусайн ҳақида қандай кўрқмасдан ёлғон гапирясан? Буларни мен сенга эслатиб қўйишим жоиз. Эй, имонлилар амири! Хусайн — асаларнинг уясидай гап: уяга бармогингни теккизиб кўр, уша заҳоти юзлаб, минглаб асаларилар бошинг узра гувиллаб айланади. Кейин қаёққа қочишингни билмай ҳам қоласан! Буни отанг яхши тушунарди: ахир, у ҳассаси билан бирор марта бу уяга туртмаган эди-ку! Эй, амир, Ҳасаннинг ўлими жуда эҳтиёткорлик билан тайёрланган эди...

— Бас қил, Сархун, — деб уни жеркиди Язид, — отам тириклардан кўрқмасди, сен ўйлайсанки, мен, унинг ўғли, ўликлардан кўрқаманми? Агар мен отамдан кучлироқ эканимни исботлай олмасам, Язид отимни бошқа қўйсинлар. Хусайнни эса ҳали ётқизиб-турғизаман! Бориб Дамашқнинг нуфузли вакилларига айт: нимаки хоҳлашса, ҳаммаси бўлади албатта.

Нима қилиш кераклигини эса ўзим биламан. Халифалик ҳоқимияти бугунгача ҳам, бундан сўнг ҳам ворислика қолаверади: мен ўлсам — ўғлим халифа бўлади. Кимки бу шартимга кўнмас экан, бошини узаман! Менга котибни юбор — Мадина ҳоқими фармонимни ёздирай.

Сархун пешонаси ерга теккудай таъзим қилиб чиқиб кетди. Язид тахтидан туриб ойна ёнига келди ва Дамашқ кўчаларига текилиб қолди.

Бирдан унинг аҳволи ёмонлашди... Бир дақиқагина бурун агар кимдир «Язид, сенинг ҳолинг оғирлашади», деганида, бундай бўлиши мумкин эмас, деб унинг устидан қаҳ-қаҳ отиб кулган бўларди. Оғриқ бошланди; бутун кўкраги ва юраги ғалати сиқилар, тикан санчгандек чидаб бўлмайдиган оғриқ ҳеч ўтиб кетақолмасди. Эҳтимол, бу оғриқ Сархуннинг олдида боя кўкрак кериб мактангани туфайли олаётган «ҳақки»дир? Ёки у қандайдир ножоз хотириани эслаб, кўнглига олдимкини?

Албатта... даставвал кўксиди турган бу оғриқ, юрак сиқиси, тикан санчилгандек бўлиши, барчаси бир вақтлар отаси айтган хотираларни ёдига солди... Ушанда у отасининг Ҳасандан кўрқишини ҳис қилганди. «Менга эса Хусайн таҳлика соляпти», дея ўйлади Язид. У ҳамон қон юки қотган ов кийимда уён-буён юраркан, Хусайнни қасамёд эттириш керак, деган қатъий қарорга келди. Мадина ҳоқимига жўнатган фармонда ҳам айнан шу нарсани уқтирди.

Мадина ҳоқими Валид Утба ўғли Хусайнни ўз қароргоҳида кутарди. У хонаси бўйлаб безовта юрар, Хусайнга қасам ичдириш нақадар мушкуллигидан ташвишланарди.

Ҳоқимнинг қақирганини эшитгач, Хусайн жуда ёмон ҳаёлларга кўмилди. У ўзининг содиқ кишиларига ҳоқим қақирганини маълум қилди ва уларга: мободро мен унинг қароргоҳида узоқ қолиб кетсам, қурол-яроғ билан бостириб кирасизлар, дея тайинлади...

Хусайн қиличининг дастасидан ўнг қўли билан маҳкам туганча эҳтиётдан ўнг-сўлига кўз югуртганча Валиднинг қароргоҳига кириб борди. У ҳоқимнинг ҳужумини кутарди, шу билан бирга Валиднинг олдида имом Алининг ўғли, Мухаммад пайғамбарнинг невараси, жуда бўлмаганда ҳоқимдан кам бўлмаган улўғ аслзода эканини кўрсатиб, ҳайқитириб қўйиш ниятида ўзини қатъий, жанговар тутди.

Валид Хусайнни ҳурмат билан кутиб олди ва ўтиришга марҳамат қилди.

— Э, хуш келибсан, Хусайн. Дамашқдан бир фармон олиб келишди менга... — Валиднинг авзои ва гап оҳангидан ўзига юклатилган топшириқдан кўнгли тўқ эмаслиги сезиларди. — Фармонни Язид берган. Қисқаси, Язид қасамёд қилишингни талаб қилмоқда...

— Ким-ким? Тўхмат қилмаясанми, Валид? — дея ҳайрон бўлди Хусайн.

Ҳоқим бошини чайқади.

— Эшитмаган кўринасан: Муовия ўлди. Унинг ўғли Язид — бизнинг халифамиз эди.

«Оллоҳ буюк!» деган фикр урилди Хусайннинг бошига. Узини тутта олмади:

— Оллоҳ тинчлик-хотиржамлик берсин унга. Лекин Язид ўзи киму унинг талабномаси нима бўларди? Муовияга салламини эгишнинг раво кўрмаганман, нима учун бу зумраша олдида бошимни эгишим керак экан? Бекорга қақирибсан мени, Валид... Нималар бўляпти ўзи дунёда-я! Адолатсизлик руғи шумғиядай кўпайиб бормоқда, ҳар бир тирик жонни бўғмоқда. Муовиянинг халифаликни зўрлик ва айёрлик билан эгаллаганини ҳеч ким билмайди деб ўйлашади, шекилли. Энди бўлса унинг ўғли ўзини халифа деб эълон қилмоқда. Шундай йўл тутиш тўғрими, Валид? Кейин, нима учун ҳаммадан бурун мени қасамёд қилдиришмоқчи? Қани, халқни тўпласин-чи, кўрамиз ҳолини. Йўқ, халифалик отадан ўйилга ўтаверадиган маҳрам бўлмаслиги керак!

Валид ўйланди. Сўнг деди:

— Гап халқда эмас, Хусайн, халқ ишонч билдираверади... Бироқ аканг Ҳасан Муовияга қасам ичмаганмиди?

— Э, оғам, — деди Хусайн, — сенинг ожизлигинг ҳақида менга сўзлаб беришмаётганини билмайсан шекилли! Мен ҳоқимиятни маккорлик билан эгаллаётган кимсага овоз бермайман.

— Ҳаддан зиёд ўжарсан-да, — дея Валид унинг гапини бўлди. — Ахир исломнинг гуллаб-яшнаши учун бош эгишимиз керак эмасми?

— Қайси маънода бош эгиш? — дея аниқ жавоб талаб қилди Хусайн. — Қасам ичибми ё қиличдан қўриқиб бош эгишни айтяпсанми? Тагин бир нарсага тушунмаёпман: халифаликнинг ўзи шу қадар ночорми ё мени ўта муҳим шахс деб тушунишадими?

— Халифаликни масхаралама! — дея жаҳл билан қичқирди Валид.

— Демак, сен ҳақсан, халифанинг ўринбосари, — дея иқроп бўлди Хусайн. — Ахир, ҳокимиятингизга керак бўлганда халифалик номидан иш кўрасиз, керак бўлмаганда қилич билан бошқарасиз-ку. Қизик, сен халифалик номидан отамнинг бошини кесишганда ва тагин халифалик ҳақи, дея акамни заҳарлаб ўлдиришганда кимни қувватлагандинг? Халифалик сиз учун нима ўзи? Ўлдириш ҳуқуқини берувчи ҳокимиятми ё унинг соф ғалабаси учун ўлимлар шараф бўлгувчи муқаддас мезонми? Мен сўзларимни қайтиб оламан, лекин ўша Язидга айтгин: халифалик номидан менинг бошимни оллоқчи бўлган қурулини йиғиштирсин. Отамнинг қони ҳали менинг қафтларимда, акамни ўлдирган заҳарнинг таъми лабларимда турибди.

— Демак, менинг тушунишимча, сен қасамёд қилмайсан, а, Хусайн?

Хусайн худди бир нарса ўқиётгандек Валиднинг юзига узоқ термулди. Сўнг жуда юмшоқлик, оқкўнгиллик билан давом этди:

— Сен мени қасам ичдириш учун чақирганмидинг? Сен қасамёд қилишинг нима эканини, шу қатори менинг насл-насабим кимлигиниям билмаслигинг кўришиб турибди. Агар одамлар ким қасамёд талаб қилса, унга бўйин эгаверишса, имом-этиқод нима бўлади? Виждоний ишми шу? Сен мени авраб овора бўлма, ўзингни ўйла... Узинг қасамёд қилган Муовия сендан сўраб ҳам ўтирмай халифаликни ўғлига ҳада қилиб кетгани иззат-нафсинга тегмадими? Бу ҳақда ўйлаб кўр, Валид, бундан сўнг виждонимиз янада тоза бўлсин учун ҳозир бу ердан чиқайлик-да, бориб улўғ бобом Муҳаммад алайҳис-салом соллоллоху лайҳи васалламнинг қабрини зиёрат қилайлик ва тавба-тазарру қилайлик.

Валид ўзини йўқотди, лекин кўп ўтмай ўнглаб олди.

— Эй, Хусайн, нечун сен мен билан бу тарзда гаплашяпсан, худди қаршингдаги одам имонсиздай. Ва мени ушбу шаҳарда амирнинг ўринбосари деб ўйлашинг — хомхёёл. Юқори ҳокимиятни ҳақорат қилма, менга сени тийиб қўйиш ҳуқуқи берилган!

Хусайн турди.

— Мен сенинг ёнингда ёлғиз эмасман.

Валид жуда кўнгилчанлик билан кулди:

— Анави ердаги бир ҳовуч одамнинг айтяпсанми? Бу ёкка киришингдан бурун менга бу ҳақда хабар қилишганини билмайсан-да.

Бу сафар Хусайн кулди:

— Кимнинг одам сони кўп бўлса — бу кучлилик аломати эмас. Мен фақат ёлғизмас, отам ва бобом билан келганимни айтмоқчиман, холос. Нега тушунмайсан мени, а? Менинг бошимни чопишга буйруқ бериб кўр! Қўлингдан келмайди! Бунинг сабаби шуки, сен билан менинг ўртамазда улар туришибди. Уларни кўриш сенга насиб этмаганидан афсусдаман. Бари бир сенга нисбатан юрагимда ҳурмат-иззат эшиклари доим очик, Валид. Ўйлайманки, сендан ҳали Оллоҳ ва унинг пайғамбари Муҳаммад алайҳис-саломдан кўриш туйғуси йўқолмаган. Шавкатингни Оллоҳ зиёда қилсин, Валчд!

Шундай деб Хусайн ташқарига чиқди. Валид кўзғалмади. Лекин шу пайт аввалги сафар Марван чиқиб кетган яширин эшик ёйқиллади.

— Қушча ўзи келиб қафасига кирган эди-я, Валид, нега қўйиб юбординг? Мен уни Язидга элтиб бермоқчи эдим.

Ушбу лаҳзада қафасдан учиб чиққан қушча ҳокимнинг қароргоҳидан ўзининг содиқ йўлдошлари қуршовида узоқлашиб улгурганди. Зубайрнинг ўғли Абдуллоҳ билан Умарнинг ўғли Абдуллоҳ юраклари чидемай тоқатсизланишарди.

— Э, олижаноб Хусайн, нималар бўляпти ўзи, ҳеч бўлмаса икки оғиз гапир.

— Гапирганим билан сизларни тинчлантиролмайман, биродарлар, аксинча, юрагингизни баътар ғаш қилиб қўяман. Энди

Мадинада биз учун бир қарич ҳам жой йўқ. Мен, умуман, ҳозир қаерга яширинишимизни тасаввур қилолмаяпман... Нима бўлсаям пешонадан кўрамиз. Муовия ўлганмиш. Халифалик унинг ўғли Язидга топширилибди. Ўз-ўзидан маълумки, у энди бизнинг бошимизни кесиш учун қиличини қайрайди. Мени унга қасамёд этишга чақирибди. Сизларга ҳам навбат келади.

— Язид ким бўлибди ўзи, ўзича нималарни орзу қияляпти у? — деди Абдуллоҳ Умар ўғли. — Халифалик хусусий молмидики, отадан ўғилга ўтаверса?

— Мени ташвишлантираётган нарса бу эмас, — дея оғир хўрсинди Хусайн. — Нима учун энди қандайин бало келса айнан биз, фақат биз чора кўраверамиз, жонимизни сабил қилаверамиз? Бошқалар ҳам... — Шундай деб у яна хўрсинди. — Нимаям қилардик... Яна қочиш керак... То куч тўплаб олгунимизча. Бу ерда қолиб бўлмайди.

Улар жинкўчанинг ўртасида тўхташди.

— Биз бу ерда қўлга тушамиз, — деди Абдуллоҳ Зубайр ўғли, — бу кўчанинг бир боши берк, иккинчи боши чўлга олиб чиқади.

— Бундай шаҳардан чўл маъкул, — деди Хусайн, — мен Маккага кетмоқчиман...

Улар хайрлашаётган чоғ қуёш уфққа бош қўяётган эди.

— О, қуёш! — дея зорланди Хусайн. — Мен чарчадим, кексайдим, кексайдим... Мени олиб кет, шундай ўлкага олиб борки, у ерда одамлар жиноятчилар учун қасамёд этмасликка қодир бўлсин... — Шуларни сўзларкан, у қуёш ботаётган томонга эмас, чиқадиган томонга қадам ташлади... Уни Муҳаммад алайҳис-салом ва имом Али қўлларидан тутиб шу ёкка бошлаб бораётганга ўхшарди...

Хусайн субҳи содиқ қоронғуси ҳали аримаган Мадина қабристонига, бобоси Муҳаммад алайҳис-салом қабри қошида турарди.

— Мана шунақа ишлар, эй, бобожон, — деди Хусайн зўрға, — набиранг сен билан хайр-хўш қилишга келди. Мен ёвузликни қонун деб тан олмаганим туфайли бошимни танамдан жудо қилишмоқчи. Мана шу, сен суйиб-силашни хуш кўрган бошни... Набирангнинг аҳволи жуда оғир, аянчли. Мени тиззанга ўтқизиб муборак қўлларинг ила силанганларингни эслайсанми? Энди мен қаридим. Сендай имони бут инсон ҳам Маккадан Мадинага, Мадинадан Маккага ҳижрат қилишга мажбур бўлгандинг... Набирангнинг бошида ҳам худди ўша савдолар... Мен жуда бахтиқаро, ёлғиз бўлиб қолдим бу дунёда. Қазо қилганингда, отам сенинг илоҳий жасадинга мурдашўй бўлганди. Акам ўлганида, мен мурдашўйлик қилдим. Вақти келиб мен ўлсам-чи? Ким ҳам менинг жасадинга қўл теккизарди? Мен қаерда ва қандай ўламан? Аллақандай Язид деган кимса пайдо бўлди — жонсиз бутлардан баттар. Халқ кўрқок қушлар галасидай хуррак бўлиб қолди. Мен сендан ва отамдан мерос қолган имон-этиқодимни мустаҳкамлаш учун бу ерга келдим... Ердан бер менга, менга йўл кўрсат. Барча синовларга дош беришим учун куч ва сабот бер. Маккага отланяпман-у, у ерда мени нималар кутаётганини билмайман: балки у ерда ҳам тинч қўйишмас. Мободо тупроққа бош қўйсам, сўнг сен билан учрашсам, барча суюқли набираларинг қатори имон байроғи кўлимда бўлади. Агар мусофирликда ҳалок бўлсам, мени сен чорлагин, чунки фақат сен биласан бу бебаҳо тананинг қаерда қолганини.

Карвон Мадинадан чиқаётганда Хусайнни Мутанинг ўғли Абдуллоҳ чақириб қолди:

— Эй, Хусайн, худога шукр, сен билан хайрлашишга улгурдим... Сен Мадинани тарк этаётиб ақли иш қияпсан, шундай қилмаганинга борми, тез орада Язиднинг қиличига қурбон бўлардинг. Менинг гапларимни эшит, илтимосимни эинҳор эсингда чиқарма: бошқа ҳеч қачон Кўфага қадам боса кўрма — у сенинг зотинг учун балонинг уяси, лаънати шаҳар!

— Раҳмат сенга, Абдуллоҳ, Оллоҳ ёр бўлсин сенга! Айтганларинг менга янгилик бўлмаса ҳам, сендан хурсандман. Фақат сен ҳозир унутган бир нарса бор... Этиқод отга ўхшайди: гоҳо икки оёғида туриб гижинглайди, гоҳо бир маромда йўргалайди, гоҳо қоқинади... Бу отни нима қилса икки оёғида туриб гижинглайди? Сабр қилса, Абдуллоҳ, сабр қилса...

Тагин бир мўъжизани унутма: ҳар қандай «бугун»нинг «эрта»-си бор. Агар шундай бўлганда биз сен билан учрашармик, ахир? Агар кўнглинг қора бўлганда ҳозир сен менга келармикдинг? Кўфаликлар эса... Одамлар абадул абад зўрлигу хўрликка мослашиб яшайверади деб ўйлайсанми? Бора-бора кўфаликларнинг тоқати тоқ бўлгач, бари бир мўминларга мурожаат қилишади-ку, уларни ёрдамга қақирмасликлари мумкинми? Ушанда ким ҳам уларнинг кўкрагидан итарарди? Хўп, хайр, бизни чўл кутмоқда, йўлда эҳтимол, буларни тагин ўйлашиб олармик. Сени ва ёр-биродарларингни Оллоҳ ўз паноҳида асрасин!

Улар ажралишди.

...Кейинги ҳафтада бўлиб ўтган воқеалар кўфаликларнинг қулугига ҳам етиб борди ва халқ ташвишлана бошлади. Кўфаликларнинг даҳоси Сулаймон Хузойи халқни тўплаб мурожаат қилди:

— Бизнинг муқаддас шахримиз қачонгача ўзини жиноятлар уяси санаб юради? Халифа Али ва унинг ўғли Ҳасан қатл этилганларидан сўнг ароҳлари бизни тавба-тазарру қилишга қақиршмоқда! Келинлар, уларнинг қонини виждонимиз билан ювайлик, ёвуз Муовия ва Язидга ишонч билдирмаган Ҳусайини қақириб, унга қасамёд этайлик.

— Сен ҳақсан, Сулаймон Хузойи, — дея қичкиришди кўфаликлар.

У давом этди:

— Ҳақиқатни, фақат ҳақиқатни сўзлайлик! Ахир биз Ҳусайин Муовияга қасамёд қилмай нақадар тўғри иш қилганини энди тушуниб турибмиз-ку. Ҳасанга қилган қасамёдимиздан қайтиб шарманда бўлган вақтдаги гуноҳимизни ювамиз. Халифа Алининг ўғли Ҳусайин Кўфага келсин ва бизга йўлбошини бўлсин. Шунда биз зўравон ҳокимлардан кутулиб, оёқости бўлган ўтмишимизни бир оз унутамиз! Ахир, Язид дегани ким ўзи? У Оллоҳга қилиб қўйган гуноҳларимиз учун танамизни куйдирмоқчи бўлаётган жаҳаннам ўти эмасми? Ҳусайин ўз адолати ва эътиқоди ила бу ўтни ўчиражак!

...Ҳусайин бошлаб бораётган қарвон Мадинадан Маккага қараб йўл олди. Худди ана шу қарвон йўли узра кўфаликларнинг Ҳусайинга битган мактублари оқиб келар, мактублар сони борган сайин ошиб борарди. Уларда асосан қуйидаги нолалар битилганди: «Ушбу қоғозда сен Оллоҳ олдидаги қўрқувимиз ва Оллоҳ қўлларининг ноумусини кўргайсан...» «Кўфада ҳадемай исён ва ўзаро қотилликлар бошланади...»

«Дамашқ — Язид ўзининг жирканч фармонларини чиқарувчи таянч шаҳар».

«Бобонг Мўҳаммад алайҳис-салом ҳурмати, отанг имом Алининг ҳурмати, қатл этилган аканг Ҳасаннинг ҳаққи-ҳурмати, Кўфага қайт!»

«Кел, оёғинг остидан кўтарилган чангллар ҳам исломга жон ва куч бағишляжак!...»

«Зўрлик-зўравонлик посбонларини зулматли ғорларга қувамиз, кимки у ердан қайтиб чиқса, жойини соламмиз...»

Ҳусайиннинг қарвони саҳрони қарийб босиб ўтди. Кўфадан Ҳусайин номига келаётган хатлар сони тобора ошмоқда эди. Ҳадемай Макка ҳам кўзга ташланади. Чарчаган ва кўнглига ҳеч нима сизмаётган Ҳусайин атрофга боқди: Мадина қанчалар олисда қолиб кетди... Қадрдон Кўфа эса... «Э, Оллоҳ, — дея ўтинди у, — мен қўнлинг учун Макка охириги кўнмигоҳ бўлишини насиб этгин!» Бироқ дарҳол бу ўтинчи жуда бачкана эканидан ўзи уялиб кетди ва ақл-ҳушини йиғиб: «Имон-эътиқод учун ҳар қандай сарсон-саргардонликка тайёрман, эй, Оллоҳ!» дея истигфор сўради.

Маккада қарвонга биринчи дуч келган Зубайр Абдуллоҳ ўғли бўлди. Унинг қиройи очилиб:

— У, Ҳусайин! — дея қичкириб юборди. — Ҳеч кутмагандим-а! Кўфадан сенга илтимослар ёмғирдай ёғяпти, сени мададага қақиршмоқда!

Ҳусайин унинг яқинига бориб кафтини тутди.

— Э, Оллоҳ, ўзингга шукр! Мен Язид келтирган қулфатларга дуч келсам керак, деб ўйлагандим, сен бўлса кўфаликларнинг виждони уйғонганини айтиб хурсанд қиялсан. Имон шамшири кескирроқ бўлаверсин! Эх, сиз, Мадинадан Маккагача бўлган чўлни босиб ўтишда елкадош бўлган биродарларим, чарчоқ ҳақида ўйлама, дегандинглар-а, энди чарчоқ қолдимиз менда! Худо сизларга доим мададкор бўлсин! Қани бер, хатларни бер менга, Зубайр!

Булар ҳаммаси яхши эди. Бироқ бу ерда турки-таровати

худди Мадинадаги Абдуллоҳ Мута ўғлига ўхшаш Абдуллоҳ Аббос деган киши учраб қолди, у Ҳусайиннинг ёнига келиб деди:

— У, Ҳусайин, эшитишимча Кўфага отланаётганмишсан! У хосиятсиз шаҳарлигини билатуриб ихлос қилсанми, олисроқ юр у шаҳардан: у ерда сен учун ханжарларнинг занги тозаланиб қайралмоқда. Уларнинг эътиқодиям илонинг тили янглиғ иккига ажралган. Кўфаликларга асло яқин йўлама, эй, марҳаматли Ҳусайин!

— Сенинг ҳамма айтганинг тўғри, Аббос оға, — дея жавоб берди унга Ҳусайин. — Узим ҳам буни кўриб, гувоҳ бўлиб турибман. Лекин озгина умид бор экан, уни йўққа чиқармаслигимиз керак. Агар ўчай деб турган нур кўрсак ҳам ўчиб қолмасдан бурун ўша томонга юришимиз лозим, бу — жойимизда депсинишдан яхши! Билишимча, Кўфада ҳозир иккита куч бор: бири — қилмишидан пушаймон бўлганлар, иккинчиси — Язидга содиқ турганлар. Ахир, биз афсус чекаётган халққа Язиднинг тарафдорлари зўғум қилаётганини билиб турсак, қандай жим тура оламиз?

Кўфаликларнинг юзлаб хатларига Ҳусайин битта жавоб ёзди:

«Эй, бовурдошларим, жамоат! Менга жўнатган дардли мактубларингизни охиригача ўқиб чикдим, дўстларим билан узоқ ўйлашув, маслаҳатлашувдан сўнг сизга жавоб хати йўллашга қарор қилдим. Бу менинг сизга биринчи ва охириги мактубим. Кимки ҳақ йўлда экан, эртами ё кеч, албатта ғолиб бўлгуси. Мўҳими, инсоннинг танлаган йўли. Мен Кўфага, сизнинг ҳузурингизга Язиднинг ёвуз ҳаракатларига қалқон бўлиб туриш учун бораман. Лекин, унутиб бўладими, сизнинг шаҳрингизда отамини ўлдирдилар, акамга берган қасамдан тониб Муовияга бош эгганлар ҳам сиз кўфаликлар-ку! Сизнинг ҳолатингизни билиб келиши учун даставвал амаким Оқийлнинг ўғли Муслимни юбораман. Менга қандай муносабатда бўлсангиз, унгаям шундай бўлинг. Унга мени деб қасамёд қилинг, қасамёдингизни у эмас, мен — Ҳусайин қабул қиялпти. Уйлайманки, энди ҳар кимнинг йўриғига кирмайсиз, мўлжаллаган одамингизгагина овоз берасиз. Ҳар кимсига бош эгавериш одатини ташланглар! Фақат муносиб инсон қошидагина таъзим қилиш мумкин. Тўғри тушуниглар, агар сиз менга қасамёд қилсангиз, мен ҳам сизга қасамёд қиламан: сизга эътиқод йўлида бошимни бераман, қайтиб олмайман. Агар сиз менинг ёлғиз бошимни сотар бўлсангиз, билиб қўйинг: Кўфа бир кун иер билан аксон бўлади ва бунинг сабаби сизнинг эътиқодий поймол қилганингиз бўлиб чиқади. Сизни Оллоҳнинг паноҳига топширдим, сизнинг паноҳингизга эса амаким Оқийлнинг ўғли Муслимни топширдим, у сизнинг қўлингизга мактубини топширган лаҳзаданок... имом Алининг ўғли Ҳусайиндир».

...Ҳусайин кўнгли аллақандай хижил бўлиб жавоб кутарди. Муслим минган нортуя Маккадан Кўфага қараб узоқлашиб, кўздан йўқолгач, Ҳусайин чўккалаганча ўтмишу келажакини ўйлаб эзиларкан, пешонасини ерга текизиб тупроққа аччиқ ёшларини тўқди, тўкаверди. Шу ҳолича узоқ қолиб кетди...

Язиднинг фиғони чиқиб ўзини уёқдан-буёққа урарди. У дам ўзини ярим белигача қумга кўмилгандай ҳис этиб, энди барчаси тамом, дея қўл силтар, дам балки яна енгиллик бўлар, бу кунлар ўтиб кетар, дея ўзича қирғийнинг парвозини қиларди. Халифаликнинг ҳозирги вазиятини тушуниб бўлмасди.

— Разил кўрқоқлар, — дея Язид саройида тўпланган аъёнларни бақриб сўкарди, — айтмабмидим сизга: Мадина ва Маккага қўшин юбориш керак, йўлда кимки учраса тинчтиш керак деб. Ҳаммани қириб бўлгач, биз ё кўкдан, ё ердан Ҳусайинни топардик, танасини нимталаб ташлардик. Ушанда менинг қошимда бошини эгмаган тирик жон қолмасди. Лекин биргина Ҳусайин нақ ҳаммаингизнинг жонингизни олди. Яна мендан ёрдам кутаяпсизми? Кўфанинг ўттиз минг аҳолиси Ҳусайиннинг элчиси Муслим Оқийлга қасамёд этганидан хабарингиз борми? Қасамёд этишди улар, Макка, Мадина, Кўфанинг ҳокимлари эса буни билишмасмиш?! Басра ҳокими Зиёдни Кўфага ҳоким этиб тайинлаш ҳақида зудлик билан фармон тайёрлансин. Бу фармон дарҳол унга етказилсин! Нима ўзи бу, менинг ҳаётимдаги қиёмат қоимми?

— Лекин... мен сенга айтгандим, — дея ўзини панага олиб

этироз билдирди Сархун, — ҳалиги асалари уяси ҳақида...
Язид Сархунга бир ўкрайганди, у довдираб, бутунлай бўлак оҳангда гапни давом эттирди:

— Сенинг кучингга ортиқ ишонимиз, эй, мўминлар амири, биз ушбу ҳижратга эътибор бермабмиз... Узи ким бўлибди сенинг улуғлигинг қошида Ҳусайну Муслим деганлари?

— Бас қил, ифлос, — дея унинг сўзини бўлиб кўйди Язид, — ўттиз минг тарафдорни гўрга қилмоқчимисан? Бу ўттиз минг сонли одам бўлади. Ҳа... Сен айтган... ўттиз минг асалари...

Унинг важоҳати ёмон эди. Сархун жим бўлди. Язид халифалик тожини титраб-қақшаб сикди, у сарой оқсуякларини шу тож билан шунақа бошлаб ургиси келдики... Лекин бир неча дақиқа ўтмай Язид тожни ташлаб юборди.

— Оллоҳ ҳамманга қулфат юборсин! Ҳамманг қўшилиб биргина Ибни Зиёдга бўлполмайсан. Фармон тайёрми унга? Бер менга... Ким элиб беради?

Сархун бошчилигидаги машарат аҳли ҳаммаси бир пайтда оғзини очиб, худди араб аргумокларидек овоз чиқаришди:

— Мен, мен, мен...

— Мен, мен...

Язид тожни ерга урди.

— Жим! Ким менинг учқур отимни бошқара олади, тезроқ, тезроқ кўзимдан йўқолсин... Тўхтанг! Ҳозир мен фармонга қўшимча қилай... Эй, Сархун, Ҳусайннинг Маккадан Кўфага босган ҳар бир қадами учун ўша ўттиз минг кўфаликнинг биттадан боши кетсин! Ибни Зиёдга ўзинг жўна, йўқ, Даҳҳоқ борақолсин...

Даҳҳоқ йўлга чиққанида Ҳусайн Макка билан Кўфа орасидаги ярим йўлни босган, Муслим Оқийл эса Ҳусайн номидан ҳаяжон ичида қасамд қабул қилиб, бу ҳақда унга мактуб битарди:

«Азиз жигарим, оғам Ҳусайн! Бу ерда ҳамма сенинг муборак ташрифингга интизор. Халқ алдаб, мажбурлаб қасам ичдириб кетган Муовия билан ҳисоб-китоб қилмоқчи. Инсонлар қалби Оллоҳ ва унинг беназир пайғамбари Мухаммад алайҳис-саломга муҳаббат туйғуси билан лиқ тўла. Акангнинг зўравонлик қурбони бўлгани ҳақидаги миш-мишлар Кўфа узра заҳарли ёмғирдай ёғилмоқда. Ҳусайн келсин, биз унинг атрофида бирлашамиз, уни Язиднинг зулмидан халос қиламиз, дейишмоқда. Агар сен Маккадан йўлга чиқмаган бўлсанг, шошилган; агар йўлда бўлсанг, карвонингни янада жадаллатгин, тезроқ келиб кўфаликларга қўшилгин. Улар газаб ва нафрат ўтида ёнмоқдалар, сенинг ташрифинггина худди жазирама чўлга тўсатдан жала ёққан каби ўчриши мумкин бу ўттиз. Менга ишонгин, кўфаликлар чиндан ҳам сени жуда интиқ кутишмоқда. Аини паллада мен навбатдаги байрамга тайёргарлик кўряпман — сенинг номингдан яна қасамдларни қабул қила бошлайман. Оллоҳ бизга мададкор. У сенга ғайрат ато қилгуси.

Амаки уканг: Муслим Оқийл».

...Ушбу хат эгасига етиб улгурмай, Язид юборган фармон Ибни Зиёднинг қўлига теги.

У Басрадан Кўфага ҳоким бўлиб ўтганлигидан хурсанд эди, бунинг устига Язиднинг ишончи тагин унинг ғурурини тоширганди. Ҳаёлан у ўзини Кўфада юргандек ҳис қилди. Ҳа, у кўфаликларда Язидга нисбатан шундай кўрқув уйғотиши керакки, улар Ибни Зиёдни халифанинг дудама шамшир тутган ўнг қўли, ўнг қўли эмас, икки қўли деб тушунсинлар. Фармон битилган терини у зўр ифтихор ила қўлида тутиб тураркан, беихтиёр уни ўлиб, тавоф олди.

Кўп ўтмай ҳоким дўрилдоқ овоз билан қўшинига буйруқ берди:

— Эй, қўшиним менинг! Ҳамма буюқларнинг буюги халифа Язид байроғи остида... Бугуннинг эгаси биз... Қодир Оллоҳ бизни амирлар амирига хизмат қилишга муносиб кўрган... Мақсадимиз — Кўфа ва у ердаги Ҳусайнни кўлга олиш. Бомдод намозидан сўнг дарҳол йўлга тушамиз. Оллоҳ биз билан...

У Кўфага ҳоким бўлишни кўпдан буён орзу қиларди — мана, орзуси ушалмоқда, ахир. Кўфа, бу — Дамашқ дегани эмасми. Дамашқ эса Язиднинг паноҳи дегани. Юраги ёрилгудай ҳаприкаркан, тинчлиги осойишталикни ҳам ўзи кафтида тутиб тургандай бўлди.

Ибни Зиёд бир нарсани жуда яхши тушунарди: Ҳусайннинг бошини узиб, найзага санчиб Дамашққа жўнатиб юборса агар, у Язид учун асосий хизматни бажарган ҳисобланади.

— Эй, шавкатли лашкарим, олға! — дея буйруқ қилди у.

Уша куни Кўфа шаҳри ислом динининг юрагига айланганди. Бу ерга Маккадан Ҳусайн, Басрадан — Ибни Зиёд яқинлашиб келарди. Муслим Кўфа маъитида шундай деди:

— Эй, имони бут қондошлар, сиз нолар қилдингиз, Оллоҳ эса сизни кўлади! Ҳусайн шаҳримизга келмоқда. Мен унга сизнинг илтимосномангиз ҳамда қасамдингизни маълум қилдим, у тиним билмай, ҳормай йўлнинг танобини тортиб келмоқда. Сиз ётиб ухлашингиз мумкин, у эса янада қушёрроқ бўлади...

— Язид ҳам тетиклашмоқда, — дея лўқма ташлади биров. Яна кимдир ғамгин оҳангда:

— Уз манфаати учун ҳамма нарсани йўқ қилади-да, жўнаб қолади... янги қасамд талаб қилади, — деди.

— Ҳусайн турган жойда Язид ким бўлибди ўзи! — дея қизиқонлик билан бақриб юборди Муслим, бу лўқмаларга дош беролмай. Лекин у аини дақиқада Ибни Зиёд Кўфа дарвозаси ёнига келиб қолганини билмасди. Шу ерда у кўфаликларга хос маҳаллий либос кийиб олди ва юзини кўринмайдиган қилиб беркитди. У шаҳар кўчаларидан ўтаётганда ҳеч ким эътибор бермасди. Аввалига чўчиброқ юрди. Лекин у илгаридан айёрлик билан ишни пиштгани, боз устига бу ишни ҳар ишга қодир амирлар амири учун бажараётгани ўзига куч берди. У Кўфа ҳокими Нўъмоннинг қароргоҳига қираётиб бесўнақай гавдаси ила бутун эшикни тўсиб олди. Нотаниш кишининг буй-бастидан Ҳусайн бўлса керак бу, деб ўйлади Кўфа ҳокими.

— У, Ҳусайн, жаноб пайғамбаримизнинг вориси, хуш келибсан, марҳамат қил! Бундай яширин кириб келишни ўйлаб топганинигни сени, э, балли...

Нўъмон ҳатто даричани очиб қичқиришга ҳам улгурди: — Эй, кўфаликлар, сиз кутган меҳмон келди шаҳримизга. Ҳусайн, ҳазрат Ҳусайн шу ерда!

Зум ўтмай Кўфа чумоли уясиндай бўлиб қолди. Ҳамма ҳозир Ҳусайн даричадан ўзини кўрсатади, сўнгра атрофини ўраб турган оломонга ваъз ўқийди дея кутиб турарди. Ичкарига фақат Муслим Оқийлни зўрга киритиб юборишди.

— Эҳ, Ҳусайн, — дея ўзини ташлади у қаққайиб турган кишига қараб, аини пайтда илонни ушлаб олгандай эти жимирлаб кетди. — У, одамлар, бу Ҳусайн эмас-ку!

Муслим орқага бир неча қадам ташлади — шу ҳаракати уни ўлимдан кутқариб қолди.

Зиёд юзидаги матони олиб ташлади-да, Нўъмоннинг эшигини беркитиб олди.

— Мени яхши эслаб қол, ўринбосар! — У шу сўзларни айтиб қиличини киндан суғурди ҳамда Нўъмоннинг ва шу ердаги бир қанча қулларнинг бошларини чолиб ташлади. Муслим Оқийл қуролланган эди, у билан яккама-якка олишиши мумкин эди, бирок бунга уриномлади ҳам — ўзини кўчада кўрди...

Шу пайт Ибни Зиёд дарича олдига келиб оломон устига кесилган бошларни ирғитди. Оломон ичида йиғи-сиғи бошланди.

— Бас қилинг, лаънатилар! — дея қичқирди Ибни Зиёд. — Қочманг, тўхтанг ва қулоқ тутинг менга, акс ҳолда бошингизни мана буларга ўхшатиб қоптоқдай юмалатаман. Сизга ҳўрматли халифамизнинг фармонини ўқиб эшиттираман: «Муслмонлар амири Язид сени, Ибни Зиёд, Кўфага ҳоким этиб тайинлайди. Лавозимингга ўтиргин ва даставвал ўринбосар Нўъмонни ўлдир. Кейин Ҳусайнни. Сўнгра Кўфа кўчаларида сочилиб юрган Ҳусайннинг ишқибозларини кўрсанг, даф қил, ўлдир».

Ҳар бир жумла ўқилганда оломон инграб юборарди. Ибни Зиёд эса товушини яна баландлатарди:

— Фармоннинг сўнги қисмини ўқийман: «Ҳусайннинг Маккадан Кўфага қараб босган ҳар қадами битта бош билан ўлчанган». Бир қадам — бир бош!.. Тамом-вассалом. Энди менинг буйруғимга қулоқ солинг: кимки Ҳусайнга ёхуд Муслимга билдирган қасамдини қайтиб олмаса, ўзининг бошини ўзи кесиб яна ўзи менга келтириб берсин!

...Кўп ўтмай Муслим хавф-хатардан холи жой топди ўзига. Лекин Кўфадан чиқиб кетишнинг иложи йўқ эди. Ибни Зиёднинг лашкарлари шаҳардан чиқадиган ҳамма дарвозаларни беркитиб ташлаган эди. Кейинги юз бермиш ҳодисалар барчаси Муслимнинг зиёнига бўлди... Бир кунгина бурун

Хусайнга қасамёд қилган ўттиз минг кўфалик қайга йўқолди? Муслим кўчада улоқиб санқир, яқин дўстларининг эшиклари ҳам девордай маҳкам ёпик, очишмас эди.

Бир неча кун ўтгач, Муслим Оқийл тутиб олинди ва танаси бошидан жудо қилинди. Шундай қилиб у Хусайнни ҳеч қандай оғохлантиролмади. Унинг бошсиз танасини Кўфа кўчаларида узун кун судраб юришди. Бошини эса Ибни Зиёд бу ерга келиб ўз вазифасини бошлаганини исботловчи далил сифатида Язидга жўнатди.

Шаҳар чеккасидаги хароба кулбаларга кўзи тушгач, Хусайн қадрдон Кўфасига яқинлашаётганини ҳис қилиб ҳаяжонланиб кетди.

— Ниҳоят, бу гўзал шаҳарга етиш насиб қилди-я! Қани, дадил бўлинглари! Уйқунгиз келяпти, биламан, биратўла Кўфада дам оламиз, — деди жуда мулоим оҳангда, ёш-ёш невараларига қараб. — Энди билдингизми: адолат йўлидан кетиш қанчалар оғир, лекин фахрлангилар, бу кўчаларда гўдақлик пайтингиз роса чангитиб келгансиз... Кўфада бобонгиз имом Али мангу яшашини ҳам биласизми?

Айни дақиқада олисдан бир отлиқнинг қораси кўринди, у гўё қарвонни кутиб олишга чиқаётгандай шу ёққа учиб келарди. Хусайн ажабланди: бу амакиваччаси Муслим Оқийл эмасми? Агар чинданам бу Муслим бўлса, хушхабар олиб келётгандир?

Отлиқ жуда яқин келгач, Хусайн бутунлай бегона, қуролланган кишини кўрди.

— Ассалому алайкум, эй, марҳаматли чавандоз, сен бизга яхши хабар олиб келётгандирсан-а? — дея хуш кайфият билан кутиб олди уни Хусайн.

— Ваалайкум ассалом, халифа Алининг ўғли Хусайн, — дея жавоб қилди отлиқ. — Мен кўфалик Риёхнинг ўғли Хуюр бўламан. Биламан, сен шаҳримизга кўпчилик аҳолининг илтимоси билан келясан. Энди ҳаммаси ўзгариб кетди, Кўфа халифалиқнинг фирром зулми остида қолди... Сен алдангансан, Хусайн! — Шундай деб Хуюр отидан ирғиб тушди, чунки у келтирган нохуш маълумотни от устида туриб айтиб кетишга виждони чидамади. — Эх, Хусайн, Кўфада нималар юз бераётганини сен тасаввур қилолмайсан... Сени бу ёққа чақирганларнинг деярли ҳаммаси зиндонга ташланди... Муслим ўлдирилди, унинг бошини Ибни Зиёд совға сифатида Язидга жўнатди.

Хусайн Хуюрнинг кўзларига тик қаради ва ҳозир эшитганларига ҳеч ишонгиси келмади. У шундоқ оғиз жуфтлади, худди юрагидаги дардлар талбларига зоҳир эди:

— Ҳаммаси қайта такрорланяпти... У, Кўфа, кўфаликлар! Муслимнинг ўттиз минг тарафдори... У, Муслим, укажоним... Энди нима бўлди?

— Энди, — дея хўрсинди Хуюр, — Кўфанинг янги раҳбари Ибни Зиёд сени кўришни хоҳляпти. Сенга шуни өтказиб қўйишим керак эди.

— Агар мен бормасам-чи?

— Унда қон тўкилади, — деди Хуюр.

— Ҳа-а... Демак, яна қармоқ ташланибди, — деди Хусайн зўрга. У жуда руҳсиз эди. — Худди отам ва акамни илинтиришганидек. Эй, Хуюр, сени ким юборган бўлса, бориб айт унга: ўлимга розиман, лекин йўлдан қайтмайман. Бари бир тушунмаяпман: Ибни Зиёдга нега керак эканман?

— Язидга қасамёд қилишинг учун, — дея тушунтирди Хуюр, — буйруқ шундай бўлган.

— Язидга?! — деди Хусайн тутақиб. — Уша янги золимгами? Сен ўшанинг буйруғини менга етказувчимисан? Қотилнинг минглаб бегуноҳлар қони тўкилишига сабаб бўладиган буйруғини бажариш виждоний бурчим деб ўйлайсанми?

Хуюр жуда ўнғайсиз аҳволда қолди. У яна отига минди.

— Э, Хусайн, — деди паст товушда. — Буйруқ бажарувчиларнинг ҳаммасини тенг кўрмагин — узини қул санайдиганлар бор, чин виждонлилар ҳам бор. Зеро, мен сени бу ерга тақлиф қилган кўфаликлардан эмасман, кўриб турибсан, сен билан одамга ўхшаб гаплашяпман. Ҳозир индамайман сенга, бошқаси бўлганида бундай имкониятга эга бўлолмасдинг... Сен ҳам, мен ҳам бобонг, улуғ пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳис-салом ҳазратнинг такбирини эшитганмиз, буни унутолмаймиз!

Хуюр отини қамчиллаган кўйи жўнади. Хусайн бошини чангаллаганча ўзига ўзи гапиринарди.

...Кейинги кун эрталаб Хуюр яна ўша ерда ҳозир бўлди. Кўп ўтмай унга изма-из Кўфадан тагин бир отлиқ етиб келиб Хуюрга қандайдир маълумот айтди. Хуюр хафа бўлиб бошини чайқади ва отини Хусайннинг қарвони турган жойга бурди.

— У, Хусайн, сен нима қарорга келганини билмадим-у, лекин ҳозиргина Ибни Зиёддан янги буйруқ олдим. Е мен ўзингни бизга топширасан ва сени Кўфага олиб кетишади, ё сизларни сувсиз саҳрога ҳайдаб юборишади. У жойга қарвон йўлининг бу томонидан кетилади, Қарбало дейишади, эшитганмисан?

Хусайн индамади.

— Жанг қилақолайлик, — деди ним товушда Зубайр.

— Қон тўкиш — энг сўнги иш, — дея эътироз билдирди Хусайн. — Бизга ҳужум қилишмагунча қиличимизни қиндан чиқармаймиз.

Хусайн ҳамроҳлари атрофини бир айланиб чиқди. У билан бирга келганлар болалари билан жами саксон киши экан.

— Нима қилмоқчисан энди? — деди Хуюр, отининг жиловини тортиб.

Хусайн Хуюрга эмас, ўзининг қадрдон ҳамроҳларига жавобан деди:

— Бу ерга ҳаммамиз Маккадан келдик. Язид учун мен қасамёд қилмайман. Лекин мен туфайли бировнинг ўлиб кетишини юрагим кўтаролмайди. Сиз келган йўлингиздан орта қайтингиз, мен қоламан. Сахро орқали ўтувчи қарвон йўлидан кетингиз, мен — Язиднинг ҳузурига бораман. Агар у менинг бошимни узганлиги ҳақида хабар эшитсангиз, билингизки, мен унга қасамёд қилмаганман. Жўнангиз, мен ўгирилиб тураман, кўз ёшимни кўрмангиз.

Хусайн уларга қорасини ўгириб ўзоқ турди, афтидан у қўлига кум доналарини олиб санарди. Ўзига ўзоқ туюлганди бу ҳолат, аслида эса қушнинг қанот қоқишичаям фурсат ўтмаганди орадан, айни замонда ҳамроҳлари бирин-кетин:

— Биз сен билан биргамиз, Хусайн! Улгунча биргамиз! — дея қичқиришарди.

Хусайн Хуюр Риёх ўлига қаради.

— Язидга қасамёд қилинмайди!

...Қарвон сувсиз Қарбало даштида кезмоқда эди. Хусайн ғамгин қулди. У ҳеч вақт қатл этилган отасининг қони, акасини шаҳид этган заҳар ҳидини ҳозиргидек ўртаниш ила ҳис қилмаганди. Беихтиёр қўлларини кўкка чўзди:

— У, яратган эгам! Иймон отига тагин ҳам қамчи бера олишим учун менга куч ва бардош ато эт!

Хусайннинг қалби фақат бир хайрли мўъжиза юз беришини кутарди. На у, на унинг ҳамроҳлари ҳали бу ерда бошларига не ташвишлар тушишини билишмасди.

Язид Дамашқда Ибни Зиёдни ўйларди. Кўфадаги Ибни Зиёд эса Хуюр нима қилдйкин, деб ҳаяжонланарди. Язид Зиёддан сира гумон қилмасди, унга ишонар, эртами-кеч у албатта Хусайннинг бошини совға сифатида келтириб беришига амин эди; бироқ Зиёд Хуюр билан муносабатда бу қадар хотиржам сезмасди ўзини. Хуюр ўз тўдаси билан қутилмаганда Хусайн томонга ўтиб кетса нима бўлади? Ундай ҳолда Язид Хусайннинг боши ўрнига унинг бошини сапчадек узмайди? Кўфаликлар эса Хусайнга ҳалиям ишонишади, севишади; ахир, Хусайннинг Қарбало даштида ўлдирилиши ҳақидаги хабар тарқалганда кўфаликлар дарчаларини очиб кўчага термулишмадими? Ибни Зиёд шу туфайли гумонсирарди.

Ибни Зиёд мажлис чақириб, тўпланганларга бир-бир қараб чиқди. Диққат билан тикилишининг сабаби — мабодо Хусайннинг бошини зғолмасам, шулардан қай бири бўйимга қилич солиши мумкин, деб ўйларди. Кимгаки тикилса, у гўё Зиёднинг ўйларини биладигандек бошини куйи соларди; аслида Ибни Зиёднинг нигоҳига тикилиб қарашга журъат қилишолмасди улар.

Унинг нигоҳи Умар Саид ўғли деган жангчида тўхтади.

— Эй, Умар, бир қадам олдинга чиқ-чи!

Умар олдинга бир қадам ташлади.

— Киши нимани экса, — деди Зиёд, — ўшани ўради. Сен бировга қанча йил хизмат қилишни орзу қилган бўлсанг, унга етишгансан. Рўёга ҳоким бўлишинг керак! Хоҳласанг,

ҳозир буни эълон қиламан, амирлар амири ҳам бу ҳукми тасдиқлайди, ҳатто мукофот беради.

Умар Саид ўғли кўрқув ва ҳаяжондан ўзини йўқотиб кўйди. Албатта, у бу илтифотдан сўнг тили қисик бўлиб қолишини сезарди...

Тўпланганлар қизиқсиниб дам Умарга, дам Зиёдга қарашарди, хўш, Умар нима деркин?

— Эвазига нима сўрайсан, Ибни Зиёд?

— Арзимаган нарса, — деди Зиёд, — ё қасамёд, ё кесилган бош — тахминан шунчака.

— Ҳусайнни айтгансанми, — деди Умар, — шу ишни менга юклама, худо ёрлақагур. Менга бутун бошли кўшинни қарши кўй, ҳар аскар билан якка-якка олишай. Улсам ҳам майли, афсус чекмайман. Тирик қолсам, унда мени Рўёга ҳоким этиб тайинлайқол. Тайинламасанг ҳам сенинг содиқ хизматкоринг бўлиб қолавераман.

— Сени бунда мансабга ўтказиш осон кўчади деб ўйлайсанми? — деб сўради Зиёд. — Ҳоким бўлиш буюк амиримизнинг ўринбосари, халифамиз Язиднинг ажралмас аъзоси бўлиш дегани. Ҳайронман, нега бу мансабни хоҳламаясан...

Шўринг курғур, камбағалгина Умар Саид ўғли бунга нима деб жавоб беришни билмасди. У курайшлар қабиласидан бўлмиш Саид Ваққоснинг ўғли эди. Халифа Умар даврида отаси ўта жасур аскар, мохир лашкарбоши бўлган. Замонлар қандай тез ўзгариб кетди-я... Отаси бир вақтлар улуғ пайғамбарнинг хизматини қилган бўлса, у энди пайғамбарнинг неварасига қарши қилич яланғочлаб, бошини чопсинми?

— Мен ўйлаб кўрай, — деди Умар руҳсиз товушда, — эртагача муддат бер менга.

— Сенга ҳокимият ҳам, Ҳусайннинг боши ҳам нақд-ку, — дея эътироз билдирди Ибни Зиёд. — Ҳатто унинг боши керак ҳам эмас... Уни бу ёққа, кўз олдинга ҳайдаб кел. Язиднинг қошида бир таъзим қилсин — етади шу.

Умар Саид ўғли ранжиди, мажлисни ташлаб чиқмоқчи бўлди. Ибни Зиёд унинг ортидан кичқирди:

— Мотам тутиб кетма бунақа! Ҳозир мен сенинг мансабинг ҳақида фармон чиқариб бераман, чўнтагинга солсанг — фикринг ўзгарар...

Умар тун бўйи ухлаёлмай тўлғаниб чиқди. Чап томонига тўлганса, у ўзининг қумуш жиғали, ҳоким либосли сувартига кўрарди; ўнг томонга тўлганса — кўли қандайдир юмалоқ, иссиқ ва хўл нарсага тегарди. Либос-ку, тушунарли эди у учун, лекин иссиқ думалоқ нарса нима экан? Умар буниям дарров тушунди: думалоқ иссиқ — демак, Ҳусайннинг узилган боши... Бироқ узилган бошининг сира қони тўхтамасди. Агар у хобхонани шам ёқиб ёритганда, бошни кўлига олганда, термулиб турган тирик кўзлар билан ҳам тўқнаш келган бўларди.

Шундай қилиб Умар бу кеча на ухлай олди, на бир қарорга келди. Кейинги кўни у Ибни Зиёднинг қабулига бораркан, ичиде гўё икки одам курашарди: бири — Рўё ҳокими, ҳаяжондан учгиси келади; иккинчиси — кесилган бош томон қадам ташлайди; Умар даҳшатдан тош қотди.

У мана шу қарама-қарши ўйлар куршовида ҳоким қароргоҳининг зинасидан кўтарилди ҳамда Ибни Зиёднинг ҳузурига қандай кириб борганини ҳам сезмади.

— Бу иш кўлимдан келмайди шекилли, авф эт мени, Ибни Зиёд, — деди у.

Лекин Ибни Зиёднинг ўқдай нигоҳи Умарнинг юзида яширин яна нимадир борлигини сезди...

— Ҳаммасини ўзинг яхши билиб турибсан, Умар. Ҳоким бўлгин деб бежиз айтганим йўқ эди: сен довурак, ватанпарвар, ақли эдинг... Фармонни қайтариб бер. Бу мансаб учун ўзини томдан ташлайдиганлар оз эмас...

Умар фармонни қалтироқ кўлларига тутди. Зиёдга берди, шу лаҳзадаёқ Ҳусайннинг кесилган боши кўз ўнгидан йўқолди. Агар аксинча бўлганида-чи?..

— Хулосан калом, — деди у Зиёдга, қутилмаганда ўта хотиржамлик билан, — Ҳусайн масаласи менинг эмас, бошқаларнинг қўлидан келади. Оллоҳ нимани хоҳласа, шу бўлади. Мен Рўёни бошқариш ниятимдан бош тортолмайман, Ибни Зиёд...

— Бу қароринг жуда тўғри, Умар, — деди хурсандлик билан Зиёд, — фармонни бер, имзоимни чекай, ахир, бусиз у нимагаям арзирди?

Ҳусайн хат ва қақирув илтимосномалари жўнатган кўфаликлардан интиқлик билан қўшимча мадад кутарди. Умарнинг Қарбалога йўл олганини хаёлигаям келтиролмасди. У бир ҳовучгина ишонган дўстлари ва қариндошларининг ажрашиб кетишини ўзи ямастас, шунингдек, Язид буларни бир бошдан қиличдан ўтказишига ишонгиси келмасди. Гарчанд... Ҳусайн Язидни шафқатсиз деб ўйларди, ахир, Язид Муовиянинг ўғли-ку... Халқ-чи? Бир одам ёлғиз ўзи бутун омманни тигдан ўтказга олармикин? Қатли ом бошласа бўлди: буниям, униям, унисиниям, наригисиниям... ўлдириш керак ва қарабсизки, кўфаликлар сут кўзидай эгилади-қолади. Элни таслим қилиш учун ҳаммани қиличдан ўтказиш шарт эмас.

Ҳусайн маҳрамларию қариндошлари, биродарлари билан сувсиз сахро ўртасида, жазирама қуёш остида соат сайин, муттасил кўмак кутаётган айни дамда шу ўйлар миясини қуртдек кемирарди. Бир кўни унинг кўзига олисда чангдан кўтарилган булут шарпаси кўринди ва тобора яқинлашиб кела бошлади. У кўфаликлар келишяпти шекилли, деб юраги ҳаприкиб, умид билан кутиб турди, бироқ кўп ўтмай чанг булуту ичидан миғлаб лашкарларни эргаштирган отликлар чопиб чиқишди, кўшин ўртасида эса Хуюрнинг тўдаси ҳам бор эди.

Умар Ҳусайнга яқинлашгач, жангчиларига «тўхта!» ишорасини қилди. Аёллар ва болалар чодирларга чолиб киришди. Ҳусайн отликнинг башарасига жаҳл билан тикилди.

— Сен Саиднинг ўғли Умар эмасми? — дея сўради у сувсизликдан қуруқлаб кетган лабларини зўрға ҳаракатга келтириб.

— Ҳа, бу мен, — дея жавоб берди у, — сен-чи, имом Алининг ўғли Ҳусайнми? Бу ерда нима кидирясан?

— Буни мендан сўрайсан-а, Умар, балки, шу саволни сенга беришим керакдир? Аскарларинг ичиде менинг тезроқ Кўфага етиб келишимни илтимос қилганлар ҳам бордир? Язид кутуриб кетди, деб менга мактуб ёзган ўзинг эмасми; бобонг жаноб Муҳаммад алайҳис-салом ҳаққи, отанг имом Али ҳаққи дея мени бу ерга чорлаган сен эмасмидинг? Эслайсанми менга ёзган сўзларингни: «Биродарларимизни бу азоблардан халос қил. Язиднинг қаҳридан қутқар!» Мен шунинг учун келдим бу ерга. Сен-чи? Узинг нега бу ерда юрибсан, Умар Саид ўғли?

Умар ўзини йўқотди.

— Қасамёд қилақолганингдами, Ҳусайн, ҳамма иш кўнгилдагидай бўларди-я.

— Сенга ачинаман, — деди Ҳусайн. — Сенинча, қасамёд — бош эғиш, сўнг ҳамма нарса ўрнига тушиб кетарканда. Шунчаки? Тўғри айтдимми? Одамлар кимни хоҳласа ўшанга бўйин эгаверса, бўйин эғишни хоҳламаганлар нима бўлади? Калондимоғлик қияляпти бу деб ўйлама. Мен ҳам қасамёд қилишим мумкин, лекин Язид қошида эмас, чунки у кейин баттар кутуриб кетади. Қаршилик кўрсатишимдан ўзим учун ҳеч манфаат йўқ... Мана ўзинг, Умар, сен адолат билан юзма-юз келгансан-ку, тагин нима бўлди?

— Етар шунча ҳақорат қилганинг, Ҳусайн. Менда Ибни Зиёднинг буйруғи бор, бу сўнги ва ҳал қилувчи буйруқ, шуни бил! Ё қасамёд этиш учун Ибни Зиёднинг қошига ўзинг борасанми?..

— Ҳали сени ҳақорат қилдимми, — дея оғриниб кулди Ҳусайн, — ҳозир шу ерда, менинг қаршимда зимманга нақадар ифлос мажбурият олганингни билдириб, ўзинг ҳам буни сезиб турибсан-ку. Бари бир золимнинг кўнглини олишни хоҳлаясан. Ахир сен адолатпарвар инсонлар тоифасидан эмасмидинг, отанг Саид Ваққос менинг бобом билан бирга имон-этиқод учун жанг қилмаганми? Қайси шайтон йўлдан оздириб, сен бир ҳовуч бегуноҳ мўминларни ҳалок этишга қарор қилдинг? Бу ишга Язид ундагани учун эмас, этиқодингни ўзинг синдириганинг туфайли қарор қилгансан. Агар сен ва шу ердаги ҳар қайсингиз имонингиздан қайтмаганингизда эди, Демашққа тож кийиб ўтирган ифлос ҳозир қаерларда санқиб юрган бўларди.

— Имон қонингни қайнатиб юборибди-да, — дея жаҳли чиқди Умарнинг, — мен сен билан умримнинг охиригача пачакилашиб ўтироқчи эмасман. Менинг саволимга жавоб бер, бориб Ибни Зиёдга ҳисобот берай. Сўнги сўзингни айт.

— Нима ишинг бор? — деди Ҳусайн. — Керак бўлса, Зиёдга йўрғалаб бориб ўзининг биз томонга ўтаётганингни айт.

Бу ердан қўшинингни олиб жўна! Зиёда тагин бу ерда аёллар ва болалар иссиқдан азоб тортишадиганини айт. Уқ ва найзаларимизни ташлаймиз, сўнгра ҳаммамиз Кўфага борамиз, у ердан Дамашққа жўнаймиз. Такбир ва кўшиқ куйлаб борамиз. Шунда Язиднинг ҳам, золимликнинг ҳам бу дунёда уруғи қолмайди...

— Худди кўфаликлар қандай халқ эканини билмагандай гапирасан-а, — деди Умар. У кўнглини бир оз бўшатгиси келди. — Ахир, отангни ўлдирганлар улар эмасми? Акангдан юз ўғирганлар ҳам улар эмасми? Уша вақтда тақводорлар ҳозиргидан кучсизроқмиди? Мен ким бўлибман, бир ожиз инсонман-да. Мен ҳар доим ожиз бўлиб келганман, ўнг оёғим билан яхшиликка қараб бораман, чап оёғим эса ёвузликдан кўркиб тўхтатади. Тўғри тушун мени: агар Ибни Зиёднинг фармонини бажармасам, менинг бошим сеникидан бурун тупроқ ялғайди.

— Нима учун сен мени кўфаликларни қутқар деб қақирдинг унда?

От кишнади. Болалар шивирлаб сув сўрашди. Умар қичқирди:

— У маҳалда биз адолатнинг кучига ишонардик! Кўфа кўчаларида узилган бошларни кўрган ҳар қайси ночор банда фақат ўзи ҳақда ўйлайди...

— Модомики шундай бўлган экан, шундай бўлиб қолади, — дея портлади Хусайн. — Улим ва кўноқлардан кўркиб одамлар ўзларини бурчакларга уришади. Лекин бу кўркүв ўлим ва азобни тагин кўпайтиради! Йўк, Умар, агар мен дунёда бир ўзим яққаланиб қолсам ҳам бошимни эгмайман... Шундай бўлиб қоламани, ҳатто сен ҳам ўз болаларингга мен ҳақимда сўзлаб берасан.

— У, художўй Хусайн! Сен айтаётган нарсани шундоқ ҳам Язид ва бошқалар билишади. Айнан шунинг учун улар ё сени ўзларига бош эгдиршимоқчи, ё бошингни узшимоқчи! — У, Оллоҳ! — дея инграб юборди Хусайн. — Ҳаммасини кўриб, билиб турибсан, лекин энг уят ишни таклиф қиласан... Шарманда бу бош!

Умар отига сакраб миниб Кўфага чоптириб кетди. Хусайн чўккалаб ўтирганча ибодат қила бошлади. Агар у ўз яқинларини ташлаб кетолганида эди, аллақачон саҳрога жўнаган бўларди. Йўк, қутулиш учун эмас, чин мўминларни топиш учун.

• • •

Ефрат дарёси бу ердан унча олис эмас, сийрак хурмо дарахтлари орасидан оқарди. Кувейт нурлари остида у қумликда ёниб ётган оловга ўхшарди. Аёллар ва болалар дарёга қараб, худди унинг суви томоқларига оқаётгандек қуруқшоқ оғизларини очишар, бўғизларини зўриқиб ютинардилар.

Сўвга элтадиган йўлда қўним толган Язиднинг жангчиларига тўсатдан чанқоқ-чўллаганлар овози эшитилди. Улар асирларни ваҳимага тушириш учун қаттиқроқ шовкин кўтаришар, Ефратга отларини шалоплатиб чўмилтиришар эди. Кувейт майда бўлақларга парчаланиб кетганга ўхшарди. Асирларнинг бошлари иссиқдан лўқиллаб оғирди. Йиғлаётган болалар аҳволига қараш, айниқса, жуда оғир эди.

...Язид қўшинлари ҳаракатга тушиб қолди. Хусайннинг ҳамроҳлари суви ҳам унутиб, улар томонга қарашди. Хусайн бир ўзи от чоптириб кетди уларга.

— Сизлар нима истайсиз? — деди у жуда яқин боргач. Умар сафнинг олдига чиқди.

— Эй, Хусайн! Сен на Язидга қасамёд қилишга шошасан, на Ибни Зиёдага ҳурмат кўрсатмоқчисан. Билиб қўй: бизнинг сабр қосамиз тўлди. Жангга тайёрлан!

Хусайн аччиқ қулди:

— У, зафар қучган жангчилар, менинг танамни нимталангиз, сўнгра қопга солиб ўзингизни Язиднингизга элтингиз. Лекин бу бегуноҳ одамларга тегманг, бундан ташқари улар улуг пайғамбарнинг авлодлари. Мана бу Карбало аталмиш даҳшатли маконда сиз сон жиҳатдан қум доналаридан ҳам кўпроқсиз, шунга қарамай ҳар бирингизнинг юрагингизда ўша золимнинг қора нуқси бор дея олмайман... Бу ҳақда ўйлаб кўр, Умар!

Киличлар қиндан чиқди. Камарлар тортилди. Умар бақирди: — Оллоҳ ҳаммага раҳм қилавермайди, лекин, Хусайн, сен қасамёд қилишинг керак! Бир оғиз айт: мен, Мухаммад пайғамбарнинг невараси, имом Алининг ўғли — Абу Сўфён

нинг невараси, Муовия ўғли Язидга қасамёд қиламан, де. Тамом-вассалом!

— Бу билан гўё ўзингни кўп нарса талаб қилмаётгандай кўрсатмоқчимисан? — деди Хусайн. — Сенингча, мен баҳона қиламан, шундайми? Аксинча, анови Язиднинг мендан қасамёд талаб қилаётиб ҳам баҳона кўрсатаяпти, нима учун? Кучли бўлгани учунми? Кучли бўлса — мени тинч қўйсин. Йўк, у мендай тақводорнинг эътиқодини, букиб ўз томонига оғдирмоқчи эди, негаки сенга, ўзига ўхшаган адолатсиз, имонсиз бошлиқлар унинг асосий кучи ҳисобланади. Менинг қисматим аянчли ҳам шарафли. Мен бахтиёрман, чунки кучли инсон ҳамма нарсага қодир, деб ўйлаётганларинг учун мени эътиқодимдан қайтармоқчи бўлдинглар. Қасам ичмайман, чунки ўзимдан кейинги авлодларни ўйлайман. Мен уларга инсон бутунлай ҳимоясиз қолганида ҳам қандай қилиб ўзи мустақкам ва кучли бўлиб қолишини ўрнат сифатида кўрсатмоқчиман! Бу иш учун мен аввалдан қонимни аямас эдим. Лекин бегуноҳлар қонини тўкиш нима учун керак сизга?

Умар эгарда ўзини ўнглади.

— Яна ўша нарсани айтиб оёғингни тираяпсан, Хусайн. Бу Язиднинг ҳам, Ибни Зиёднинг ҳам, менинг ва жангчиларимнинг ҳам сабр қосасини тўлдирди. Энди нима қилай?

— Айтдим-ку! Менинг танамни нимтала, лекин бу гуноҳсизларга тегма.

— Отдан туш, Хусайн! Қўлингни бер, Оллоҳноми ила Язидга қасамёд қил!

— Узинг туш отдан, — деди Хусайн, — қўлларингни чўз, Оллоҳ қошида гуноҳкорлигингга иқрор бўл. Сен учун ким улуг, Умар: Оллоҳми, Язидми? Оллоҳ мени кечирсин-у, бу ишинг — ғайридинлик... Сенга охириги сўзим, Умар: мендан қасамёд талаб қилма... Мени ўлдин, ҳамма бойлгимни, охириги дирҳамимгача тала, лекин мана бу сув сўраб ялинаётган болаларга тиг теккизма.

— Йўк, Хусайн, Язид бунга буйруқ бермаган. Бу баҳсни жанг билан тугатамиз, — деди Умар ва лашкарига буюрди: — Олга! Энг қулай маслақдош — қилич!

— Сен Муовиянинг ўғитини унутганмисан, — деди Хусайн унга жавобан, — Оллоҳ сенга хору зорлик юборсин, Умар. Камонлар таранг тортилиб нишонга олинди, лекин аскарлар бир қарорга келмаган эдилар: кимни ва нимани мўлжалга олиш керак? Улуғ пайғамбарнинг сўнги насллариними? Хусайнними? Ичида аёллар ўтирган чодирлариними?

Жанг муқаррар экан, деган фикрга келди Хусайн. Ҳеч бўлма-са унинг мударрини орқага суриш керак!

— Эй, ваҳшийлар даҳоси, — деди у Умарга, — кўрдим, сенда Оллоҳдан на кўрқиб бор, на уят бор. Лекин сен қандай жанг қилиш кераклигини унутганмисан? Эҳ, Умар! Демак, одам имонини йўқотса, ҳамма нарсасини йўқотаркан-да. Ҳозиргина сен мен билан ёмон одам бўлиб гаплашдинг. Ҳеч қурса яхши жангчи бўлгин! Жанг қонунларини ҳам унутдингми? Уруш даст-аваал эълон қилиниши керак!

Умар бир қанча отлиқлар билан гаплашиб олгач, Хусайннинг олдига келди.

— Язид номидан сенга уруш эълон қиламан! Урушасизми ё асир тушасизми?

— Жанг қиламиз! — дея ҳайқирди Хусайн. — Ўлишга розимиз, лекин Язидга таслим бўлмаймиз! Эълонингни қабул қилдим, урушин эртадан бошлашга розиман.

Ибни Зиёднинг одамлари шовқин-сурон кўтаришди:

— Етар шунча орта сурганин! Язид сабр қилмайди. Эрта бошлаб, эрта тугатайлик. Унинг ғазабига гирифтор бўлма яна.

— Агар менинг узилган бошимни кўриб Язид ғазабидан тушадиган бўлса, мана, чопинглар! Ким ботир, чиқсин буюкка, қиличлашамиз!

Умар жангчиларига кўз югуртди. Ҳеч кимдан миқ этган садо чиқмади. Ҳеч ким Хусайнга қарши биринчи бўлиб қилич яланғочлашга ёки камондан ўқ отишга журъат қилолмади. Кимдир журъати етиб бир қадамгина олдинга юрганида Хусайн ва унинг қон-қардошлари зум ўтмай ўқ ёлғири остида қолишарди. Рақибларининг иккиланиб туришганини кўриб, Хусайн отини ўзининг чодирлари томонга бурди. Бу томондагилардан ҳам, у томондагилардан ҳам ҳеч ким унинг чорловини эшитмасдан қолмади:

— Эртага эрталаб адолатсизлик ва адолат тарафдорлари ўртасида жанг бўлади!

Бу қандай жанг бўлиши Хусайнга ҳам, Язиднинг тарафдор-

ларига ҳам беш қўлдай тушунарли эди. Олтиш-етмиш нафар ҳориган, сувсизликдан азоб чекаётган, қувгиндан юраклари зада бўлган одамларга қарши... бутун бошли тайёргарлик кўрган қўшин. Ҳусайннинг жангчилари бармоқ билан санарли эди: имом Алининг ўғиллари — Аббос, Қосим, Жафар, Фозил, Абдуллоҳ, Авн, Осман, Абу Бакир; Ҳасаннинг ўғиллари: Абдуллоҳ, Қосим; Жафар Тайёрнинг неваралари: Муҳаммад, Авф, Авн; Кўфада қатл этилган Муслим Оқийлнинг ўғли — Абдуллоҳ; Ҳусайннинг тўнғич ўғли — Али Акбар ва ниҳоят, унинг ўзи.

Чодирларда ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Юқлар, болалар жойидан бошқа жойга кўчирилди. Бошқаларнинг лабларидан «сув», «жанг» сўзлари беихтиёр учиб чиқар эди. Ҳусайн чодирдан чодирга ўтиб юраркан, кўрган ва эшитганлари юрагини тилка-пора қиларди. У тобора камайиб бораётган кучини тўплаш учун сандиқдан бобоси Муҳаммад алайҳис-саломнинг либосларини олди. Уларни ҳидлади, ҳурмат билан ўпди ва кийди. Камарига қиличини осди, қўлига асо тутди.

Энди қайга бориш керак? Сахро ичига кетиш керакми? У тенгираб юрар ва бобоси, отасининг арвоҳларидан мадад сўраб йўлларди. Мўъжиза юз беришини шундай хоҳлардики!.. Озми-кўпми, унинг ҳаяжоний босилди. Худди бобоси ва отасининг соялари янглиғ бир мўъжиза уюни юпатди: Бардам бўл, ўғлим, набирам! Сен биздан мўъжизавий ёрдам кутмоқдасан, ахир, сенинг бир ҳовуч қардошларингга қарши бутун қўшин тўплангани, бу — мўъжиза эмасми? Сен уларни ваҳимага солиб турибсан-ку, яна нечун улардан кўрқасан? Бу билан худди биз сен билан фахрланаётганимиз каби фахрлан... У хотиржам бўлди. Бироқ ухлай олмади. «Эртага биз муқаррар ҳалок бўламиз», деган фикр келди, унинг миёсига. «У, қодир эгам, қўлингнинг бу дунёда бошқа хизмати қолмади!»

Бирдан илгари акаси Ҳасанга ваъда қилган бир нарсаси эси-га тушди. Чодир томонга ошиқди.

— Хотин, — деди у пардани кўтариб.

— Бир нарса керакми? — деди унга жавобан хотини Умми Исҳоқ.

— Эртага уруш бошланади... Тонг ҳам отмоқда...

— Оллоҳ қўлласин сени, ахир, жангдан кўрқмайсан-ку!

— Бошқа нарсадан кўрқяпман: Ҳасан ўлмасидан бугун унинг Қосимига Фотимамизни берамиз, деб ваъда берганим ҳозир эсимга тушди...

— Менинг хабарим бор, улар иккаласиям севги ўтида қоврилмоқда, Ҳусайн. Лекин вазиятни кўриб турибсан-ку, эртага жанг... Ҳасаннинг васыятини бажариш учун озгина вақт қолди; дунё игнанинг тешигига тақалди.

— Майли шундай бўлсаям, хотин, лекин акам қабрида бевозта бўлмаслиги учун бу икковини қовуштириб қўя қолайлик.

Улар никоҳга тайёргарликни бошлаб боришди, бунинг учун керакли либос ва безакларни қидиришга тушишди... Сулувгина Фотима кўпдан буён Қосимни яхши кўрарди, шунча йил Қосим билан қовушишни орзу қилиб юриб қўни эрта есир қолишини ўйласа, юраги орқага тортиб кетарди.

Барчалари кўзларида ёш билан Фотимани ясантира бошлашди, у бўлса борган сайин очилгандан очилди, юраги бўлажак висол олдидан, гарчи сўнгисига бўлсаям, қувончини сиғдиришмай дуқиллаб урарди.

Қосимни ҳам қўшни чодирда никоҳга тайёрлашарди. У учун бу кеча фонийдаги энг сўнги ва бутун умрига татиғулик ягона кеча эди; у қанча йиллардан буён севгисини қалбида яшириб юрган Фотиманинг кўлларини қўлига олгиси келарди. Шунга эришолса бас эди... Агар ёруғ бўлганида эди, унинг кўзларида қонли жангдан тап тортмас одамнинг қатъийлигини кўриш мумкин эди.

— Қосим, ўғлим, — деган овози эшитилди Ҳусайннинг.

— Ҳа, амаки, — дея жавоб қилди Қосим. — Киргин бу ерга, Оллоҳ ёр бўлсин сенга.

— Эҳ, лаънати Язид! — деди Ҳусайн. — Мен тўйларингни Кўфада, сўнг Маккада ўтказиб бермоқчи эдим. Лекин нима ҳам қила олардик, Қосим. Қўлингни бер.

Ва у Қосимни Фотиманинг чодирига бошлаб борди.

— Урингдан тургин, Фотима, суюкли қизим. Бу ерда сенинг кўлларинг билан қовушмоқчи бўлган кўллар; шу кунларга мени еткизган парвардигоримга шукр. Бари бир сизларни мен қовуштириб қўйишимга тўғри келди. У, жигарим Ҳасан; мана қизим Фотимани ўғлинг Қосимга беряпман. Болаларим, сабр-тоқатли ва журъатли инсон эртами-кеч албатта ютиб чиқади. Сиз-

га узоқ тилак билдиришим ноинсофлик бўларди. Иккалангиз энди битта қалбсиз, афсуски, бир-бирингизнинг дийдорингизга тўйишингиз учун вақт етмайди... Мана шунака... Эҳтимол, Кўфадагилар қайта ўйлаб кўриб қароридан қайтишар ва уруш бўлмас... У ҳолда тўй қилардик, — дея қўшиб қўйди у, гарчи ўзи бунга ишонмасаям, икки ёшни нима биландир овутиргиси келарди.

Аввал Қосим, сўнгра Фотима Ҳусайннинг қўлини фарзандлик эҳтиромини ила қаттиқ ўпдилар. Бу маҳалда Карбало осмонда тонг ипи узилиб, порлаб турган юлдузлар нури сўна бошлаган эди, учаласиям кўришди бунни. Улар жим қолишди, лекин ҳар бири бу лаҳза ахши кунлар олдидан Худонинг хайрли байрами эканлигига ишонишни хоҳлашарди. «Худога шукр», деди Ҳусайн ўзича ва чодирдан чиқди.

Тонг ота бошлади. Замин аҳли осуда уйқуда. Карбало даштидагилар эса урушга ҳозирланишарди. Ҳали ҳеч бир қилич қонга бўялмаган, ҳеч ким яраланмаган, ҳеч ким ўлмаган ва от тўқлар остида қолиб тупроққа қоришмаган эди. Ва ушбу саҳар кўзларни ва қалбларни уйғотувчи узундан-узун азон янгради: — Аллоҳ акбар... Аллоҳ акбар...

Лекин бу азон Ҳусайн ва ҳамроҳларига азадорларнинг айтимига ўхшаб эшитиларди.

Язиднинг қўшинида ғаройиб кайфият ҳукм сурарди. Аскарлардан ҳеч бири улғу пайғамбарнинг сўнги наслларини қириб юбориш ҳақидаги буйруқни адо этишни ич-ичидан хоҳламасди. Улар лашкарбошилари кўздан пана жойларга ўтиб, бўлажак жангнинг ҳосиятсизлиги, қандай тугаши ҳақида гаплашишарди.

Ҳатто Умарнинг жанговар топшириқлари ҳам аввалига жуда ҳафсаласизлик билан бажарилди... Умар Ҳусайннинг оқилона сўзлари ўз аскарларини таъсир кучига олмадимикин, ҳатто у томонга ўтиб кетувчилар йўқмикин деб ўйлаб жиддий хавотир оларди. Ҳусайннинг панд-насиҳатлари бу тонг, айниқса, Умарнинг асабини кўзитарди. Лекин у бари бир хавфли тасодиф: урушда ўнг қанот ҳужумни бошқариб борувчи ўринбосари, энг яқин дўсти хиёнат қилишини билмаган эди...

... Рибҳ ўғли Хуюрнинг кўзлари бежо бежо, у ниҳоятда хавф, кўнгли қолган эди нимадандир; бирдан нигоҳи чақнаб, арабий йўрганинг жиловидан тутган кўллари қалтиради. Унинг ҳамюрти ва дўсти бўлмиш бир аскар яқин келиб, энгашиб сўради:

— Ҳа, Хуюр, нима бўлди сенга? Сендай жанговар йигит ўлимдан кўрқяпти деб ўйламайман. Лекин сен бугун бир нарсадан қўчиётган кўринасан...

— Гапинг тўғри, дўстим, — деди Хуюр, — бироқ мен кўрқётган нарса ўлим эмас, Худо кўрсатмасин, бугун Ҳусайннинг одамларидан биронтасига тиф кўтаришдан кўрқяпман. Ожизларга қарши кучлилар сафида турши номусданми, боз устига ер юзидаги энг тақводор инсонларга қарши чиқмоқдамиз, хайвонлар ҳам бунақа қилмаса керак, ахир.

Кутилмаганда, Хуюрни лол қолдириб, дўсти ягона тўғри маслаҳатни берди:

— Унда нега иккиланасан? Виждонинг буюрган томонга ўтиб жанг қилавер...

Хуюрнинг арабий йўргаси қўшиндан узилиб чиқди. Умар бунни қониқиш билан кузатиб турди — у Хуюрни таниди ҳамда бу аёвсиз, қатъий жангчи ҳозир Ҳусайнни яккама-якка қиличбозликка чақиради, деб ўйлади.

Ҳусайн эса дабдурустдан Язиднинг сафдошларидан ким бу томонга от қўйганини билолмади.

— Қаранглр, болаларим, — деди у, — энг довюрак аскар бизни жангга чорляпти. Ким олишади у билан?

— Мен, мен, — деган товушлар эшитилди атрофдан.

Лекин зум ўтмай Хуюрнинг йўргаси иккала томонни ажратиб турган масофани қуш тезлигида босиб ўтди. У қиличини туширган ҳолда Ҳусайннинг қаршисига эмас, ёнма-ён келиб тўхтади.

— Эй, улғу пайғамбаримизнинг невараси, бизнинг суюкли имомимиз Алининг шавкатли ўғли, Ҳусайн, — деди у жуда қатъий овозда, — қиличмни сенинг душманларингга қарши қўллашимга рухсат бер! Рухсат бер, мен биринчи бўлиб сен учун, сенинг ҳақлигинг учун жангга қираман.

Ҳусайн жуда ажабланди: балки у юрак ютиб кутган мўъжиза шудир?

— Эй, Хуюр, сен мени таъсирлантирдиг. Энди ортингга қайтолмайсан. Сўнг бу қарорингдан афсусланмайсанми?

— Бу ҳақда гап бўлиши мумкинми, Хусайн? — деди Хуюр ва қиличини кўтарди. — Бу адолатсиз уруш бўлади. Сенинг сафингда туриб, у кўшинни кузатиб буни яна яхшироқ англадим. Афсусланмайсанми, дейсан-а. Мен сен томонга ўтиб ўлимни танлаганимни яхши биламан. Хуллас, сизлар, тақводорлар билан бирга ўлмоқчиман. Рухсат эт, биринчи бўлиб жангга кирай.

Хусайн атрофига кўз югуртди: унинг ҳар қайси ҳамроҳи биринчи бўлиб урушга киришга тайёр турибди.

— Эй, Хусайн, Худо ҳаққи, мени шахтимдан қайтарма. Менга ўз ботириларингга ишонгандай ишон.

— Ташвишланма, Хуюр, — деди Хусайн, — сенинг келишинг мен учун тасодиф, айниқса, ўлимга тайёр бўлиб келишинг менинг касамёдни рад этишимдан кўра ҳам афзалроқ... Мен ҳам биринчи бўлиб ҳалок бўлишимни истамайман. Биз заифлашиб қолган тақдиримизда, мен сенга қараб кучимга куч қўшилади.

— Эй, Хусайн, сен бобонг ва отанг каби ҳақсан, шунинг учун сендан сўрайман: биринчи бўлиб мени жангга кирит, чунки мен биринчи бўлиб лаънати Язид ва ифлос Ибни Зиёднинг элчиси сифатида кўз олдинда пайдо бўлдим. Энди ўзим улар билан ҳисоб-китоб қилишим шарт!

— Оллоҳ ёр бўлсин сенга, ўғлим, жанггоҳ — сеники!

Хуюр отда ўтириб эмас, учиб кетаётганга ўхшарди.

— Эй, кўфаликлар, менга қаранглар! Мен — Хуюр Риёх ўғлиман, лекин энди адолатсиз Язиднинг қули эмасман. Ноҳақлар тарафида туриб тирик қолишдан Ҳақ йўлини тутганлар сафида туриб ўлганим афзал.

Умар кўзларига ишонмади, лекин ишонмасдан иложи ҳам қолмади...

— Эй, Жовон, — дея буюрди у энг моҳир аскарларидан бирига, — бу лаънати наф қил!

Жовон олдинга ташланди.

Карбало жанги шундай бошланди.

Биринчи тўқнашувда Хуюр ҳам, Жовон ҳам бир-бирига зарар етказолмади ва ортига қайтишди. Иккинчи гал Хуюр Жовоннинг қилич зарбига чап берди, ўзи эса қилични иккинчи қўлига олиб рақибининг бўйнига сермади. От, бошсиз чавадози устида, шу кўйи Язиднинг кўшинлари сафига кириб кетди. Шу пайт Жовоннинг уч акаси бирварақай Хуюрга қараб от қўйишди. Хуюр улардан бирини дарҳол ўлдирди, иккинчиси яраланиб чекинди, учинчиси бошидан ажралиб ерга кулади.

Хуюр отини буриб тўппа-тўғри Умарнинг ўзига қараб қамчи босди. Шу маҳал унинг оти орқа оёқларида туриб кишнади, айни чоғ отнинг қорнига найза санчилди. От бир томонга, Хуюр эса иккинчи томонга кулади. Шу билан ҳаёти тугади — унинг баданига юзлаб ўқлар санчилди.

Умар эришган биринчи ғалаба ҳали тўлиқ тантана эмасди: уни мустаҳкамлаш зарур эди.

Язид кўшинидан ўзига бек аскар ҳисобланган Шом Хусайн тайинлаган Зухайр билан жангга чиқди. Шомга бахт кулиб боқмади...

Умар ўзини тутолмади. У яққа олишувга бақувват, лекин унча эпчил бўлмаган аскари Носир Микоф ўғлини танлади. Носир кулимсираб Умарнинг ёнига келди:

— Битта душман нима бўлибди, Умар, менга мингтасини бер!

Умар ҳам бир ҳовуч рақибларини тезроқ тугатгиси келарди.

— Мингтасини қаёқдан топаман сенга, — дея ҳазил қилди у, — ҳисобла-чи, Хусайннинг қанча одами бор!

Носир Микоф ўғли кўрагини кериб, лекин ҳафсаласизлик билан олдинга чиқди. Қадди тик Зухайрнинг эса биқинида қаноти борга ўхшарди. Носир рақибининг зарбаларига чап беролмас, ўзининг силтовлари эса беҳуда ҳавога кетарди. Бир марта у Зухайрни йиқитишига оз қолди, бундан эса Зухайр ўзи фойдаланди: йиқилаётиб Носирнинг оёғини кесиб юборди, сўнгра бошига зарба бериш унча қийин бўлмади. Лекин шундан сўнг дарҳол Зухайрни тузоққа туширдилар — Умарнинг ёйандозлари яқин масофага келиб ўқ ёғдирдилар.

Хусайн одамларидан бир кишининг ўлими Язид кўшинидаги минг кишининг ўлими билан баробар эди. Зухайрнинг қисмати.

Хусайннинг ҳар бир одами пешонасига ёзилгани ўз-ўзидан тушунарли эди. Мана шундай: навбати билан яққама-яққа олишувлардаги ғалабалар орқали Муҳаммад (с. а. в.) пайғамбарнинг неваралари ва чеваралари тақдирини ҳал бўларди.

Урушнинг еттинчи соатида Умар яққа олишувни бас қилиш ҳақида буйроқ бергани заҳоти унинг фойдасига туб бурилиш юз берди; чунки Хусайннинг тўғрич ўғли Али Акбар яққа жангга жуда моҳирлик билан қилич сурдики, бу усулдаги уруш Умарга қимматга тушиши кўриниб қолди... Буйроқдан сўнг Язид лашкарлари Хусайннинг ҳар қайси ҳамроҳига тўда-тўда бўлиб ташланишди ва ёлғиз қолган ожиз жангчини ўлдириб ташлаверди. Жанггоҳга имом Алининг ўғли чиқишга тўғри келди. Хусайн бўғиқ овозда қичқирди:

— Мен имом Алининг ўғлиман! Кимки отам билан жанжаллашиб, уни енголмаган бўлса, мана, ўғлидан ўчини олсин.

Умар ёнида турган кенг елкали аскарга шивирлади:

— У уч кундан бери бир томчи ҳам сув толмаган, қилич сермашга ҳоли қолганми? Кимки уни ўлдирса, шон-шавкатга эга бўлади...

Бу сўзлардан илҳомланган Темир Акбар ўғли майдонга от сурди, лекин Хусайн унинг устига шу қадар мардона бостириб кела бошладики, Темир орта чеккинишга мажбур бўлди.

Хусайннинг иккинчи зарбаси Темир Акбар ўғлини қонга белаб ерга қулатди.

У қилич дастасидан маҳкам тутганча иккинчи рақибини кутарди. Жангчилар тўдаси Хусайннинг доира ичига қамаб олиш учун ҳаракат қилишди.

Умар яна бақирди:

— Нимани кутяспиз, куёнюралар? Уни ўлдиринг ёки тирик-лайин ушланг!

Зуюр Шарик ўғли Хусайннинг чап қўлини, яна бир аскар — ўнг қўлини ярадор қилди. Хусайн йиқилди. Турмоқчи бўлди-ю, бироқ айни пайт Шимр Энас ўғли найза санчиб ерга босди. Хусайн бари бир яна туришга интилди. Қимирлаши ҳамон унга ўқлар шу даражада ёғилдики, танасида ёрилмаган, кесилмаган жой қолмади ҳисоби. Қони қумга суздай оқиб сингар, у шундаям кўрқув нелигини билмасди. Бу ёвузлик қотди бобо куёшни-да, нафратлантирди, у булутлар ортига яширинди. Яқинлашиб келаётган момоқалдирик садолари эшитилди. Умар олисдан бақирди:

— Бошини узсанглар-чи!

Шимр отдан тушди. У Хусайннинг ҳамон титраб турган танасига оёғини қўйиб, бошидан жудо қилди ва Умарга қараб чолди. Умар Хусайннинг жонсиз бошини ўз боши узра кўтариб ҳаммага эшитиларли, тантанавор оҳангга қичқирди:

— Мана, Язидга бўйин эгмаган ўша Хусайннинг боши, Оллоҳга шукрлар бўлсинким, бизни имонлилар амирининг фармонини бажариш шарафига муяссар қилди. Садоқатли хизматингиз учун ташаккур сизга, аскарларим. Бу бошни сизнинг гувоҳлигингизда аввал Кўфага, сўнг Дамашққа элтиб бериши учун Ҳовли Язид ўғли ва Ҳамид Муслим Эзди ўғлига топшираман. Қолган бошларни йиғиштириб олинг! Уруш тугади. Биз ғалаба қозондик!

Хусайннинг бошини танасидан жудо қилишларини хоҳламай булутлар ортига бекинган куёш энди ҳам уфқ узра кўринишни истамасди, шу туйфайли бугун одатдагидан эртароқ шом чўкди. Қўшин Кўфага қараб силжиди. Хусайннинг кўзлари теварат-атрофини кўраётгандек ва ҳамон хайрли мўъжизани кутаётгандек очик эди...

Кўфа кўчаларидан Хусайн ва унинг қариндошларининг узилган бошларини найза учларига санчиб кўтариб ўтишди. Сўнгра занжирли қўлкишанларда аёллар ва болаларнинг бошларини кўз-кўз қилиб юришди; намоийшчилар орасида Хусайннинг оёғи ноғирон ўғли Зайнал Абидин ҳам судралиб борарди. Кўфаликлар кўчаларда тарикдай сочилиб ётарди. Йиғи-сиги қилаётган азадорлар беғам намоийшчиларга нисбатан жуда кам эди, ҳатто қувончидан қичқираётган ва ирғишлаб ўйнаётганларниям учратиш мумкин эди...

Намоийшчилар ичра найза тугларида Карбало дашти қурбонларининг бошлари оқиб борарди. Ҳаммадан олдинда Хусайнники эди. Айтинг-чи, узилган бошнинг кўзларидан ҳам ёш оқиши мумкинми? Лаблари бирор сўз айтиш учун титраши мумкинми? Найзани одам танаси билан алмаштириш мумкин-

ми? Хусайннинг лаблари қимирлаётганга ўхшарди. Балки у шу сўзларни сўзлагандир ҳам: «Эй кўфаликлар! Ким мени Язиднинг зулмидан қутқар деб чақирди? Найза туғига менинг бошим ўрнига Язидники санчилса бўлмасмиди? Қани сизнинг раҳбарларингиз? Ехуд улар ҳозир, менинг бошимни Кўфа кўчаларидан кўтариб ўтаётганингиз чоғ Ибни Зиёд қошида кўкрак кериб мансаблари ошишини қутишмоқдами? Мен Язид учун бош эгмадим. Мен-ку, шундоқ ўлдим, энди сизнинг тақдирингиз нима бўлади? Эй, оғам Ҳасан... Мана, мен сен Муовия учун қасамд қилган мачит ёнидан ўтмоқдаман. Фақат от устида ўтмаяпман, ҳолос. Лекин, бари бир хайрли мўъжизага ишонаман! Мўъжиза юз беради ва биз сен билан, оға, бунинг гувоҳи бўламиз. Карбалода мен оёғи қоқинган имон тулпориди шу қадар юксак кўтарилдимки, нақ унинг ёллари кўкка етди. Эй, отажон... Шу ердан сенинг қабрингни кўраётгандекман. Сени ўлдирганинг ҳам, ўғлингнинг ҳам боши кесилди, лекин на сен, на мен йўқ қилинмадик! Чунки биз ёвузлик қошида бош эгмадик, хайрли мўъжиза эса, эртами-кеч бари бир юз беради!»

Азият чеккан Кўфа аҳли буларни кўраётган ва эшитаётгандек эди. Язиднинг тарафдорлари учун эса найза оддий найза эди...

Ўлган ўлди, шаҳидлар азобдан қутулиши. Уларнинг оналари, опа-сингиллари ва қизлари туғларига бошлар кўндирилган найзалар қошига келиб ўзларининг қалблари ҳам шу туғларда санчилгандек додлаб юборишди.

... Дамашқда аллақачон Карбало жанги қаҳрамонлари билан учрашув тантанаси бошланганди.

Язид севинчдан юраги ёрилиб сарой бўйлаб қушдай учарди. Шаҳар байроқлар ва гуллар билан безатилганди. Язид эл-улусга ким у учун қасамд қилмас тақдир қандай кечини кўрсатиб қўймоқчи эди. Бир ҳовучгина одам амирлар амири ҳисобланмиш Муовиянинг ўғли Язид куч-қудратига бас келиши мумкинмиди ўзи? Бу кучу қудрат осмонни ерга дастурхондай ёзиши, ерни чексиз осмонга эвриб қўйиши мумкин-ку. Язиднинг шундай қилисин, деган биргина фармони бўлса, бас.

Ғолиблар ва мағлублар карвони саройга етиб келган, найзадан Хусайннинг бошини олишди. Тантаналарни ойнадан кузатиб турган Язид бўлиб ўтган воқеалар гўё уни унчалик қизиқтирмаётгандек бориб тахтига ўтирди. Унинг атрофида кўпчилик маслаҳатчилари йиғилганди. Бир муддат ўтган, бу ерга усти ипак мато билан ёпилган кумуш лаган олиб киришди.

Халифа Язид кўлидаги тож билан матони кўтарди. Унинг қаршида Хусайннинг узилган боши турарди. Кимдир қувонч билан, кимдир уят билан, кимдир кўрқув билан — атрофида йиғилганларнинг барчаси Хусайннинг кўзларига тўқнаш келди.

Узини енгилмас кўрсатган Язид, гарчи одам сиёқли бўлсада, ҳайвонларга хос жирканч ҳаракат ила кўлидаги тожни Хусайннинг юзига кучаниб босди:

— Ким агар мен учун қасамд этмас экан, шу ҳолга тушмак!

Буни кўриб мажлисининг энг нуфузли ва кекса аъзоси Абу Барзоҳ Исломиёй беихтиёр ўрнидан туриб кетди.

— Кимнинг юзига темирингни ниқтаётганингни биласанми ўзи? — деди у.

Язид бу беҳурматлик билан берилган саволни эшитиб жаҳли кўзиди, ахир шунгача у алоҳида салобат билан ва ўзига ишонган ҳолда ўтирганди. Лекин у энг катта туллак Муовиянинг фарзанди — жаҳлини яширмоғи керак эди, бари бир, — эҳтимол, биричи мартадир, — захрини тўкиб солди.

— Билмай ўлдимми, Исломиёй? Мен халифалик тожим билан Мухаммад пайғамбарнинг невараси, халифа Алининг ўғли Хусайннинг юзига нуқидим. Сен нима демоқчсан ўзи?

— Мана шу ёноклардан Оллоҳнинг пайғамбари улуг Мухаммад алайҳис-салом кўп марта лаб суйиб-суйиб ўпган эди... — деди Абу Барзоҳ Исломиёй.

— Узи бу билан нима демоқчсан? — деди Язид. Энди у жаҳлини умуман тўхтата олмади. — Ахир, Хусайн исёнчи эмасми? Ахир, у менга қасамд этишдан бош тортмаганмиди? Сен бўлса, менинг ёнимда, устига-устак шундай байрам кунда уни ҳимоя қилмоқчи бўляпсан. Оллоҳга таваба қил, чунки сен мажлисдаги энг мўйсафид одамсан, акс ҳолда бошингни узиб Хусайннинг бошига шерик қиламан.

Бу сўзлар Абу Барзоҳ Исломиёйни титратиб юборди. Йўқ, бу кўрқув эмасди! Ғазаб, номус, ваҳший одам бир тақводорни шунчалар хўрлаб-тахқирлашдан даҳшатга тушиш эди бу! Абу Барзоҳ Исломиёй Язидга, худди уни биринчи бор кўраётгандек ёвқараш тикилди. Дарҳол ундан нигоҳини узди ва Хусайннинг очик кўзларига термудди. Абу Барзоҳ Исломиёй гўё ундан куч олгандай тетиклашди.

— Хор-зор бўлиб ўласан, — дея башорат қилди у, — сен золимсан, Язид! Сен қасамд қилишдан воз кечган жасур инсонни тирик кўришдан кўрқдинг. Лекин унинг кесилган бошидан кўрқмайсан, доворак! Сен золимсан, Язид! Гапим шу. Бу учун бошимни чопишинг мумкин. Лекин сен Карбалода ғолиб бўлганинг йўқ, енгилдинг!

— Нималар деяпсан, ахмоқ?! — Шундай деб Язид тахтидан турди.

— Сен мағлубсан, Язид, — дея такрорлади Абу Барзоҳ Исломиёй, — чунки Хусайн сенинг кўпминг аскарли қўшинингдан кўрқмади. Мабодо у келиб сенга таъзим қилганида, қасам ичганида — сен жангда ғолиб ҳисобланардинг... Лекин Хусайн келмади ва ҳеч қачон сенга келмасдиям, Язид! Кўлингдаги биров келтириб берган бош билан овуниб ўйнайвер. Бир вақтлар отанг Ҳасанни заҳарлаб ўлдирганида ўзининг айбини бекитиш учун бутун Дамашқ оммасини қора кийдиргани... Сен ким, унинг ўғлимисан? Кесилган бошларни ташиб юравасанми, ғолиб... Хусайннинг боши билан эмас, ўзининг бошинг билан ўйнашяпсан! Сенинг ғазабинг сабр қосамни тўлдириб юборди. Унутма: тоққа қанча кўтарилсан, жарлик шунча чуқурлашиб бораверади. Олдинда турган Хусайннинг боши — сенинг омадинг туғгани, халифалигинг парчалангани белгиси!

— Тилингни тий, соткин! — дея бўқирди Язид. — Ҳали сен менинг олдимда гапирадиган бўлиб қолдингми? Унинг бошини чопинглар, токи менинг ҳаётимдаги энг бахтли кунни мурдор қилмасин!

У кичирди, оғзидан тупуклари ҳар ёққа сачради, лекин бутун шуури ила бир нарсани ҳис этарди: қандайдир ўзгариш бўляпти, бу ўзгаришни ортга қайтариб бўлмайди. Мулозимлар Язиддан нигоҳларини олиб қочардилар. Кимдир ҳатто ортга тисланиб мажлисни ташлаб чиқди. Язиднинг кўкрагида ўша таъниш оғриқ пайдо бўлди, безовата қила бошлади. Машварат аҳли шивирлашаётганини кўриб, у ўзининг ожизлигини сездириб қўйгандай тахтни қўллари билан асабий сиқимларди. Ниҳоят, у Хусайннинг кесилган бошидаги очик кўзлар ўзига тикилиб турганини, устидан кулаётганини ҳис қилди; бошқалар ҳам бу ҳолатни кизиқиб кузатишаётганини у билиб турарди.

Ҳа, Хусайннинг кўнгли тўқ, энди у қасос олиб бўлган — мўъжиза юз бериб, адолат тантана қилган эди. Узи ҳам буни узоқ, чидаб бўлмас интиқлик билан кутган эди... Уша тантана охири-оқибат Абу Барзоҳ Исломиёйнинг ҳозиржавоб, ҳаққоний, шафқатсиз қаломи орқали амалга ошди.

... Энди чин дунёга рихлат қилган Хусайннинг кўзлари, ниҳоят, жуда осойишталик билан мангуга юмилди.

ТУЗАТИШ

Жўрналнинг 10 соки муқовасининг иккинчи саҳифасидаги шеърда босмаҳона ходимлари айби билан кетган хато учун муштарийлардан узр сўраймиз.

Қуйдан иккинчи қатордаги «ўтиргуси» сўзи «ўтилгуси» деб ўқилсин.



“УЙЛАЙМАНКИ, МЕН ХАКМАН!”

Биз олдинги мақолаларимизда («Жалолiddин ҳақиқат излайди», «Шарқ юлдузи», 1988 йил, 10-сон, «Жалолiddин Маугуберди» фожияси тўғрисида», «Ўзбек тили ва адабиёти», 1988 йил, 6-сон) халқимизнинг сеvimли шоири, олим ва драматурги Мақсуд Шайхзоданинг «Жалолiddин» драмасига кўйилган айбларнинг асоссизлигини исботлашга, унинг жанрини белгилашдаги чалқашликларни бартафаз этишга ҳаракат қилгандик. Лекин уларда Мақсуд Шайхзодага, «Жалолiddин» драмасига нисбатан нотўғри ёндашувлар бўлганлигини айтганимиз билан бу нотўғри ёндашувлар тартиботи хусусида сўз юритмагандик. Ниҳоят, бу ишнинг ҳам мавриди келди.

«Жалолiddин» ёзиб бўлиниши билан «Қизил Ўзбекистон» рўзномасида парча эълон қилинади, 1944 йилда эса Хамза театрида сахналаштирилиб, халқ ўртасида овоза бўлиб кетади. Кейинчалик эса драмани вилоят театрлари ҳам сахналаштиридилар. Хатто Усмон Юсуповнинг тавсияси билан фронтга чакирилган кишилар, албатта, бу спектаклни кўриб, «Босқинчиларга ўлим!» чакириклари билан жангга жўнашган. Асар сахналаштирилганидан сўнг сал ўтмай «Қизил Ўзбекистон» рўзномасининг 1944 йил 18 феврал сонида Ойбек ва Фафур Гуломнинг спектакл тўғрисидаги такризи эълон қилинади. Улар хажман кичик бу такризда драманинг гоёвий-бадий хусусиятлари, аҳамияти ҳақида лўнда, салмоқли фикрларни баён этишади ва уни «Шоир Шайхзодани, Хамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг ижодий коллективини бу гўзал асар билан қутлаймиз» деган илҳомбахш сўзлар билан яқунлашади. Хуллас, драманинг ижодий тақдири ҳавас қилса арзийдигандек эди. Аммо...

Урушдан сўнг, драма ёзилгандан роппа-роса икки йил ўтгач, 1945 йил кузида у ҳақда биринчи бор маҳсус муҳокама уюштирилади. Муҳокамага Ойбек раислик қилади. Унда Миртемир, Яшин, Шевердин, Верхатский, Темура Фаттоҳ ва бошқалар иштирок этишади. Муаллифнинг иштироки бизга номалум, чунки муҳокама стенограммасида унинг сўзлари учрамайди. Унда К. Яшиннинг Жалолiddин образи турғун бўлиб қолган, Миртемирнинг драма тили тасвирадан давр учун мос эмас, деган фикрлари бироз тортишувга сабаб бўлади, холос. Муҳокаманинг умумий руҳи танқид учун бўйсундирилганлиги шундоққина сезилиб туради. Танқиднинг катта қисми эса Жалолiddин ҳаётининг драмада акс этмаган Қавказорди даврига бағишланади.

Муҳокамада асосий маърузани шоир Миртемир қилади. Адолат юзасидан шунини айтиш керакки, унинг фикрлари бошқа катнашчиларникига нисбатан (!) ҳаққонийроқдир. Маърузанинг авчагина қисми Жалолiddин таърифига бағишланади ва тарихий жиҳатдан тўғри ёритиб берилади. Мана, ундан бир парча: «Синд дарёси бўйидаги жангдан сўнг у (Жалолiddин — М. В.) кўп йиллар қувғинда юришга мажбур бўлди. Аммо қаерда бўлмасин, қайси бир мамлакатда яшамасин, у ҳеч қачон Ва-

тани олдидаги бурчини унутмади, ҳамisha кўшин тўплаб, Чингизон билан янги жангларга тайёрланди.

У Қавказда, Арманистонда бўлди, бу мамлакатларнинг подшолари билан алоқа ўрнатилган ҳаракат қилди, уларни мўғуллар ҳужуми хавфидан огоҳ этди ва Чингизга қарши биргаликда курашишни таклиф қилди. Улар бу таклифни рад этишгач, куч билан уларни бўйсундирди ва бу мамлакатларга энди иккинчи марта ҳужум уюштираётган мўғуллар билан жангга киришди... Маълумотларга қараганда, Жалолiddин мўғулларга қарши 304 та жангга қатнашган ва бирор марта ҳам ярадор бўлмаган. У Ватанидан узокда, бир куннинг кўлида тасодифан ҳалок бўлади. Бизнинг тарихимизда Жалолiddин шундай тасвирланади.

Грузия ва Арманистон тарихида эса у босқинчи сифатида кўрсатилади. Бирок мен далиллар асосида гапиряман...»¹

Албатта, биз бу каттагина парчани бекорга келтирмадик. Қолган катнашчилар Жалолiddин ҳаётининг шу даврига кенг тўхталганлари ҳолда ўзларини гўё Миртемирнинг сўзларини эшитмагандек тутишади, унга бутунлай тесқари фикрларни асоссиз такрорлайверишади. Майли, бу тўғрида кейинроқ. Хозир яна Миртемир маърузасига қайтамиз. Энди у драманинг ўзини таҳлил қила бошлайди, унинг бадий савиясини юқори баҳолайди. Аммо нимэ учундир фикрларини асосламай туриб бирданига кескин танқидга ўтади. Жалолiddиннинг монологи (1-парда, 1-кўринишдаги Хоразмшоҳ билан бўлган мунозарадан кейин) тўғрисида шундай фикрлар айтади: «Бу монолог жуда ҳаяжонли, лекин аниқ ва ишонарли эмас. Отага қарши боришни гуноҳ ҳисоблайдиган одам худога қарши қандай очик сўзлаши мумкин» (11-бет). Драмадаги воқеалардан хабардор бўлган киши аслида Миртемирнинг юқоридаги сўзлари аниқ ва ишонарли эмаслигини осонгина пайқайди. Бунинг учун маҳсус филологик билим ҳам талаб қилинмайди. Жалолiddиннинг «Ҳазар айламасман девдан, шайтондан, Хатто азроилдан, хатто яздондан» каби сўзларини тўғри тушуниш керак. Чунки Жалолiddин тушган вазиятда ҳар қандай диндор кишининг ҳам тилида бўлмаса-да, дилидан шундай фикр ўтиши мумкин. Драмадан маълумки, Жалолiddин юқоридаги сўзларни, Миртемир айтганидек, очик сўзламайди, балки дилидан ўтказди. Яна шунини эсда тутиш керакки, бу сўзларни айтгунга қаерда Жалолiddин аллақачон қизиққонлик билан отасининг фикрига очикчасига қарши борган ва валиаҳдликдан жудо бўлганди. Умуман, монологда унинг отасига қарши боролмаслик хусусияти сезилмайди, фақат фель-атворидидаги андиша кучлилигига,

¹ Цент. Гос. Архив УзССР. Диспут о пьесе Шейхзаде «Джелаледдина» Ф—2556, Опись — 1, ед. хр. 109, стр. 8 (бошқа кўчирмалар ҳам шу манбадан олиниб, саҳифалар кўрсатилади. Таржималар ўзини-ўзиники — М. В.)

отаси олдйдаги бурчини эсдан чиқармаганлигига бироз ургу бериб ўтилади.

*Отами азиздур, ёки салтанат?
Кўп оғир масала... Куйфрди албат, —
Отага қарши кўтармоқ исён.*

Лекин ушбу ҳолат ҳам вақтинчалик, холос. У ўзидаги бутун иккиланишларини енгиб, асл қиёфасига қайтади.

*Бу гал ўхшайди отага ўғил.
Мулк аҳли мўғулга сира бўлмас қул.*

Миртемирнинг драмага нисбатан навбатдаги эътирози куйидагича: «... биз Жалолиддин атрофидаги ижобий образлар (Насавий, синглиси, онаси, Элборс, девона чол, Хевокчи, Темур Малик) орасида шаҳар хунармандларига мансуб қахрамонлар йўқлигига афеус қилишимиз мумкин. Образлар орасида чўл кишиларидан бутунлай фарқ қиладиган халқ қахрамонлари йўқ. Халқ вакили сифатида кўрсатилган Элборс пахлавон ҳам чўл кишиларига жуда яқин туради. Бунга, афтидан, муаллифнинг бадавийлар билан шаҳар хунармандлари, феодализм ва унинг бағрида туғилиб келаётган буржуазия ўртасидаги фарқни кўролмагани сабаб бўлса керак» (12-бет).

Маърузачи бадавийлар билан шаҳар хунармандлари ўртасидаги қандай фарқни назарда тутаётганлиги бизга номаълум. Тўғри, уларнинг феъл-атвори, маданияти, яшаш тарзида фарқ бўлиши табиий. Бироқ айнан мана шу фарқ учун драмага янги — ортикча образ қўшиш шарт эмас. Феодализм билан халқ куртаклари ҳақида ҳам гап бўлиши мумкин бўлмаган буржуазия ўртасидаги фарқни драматург — ўша давр манзарасини ҳақиқий бадий тадқиқ қилишни мақсад қилган киши қандай кўрсатсин? Мамлакатнинг ўз жаллодлари ва мамлакатга бостириб кирган жаллодларнинг хунрезликларидан гарангсиз, нималар бўлаётганига унчалик ҳам фаҳми етмайдиган бўлиб қолган халққа ўзи шундоқ ҳам эзилб, тамом бўлган Юрак ёлгон гапирини эплотмасди. Ҳеч бўлмаса уруш пайтида бу ишни қилмасди. Бундай ишни қилиш жисмонан холдан тойган, лекин таги ёлгон Ишонч суяб турган халқни ўлдириб билан баробарлигини у чўқур хис қиларди! Аммо Жалолиддинга тарихий жихатдан ҳаққоний баҳо берган шоир Миртемир нимагадир Жалолиддиннинг драмадаги иштироки хусусида бирор оғиз сўз айтмайди-да, бошқа образлар ва воқеалар тўғрисидаги эътирозларини давом эттиради: «Шундай сунъийликдан Султонбегим образи ҳам холи эмас. У онасини ахтариб келади ва бирданига отга миниб, қилич олиб душманга қарши жангга ташланади. Сиртдан қараганда бу жуда таъсирчан, лекин қандай қилиб Хоразмшоҳнинг қочоқ (!) қизи тезда жанговар ҳарбий бошлиққа айланиб қолганини тушуниш қийин. Бундай Султонбегим тасаввурдагина бўлиши мумкин» (12-бет).

Тасаввур қилинган нарсани тушуниш ҳам мумкин. Ўзингиз ўйлаб қараг:

*Ватан, Ватан ажрамоқ тупроғиндан оҳ!
Бу жазога сазовор қилдим не гуноҳ?
Гарчи эдим Хоразм қасрига безак,
Бахтиёрман бу ерда қолсам канизак, —*

деб турган қизни қандай қилиб қочоқ деймиз? Агар у қочоқ дейилса, демак, кўрқоқ деган маъно ҳам келиб чиқади. Бироқ ўз эрига қараб афеус-надомат ва коникмаслик ҳисси билан:

*Не керак Самарқанд лаъду тилласи?!
Раҳмат дердим бўлса мўғул калласи, —*

деб турган аёл кишини қандай қилиб кўрқоқ дейиш мумкин. Шу мисолларнинг ўзидек агар вазият талаб қилса, у бемаалол жангга киришини исботлайди. Лекин драматург бу билан қаноатланиб қолмайди. Султонбегим Насавий ёрдамида «сеҳрли» узукнинг кўзидаги:

*Подшо Бадриддин шоҳи — бору баҳр,
Султони — Самарқанд, Мовороуннаҳр, —*

деган сўзларни билиб олади, Темур Маликнинг асир тушганлигини, мўғуллар бостириб келаётганлигини эшитади ва шун-

дай ҳолатга тушадики, энди унинг жангга кирмаслиги мумкин бўлмай қолади. У жангга қиради, хон эрини асир олади. Унинг талаби билан Бадриддин ўлдирилади. Аслида тарихий ҳақиқатга кўра ҳам шундай — Султонбегимнинг эри Самарқанд ҳокими бўлган. Иси — Усмон. У Хоразмшоҳга қарши исён кўтаради. Хоразмшоҳ исённи бостириб, қизини ўйлаб қувини авф этади. Аммо Хон Султон (Султонбегимнинг ҳақиқий исми — М. В.) уни ўлдирини отасидан сўрайди. Бадриддин ҳам тарихий шахс. Ўтрорда вазир эди. Мўғуллар хужуми бошлангач, уларга сотилган. Шайхзода бу икки тарихий ҳақиқатни бузмайди, балки умумлаштириб асар гоёси учун, драматизм учун хизмат қилдиради. Шу билан бирга Султонбегим образини яратишда ҳам бадий тўқимадан ўринли фойдаланади. Умуман, тарихий-бадий асардаги тўқиманинг ўзига хос хусусиятларини ҳеч қачон ёлдан чиқармаслик лозим.

Маърузачининг бошқа эътирозларини ҳам шу тарика никор этса бўлади. Шунинг учун биз уларга алоҳида тўхталмаймиз.

Хурматли ўқувчи эътибор берган бўлса керак (биз буни юқорида ҳам айтиб ўтганмиз). Миртемир Жалолиддиннинг драмадаги тарихий тасвирга бирор марта жиддий эътироз билдирмайди. Бизнингча, бу бежиз эмас. У аввалдан маъруза катнашчиларининг тажовузкор қайфиятини билган ва уларни асосий масаладан чалғитишга ҳаракат қилган. Шунданми, унинг драмага нисбатан билдирган зўраки эътирозлари асосиз бўлиб чиқаверади. Афеуски, унинг яхши ниятдаги уринишлари зое кетади ва яхши ниятнинг аксига хизмат қилади.

Маърузадан сўнг сўзга чиққан барча кишилар Миртемирнинг фикрларига қўшилган ҳолда энди фақат драманинг бош қахрамони — Жалолиддинга ташланишади. Сўзга чиққанлар — Комил Яшин, Жуманиё Шарипов, Темур Фаттоҳ, Верхатский, Михаил Швердинларнинг фикрлари деярли бир ердан чиқади: Жалолиддин идеаллаштириб юборилган. Ўқувчи уларнинг сўзлари тўғрисида умумий тасаввур ҳосил қилиши учун Верхатскийнинг баъзи бир фикрлари билан таништирамиз: «Шайхзода Жалолиддинни ҳалдан ташқари идеаллаштириб юборган. Гўёки Жалолиддин Герсей, Добролюбов, Чернишевский давридаги эзилганларнинг дардини чуқур тушунадиган, халқнинг ҳақиқий ўғли, демократдек таассурот туғдиради...» (18-бет). Верхатскийнинг ҳам, сўзга чиққан бошқа кишиларнинг ҳам ҳар хил шаклда айтилган, аммо моҳияти бир нотўғри қарашлари ҳеч қандай далилга асосланмаганлигини биз «Жалолиддин ҳақиқат излайди» номли мақоламизда батафсил ёритганмиз. Юқорида айтганимиздек, улар бир-бирларининг сўзларини тақорлайдилар, холос.

Нихоят, сўзга чиққанларнинг фикрини яқунлаб, уларни маъқуллаган ҳолда, гўёки бир ярим йил аввал Гафур Гулом билан ҳамкорликда ўша машҳур тақризни ёзмагандек, Ойбек муҳокамани яқунлайди.

Хурматли ўқувчи тўғри тушунар, биз ажойиб инсон, ҳассос иждоқор, устоз Ойбекка таъъна ёки киноя қилмоқчи эмасмиз. Айни гаплар у ҳам, ардоқли шоиримиз Миртемир ҳам ўз сўзларини юракдан чиқариб, самимий айтишганига кўнгилда гумон туғдиради, албатта. Бундай дейишимизнинг ўзига хос сабаблари бор.

Х. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтида сақланаётган Мақсуд Шайхзода архивидан Василий Янининг «Жалолиддин» қиссаси муҳокамасининг стенограммаси (тартиб рақами — 776) ҳам ўрин олган. Муҳокама 1945 йилнинг кишида ўтказилган. Унда Жалолиддин ва унинг ҳаётини ўз қиссасига мавзу қилиб олган В. Ян аёвсиз танқид қилинади. Мақсуд Шайхзода 23 варақдан иборат каттагина бу қўлёзмани хавотирланиб қайта-қайта ўқиганими, энг муҳим жумлалар остига гоҳ қаламда, гоҳ ручкада белгилар қўйган. Хавотирланишга асос бор эди. Чунки бу қисса 1944 йилнинг бир неча ойи давомида «Қизил Ўзбекистон» рўзномасида эълон қилинади ва жамоатчилик уни илқ қарши олади. Қиссани ўзбек тилига Ойбек ва Гафур Гулом ўгиришган. Бир йил ўтгач эса...

Ҳа, Василий Янининг улкан обрў-эътибори ҳам бу қисса кескин танқид қилинишига тўсиқ бўлолмади. Чунки сув бошидан лойқаланган ва сталинизм даҳшатини бир марта бошдан кечирган Миртемир бундан тегишли хулоса чиқариб, «Жалолиддин»га эҳтиёкор муносабатда бўлганлиги эҳтимолдан узок эмас.

Хуллас, муҳокама ижодкор юрагини энди ўнгланиши кийин бўладиган даражада оғир яралайди. Бирок драматург ғарз-гўйларнинг рухий зарбасидан ўзига келиб улгурмай «Звезда Востока» ойбитигининг 1946 йил 12-сонда тўхматдан иборат бўлган «М. Шайхзоданинг «Жалололидин» тўғрисида» номли мақола эълон қилинади. Унинг муаллифи эса ўша йилларнинг машҳур «фoш килувчи мутахассиси» Ж. Бойбўлатов эди. Ж. Бойбўлатовнинг даъволари ҳам бир тукни ўзгармаган ҳолда муҳокама катнашчиларининг фикрларига айнан ҳамохандир. Шунинг учун унга батафсил тўхталишга ҳожат йўқ. Фақат кичкина тузатишимиз бундан мустасно. Ж. Бойбўлатов ёзади: «Шу ўринда таъкидлаш лозимки, В. Ян ўзининг «Чингизхон» романида Чингизхонни саҳро йўлбарси ва сарик итга қиёслайди, илмий социализмнинг асосчиси Карл Маркс эса Жалололидинни чўлдаги шер ва денгиздаги тимсоҳ билан тенглаштиради»¹. Муаллифнинг фикрича, Карл Маркс Жалололидин ҳақида салбий маънода ёзган, гўёки В. Ян Чингизхон тўғрисида ижирганиб ёзганидек. Холбуки, ҳақиқатда ундай эмас. Бунинг учун Карл Маркснинг сўзларини тўла келтиришнинг ўзи қифоя: «Жалололидин афсонавий қаҳрамонлик кўрсатганига қарамай, сон-саноксиз мўғул кўшинларидан мағлубиятга учради, кейин ўқлар ёмғири остида Синд дарёсини сузиб ўтди. Чингизхоннинг кўз олдига у қуруқликда худди арслондек даҳшатли, сувда эса тимсоҳдек кўркинчли эди»².

Даҳшатли ҳақиқат инсон иродасини синдиради, дейишади. Ҳа, уни юракдан теран англайдиган, ҳаёт ҳақиқатини, теваригида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни чуқур ҳис қилиб, таҳлил қиладиган кишининг ўз ҳаётига нисбатан ё ишончи мустаҳкамланади ёки ҳафсаласи пир бўлиб, ўзи истамаган ҳаёт тарзига бўйсуниб, тақдирга тан беради. Аксинча ҳолатда эса уни муқаррар қувғинлик ёки ўлимга маҳкумлик кутади. Деярли кўпгина ўзбек ижодкорлари учун ўша йилларда бу икки ҳол истисно эди. Уларнинг онгларида келажакка ишонч тўғрисида гап бўлиши мумкин бўлмаса-да, юраклариде умид алаңгаси липиллаб турарди. Келажак учун яшаш керак эди. Мақсуд Шайхзода ҳам ҳаётга умид билан боқарди — у тақдирга тан берди. Чунки «адабий танкид»нинг абадий танкидига дучор бўлганини ўша пайтда унинг ўзи ҳам, унинг ўрнида бўлганида бошқа ҳар қандай иродали шахс ҳам инкор этолмасди. Танкид тўхтовсиз ҳужум қиларди. Бир-бирдан даҳшатли фикрлар Ўзбекистон театрларининг репертуар плани муҳокама қилинган мажлисида³ Тошкент шаҳар ёзувчиларининг йиғилишида⁴ ЎзКП Х съезиде, Ёзувчилар уюшмасининг пленумларида кетма-кет янграйверди. Бу муҳиш тўполонларни тасаввурда жонлантирган одам Мақсуд Шайхзоданинг рухий қийноқларини юракдан туйиши, ич-ичдан англаши мумкин. Қайси бир донишманд: «Қонуи юксакликка бургутдек парвоз этадиган ҳар қандай кишини чумолидек ўрмалашга мажбур этади», деб бежиз айтмаган экан. Мақсуд Шайхзода ва унинг қисматдошларига эса қонуи у ёқда турсин, бутун бир тартибот қарши турганди. Шундай оғир вазиятда Мақсуд Шайхзода айбловлардан қутулишнинг ягона йўлига бошқалар қатори амал қилади — «халқлар отаси»га бағишланган «Иосиф Сталин» достонини янги боқлар билан бойитди. Достоннинг умумий руҳини унинг «Бағишлов» қисмидаги қуйидаги мисралардан ҳам бемалол билиб олса бўлади:

*Сталиннинг у азиз умрин қуйламак —
Инқилобнинг тарихини ёзмоқлик демак.
Унинг ҳар бир сўзини, амрин сўйламак,
СССРнинг таърифин ёзмоқлик демак.*

Шундай мисраларни ёзган шоир, ниҳоят, ўзича сўнгги нажотни топгандек бўлади, танкиддан қутулган бўлсам керак, деб ўйлайди. Бирок жуда пухта ишланиб, йўлга солиб қўйилган танкид машинасини энди тўхтатиб бўлмасди. Ўрни келиб қолса у ўз «дохий»си ҳақидаги асарларни ҳам аяб ўтирмасди. Танкид машинасининг рулини тутганлардан бири М. Шервердин эди. У «Ўзбек совет адабиётининг гоёвий бадийи

юксаклиги учун» номли мақоласида тубандагиларни ёзади: «...Мақсуд Шайхзоданинг «Иосиф Сталин» поэмасида коммунистларнинг образлари юзаки, ясама ва баъзан ҳажвий равишда кўрсатилган»¹.

Энди шоир иложсиз аҳволда қолади. Унинг дил шишаси дараз кетади, кўнгли зада бўлади, ижоднинг қайтариб бўлмас жараёнларини, илҳомнинг азобли ғалаёйлари юрагининг тубига беркитади — у ижод қилмай қўяди. Лекин танкид буни ҳам ўзича тушунади — ҳужум энди драматург асарларидан бевосита драматургнинг шахсига кўчиб ўтади. Танкид ўзининг қора ниятини ошқор қилади, юзидаги ликобни бутунлай олиб ташлайди. Масалан, ЎзКПнинг ўша пайтлардаги котиби Х. Турсунов «Ўзбек совет адабиётидаги гоёсизлик ва мақсадсизликка қарши қатъий кураш олиб бораёйлик» номли мақоласида шундай ёзади: «Ёзувчи Шайхзода ҳам танкидни менсимайди. У кўпгина хатоларга йўл қўйди, аллақанча гоёсиз, маслакис, тўғридан-тўғри зарарли асарлар яратди. Ур-тўқлар Шайхзодани ўз хатоларини тушуниб олар ва тузатар деган мақсадда уни қаттиқ танкид қилдилар. Аммо бундай бўлиб қикмади. Шайхзода ижодий иш билан шуғулланмай қўйди...»².

Шайхзода ва бошқа бир қанча ёзувчилар ҳаётидаги алам-ли, қора қувлар яқинлашиб келаётган эди...

Қарангки, ноинсоф қимсалар шоирнинг ўзини қаматишгани етмагандек унинг оиласини ҳам тинч қўйишмади, ҳатто уйини ҳам тортиб олишади. Кейинчалик ушбу воқеа ҳақида шоир Усмон Азимов «1952 йил...» шеърисида оғрик билан ёзади:

*Феврал совуғида турар бир аёл,
Асфальтнинг устида кўчи-кўрони.
У баҳор ҳақида суради ҳаёл.
— Кела қол... —
Чорлайди қурли дунёни...
Уфққа тирмашар чақалоқ баҳор
Ям-яшил вужуди бирам озода...
Аммо бунда феврал. Аммо ҳали қор,
Ҳали узоқларда Мақсуд Шайхзода.*

* * *

Ниҳоят, КПССнинг тарихий XX съезди ҳам бўлиб ўтди. Адабиётшунос олимларнинг ишларида «Жалололидин» драматси ҳақидаги фикрлар яна кўрина бошлади. Бу драма хусусидаги фикрлар атрофлича баён этилиб, адабиёт мухлислари эътиборига ҳавола қилинди. Лекин уларнинг ҳаммасида ҳам аввалги «танкидлар»нинг таъсирини йўқ деб бўлмайди. Улар ҳам драманинг ўша машҳур «камчилиги»ни такрорлашдан чарчамадилар. Бу фикрларни яна шароит билан боғлаш эса энди инсофсизлик бўларди, албатта.

«Жалололидин» ҳақида Бердиали Имомов ва Мухсин Зокиров бироз кенгрок фикр юритишган, қолганлар йўл-йўлакай тўхталиб ўтишган, ҳолос. Фақат сўнгги пайтлардагина у ҳақда Темур Тўрабоев махсус мақолалар ёзди. Афсуски, уларни ҳам етарли деб бўлмайди. Чунки бу мақолалар кенг жамоатчиликка йомаъълум бўлиб қолмоқда. Унинг фикрлари тажрибали устозларнинг қарашларидан кескин ижобий эканлиги билан фарқ қиладди.

Тажрибали олим Б. Имомом драмани, умуман, ижобий баҳолайди. Аммо фикрларида бир қанча ғалатликлар учрайди. Масалан, у бир ўринда «фалсафий донолик асарга романтик қайфили ато этганини кўрашимиз»³ деб ёзса, бошқа ўринда «Адиб унинг (Жалололидиннинг — М. В.) монологларини Шекспирона залворли ҳикматлар билан безайди, халқчил донолик руҳида вазмин янгратади»⁴ деб ёзади ва мисол тариқасида қуйидаги монологни келтиради:

*Қиши тугилмайди бошда тож билан,
Туғилар эрқликка эҳтиёж билан.*

Бошимнинг тожидир онамга қасам!..
...Эл-ўлка соғ бўлсин, тож келиб кетар!..

¹ «Звезда Востока», 12, 1946, стр. 56

² Архив Маркса и Энгельса. Хронологические выписки. Том—V. М. 1938, стр. 221.

³ Центр. Гос. Архив. УзССР. Ф.—2356, Опись I, ед. хр. 162.

⁴ «Шарк юлдузи», 1946 йил, 7-сон.

¹ «Коммунист», 1949 йил, 9-сон, 33-бет.

² «Шарк юлдузи», 1951 йил, 9-сон, 136—137-бетлар.

³ Б. Имомов. Трагедия ва характер, Т. 1977, 71-бет.

⁴ Шу китоб, шу бет.

Драмадан маълумки, бу монолог бировга бўйин эгмайдиған, мағрур Жалолиддиннинг кескин (вазмин эмас, хаттоки халқчил донолик руҳида ҳам эмас!) сўзларидир. Вазият, қахрамоннинг феъл-атвори шу сўзларни талаб қиларди.

Олимининг фикрларида ўзини-ўзи инкор этувчи ўринлар ҳам мавжуд. Чунки «Асарнинг трагедияга мансублиги, қисман айтилганидек, охиригача кўринмас-да...»¹ деган мужмал фикрлар билан бирга катъий равишда «Жалолиддин Мангуберди» юқорида айтганимиздек, ҳамма жиҳатлари билан трагедияга мансуб асардир»² деган гапларни ўқигач, шундай ҳаёлга борасиз-да, албатта. Олим Жалолиддин образига баҳо беришда бетараф туради. Аввал «Автор тарихий фактлар моҳиятини бузмай, уларни санъат асарлари талабига, трагедияга мувофиқ келувчи бидий тўқима тақозоси билан иш юритади ва ходисаларни шу мантқ талаби бўйича жонлантиради»³ деб ёзиб, кейин «Хар қалай, автор Жалолиддин киёфасини чиқишда уни ўз синфи, муҳити, маслагидан анча баландлатиб, хатто ошириб, анча замонабоп тарзда тасвирлаганини, унинг манфаати тоғжа нисбатан мойилликдан холи бўлмаганини анчагина ҳаспўшлаб ўтганлигини ҳам айтиш керак»⁴, деган фикрларни ҳам баён этади. Бизнинг Жалолиддин шахсига қарашларимиз маълум бўлгани учун бу фикрларни изоҳлаб ўтирмадик. Зеро, бунга ҳожат ҳам йўқ.

Мухсин Зокиров Мақсуд Шайхзоданин шогирдларидан бири, у ҳақдаги адабий-танқидий мажмуанингу муаллифи. Китобда «Жалолиддин»га ҳам алоҳида ўрин ажратилган. Афсуски, ундаги фикрларни таҳлилдан кўра тавсиф десак тўғрироқ бўларди. Муаллиф драмага тўхталишдан олдин Жалолиддин тарихини қисқача баён қилади. Аммо унда тарихий манбаларга эмас, балки драмадаги маълумотга асосланганлиги бир неча ўринларда яққол сезилиб қолади. Бунга Хоразмшоҳ Жалолиддинни валнахдликдан маҳрум этади, Синд дарёси бўйидаги жангда Жалолиддиннинг кўли баланд кела бошлаган эди, аммо афгон амирлари жангоҳини ташлаб кетдилар, Жалолиддин ов пайтида ҳалок бўлди, деган гаплар мисол бўлиши мумкин. Тарихий ҳақиқатга кўра Жалолиддин валнахд бўлмаган (драмадаги бадий тўқимани тўғри тушуниш лозим), Синд дарёси бўйидаги жангга ҳамма амирлар Жалолиддинни ташлаб кетган эди, у ўз кўшини билан жангга қиради ва енгиледи, яна Мухсин Зокиров айтганидек, синглисини ҳеч қачон дарёга улоқтирмайди. Хон — Султон бу пайтда Жўжихон кўлида асира эди. Жалолиддин ов пайтида ҳалок бўлмади, балки тасодифан бир қурдининг кўлида ҳалок бўлади. Мухсин Зокиров драмани баён қилиш жараёнида ҳам айрим ноаниқликларга йўл қўяди. Сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун ундан бир парча келтирамиз. «Самарқанд. Султонбегимнинг амир Бадриддин билан никоҳ тўйи маросими. Базм авжида. Шу пайт Чингиз элчилари дағаллик билан итбат талаб этадилар. Бундан жони халқумига келган, ўзининг қудратидан мағрур Хоразмшоҳ уларни кўпозлик билан ҳайдаб дейди:

*Қулага қалъамда биргина девор,
Остида минг Чингиз бўлур хору зор»⁵.*

Драмада худди шу ўринлар бутунлай бошқача. Чингиз элчилари кириб келганда Хоразмшоҳнинг сохта мағрурлиги осмонга учиб кетади, титраб-қалтираб, ўйга ботади. Фақат Жалолиддиннинг «Жавоб бер, шаханшоҳ, кутмасин улар, кутдирсак кўркинша аломат бўлар!» деган сўзларини эшитгачгина унга бироз жон қиради ва юқорида келтирганимиз сўзларни айтади. М. Зокиров сўзларинга қулоқ соладиган бўлсак, драмадаги ижобий қахрамонларни ҳақиқий совет ватанпарварлари дейишдан бошқа иложимиз қолмайди.

Қолган танқидчилар драма ҳақида йўл-йўлақай фикр айтишганини юқорида эслатгандик. Улар драма ўз даври учун катта аҳамиятга эга бўлганлигини, ўз вазифасини ҳалол ўтаганлигини бир овоздан кўрсатиб ўтишган. Лекин шунга қарамадан Озод Шарафиддинов «Автор Жалолиддин Мангубердини халқ қахрамони сифатида тасвирлаб, унинг синфий киёфасини чуқур очишга етарли эътибор бермайди. Шунинг учун ҳам ўша йилларда «Жалолиддин» драмаси жамоатчиликнинг каттик танқидига учради»⁶, Салоҳиддин Мамажонов «Шайхзода Жалолиддиннинг халқни орқасидан етаклаб, душманга қарши озодлик ва мустақиллик учун курашидаги талант ва

маҳоратини тўғри тасвирлагани холда, унинг фаолиятининг синфий моҳиятига диққат қилмайди, натижада Жалолиддин образи маълум маънода идеаллаштириб қўйилади»⁷; Турсун Собиров «Айрим драматургларимиз ўзлари томонидан ақс эттирилган воқеа ва тарихий даврни, шунингдек, тарихий шахслар ҳаётини чуқур ўрганмасликлари ва уни социалистик реализм методи асосида ҳар тарафлама изчил ёрита олмасликлари натижасида баъзи хатоларга ва ўтмишни идеаллаштириш ҳолларига йўл қўйдилар. Бу ҳол «Жалолиддин», «Муқанна», «Маҳмуд Торобий», «Улугбек» сингари асарларда кўзга ташлангани»⁸; Иброҳим Ғафуров «Албатта, бу драма маълум бир камчиликлардан ҳам холи эмасдир. Унда, айниқса, тарихий ходисаларни замонавий ёки тўғрироғи, «замоналаштириб» талқин этиш, Миртемир таъбири билан айтганда, айрим қахрамонларни «бугунги замон минбарига чиқариб қўйиш» ҳоллари йўқ эмасди. Шоир Миртемир «Жалолиддин» драмаси ҳақида ёзган мақоласида бир қатор жиддий мулоҳазалар билдиради ва драмадаги нуқсонларни тарихий жиҳатдан тўғри кўрсатиб ўтади»⁹ деб ёзиб қўйишни лозим топишади.

Устозларнинг Жалолиддин образига онд қўл фикрларига кўшилмаслигимизни, унга ўзимизнинг муносабатимизни шу вақтга қадар айтиб ўтгандик. Шунинг учун фақат уларнинг баъзи бир фикрларигагина изоҳ беришни зарур деб билдик. Озод Шарафиддинов назарда тутаётган «жамоатчилик» қачондан бошлаб ва қандай танқидга киришганини, жамоатчиликнинг эзгу ниятили кишилар «Жалолиддин»га қандай баҳо беришганини, улар ўртасидаги фарқи юқорида кўрдик. Турсун Собировнинг Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Ойбек каби тарих ва адабиётнинг билимдонларидан топган камчилиги кишини ниҳоятда ажаблантиради. Ўйламай айтилган мана шундай сўзлар бизга қанчалик қимматга тушганини эслаб, беихтиёр юрагингиз орқага тортиб кетади. Иброҳим Ғафуровнинг фикрлари эса Миртемирнинг махсус муҳокамада қилган маърузаси билан уйкаш. И. Ғафуров «мақола» деб худди ўша маърузани назарда тутаётганлиги шубҳасиз.

Мана, «Жалолиддин» тўғрисидаги фикрларнинг деярли барчасига тўхталиб ўтдик. Баъзи ўринларни ҳисобга олманганда уларнинг бирортаси билан ҳам «чиқишолмаганимиз» аён бўлди. Улар бизни қаноатлантирмади ёки кескин эътироз туғдирди, ёки бутунлай ҳафсаламизни пир қилди.

Хўш, унда «Жалолиддин» камчиликлардан холи, идеал даражадаги санъат асарими? Бундай дейиш ўз ўрини топган яхши бир одамни буюклаштириб қўйиш билан баравар бўларди. Драманин бадий томонига бизнинг бир қанча эътирозларимиз борки, улар ҳақида бир оғиз бўлсин на фикр эшитдик, на ўқидик. Шундай қилиб, асарнинг ўзига мурожаат қилайлик-чи, у бизга нималарни ошқор қиларкин!

У тўй сахнаси билан бошланади. Қизлар ялла айтишади:

*Васли аро лаҳза ҳузур кўргали,
Хатти жамолига хирож бергали,
Ҳоки қадам жойига кўз сургали
Бир қарамоқ ишча гуноҳми ҳали?
Аҳли жаҳон бўлди забун, яли-яли!
Ишқи яна бўлди фузун, яли-яли!*

Бироз эркалик, араз ҳам меҳрга йўғрилган бу ялла сизни янги оламга олиб қиради. Бу оламнинг завқли, кўтаринки руҳига беихтиёр мафтун бўласиз. Аммо ҳеч қанча вақт ўтмайди. Миянғизда чакмоқ қаннагандай бўлади:

¹ Б. Имомов. Трагедия ва характер, Т., 1977., 77-бет.

² Шу китоб, 80-бет.

³ Шу китоб, 74-бет.

⁴ Шу китоб, 76-бет.

⁵ Мухсин Зокиров. Мақсуд Шайхзода. Т., 1969., 130-бет.

⁶ Озод Шарафиддинов. Биринчи мўъжиза. Т., 1979., 329-бет.

⁷ Салоҳиддин Мамажонов. Улуғ Ватан уруши даврида ўзбек адабиёти. Т. 1975., 161-бет.

⁸ Турсун Собиров. Давр ва драма. Т., 1975., 142-бет.

⁹ Иброҳим Ғафуров. Жоиза. Т., 1970., 123-бет.

*Улуғ Хоқон Чингизхон
Юбормишидир бир фармон,
Хоқон биру жаҳон бир,
Хоқонимиз жаҳонгир,
Таслим бўлиб ҳоқонга,
Бож тўланг Чингизхонга!
Бўлмаса жангу жадал
Бошланади шу маҳал.*

Хали ўзингизга келиб улгурмай бирин-кетин юз бераётган воқеалар сизни тўфонли оламга олиб кириб кетади. Ниҳоят, бутун ирода-қувватингиз сарф бўлиб, охириги нуктага етиб келасиз:

*Бошлиқдан қасос ол, аммо яширин,
Кўлга тушмагайсан, ҳаёт кўп ширин,
Яна бил: хун олай дегансан, тақсир,
Ханжарни ким берса, сенга барибир,
Кўп бордир ёвинеа ёв бўлган дилгир!*

Бундайин устамонликдан даҳшатга тушасиз. Нафратдан ўзингизни йўқотиш даражасига борасиз. Аммо мўъжиза юз беради:

*Хоразм эли дилнавоз,
Кўлларида ўрдак-ғоз,
Қизларидир кўп танноз,
Севай десанг, бирон ёз —
Урганчида бир туриб кет!*

Бутун томирларингиз бўшашиб, аввалги ҳолатга қайтасиз. Завқингиз келади. Бу самимий мисралар ёдингизга мухрланиб колганини ўзингиз сезмайсиз. Бироқ бу ҳолат ҳам вақтинчалик, ҳолос. Озгина мудат ўтгач, энди ўзига хос «фалсафа»га дуч келасиз:

*Муҳаббат, Муҳаббат! Аҳмоқона сўз!
Бошқа хотинларда йўқми қошу кўз?
Муҳаббат! Бу сўзни кимлар тўқиган?
Гўл шоир ёзгану тентак ўқиган,
Сен агар шоҳ бўлсанг юзлаб гулизор
Ётоғинг бошида ялонғоч, тайёр.*

Ва дарди дунёнингиз қоронғи бўлиб кетади. Ушбу сўзлардан вужудингизга титроқ киради. Лекин, барибир, шу ҳолатда қолиб кетмайсиз...

Воқеаларнинг шу тахлит жойлаштирилиши, яъни ўқувчини, томошабинни «нина устига ўтказиб кўйиш», ҳар бири ўзича ҳам поэзиянинг ажойиб намунаси бўлиши мумкин бўлган ялла; хор кўшиқлари, айниқса, ижобий қаҳрамонларнинг монологлари, умуман, сўз зарғари — ижодий етукликка эришган истеъдодли шоирнинг кўли билан ёзилганлиги драманинг адабиётимиз тарихида мустаҳкам ўрин олишини, умрбоқийлигини таъминлаган.

«Жалолиддин» бадний жихатдан бундан ҳам мукаммал бўлиши мумкин эдим? Бунга қомил ишонч билан ижобий жавоб бериш мумкин. Хўш, унда шундай бўлишига нималар монелик қилган? Аввало, қаҳрамонларнинг феъл-атвори, воқеалар ривожига бошланок ўқувчига аён бўлиб қолиши драмани яхлит асар сифатида ўқишга ҳалакат беради.

Маълумки, Султонбегим образини Бадриддинсиз тасаввур

килиб бўлмайди. Бадриддин эса биринчи сўзлари биланок кимлигини ошкор қилиб кўяди:

*Хаёдингиз ишқиде гўё девона,
Қалбим ичра тутдингиз шундай бир хона.
Унутдим мен ўзимни, элни, мансабни,
Виждонимни, диёрни, дини мазҳабни.*

Буни севгидан телба бўлиш ҳам, айёрлик ҳам деб бўлмайди. Султонбегим эса бу сўзлардан бироз хайратга тушади, ҳолос.

*Севги қилди шунчалик паришонхотир!
Ундай бўлса бўлайин мен ҳам хавотир,
Тагин севгим туфайли унутманг мени!*

У кейинчалик ҳам Бадриддиннинг ҳаракатларига жиддий эътибор бермайди, натижада ўқувчининг улар тақдирига қизиқиши сўзсиз. Бадриддин воқеалар ривожига «ўт» қалаган образлардан бири бўлгани учун ҳам бошқалардан фаркли ўларок ўрни келгунича ўқувчига асл кифасини ошкор қилиб кўймаслиги керак эди. Шунда воқеаларни боғлаб турган ип янада таранг тортилди.

Драмада воқеалар яхлит конфликт атрофига бирлаштирилмаган. Асарнинг бошида Хоразмшоҳ ва Жалолиддин ўртасида конфликт бошланади ва амалда иккинчи парданинг сўнгида ўз ечимини топади. Шундан кейингина Жалолиддиннинг бутун фикри-зикри Чингизхонга қаратилади. Натижада Жалолиддин — Хоразмшоҳ, Жалолиддин — Чингизхон конфликтлари ўзаро уйғунлашмай қолади.

Хўжанд сахнаси эса бош қаҳрамон фаолияти билан етарли боғланмайди, биринчи планга Темури Малик образи чиқиб қолган. Умуман, Жалолиддин ўқувчи, томошабин қутган даражада «идеаллаштирилмайди». Унинг мўғулларга қарши курашганлиги драманинг руҳидан, ўзининг сўзларидан аён бўлиб турса-да, ҳаракатда жуда кам кўринади, воқеаларнинг ниҳоятда кўплиги, тигизлиги натижасида уларнинг орасида ажралиб турмайди ҳам.

Бизнингча, бу камчиликларни кўпроқ муаллифнинг драма жанридаги тажрибасизлиги билан изоҳлаш керак. Тўғри, у биринчи драматик асарини ўсмирлигидаёқ ёзган бўлса-да, энди жиддий равишда бу жанрда ўзини синаб кўрган эди. Юкоридаги камчиликлардан қатъий назар, Мақсуд Шайхзода бу кийин имтиҳондан жуда яхши ўтди, драматургия соҳасидаги келгуси ижодига мустаҳкам замин тайёрлади. Хали тилсини очилмаган хазина — «Мирзо Улғбек» трагедияси бутун салобати билан шайхона драматургиянинг ажойиб намунаси, ўзбек драматургиясининг гултожи бўлиб буни исботлаб турибди...

Сўзимиз сўнгида Мақсуд Шайхзода шахсига тааллуқли муҳим бир гапни айтиб ўтиш жоиз. Эҳтимол, Мақсуд Шайхзодаданнинг ўрнида бошқа бир ижодкор бўлса, «Мирзо Улғбек» ёзилмасмиди! Ахир, ўтмишимизнинг мураккаб бир даврини ўшандай қалтис даврда ҳаққоний ёритиб, бунинг учун оғир савдоларни бошдан кечирган қайси ижодкор яна шундай мавзуга кўл урарди дейсиз! Шайхзода эса шундай қилишга журъат этди. Чунки у ҳақиқатга, ўзининг ҳақлигига ишонарди. Ҳатто камокхонанинг азоб-укубатлари ҳам унинг иродасини буқолмади, сўзларини бўғолмади: «...мен биламанки, аниқ биламанки, Жалолиддин химоя қилса арзигулик, ҳатто кўтарса арзигулик шахс. У шахзода, аммо қаҳрамон шахзода, халқпарвар, ватанпарвар шахзода! Шундай пародокс бўлиши мумкинми, менимча, мумкин! Бу масалага қайтамиз хали, тарихни титиб кўрамиз. Агар мабодо ўртоқлар ҳақ бўлсалар, мен рўй-рост тан бераман. Уйлайманки, мен ҳақман!»

Туркистонга саёҳат

Муаллиф бош сўзи

Камина 1843 йилда Мажористонда, Дўноининг йирик оролларида бири Дунадаги Шердехели қўрғончасида туғилганман. Тилшуносликка бўлган иштиёқим мени ёшлигимданок Оврупо ва Осие тилларини ўрганишга ундади. Шарқ ва Фарб адабиётлари тарихини ўрганишга алоҳида эътибор бердим, тилларнинг ўзаро муносабатлари масаласи билан қизиқа бошладим.

Можор тили қадим замонларда Олтой қабиласи-

Табриздан Техронга келиб етганимдан нечоғли суюнганими ниюл ўрталарида Эронга саёҳат қилганларгина тушунишлари мумкин. Табриз — Техрон оралиғи 13 ёки 15 карвон работидан иборат. Бироқ эгарланган хачирга миниб, қарийб бутун Эронни қоплаган жазганак сахро бўйлаб жазирама работдан работга судралиб юриш ғоят машаққатли иш. Эронни Саъдий, Ҳоқоний, Ҳофиз ғазаллари бўйича ўрганган, Ҳётенинг «Мағрибу машриқ девони» ёки Виктор Ҳугонинг «Шарқшунос»и, Томас Морнинг ажойиб манзаралари орқали Шарқ ҳақида ғаройиб таассуротга эга бўлган кишилар қаттиқ афсусланишлари муқаррар.

Табриздан икки работча йироқлашганимиздан сўнг тажрибали сарбон саёҳатни кечалари давом эттириш керак, деган фикрни айтиди. Бироқ кечаси юришнинг ҳам ўзига хос нуқулайлиги бор экан. Тунда уйкуга мойиллик кучли. Карвоннинг бир маромда кўчишидан кишини беихтиёр уйку элитади. Шу сабабли йўлчилар тошга кулаб тушиб, пешонани қашқа қилмаслик учун эгарда ўрнашиб олишгач, камарларини эгарнинг қошига ип билан маҳкам боғлаб оладилар. Сафарларда кўзи пишган шарқликлар от, туя ва хачир эгаридеа ёхуд эшак тўқими устида хотиржам ухлаб кетаверардилар. Новача, узун чопон кийган қотма форсларнинг бошларини от ёки хачир бўйнига қўйиб, оёқларини ерга тегадиган даражада осилтириб хотиржам ухлаб кетаётганларини бир неча бор кўрганман. Муҳтожлик тадбиркорликини туғдиради, деганларидек, мен мусофирликни эндигина бўйнига олаётган, ҳали етарлича сафар малакасига эга бўлмаган сайёҳ эдим. Ҳамроҳларим эгарда мудроқ уйкуда тебраниб кетиб бораётган бир пайтда мен Карвонкуш ёки Етти оғайни юлдузлар туркумини диққат билан кўздан кечирардим.

Тонг отарда янги работга яқинлашганимиз ва йўл машаққатининг адоғидан даракчи Суюгей (Каноп) ва Ситоран Субҳи (Зухра юлдузи) чиқадиغان осмонга оғир дард билан кўз тикардим. 1862 йил июлда Эрон пойтахтига яқинлашарканмиз, мен ўзимни тўлқин қирғоққа улоқтирган чалагон балиқдай ҳис этардим. Биз от-уловларни, табиийки, сувлатиш учун пойтахтдан икки мил беридеаги анҳор бўйида тўхтатдик. Карвон кўним топиши билан мудроқ қовоқларини сидириб, уйкудан уйғонган шерикларим кўз олдимизда жилваланиб ётган тароватли Техронга ишора қилдилар. Шаҳар тарафда паға-паға бўлиб осмонга ўрлаётган кўкиш ҳовурни кузатдим. Элас-элас масжидларнинг рангдор куббалари кўзга чалинардик.

Нақшинкор дарвозадан шаҳарга дохил бўлдик. Дуч келган тўсиқлардан ўзимга не-не машаққатлар билан йўл очиб борганим узоқ вақт ёдимдан чиқмаса керак. Эрон ва Оврупо моллари ўрама юкланган, сомон ортилган эшаклар, туялар, хачирлар дарвоза олдида бир-бирини қисиб, туртиб-суртишар, ёқимсиз тўс-тўполон кўпган эди. Оёғимни эгар устига йиғиб олиб ёнимдагилар сингари: «Ҳо, пўшт!», «Эҳтиёт бўлинглар!», дея бор овозда бақириб-чақириб, ниҳоят, шаҳарга кириб бор-

нинг таркибига кирган қавмининг тили экани азалдан маълум. Бироқ, кейинчалик можор тили фин тиллари гуруҳидами ёки тотор тиллари гуруҳига мансубми, деган баҳсли масаланинг ҳал этилишини кутардим. Биз, можорлар учун илмий жиҳатдан ҳамда миллий нуқтан назардан ниҳоятда аҳамиятли бўлган ушбу масала тадқиқотиға ҳисса қўшиш Шарқда саёҳатимнинг бош мақсадидир.

дм. Қисилиш ва ур-сурлардан ҳеч бир жиддий зиён кўрмаган ҳолда бозордан ўтиб, турк элчихонасига етиб келдим. Мажористон академияси томонидан илмий мақсад билан Урта Осиега жўнатилган можор фуқаросининг турк элчихонасида нима иши бўлиши мумкин?

Эрон саройида бандаргоҳ ишлари вакили бўлган Ҳайдар Афанди билан Истамбулдаёқ танишган эдим. Бу зот илгари Петербург ва Паритда ҳам элчи бўлиб турганди. Қўлимда унинг энг яқин дўстлари йўллаган мактублар бор эди. Туркларнинг самимий меҳмондўстлигини билганим туфайли элчихонада мени яхши кутиб олишларига ишонардим, шунинг учун мен турк элчихонасини бундан кейин ҳам ўзимга ишончли бошлана бўлади, деб чамалаган эдим. Элчихона мутасаддилари — обрўли жаноблар ёз маҳали Техрондан ўн икки тош узоқликдаги Жазарада истикомат қилардилар. Сафардаги уйқусизлик хуморини ёзиш учун кийимларимни алмаштириб, бир неча соат дам олгач, шаҳардан ташқарига сафар учун ёлланган эшакка миниб, икки соатдан кейин афанди ҳузурига етиб келдим. У кўркам шоҳи чодирда эндигина тушлик дастурхонига ўтиришга ҳозирланаётган экан. дастурхон ниҳоятда нафис ва ёқимли безатилган эди.

Элчи ҳамда унинг котиблари мени очик чеҳра билан кутиб олдилар. Дарров маҳсул жой тайёрлаб, дастурхонга таклиф этдилар. Бир неча дақиқадан сўнг Истамбул шаҳри, унинг ажойиб манзаралари, Султон ва унинг идора усуллари ҳақида гуруннга киришиб кетдик. Техронда туриб Босфорни хотирлаш нақадр ёқимли! Гурунгимиз, табиийки, Эрон ва Туркия турмуш тарзидан тез-тез муқоясалар келтириш билан давом этарди.

Илк таассуротлардан тез ҳаяжонланувчи киши учун Эрон шоирона эҳтирослар манбаидир. Аслида бу ўлка даҳшатангиз саҳролардан иборат. Ваҳоланки, Туркия — ер юзидаги ҳақиқий жаннат. Форсларнинг хушмуомалалиги, топқирлиги ва ҳозиржавоблигиға тан бериш керак. Усмонли туркларда эса, бу сифатлар у қадар етарли эмас. Бироқ усмонли турклар туғма ҳалоллиги, олижаноб ва тўғрисиўзлиги билан форслардан фарқ қиладилар. Форслар ўз маданиятининг қадимийлиги, форс тилининг мукаммаллиги билан мақтана олишлари мумкин. Усмонли туркларнинг Оврупо тилларига эътибори кучли, қадимий дунё олимларининг кимё, физика ва тарих соҳасидаги тадқиқот самараларини ўзлаштиришлари жиҳатдан форслардан устун турадилар.

Турк элчихонасидаги дўстларимнинг ҳиммати туфайли мен ўзим танлаган дарбадар дарвишлигимга ботмайдиган бир аҳволда эдим. Элчихонада менга яратилган маиший қулайликлар таъбимни хира қила бошлади. Техронда ўн икки кун дам олгандан кейин Машҳад ва Ҳиротға бормоқчи бўлдим. Бироқ мен анчадан бери хавотирланиб юрган тўсиқлар келиб чиқди. Дўстмуҳаммадхоннинг Ҳиротнинг собиқ ҳоқими, ўз қасамёдиға хиёнат қилиб, Эрон шоҳи паноҳига қочиб ўтган кўеви

Султон Аҳмадхонга қарши уруш очганлиги ҳақида Истамбулдан жўнаш арфасида матбуотда тарқалган хабардан билиб олган эдим. Оврупо газетлари анча бўрттириб кўрсатаётган бўлса керак, деб ўйлаб, мен бу воқеанинг асл моҳиятига унчалик аҳамият бермадим. Донули хабарлар рост бўлмаса керак, деган ўйда йўлга чиқдим. Жанг майдонидан ўттиз икки кунлик масофа берида бу воқеа менга тўла аён бўлди: уруш бу ўлкада барча инсоний муносабатларни барбод этиб, қамал ҳолати вужудга келган эди. Карвон ҳамда ёлғиз саёхатчиларнинг Ҳиротга кириши ҳам, чиқиши ҳам мумкин эмасди. Форслар ўз жони ва молини хавф-хатарда қолдиришни истамайдиган бир вақтда бу йўл овруполиклар учун янада хавфлироқ эди. Осиёнинг мазкур ёввойи мамлакатларида бегона юрт, хорижий қиёфадаги киши шарқликларда, ҳатто тинчлик даврида ҳам шубҳа уйғотиш, уруш вақтида эса, жиддий хавф-хатарга дуч келиши мумкин эди. Сафарини шу йўлда давом эттириш ўзимни дабдурустдан афгон ханжарига тутиб бериш билан баравар эди. Узимнинг айна ҳолатимни инкишоф этиб, бундай вазиятда, айниқса, шу дақиқаларда саёхатни давом эттириш мумкин эмаслигига амин бўлдим. Қиш маҳалида Урта Осиё саҳросида қолиб кетмаслик учун саёхатни келгуси кўкламга — кенгу мўл қуруқчилик фарвозиси бўлган Ҳирот йўлини тўсган сиёсий муносабатлар балки бу вақтга келиб, бартараф этилиши ҳам мумкин эди. Сентябрь бошларига қадар шундай фикрда эдим. Кейинги вақтда бир неча саёхатномаларда чиройли тасвирланган, мен учун иккинчи даражали аҳамиятга молик мамлакат бўлган Эронда беш-олти ой туриб қолиш оғир ва зерикарли эди. Нима қилишим керак? Меҳмоннавоз турк дўстларим билан хайрлашиб, дарвеш либосида Исфаҳон орқали Шерозга йўл олдим. Мақсад Эронни ўрганиш эмас, балки келажақда дарвешлик қиёфам — ташқи кўринишимга хатарли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган фаровон турмушдан ўзимни четга олиш эди. Хуллас, Эроннинг машҳур қадимий ёдгорликларини зиёрат қилиш шарафига муяссар бўлдим.

...1863 йил январ ўрталарида турк элчихонасидаги бағрикенг дўстлар даврасида эдим. Саёхат борасидаги иккиланишларни енгиб, ҳар қандай имкониятнинг этагига ёпишиб бўлсада, жўнаш керак, деган қарорга келдим ва тезлик билан сафар тарадудини кўра бошладим. Турк элчихонасида Эрон орқали Туркия салтанатига ўтаётган кўплаб ҳожиларга бир оз сафар ҳаражати бериш одати қадимдан барқарор эди. Шиа мусулмонлари — форслар бир мири ҳам ҳада қилмайдиган ночор сунний дарвишлар — мусофирлар турк элчихонасига оқиб келар эдилар. Бу жулдур кийимли жайдар тоторлар билан ҳўжрамда учрашишдан жуда хурсанд эдим. Улар ўз юртлири ҳақида фойдала маълумотларни ҳеч бир қизганмас ва бу маълумотлар менинг тилшуносликка онд ишларим учун муҳим аҳамиятга эга эди. Асл ниятимдан беҳабар бу кишилар менинг хуш муомаладан ажабланиб эдилар. Мусофирлар тушган қарвонсаройларда Султон элчиси Ҳайдар Афанди гоят олийжаноб инсон, Рашид Афанди эса (мен ўзимни уларга шу номда таништирган эдим), ҳожилар билан шу қадар оғанилардек муомала қилардики, унинг ўзи ҳам «кийимини ўзгартирган дарвиш бўлса керак», деган гап тарқалди. Кўпчиликка маълум бўлган бу гап-сўзлардан кейин Техронга келган дарвишлар аввал менинг ҳузуримга ташриф буюриб, кейин элчи билан учрашувга борар эдилар.

20 март кунини тўрт нафар ҳожи ҳузуримга келиб, ўзларини Султон элчиларига таништиришимни илтимос қилдилар. Улар Маккадан қайтаётганларида Ҳамадонда сунний шаҳодатномаларини олиб қўйган форслар устидан элчига шикоят қилмоқчи экан. Турк султони томонидан аллақачон ман этилган ушбу ярамас одатни Эрон шоҳи ҳам расман қоралаган эди. Соддадил тоторлар бутун дунё халифамиз Султонга тобеъ деб ўйласалар керак-да?

«Биз элчи жаноби олийларидан пул сўрамаймиз,— дейишди улар,— бор-йўғи сунний қардонларимизнинг муқаддас жойларини бундан кейин ҳам эркин зиёрат қилишларини истаймиз». Шарқ кишиларининг бундай беғарас холис ниятидан гоят ҳайратландим. Меҳмонларимнинг дағал қиёфаларига зимдан разм солдим. Ташқи кўриниши, жулдур кийим-бошига қараганда батамом ёввойи кўринган бу кишилар дилидаги ҳалоллик, очик кўнгиллиликни ҳис этгач, уларга меҳр ва ихлос билан қарай бошладим. Узоқ суҳбатлашдик. Манка йўли,

ҳамроҳлари, Техрондан қайси йўл билан жўнамоқчи эканликларини ҳақида муфассал сўраб-суриштирдим. Хитой Тотористони (Кичик Бухоро деб ҳам аталади)дан келган, жулдур кийими устидан янги яшил жубба-ятак кийган, бошига катта салла ўраган, бургут қарашлари билан ҳамроҳларидан устунлиги сезилиб турган ҳожи билан узоқ сўзлашдик. Ҳожи Оқсув (Хитой Тотористони)дан бўлиб, Хитой губернатори Ванг саройида имом эканини, муқаддас жойларга икки марта сафар қилганини, шунинг учун икки қарра ҳожи деб улуғланганини алоҳида қайт этгач, ёнида ўтирган дўстини ҳам таништирди. «Даргоҳингизда ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси ҳожининг йигирма тўрт кишидан иборат кичик қарвонининг бошиқларидир,— деди у,— Бизнинг жамоада ёшу қари, бой ва камбағал, нуфузли кишилар, олим ва қишлоқ қавми ҳам бор. Ҳаммамиз кўқонлик ва қашқарлик бўлиб, орамизда бухоролик қитмир зотлардан бўлмагани учун ҳам жуда камтарона, хотиржам кун кечириб келмоқдамиз». Урта осиелик ўзбек (тотор)ларнинг қадимий эронийлардан бўлган тожикларга нисбатан душманлик муносабатлари аввалда маълум. Шу сабабли мен уларнинг сўзларига ҳеч бир эътироз билдирмасдан тингладим. Уларнинг бундан кейинги сафар режалари ҳақида сўраб-суриштириш билан кифояландим, холос. «Техрондан ўз юртимизга бориш учун,— деди тоторлар,— олдимида тўрт йўл бор. Биринчиси Ҳожи Тархон-Уренбург — Бухоро орқали ўтадиган йўл. Иккинчиси Машҳад — Ҳирот — Бухоро йўли, учинчиси Машҳад — Марв — Бухоро карвон йўли, тўртинчиси туркман саҳроси, Хива ва Бухоро орқали ўтадиган йўл. Дастлабки икки йўл бирмунча ҳаражат талаб қилади ва бу йўлда Ҳирот уруши тўсиқ вужудга келтириши муқаррар. Кейинги икки йўл ўта хатарли бўлишига қарамай, биз улардан бирини танлашимиз керак. Биз шу хусусда сизнинг маслаҳатингизга мунтазирмиз».

Сўхбатимиз қовушди. Мен уларнинг очикқўнгилликларини жуда ёқтириб қолдим. Бегона юрт одамларига хос нотаниш одат ва хатти-ҳаракатлари, узоқ ва машаққатли сафар излари яққол сезилиб турган девонасифат кийим-кечакларига қарамай, менда шундай фикр пайдо бўлди: Урта Осиёга ушбу зиёратчилар билан биргаликда жўнасам қандай бўларкин? Булар маҳаллий кишилар сифатида ишончли маслаҳатгўй бўладилар. Бундан ташқари, улар мени турк элчихонасида Рашид Дарвиш сифатида кўриб, ишонч ҳосил қилдилар. Шунингдек, булар Бухоро билан ҳам жуда яхши таниш кишилардир! Мендан олдин Бухорога келган саёхатчиларнинг аянчли қисмати камминага яхши маълум бўлгани учун Бухоро Туркистондаги энг хатарли шаҳар бўлиб туюларди. Мен узоқ ўйлаб ўтирмай ҳожининг қарвони билан жўнашга қарор қилдим. Саёхатга чиқишимнинг сабабларини сўраб-суриштиришларини ҳам билардим. Ундан кузатилган илмий мақсадни шарқ кишисига тушунтириш амримаҳол эканини ҳам билардим. Шундай маҳҳум ният билан ўзини шунчалик хавф-хатарли машаққатларга дучор қилган афандининг бу ишини албатта мусулмонлар кулгили ҳисоблар, ҳатто шубҳаланган ҳам бўлар эдилар. Шарқ халқларининг кўпчилиги илмга чанқоқликни тушунмайди ва шундай ақида мавжудлигига унчалик ишонмайди. Мутаассиб мусулмонларнинг фикрини ўзгартиришга уриниш нодонлик бўлар эди. Вазият ҳийла-найранг ва ёлғонни қўллашни тақозо этар эди. Ваҳоланки, бошқача вазиятда бундай номўқулчиликдан ўзимни тийган бўлар эдим. Мен қўллаган ёлғон, биринчидан, ҳамроҳларимга хушомадгўйлик қилишдан иборат бўлса, иккинчидан, шерикларимнинг саёхатдан қўзлаган мақсадимга ёрдам беришларига таъма эди. Мен Туркистонга ташриф буюриб, қадим исломий фазилат ва саховатлар ёрқин намоён бўлаётган юртларни ўз кўзим билан кўриш, шунингдек, Хива, Бухоро, Самарқанддаги муқаддас жойларни зиёрат қилишни хуфё иштиёқ билан кўпдан бери орзиқиб кутардим. «Ана шу мақсадда,— деб уларни ишонтиришга ҳаракат қилдим мен,— Рум (Туркия)ни вақтинча тарк этиб йўлга чиқдим. Техронда бир йил ўтди. Ниҳоят, мени сизлардай (тоторларга ишора қилиб) ҳамроҳларга дуч келтиргани учун Тангрига шукрона айтиб, сизлар билан биргаликда сафарни давом эттиришни хоҳладим.» Тоторлар шаҳодатимдан дастлаб астойдил ҳайратландилар. Сўнг ҳаяжондан тушиб, «Сизни дарвиш деган тахминимиз рости бўлиб чиқди, сиз чиндан ҳам дарвишсиз!» деб айтишди. «Бу қадар узоқ ва хатарли саёхатда бизни ўзингизга дўстона ҳамроҳ деб билганингиз бизни беҳад қувонтира-

ди», дейишди. «Биз сизнинг дўстингизгина эмас, шу билан бирга хизматкорингиз бўлишга тайёрмиз,— деди Ҳожи Билол (юқорида мен билан сўзлашган кишининг номи шундай эди). Бироқ Туркистон йўли Эрон ва Туркияга нисбатан анча нуқуллай ва хатарли эканига эътиборингизни жалб этмоқчимиз. Бу йўллардан юрган сайёҳ баъзан бир томчи сувга зор бўлиб, ҳафталаб бошпанасиз оч-наҳор кезади. У бемаҳал ўлим, асирга тушиш, қулликка маҳкум бўлиш, бўронга дуч келиб, тириклайин қум барханларига кўмилиб қолиш каби хавф-хатарларга дуч келиши тайин. Бу ҳақда яхшилаб ўйлаб кўринг афандим. Оқибатда саёҳатга чиққанингизга пушаймон қилиб, бошингизга тушган балоларга биз беихтиёр сабабчи бўлиб қолишимиз мумкин. Юртдошларимиз меҳмондўст бўлишлари билан бирга, дунёвий билим ва тажрибада румликларга нисбатан анча қолақ бўлиб, ўзга юртдан келганларга ҳаммаша шубҳа билан қарайдилар. Энг муҳими яна шундаки, бу узоқ саёҳатдан бир ўзингиз қандай қайтиб келасиз?»

Бу сўзлар менга нақадар қаттиқ таъсир этганини тасаввур этиш қийин эмас. Бироқ мен ўз аҳдимда қатъий эдим. Мен ҳар қандай ҳузур-ҳаловатни, айниқса, румиёна маиший қулайликларни ақтирмайман ва улардан воз кечишимга тўғри келади, деб уларни хотиржам этмоққа ҳаракат қилдим.

«Менга аёнки, бу дунё ҳар биримиз бир неча кун қўниб ўтадиган бамисоли меҳмонхонадир. Ҳар бир кўноқ ўз ўрнини бошқаларга бўшатиб бериб жўнаб қолиши керак. Ҳозирги мусулмонларнинг дунёвий ҳаётини бир неча дақиқа эмас, балки ўнлаб йиллардан иборат, деб фараз қилишлари менга қулғили туолади. Азиз биродарлар, мен сизларга ҳамроҳ бўлай, мени аллақачон бездирган бу бевафо гуноҳкор пойтахтдан тезроқ кетишни истайман».

Менинг қатъий қарорим ҳамма нарсадан устун келди. Улар эътироз билдиришдан ожиз эдилар. Ҳожиларнинг қарвонбошилари мени зудлик билан ўзларига ҳамроҳ этиб қабул қилдилар. Бир-биримизни кучиб ўпишдик.

Саёҳатга танлаган режаларимга эътирозлар жиддийроқ бўлади, деб ўйлаб, ўзимни мендан аввал дадил сафарга чиққан кўп кишилар қайтиб келмаган маконларни нима қилиб бўлса-да, зиёрат айлашга аҳд қилган мутаассиб қилиб кўрсатишга пухта тайёргарлик кўриб қўйган эдим. Сафар машаққатлари ҳақидаги сўзлар чўчитолмагач, улар йўлбошловчиликка ёлланган кишиларнинг ўзлари арзиманган пул билан сени ўлдириб қўйишлари мумкин, деб айтдилар. Жуда ваҳимали воқеаларни сўзлаб бердилар. Ҳеч нарса аҳдимдан қайтариши мумкин эмаслигига ишонч ҳосил қилгач, менга ҳар хил маслаҳатлар бериб, ишимга қандай ёрдам кўрсатиш ҳақида жиддийроқ муҳокама юрита бошладилар. Ҳайдар Афанди ҳожиларни қабул этиб, уларга менинг режаларимни ўзим тайинлагандай тушунтириб, менга ҳайрхоҳлик билан ёрдам кўрсатишларини сўради. Султон хизматкори афандига кўрсатилган ҳар қандай ёрдам шубҳасиз тақдирланади, деб айтди. Мен қабулда иштирок этмадим. Билишимча, қарвонбошиллар элчига берган барча ваъдаларини шараф билан бажо келтириш ҳақида сўз берганлар.

Ҳақиқий дўстларим ваъдаларини қандай бажарганликларини, турк элчисининг ҳомийлиги мени бир неча бор ўлимдан асраб қолганлигини китобхонлар ўз кўзлари билан кўрадилар ҳали. Ҳайдар Афанди Бухоро ҳақида сўз кетганда амирнинг хурофийлигини қоралади. Шундан кейин элчи барча муҳтож саёҳатчиларнинг рўйхатини талаб қилди. Уларга ўн беш дукатдан пул улашилди. Қуруқ нон-сув билан сафар қаритаётган ҳожилар учун бу пул чинакам ҳадея эди.

Саёҳатимиз бир ҳафтадан кейин бошланиши лозим эди. Бу орада Ҳожи Билол оқсувлик, ёрқентлик, қашқарлик юртдошлари билан таништирди. Бу кишилар мутаассиб зиёратчилардан кўра кўпроқ ваҳимали, ғаройиб саргузашт ишқибозларига ўхшар эдилар. Улар ўзларининг асрандиси йигирма беш ёшлардаги, ҳаммага таникли Абдулла Қодирга алоҳида илтифот кўрсатар эдилар. Ҳожи Билол Абдулла Қодирни менга таништириб: «Бу жуда ёқимтой йигит, бир оз бесўнақайроқ, аммо у сиздан кўп нарса ўрганади. Йўлда хизмат буюраверасиз. Сизга нон ёпиб, чой қайнатиб беради. У бундай ишларга устаси фаранг», деди. Ҳожи Билол Абдулланнинг менга нон ёпиб беришини эмас, балки нон ёйишда менга кўмаклашишни кўзда тутган эди. Қарвонда яна бир шундай асранди йигит бўлиб, пиёда юриш оқибатида икковларининг иштаҳаси шу қадар қарнай бўп кетардики, улар дўстим Ҳожи

Билоннинг гарданига оғир юк бўлиб тушган эди. Шартга рози бўлганимдан улар хурсанд бўлишди. Ҳожи Билоннинг ҳузуримга тез-тез ташриф буюриши, очиғини айтганда, бироз шубҳалироқ туюлди менга. Ҳожи Билол менинг саёҳатга жўнаш фикрдан айниб қолмаслигим учун шу қадар куйиниб ҳаракат қилдики, пировардида у мени ўзига «қимматли ўлжа», деб ҳисобламадимикин деган шубҳага бордим. Йўқ, асло, мен у ҳақда бирор ёмон фикр ўйлашга ҳаққим йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас! Мен Ҳожи Билонга тўла ишонганимни билдириш учун сафар харажатлари учун олган озроқ пулимни унга кўрсатдим. Ҳатти-ҳаракатда ҳамроҳларимга кўпроқ ўхшашим ва ўзгаларда шубҳа уйхотмаслик учун ўзимни қандай тутишим лозимлигини сўрадим. Ҳожи Билол ўзига бўлган ишончимдан ғоят таъсирланиб, менга турли ажойиб маслаҳатлар берди ва насихатлар сўқди.

«Биринчи галда бошни устара билан қирдириб, турк-оврупоча кийимни бухороча кийим-бош билан алмаштириш керак. Сўнг кўрпа-ёстик, чойшаб ва бошқа шу каби қулайликлардан фойдаланмасдан яшашга кўникиш лозим». Ҳожи Билол маслаҳатларига тўла амал қилдим. Жуда ғариб жамғармам тезда, мўлжалдагидан уч кун бурун туғади. Хуллас, ҳамма узоқ дарбадарлик саёҳатига батамом тайёр эди.

Бир кун ҳамроҳларимни йўқлаб қарвонсаройга бордим. Улар иккита тор ҳужрани эгаллаган, биринда ўн тўрт, иккинчисида ўн ҳожи яшар эди. Ҳужралар шу қадар ғариб, ифлос эдики, исловатхонани эслатарди. Бу ноҳус таассурот хотирамда умрбод сақланиб қолди. Ҳамроҳларимнинг айримларида унча-мунча маблағ бўлиб, кўпчилигининг сафар таъғидан бошқа ҳеч вақоси йўқ эди.

Улар мени беҳад хурсандчилик билан кутиб олиб, кўк чой тутдилар. Бухори пиёлада узатилган гулобни истар-истамай сиқоришга мажбур бўлдим. Қайта пиёла узатганларида маъзур тутишларини юқундим. Шундан кейин мен янги ҳамроҳларим билан кучоқлашиб, ўпишиб кўришдим. Келганларнинг ҳар бири нон синдириб, оға-инилардек муборакбод этдилар. Сўнг даврага қўшилиб, сафар йўлини танлаш хусусида суҳабтлашдик. Аввал қайд этганимдек, икки йўлдан бирини танлашимиз керак эди. Туркменистоннинг сахро вилоятдан ўтадиган бу икки йўл ҳам бирдай хатарли; фақат у ёки бу йўл атрофларида кўчиб юрган қабилаларнинг хусусиятлари билангина фарқ қилиши мумкин эди. Машҳад — Марв — Бухоро орқали ўтадиган йўл энг қисқа бўлиб, бу йўлда туркманлар орасида ёввойи, бебош ҳисобланган, қўлга тушгач ҳеч кимга раҳм-шафқат қилмайдиган, ҳатто пайғамбарни ҳам талашдан қайтмайдиган така қабиласи кўчиб юрарди. Иккинчи йўлда меҳмондўст, ҳалол ёвмут қабиласи яшарди. Бироқ, бу йўлдан сахро бўйлаб ҳеч бир ичимлик сув бўлмаган қирқ работ масофа юришга тўғри келади. Бирмунча иккиланашлардан сўнг биз Евмут—Улуғ Сахро — Хива — Бухоро йўлини танладик. «Дустлар, одамлар қилмишига қарши боришдан кўра табиат қаҳрига қарши курашиш афзалроқдир. Худо йўлдамиз, Тангрининг ўзи бизни бало-қазодан асрайди», дея Ҳожи Билол бу эзгу ниятларнинг қарор топиши учун фотиҳа ўқиди. Ҳаммамиз қўлларимизни ёзиб туриб дуо туғаш билан кафтни юзга тортач, соқолимизни тутамлаб баланд овоз билан «Омин!» дедик.

1863 йил 28 март тонг маҳали келишилганга биноан қарвонсаройга етиб келдим. Эрон чегарасига қадар ҳаҷир ёки эшак ёллашга қурби етадиган ҳамроҳларим оёқ кийимларини кийишган, пиёдалар сафардаги оёқ кийими — чорикларини олиб, хурмойи ҳассани қўлга олиб, жўнашга сабрсизлик билан йўлланма кутиб, шай бўлиб турардилар. Қизиги шундаки, ҳамроҳларимнинг ҳозирги ҳолатига нисбатан Техронда кийиб юрган уст-бошлари чиндан ҳам сайил кийими эди. Оқдй кунларда улар сафар кийимларини алмаштириб бошқача кийинадилар. Бугун уларнинг ҳаммаси сафар жомакори — минг ямоқ жулдур чопон кийиб, белларини ип билан боғлаб олган эдилар. Кеча мен дарвишона кийиндим, деб ўйлаган эдим, бугун эса ҳамроҳларим орасида ҳашаматли либосдаги подшоҳдай кўринган эдим. Ниҳоят, Ҳожи Билол сафарга оқ йўл талаб, фотиҳага қўл очди. Ҳаммамиз қўлни юзга тортиб: «Омин!», дейишимиз билан пиёдалар дарвозадан ташқарига отилдилар. Улар шаҳдам қадамлар билан юриб бордилар. Техрондан шимолий-шарқда саккиз работ масофада жойлашган Сари томон йўл олдик. Жажуруд ва Феруз-

куҳдан ўтиб, ҳукмдорнинг кичик ов майдони ҳисобланган сўл томондаги Товшантепани орқада қолдириб, бир соатдан сўнг тоғ йўли бошланишига етиб келдик. Техрон шаҳри ҳам, шаҳар атрофидаги текисликлар ҳам кўздан йўқолди. Мен алланечук ҳаяжонда ўгирилиб ортага қарадим. Шарқликлар тили билан айтганда, кўёш найза бўйи нур сочиб Техрон шаҳринигина эмас, шу билан бирга Шоҳ Абдул Азим ёдгорлигининг зарҳал қуббаларини ҳам ёритмоқда эди. Шунн эътироф этишим керакки, бундан бир йил аввал нохуш таассурот қолдирган Техрон табиати эндиликда ҳайратланарли даражада жозибали туюларди.

Ҳамроҳларим чинакам мутаассиб зиёратчилар сифатида Қуръондан парчалар ўқиб, талқин-ваъз айта бошладилар. Менинг ваъзга қўшилмай турганимни Рум одамлари Туркистон халқи сингари қатъий диний руҳдаги кишилар эмас, деган маънода англаб, менга мурувват билан муносабатда бўлдилар. Шу билан бирга, улар бизнинг жамоада истиқомат қилиши оқибатида Тангрининг марҳамати билан унда ҳам муҳаққақ равншда илоҳий эътирос рўй беради, деб ўйлаган эдилар. Мен аста-секин юриб бориб, ваъз айтаётганларга қўшилдим.

Биз Элбрус тоғ тизмалари ёнбағри бўйлаб тобора юқорилаб юрдик. Кайфиятим қарахтлигини сезган ҳамроҳларим қандай қилиб бўлса-да далда бериш, руҳини кўтаришига уринар эдилар. Айниқса, Ҳожи Соли ҳаммадан кўра кўпроқ тасалли беришга ҳаракат қиларди. «Ҳаммамиз Сизни ўз оғинимиздай яхши кўрамыз. Олло таолонинг марҳамати билан шилар чегарасидан эсон-омон ўтиб, ўз суниний мусулмонларимиз — туркманлар мамлакатига озодликка чиқиб олсак, аҳволимиз ғоят яхшиланади», дер эди у. «Тасалли яхши нарса», деб ўйладим мен ва олдинда яёв кетаётган қашшоқ ҳожиларга етиб олиш учун отни қамчилладим. Туркистоннинг олис гўшаларидан Маккагача бориб, яна орқага қайтишда пиёда юриб келаётганлар фавақулда тетик ва ҳушчақчақ ҳожилар эдилар. Улар мижор куйларига жуда ўхшаш қувнок қўшиқлар айтар, сафарда содир бўлган кизиқ воқеаларни эслар эдилар. Узоқ қондош қабилаларимнинг мен учун англик бўлган фикр-ўйлари ифодаланган бу ҳикояларни ҳузур қилиб эшитардим. Хуллас, Техрондан жўнашим биланок, ўзимни Туркистон ҳаёти ичига тушиб қолгандай ҳис этдим.

Кун жуда иссиқ эди. Тонгга яқин тоғларда ҳаво қаттиқ совийди. Юпун уст-бошда совуқ қотиб, бироз иссиқ учун отдан тушиб юра бошладим. Отимни пиёдалардан бирига бердим. Эвазига у менга қўлидаги ҳассасини берди. Уларнинг она юрт ҳақидаги қизиқарли ҳикояларини эшитиб узоқ юрдим. Марғилон, Наманган ва Қўқон боғларини эслаб, соғинч туйғуларни тўлқинлаиб кетгач, улар биргаликда талқин айтиб, зикр туша бошладилар. Мен ҳам: «Е Оллоҳу! Е Оллоҳ!», дея зикрга қўшилдим.

Зиёратчиларнинг хатти-ҳаракати ва туйғуларига эш бўлиб аралашувимни ёш саёхатчилар кекса мутаассиб зиёратчиларга етказардилар. Кекса зиёратчилар: «Ҳожи Рашид ҳақиқий дарвиш, кўп фойда келтиради», деб мени ғоят мамнун қилар эдилар.

Кундузлари узоқ йўл юриб, тўртинчи куни анча баландликда жойлашган Ферузқўҳга етиб келдик. Юрган йўлимиз жуда хароб эди. Шаҳар тоғ этагида жойлашган экан. Бир вақтлар унинг атрофини ўраган эски девор эндиликда харобага айланибди. Шаҳарнинг аҳамияти шундаки, бу ерда Араб Ажами вилояти тугаб, Мозандарон вилояти бошланади. Эртаси куни тонгда тўғри шимолга қараб йўл олдик. Уч-тўрт соатдан кейин Хазар денгизи соҳилларига қадар чўзилган улкан Мозандарон дарасига етиб келдик. Карвонсаройдан чиқиб, тоққа бир-икки қадам қўйиб билан тап-тақир, гиёҳсиз воҳа бамисоли сеҳрлангандай бирдан гўзал ва бой ўлкага айланиб қолганини кўриш фақат саёхатчиларга муяссар бўладиган саодатдир. Атрофдаги қадимий ўрмон гўзалликлари ва улғувор ашилликни кўриб, бу жойлар Эрон эканини унутиш мумкин. Мозандарондан ўтаётганимизда шаҳар батамом кўклам либосига бурканган эди. Мафтункор табиат манзараси менинг ўйларимни чулғанган изтиробларни тарқатиб юборди. Узим жазм этган ишининг хавф-хатарлари ҳақида ўйламай қўйдим. Пойқадамим етиб, ўз кўзим билан кўрадиган жойлар, халқлар, уларнинг ҳулқ-атвори ва урф-одатлари ҳақидаги ширин хаёларноқ ошушига берилдим. Очигини айтганда, ҳозирги манзаранинг тамомила акси бўлган жойларни кўриш, кўз ил-

ғамас кенгликлардан иборат буюк саҳро ва текисликлардан ўтиш, неча кунлар ташналик изтиробларини кечришига ҳам тўғри келди. Мазкур табиат гўзалликлари тез орада ундан узоқлашувимиз туфайли кўзга янада жозибали кўринар эди. Мозандароннинг латиф манзараси ҳамроҳларимга ҳам таъсир этмасдан қолмади. Улар шундай жаннат шаҳар бидъатчи шиалар тасарруфида эканидан афсусланиб сўзлар эдилар. «Фалакнинг гардишини қаранг,— деди Ҳожи Билал,— ҳамма гўзал жойлар мушриклар қўлига ўтиб қолган. Пайгамбаримиз бу дунё диндорлар учун зиндон, шаккоклар учун жаннатдир, деб ҳақ гапни айтганлар». Унинг фикрича, ер юзидаги жаннатий мамлакат ҳисобланган Ҳиндистонда инглизлар ҳукмронлик қилдилар. Русия ва Фарангистондай гўзал мамлакатларда даҳрийлар яшайдилар, деди у. Ҳожи Султон Уш (Қўқон чегарасида) ва Қашқар вилоятлари орасидаги тоғли жойларни эслатиб, ҳамроҳларига таскин беришга уринарди. Мазкур жойлар Мозандарондан ҳам чиройли, деб менга маъқулларди.

Мозандарон дарасининг энг юқори шимолий қисми ҳисобланган Зероб работига етиб келдик. Хазар денгизини ўраб олган улкан ўрмон шу ердан бошланади. Бир вақтлар шоҳ Аббос томондан қурилган, эндиликда харобага айланган тўғон бўйлаб юрдик. Гуртанга қўнганимиздан сўнг ёшлар чой қайнатиш учун сув излаб кетдилар. Кутулмаганда кичкирик эшитилди. Ҳарсиллаб қайтиб келган ёшлар булоқ бўйида аллақандай ҳайвонларни кўрганларини, булоққа яқинлашишлари билан ҳайвонлар илдам-илдам ўрмонга қочиб кетганини айтдилар. Мен шерлар бўлса керак, деб ўйладим. Қўлда ўткир найза билан улар кўрсатган томонга қараб юрдим. Ола-була чиройли гавдаси билан ўрмон ҳуснига безак бўлиб юрган икки ўйбўрсни кўрдим. Айтишларича, мазкур ўрмонда ёввойи ҳайвонлар жуда кўп бўлиб, одамларга камдан-кам ташланардилар. Бироқ ўрмонда изғиб кетган чиябўрилар бизга тинчлик бермади. Таёқдан кўрқишига қарамай, биз уларни зўрга ҳайдаб йироқлаштирардик. Чиябўрилар Эронда жуда кўп бўлиб, Техронда ҳам пайдо бўларди, кечқурунлари улвлари қулоққа чалинарди.

Қоратепага келганимиздан кейин афғон зодагонлари сулоласидан бўлган Нурулло мени уйига таклиф қилди. Ҳамроҳларимдан ажралиб боришни истамаётганимни сезиб, Ҳожи Билални ҳам биргаликда таклиф этиб, кўярада-қўймай оёқ тираб туриб олди. Бундай одатдан ташқари илтифотнинг сабабини мен аввало тушунмадим. Кейин маълум бўлишча, Нурулло турк элчихонасида мени қандай иззат-икром билан қабул қилганларини эшитиб, мендан элчихонага тавсиянома ёздириб олмоқчи экан. Қоратепадан жўнаш олдиан мен унинг бу илтимосини мамнуният билан бажо келтирдим.

Янги ҳужрамнинг уёқ-буёғига қарашга улғурмасимдан онага кўплаб меҳмонлар кириб келиши. Уйнинг саҳнига давра қуриб ўтириб олиб, кўзларини ола-қула қилиб менга қараб, фикр-мулоҳазаларини бир-бирларига сўзлар эдилар. Пироваардида улар саёхатимдан кузатган ниятим ҳақида баланд овоз билан фикр билдира бошладилар. «Дарвиш!— деб ажабланишарди улар.— Асло дарвиш эмас, дарвишга ҳечам ўхшамайди. Аф-ангори, ранг-рўйига жулдур кийими ҳеч бир муносиб эмас. Ҳожиларнинг гапига қараганда, у Султонимизнинг Техрондаги элчисига қариндош эмиш. Шундай аслзода кишининг туркманлар орасида, Хива ва Бухорода не юмуши бор экан, худо билади», деб улар ўринларидан туришди.

Уларнинг бундай беандишалиги мени саросимага солиб қўйди. Улар юзимдаги ниқобни сидириб ташламоқчи эдилар. Бироқ мен ўзимни асл шарқ фуқаросидай тутиб, бу гапларни эшитсам ҳам эшитмаганга олиб, гўё қуқур ўйга толган кишидай чурқ этмай ўтиравердим. Гапга аралашмаганимдан кейин улар Ҳожи Билалга мурожаат қилишди. Ҳожи Билал мен ҳақиқатан Султон хизматидаги афанди эканимни, тангри иродаси билан бу дунё ташвишларидан йироқлашиб, зиёратга жазм этганимни айтди. Бу гапларга кўпчилик бош ирғаб, бошқа ҳеч бир эътироз билдиришмади. Мусулмонлар худонинг иродаси ҳақида гап кетганда бу гапларларнинг хатолигини билиб турсалар-да, ҳеч бир шубҳали мулоҳаза билдирмаслиги, ҳаяжонларини: «Иншооллоҳ!», «Иншооллоҳ!» сўзлари билан изҳор этишлари лозим. Мен форс заминидан турган бўлсам-да, бу воқеа ҳақиқий Урта Осиё худудига қадам қўйганлигимни билдирар эди. Эроннинг ҳеч бир жойида

учрамаган бундай сўраб-суриштиришларни тинглаб, сунний мусулмонлар юртида мен нималарга дуч келишимни осонгина тасаввур этар эдим. Ташриф буюрганлар тарқалишгач, чой ичиб уйкуга ётдик. Тўшака чўзилишим билан бирдан туркман кийимидеги бир киши пайдо бўлди. Мен аввал уни шу оиланинг аъзоси, деб ўйладим. У кейинги ўн беш йил давомида Хивага ҳар хил юмушлар билан бир неча марта бориб келганини, ўзи Қандаҳорда туғилган бўлса-да, Бухоро-ни ҳамда ўзбекларни яхши билишини, мен билан дўстлашмоқчи эканини яширинча маълум қилиб, мени улкан саҳро орқали ўзи билан биргаликда сафарга чиқишга чорлади. Мен: «Ҳамма мусулмонлар бир-бирлари билан биродардирлар», дедим. Дўстлик туйғуси учун унга миннатдорлик билдирдим. Менга ўхшаш дарвишлар сафардошларига жуда ўрганиб қолган бўладилар, дедим. У сўбатни давом эттирмоқчи эди, жудаям уйкум келаётганини англаганимдан сўнггина кетди.

Эрталаб Нурулло: Кеча сиз билан сўзлашган киши кўкнори, уччига чиққан товламачи», деб айтди ва иложи борича ундан йироқ юришимни тайинлади. Шунингдек, Нурулло икки ойлик саёхатга зарур ҳамма нарсаларни Қоратепадан ғамлаб олишларини айтди. У ҳар эҳтимолга қарши Хивагача етадиган нон ғамлаб олишни маслаҳат берди. Сўнгра Ҳожи Билалга мен учун ҳам озиқ-овқат олишни тайинлаб, шаҳарга номи берилган Қоратепага жўнаб кетдим. Қоратепанинг бир ёнида форслар, иккинчи ёнида 125 ёки 150 афгон хонадонни яшайди. Айтишларича, Осиёнинг сўнги истилочиси, ўзининг энг жасоратли юришларини афгон ва туркманлар бошчилигида амалга оширган Нодиршоҳ томонидан бу ерда қарор топган афгон аҳолиси XIX аср бошида ҳозиргидан сержамоат экан. Саҳронинг узоқ бурчакларидан шоҳ туғи остига тўпланган, қонталаш қилич таққан минглаб чавандозларни кўриқдан ўтказиш учун Нодиршоҳ Қоратепага чиқиб ўтирган жойни ҳам кўрсатишди. Суннийларнинг бу ерда турғун яшаш қолишларидан кузатган мақсади менга аён эмас. Бироқ, афгонларнинг ҳозирги вақтда туркманлар билан форслар орасида воситачилик хизматлари ғоят фойдали бўлиб, акс ҳолда кўплаб форслар пул тўлаб озод бўлиш учун воситачи тополмай, туркманлар қўлида ойнаб жабр тортган бўлар эдилар. Эроннинг шарқда бундай воситачилик хизматини Каф, Жом, Бохарз суннийлари ўтайдилар. Улар ҳатто Евмут туркманларига нисбатан анча хавфлироқ бўлган Така туркманлар билан муомала қила оладилар.

Урис ҳукмронлиги чегарасининг Осиёдаги энг жанубий нуқтаси бўлган Ашур Адога келиб етганимизда қарийб қоронғи тушиб қолган эди. Ашур Адо бундан йигирма беш йил муқаддам забт этилган. Аникроғи, Ашур Адо ўрис кемалари жасур оломонлар — туркман қароқчилари кемасига ваҳима сола бошлаган вақтдан бошлаб Русия ҳукмронлиги тузоғига тушиб қолган. Туркманчада кимсасиз деган маънони англаувчи Ашур Адо туркманларнинг тез-тез содир бўлиб турган беҳаё қароқчилик босқинлари учун қароргоҳ бўлиб хизмат қиларди. Ашур Адо Эрондан келаётган сайёҳда самимий таассурот қолдирди. Тўғри, ер тасмасининг шарқий қисмида уйлар кам, бироқ бирдан кўзга ташланувчи овурупоча кемалар оврупа турмуш тарзини эслатди менга. Астрободнинг Хоса бандаргоҳидан келаётган, кечқурун ёнгинамиздан мағрур сузиб ўтган кемаларни ёниқ иштиёқ билан кузатдим. Бу ерда ўрисларнинг учта ҳарбий (иккита катта, битта кичик) кемаси турибди. Туркманлар Ҳожи Тархондан келаётган ўрис кемаларига ҳужум қилолмас эдилар. Очiq денгизда савдо кемаларига ҳеч қандай хавф таҳдид сололмайдди, бироқ, негадир улар кўриқчи кемалар кузатувисиз киргоққа камдан-кам яқинлашадилар. Кўриқчи кемалар савдо кемаларини қайтишда ҳам кузатиб қўядилар. Урис ҳукумати туркманларнинг босқинчилик одатларини ҳар томонлама барбод этишга ҳаракат қилмоқдалар. Туркман оломонлари босқинлари ҳақиқатан камайдди, бироқ тўлиқ бехатар вазиет вужудга келтириш мумкин эмас. Бахтиқаро бечора форсларни, гоҳида ўрисларни ҳам занжирбанд қилиб, Қумуштепага олиб кетиш ҳоллари ҳали ҳам содир бўлиб турибди. Урис кемалари туркман сувлари бўйлаб кечаю кундуз ўёқдан-буёққа тўхтовсиз қатнаб туради. Шарқий соҳилдан Эрон соҳилига, жанубга қараб юрувчи ҳар бир туркман кемаси ўз паспортига эга бўлиши, бунинг учун кема эгаси йилига 8, 10, 15 дукатдан товон тўлаб туриши зарур экан. Паспорт ҳар йил охирида янгиланади. Кема Ашур Адо ёнидан ўтаётганда ўрис

амалдорларнинг кемада асирлар, қурол-яроғ ва четга чиқарилиши ман этилган бошқа нарсалар йўқлигига амин бўлишлари учун ҳар дафъа паспорт кўрсатиши лозим. Бу қойилмақом тадбир натижасида туркман савдо кемаларининг аксарияти назоратдан ўтказилмоқда. Савдо кемаларининг бир қисми эгри йўллар билан юришга уринадилар. Урис кемаларга дуч келганларида уларни тутишга ҳаракат қиладилар, қаршилик кўрсатганларини эса, чўктириб юборадилар. Бир томондан, юқоридаги каби қаттиққўл тadbирлар қўлланаётган бўлса, иккинчи томондан ўрис саёхатчилари бир уруғ билан дўстлик муносабатлари ўрнатиб, зарур бўлганда уни бошқа уруғга қарши қайрамоқдалар.

Ашур Адодан ўтаётганимда ғазиликор қабилисидан бўлган Хидирхон бу ерда дарёбеги бўлиб ишларди, қарийб ўттиз йилдан бери ўрислар хизматида бўлган Хидирхон ҳар ойда кирқ дукатдан маош олиб, унинг ўн дукатини ўз мирзасига беради. Хорижий фуқаро яшаётган ярим оврупа музофатда чодирда истиқомат қилиб келаётган Хидирхон туркманларга яқинлигидан фойдаланиб, уларнинг босқинлари, мўлжалланаётган қароқчилик юришларидан ўрисларни огоҳ қилиб туриши лозим. Хидирхон хизматидагилар эпчиллик ва хушёрликда ҳақиқатан айғоқчиликка мойил кишилар эдилар. Шунга қарамай Хидирхон ўз вазифасини тўла уйдалай олмаётган эди. Ҳар жиҳатдан мўминқобил мусулмон бўлган Хидирхон ўрис арағи билан ошно бўлгач, кеча-кундуз маст-аласт эди. Ота хусусиятларини аста-секин ўзларига мерос қилиб олган ўғиллари қароқчилар билан тўқнашиб, уларнинг талончиликлари ҳақида ўрисларга хабар етказмас эдилар.

Дўстимиз Еқуб ҳам ўз паспортини кўрсатиши ва биз тушган кичик кема ҳам назоратдан ўтказилиши лозим. Ашур Адога қарийб тунда етиб келганимиз сабабли маъмурий ҳокимият назоратни эрталабга қолдирди. Биз киргоққа яқин жойда лангар ташлаб тўхтадик. Дўстларим — дарвиш ва ҳожилар мураббийси ва ғамхўри Хидирхон билан учраша олмастикларидан қаттиқ афсусландилар. Бироқ мен бундан астойдил хурсанд бўлдим. Чунки мен ҳам Хидирхон хузурига шерикларим билан қўшили — боришга мажбур бўлар эдим. Овруполиклар қиёфаси, хатти-ҳаракатлари, услуби билан таниш бўлган Хидирхон мени фош этиб қўйиши ёки ҳеч бўлмаганда қийин аҳволга солиб қўйиши мумкин эди-да! Шерикларимдан кескин фарқ қилувчи Оврупо фуқаросига махсус хусусиятларим, осийлик қиёфасига тўла сингишиб кетмаган юз тузилишим панд бериб, эрталаб кемани кўздан кечираётган ўрисларда шубҳа туғдириши мумкин, деган хавотирда эдим. Урислар менга бирон ғайринисоний озор етказдилар, деган кўрқинч менга мутлақо бегона эди. Бироқ улар сиримни ошқор этиб, бу йўлдан қайтишни маслаҳат беришлари, бу ҳақдаги гап-сўзлар тарқалиб, номимни яшириб юрганлигимдан туркманлар ҳам огоҳ бўлишлари мумкин, деган ваҳимали уйлар мени безовта қиларди. Бу хил уйлар аянчли ваҳимани эврилди. Мен шу қадар гангиб қолган эдимки, ғарб ҳаётининг хузурбахш манзараларини далда учун эслашга оғиз эдим.

Ашур Адодан чалинаётган кўнғироқнинг овози эшитиларди. Бугун яқшанба — кофирларнинг байрам кунини, деди шерикларим. Қайси яқшанба экани менга номаълум эди. Кемамиз шу кунини барча байроқлари кўтарилган бир ҳарбий кема ёнида турарди. Бир маромда салобат билан эшак эшиб келаётган денгизчилар кўринди. Ҳарбий кийимдаги зобит ўрнидан туриб, ҳарбий кемага чиқиб олди. Бир неча дақиқадан сўнг кемамизни яқинроқ келишга таклиф этишди. Кема палубасида бир неча зобитлар кўринди. Юрагим тез-тез ура бошлади. Кемамиз яқинлашиб келди. Мен кўзга кўринмасликка, юзма-юз келиш двхшатини иложи борича четлаб ўтишга ҳаракат қилардим. Тақдирни қаранг-а, кемамиз ўрисларга яқинлашиб, мен ўтирган томони билан шундай бурилдики, мен ўрис зобитларига аниқ кўриниб қолдим.

Байрам кунини муносабати билан кема назорати номигагина юзакни ўтказилди. Еқуб билан тилмоч бир-икки оғиз савол-жавоб қилишди. Дарвиш биродарларим зобитларнинг диққатини ўзига тортиди. Турли гап-сўзлар орасида: «Қаранглар, манави ҳожи бунчалик оппоқ!» дегани қулғимга чалинди. Гап қоқоқ турмуш тарзи хусусиятларига тўла сингиб кета олмаган камина хусусида эди. Хотирам чалғимаса бу гаплар мен ҳақимда айтилган ягона фикр эди. Назоратчилар

Еқуб билан ишларини битиргач, бир неча дақиқадан сўнг кемадиз ўрис кемаларидан анча узоқлашди.

Шундан кейин мен чала мудроқ юкидан эгилган гавдамни ростлаб чуқур нафас олдим. Ташвиш, хавотирлардан фориг бўлдим. Тез орада кунботар ёқдан кучли шамол эса бошлади. Елканларни кўтариб, узоқлиги бор-йўғи уч миля келадиган Кумуштепа сари шошилдик. Бироқ негадир Еқуб бир неча масофа наридан кўринган оқ нуқтадан кўзини узмас ва ўзи бошлиқ кема хизматчилари билан маслаҳатлашарди. Ваҳимали оқ белги тамомла ёйиб бўлгач, сербар елканларимизни бўшатиб, шарқ томонга ўқдай тезлик билан сузиб кетдик. Ашур Адодан ярим мил берида бўялган ишорали бир неча қозиклар ёнидан ўтдик. «Инглизлар ўрисларнинг сув чегарасини белгилаш учун шундай қозиклар ўрнатганлар, чегаранинг иккинчи томони туркманларга қарашли бўлиб, инглизлар уларни ўрислар ҳужумидан ҳамиша мудофаа қиладилар», деди Еқуб. Бундай узоқни ўйловчи режа ёввойи саҳро фарзандларидека қаердан пайдо бўлди экан, деган фикр мен учун ҳамиша жумбоқ эди.

Бир соатча йўл юрганнимиздан кейин баланд-пастликлардан иборат узун туркман соҳили кўз олдимизда намоён бўлди. Биз олдинда пилдираб сузиб бораётган кичик кема ортидан сузиб борардик. Елканлар туширилди. Кема юра оладиган сув чегарасигача бориб, Гургон дарёси денгизга қуйиладиган жойдан ярим мил берида тўхтади. Гургоннинг икки соҳилида уйлари ари уяларидек бир-бирларига туташиб кетган Кумуштепа кўзга ташланди. Қоратепадан сингари бу ерда ҳам сув саёз бўлгани туфайли кема қирғоққа бақамти келолмас, Гургон дарёсига ҳам кира олмас эди. Еқуб қирғоққа чиқиб, бир неча ҳаммолларни юбормагунча биз анча вақт кутиб туришга мажбур эдик.

Ҳожилар келгани ҳақидаги хабар ҳаммаёққа тарқалди. Яқинлашиб келаётган ҳожиларни кўриш, диний удумга кўра уларга қўл тегизиш орқали уларга тангри ато қилган савобдан қисман бўлса-да баҳраманд бўлиш учун аёллар, болалар, ҳатто, итлар ўтовлардан ажиб бир қий-чув билан отилиб чиқиб югурардилар.

Туркистон ҳаётининг бу дастлабки манзараси шу қадар дол қолдирган эдики, мен кигиз қулбаларнинг галати сўппайиб туришларидан ажабланишни ҳам, товоноларигача узун шоҳи куйлак кийган хотин-қизларга суқланиб қарашни ҳам, ё бўлмаса, бизга қўл чўзган кишиларнинг истаklarини бажо келтиришни ҳам билмас эдим. Ажиб манзара! Ёшлар ва кексалар жинси ва мавқеидан қатъи назар ҳаммаси Макка ва Мадинанинг муқаддас хоки юққан ҳожиларга қўл тегизишни истар эдилар. Истараси иссиқ, гўзал аёллар, ҳатто қизлар, югуриб келиб мени кучоқлаб олганларида нақадар ажабланганимни тасаввур эта оласизми? Бутун карвон эшоннинг ўтовига келдик. Меҳмондўстлик тўйғулари диний русумлар билан қўшилиб кетган бундай ошқора илтифотлардан толиқиб, зада бўлиб қолган эдик. Эшон хонадонда мен учун мисли кўрилмаган бетакрор ҳодиса юз берди.

Бу ерда меҳмонларни хонадонларга жойлаштириш масаласи кўрилди. Одамларнинг ўз хонадонларига дарвишлардан кўпроқ олиш учун бир-бирлари билан кизгин тортишувлари мени ҳайратда қолдирди. Мен номадларнинг меҳмондўстликлари ҳақида эшитган эдим, бироқ бундай бўлишини ҳеч қачон тасаввур ҳам этмаган эдим. Хонжон меҳмонларни ҳар бир хонадонга биттадан тақсимлаб, аёлларни тинчитди. Ҳожи Билол ва мени бор бисотимиз билан бирга ўз ихтиёрига қолдирди. Унинг уйи Кумуштепанинг қарийб энг четида бўлгани учун Гургон дарёсининг икки соҳилида бир-бирига яқин ўрнатилган ўтовлардан иборат бутун даҳани босиб ўтишга тўғри келди. Йўл азобидан эзилиб, ҳордиқ чиқариш умидида Хонжон хонадонига кунботар чоғида кириб келдик. Бироқ ҳузур қиламиз деган умидимиз пучга чиқди. Биз кўнган янги манзил қирғоқдан икки қадам берида айрим йирик қуроқлардан тикланган қора ўтов эди. Удумга кўра ўтовни икки бор айланиб, ҳар бурчагига кўз ташлаб, ичкарига киришимиз биланоқ уй ичи мезбонлар билан тўлиб кетди. Ярим кечагача ўтириб, минглаб саволлар билан бизга ором бермаган мезбонлар шу қадар безор қилдики, ҳатто, Ҳожи Билол ҳам аста-секин ўнғайсизлик сеза бошлади. Хонжоннинг ўн икки ёшлардаги ўғли Бобожон кечқурун қайнатилаган балиқ ва катта корсон товоқда қатиқ келтирди. Занжирланган эроний қул топшириқни зудлик билан бажариб,

меҳмонлар олдига қўяр, сўнг отасининг ёнига бориб чўккалар ва иккаласи бизнинг овқатларни иштаҳа билан тановул қилаётганимизни мамнунлик билан кузатарди. Кечки овқат ейилгач, фотиҳа ўқилди. Ҳожи Билол кетидан бошқалар ҳам қўл кўтариб: «Бисмиллоҳ, Оллоҳу Акбар!» деб Хонжонни меҳмонлар билан муборакбод эттишти.

13 апрелда ёвмутларда чатма, бошқа уруғларда олача деб аталган туркман қора ўтовда биринчи бор уйқудан уйғондим. Унғай макон ва ширин уйқу кайфиятимга бардамлик бағишлаган, ўзимни енгил ва шодон ҳис этдим. Бу юртдаги янглик жозибаси мени ўзига мафтун этган, беҳад хурсанд эдим. Бу ҳолатимни сезган Ҳожи Билол мени ўзи билан юришга таклиф этди. Чатмадан бироз йироқлашгач, энди афанди хусусиятларидан батамом воз кечиб, бутун вужудингиз билан дарвиш қиёфасига киришингиз керак, деб айтди. «Мен ва шерикларим халойиққа фотиҳа бераётганимизни,— деди менинг қадрдон дўстим,— сезган бўлсангиз керак. Сиз ҳам шундай қилишингиз керак. Румда фотиҳа бериш одат эмаслигини биламан. Бироқ, бу элда фотиҳани хуш кўрадилар ва талаб қиладилар. Узингизни дарвиш атаб, дарвишлик расм-русумларига амал қилмаслигингиз ғайритабиий бўлув эди. Сиз фотиҳа беришни биласиз, жиддий қиёфага кириб, фотиҳа беринг, мабодо бемор кўришга таклиф этишса, дам солишингиз ҳам керак, деди,— дам солаётганингизда қўлингизни чўзиб, савалашни ҳам унутманг, чунки биз дарвишлар тақводорликнинг барча хусусиятларини халойиқ ҳузуринида намойиш қилишимиз лозим». Ҳожи Билол менинг фойдамни кўзлаб, ибрат учун гапирарди. Бир кўзларини мамлакатга келиб, унинг халқи билан бир хилда бўлмоқ учун бир кўзини қисиб юрган сайёх ҳақида эшитгандирсиз, деди у гапининг адоғида. Маслаҳатлари учун мен унга ташаккур билдирдим. Хонжон ва кўпплаб туркманлар менинг ҳақимда кўп сўраб-суриштиришганларини, расмий топшириқ билан эмас, саёҳатга чиққанлигимга уларни машаққат билан ишонтирганлигини айтди. Туркманлар мени Туркия Султони томонидан ўрисларга қарши қандайдир топшириқ билан Хива ва Бухорога юборилган бўлса керак, деган фикрда бўлиб, Ҳожи Билол туркманларнинг Султонга нисбатан катта ҳурмат, эътиқодини ҳисобга олиб, мулоҳазаларини рад этолмади. Бу гаплардан хулоса шуки, мен дарвишлик тарзимни бир дақиқа ҳам ўзгартирмаслигим керак, чунки халойиқ кўпинча сир-синаотли нарсаларнинг шайдоси бўлади. Сўхбатимизни тугатиб қайтганимизда уё эгаси дўстлари ва қариндошлари билан бизни кутиб ўтирардилар. Хонжон кекса онаси ва хотинини бизга таништириб, улар шазнига дуо қилишни сўради. Шундан сўнг хонадоннинг бошқа оила аъзолари билан бизни таништирди. Расму русумлар туғача, Хонжон: «Туркманларда «меҳмон отадан улўғ», деган нақл бор,— деди,— сизлар менга қарашли мулкдагина эмас, хоҳлаган ерингизда, бутун ёвмут даҳасида бемалол юришларингиз мумкин. Меҳмонларнинг бирор тукига теккандан бутун кент жамоаси уэр сўрашни талаб қилади. Хивага борадиган карвон йиғилгунча бир-икки ҳафта кутиб туришингизга тўғри келади. Бироз дам олингизлар, узоқ қишлоқларга борингизлар. Туркманлар дарвишларни қуруқ қайтармайдилар. Қопларни тўлдириб олсаларингиз зарар қилмайди. Олдинда узоқ йўл, Хива, Бухорога боряпсизлар, бу йўлда ҳеч қаердан нажот кутиш мумкин эмас».

Мен эркин юришни жуда ҳам хоҳлардим. Шу туфайли бу сўзлардан гоят қўвонганимни китобхоннинг тасаввур этиши кийин эмас. Бу элатнинг шеvasида сўзлай олишни ўрганмиш учун Кумуштепада қолишни истар эдим. Дастлабки кунларда мен Хонжон, унинг укаси ва бошқа яқин кишилари билан бирга бўлдим. Кейин Ҳожи Билол ёнида туриб, фотиҳа ўқиш ва дам солишларда иштирок этдим. Шунингдек, Ҳожи Солининг фаол тиббий муолажаларига кўмаклашдим. Ҳожи Соли дори берганда мен баланд овоз билан дуо ўқир эдим. Бунинг учун менга кичик кигиз-намат ёки қуритилган балиқ ённки бошқа бирон арзимаган нарса берар эдилар. Ҳожи Соли билан биргаликда фаолиятимиз туфайли ёки турк ҳожисига жазманлик юзасидан мен ҳеч бир ўйламаган, дўстларимни ҳайратда қолдирган ҳодиса юз берди. Кумуштепада кечган беш кун давомида ҳузуримга кўпплаб касаллар ёки ўзини касал деб ҳис этган кишилар келишар, мен уларга фотиҳа ўқир, дам солар ёки тумор ёзиб берар эдим. Бу хизматим учун улар менга анчагина ҳақ тўлардилар. Гоҳида менинг

дарвишлигимга шубҳа билан қараб, пайравини топиб, мени махфий топшириқ билан келган сиёсий жосус деб кўрсатишни хоҳловчи сиёсатдонларга ҳам дуч келар эдим. Бундай ҳолларда мен бироз хавотирланардим. Бироқ, менинг ниқобим дахлсиз бўлиб, мени овруполиқ деб ўйлаш ҳеч кимнинг хаёлига келмас эди. Овруполиқ камдан-кам маълум бўлган заминда бемалол ҳаракат қилаётганим ҳақида ўйлаш менга нақадар ҳузур бахш этишини тасаввур эта олмасми?!

Танишларим тез кўпайиб борди. Улардан қанчаси атоқли, эътиборли кишилар эканини ҳам аниқладим. Айниқса Қизил Охунд билан дўстлигим фойдали бўлди, деб ҳисоблайман. Мен билан жуда яхши муносабатда бўлган мазкур туркман олимнинг асл исми Мулло Мурод бўлиб, унинг тавсияси билан мен ҳамма ерга бемалол кириш имкониятига эга бўлган эдим. Қизил Охунд Бухорода бўлганида Қуръоннинг тафсири ҳисобланган турк тилидаги бир китобни олиб келган эди. У китобни яхши тушуна олмаган экан. Қизил Охунд менинг ёрдамимдан фойда мамнун бўлди. Ислоом адабиётидан билимдонлигим ҳақида ҳамма ерда мақтаб гапириб юрди. Шунингдек, обрўли руҳоний шахс, анча билимдон киши Сотлиқ Охунд билан ҳам дўстлашдим. Сотлиқ Охунд мен билан дастлаб учрашганда диннинг мусавфро чашмаси — Румдан келган мусулмонни кўришга муяссар этгани учун Тангрига минг бор қуллук қилди. Унинг яқинларидан бири менинг юзим оқлигига ишора қилганида Сотлиқ Охунд оқлиқ исломнинг ҳақиқий ранги, фақат худо сийлаган мағриблик диндорлар чехрасидан шундай нур ёғилиб туради, деди у. Шунингдек мен қози калон унвонига эга бўлган мулло Дурди билан ҳам яқинлашишга ҳаракат қилдим. Оврупалиқлар устун даражада деб ўйлаган оқсоқолларнинг халққа таъсири йўқ даражада эди.

Менга нисбатан туркманлар ишонч-эътиборининг ортиб бориши танлаган йўлим оқилонга эканини кўрсатди. Кумуштепада қадимги юнон харобалари қолдиқларидан масжид қуриш ҳақида гап кетганда Қизил Охунднинг таклифига биноан қурбонлиққа жон танлашни энг билимдон, тажрибали дарвиш сифатида мендан сўрашди!

Юнонларга нисбат бериладиган, эндиликда ҳаробага айланган бинони истисно қилганда бутун Кумуштепада ҳозиргача хиёл бўлса-да деворни эслатадиган ҳеч вақо йўқ эди. Ёвмут туркманлари гавжум яшайдиган марказда диний ибодатхонанинг қурилишини илғор маданият нишонаси деб ҳисоблаш мумкин. Искандар Зулқарнайн томонидан бунёд этилган қадимий истеҳком харобасидан қурилиш белгиланган жойга бир неча юз донга тўрт бурчакли тош келтиришни ҳар бир тақводор туркман ўз бурчи деб билар эди. Қурилиш ашъёлари етарли даражада тайёр бўлгач, туркман меъморини таклиф этишди. Иш юзасидан бир неча бор Ҳожи Тархонда бўлган мазкур меъмор бу соҳада анча тажрибали киши эди. Бутун қурилиш ишлари унга топширилди. Мен қибланамо (компас) ёрдамида уларга макка-қибла томонни кўрсатдим. Улар ҳеч бир пойдевор тоши — тағзамин қўймасдан бино қурилишини бошлаб юбордилар. Иншоотнинг барқарорлигига путур етказувчи бундай шошма-шошарлик балки яхшилик нишонасидир. Чунки бошланган мазкур қурилишни балки ўрислар кўп ўтмай ўз истеҳкомлари учун фойдаланишлари ҳам мумкин эди-да!

Юқорида зикр этганимдек, қўллаб-қувватлашлар натижасида мен бир ҳафта ичида Кумуштепа эли билан тўлиқ танишиб олган эдим. Эндиликда уларнинг ижтимоий муносабатлари сирларидан огоҳ бўлишим, бу қабиланинг сон-саноксиз қавму қариндош ва уруғларини ўрганишим, уларнинг хилма-хил ва зиддиятли ўзаро алоқалари, бир-бирларини боғлаб турувчи воситалар ҳақида иложи борича тўлиқ маълумотларга эга бўлишим мумкин эди. Мўътадил турмуш тарзига доир масалалар хусусида фикр изҳор қилишим ёки бирор ҳодисага қизиқиш билдиришим билан улар дарвишга бу иккинчи дунё ишлари билан яқинлашининг нима зарурияти бор, деб ажабланишар, дарвишнинг иши Оллоҳ зикри ва тоат-ибодат билан машғул бўлишдир, деб таъкидлар эдилар. Шу туйғайли турли масалалар устида тўғридан-тўғри муҳокама юритишдан истиҳоло қилиб, мени қизиқтирган нарсаларни бевосита йўллар билан билиб олишга ҳаракат қилар эдим. Яхшиямки, туркманлар бошқинчилик юришларини истисно қилганда жуда эркин, ҳуру хушвақт ҳаёт кечирадилар, сиёсат бобида сўзамоллик қилиш, узоқ мулоҳоза юритишни ҳуш кўрадилар. Мен улар орасида қўлимда тасбеҳ, мудроқ

киёфада ўтириб, уларнинг бошқинчилик (оломонлари) юришларини, Эрон ва Хива хони ва бошқа кўчманчи элатларга бўлган муносабатларини зимдан эслаб қолишга ҳаракат қилардим.

Бу вақт мобайнида мен Қизил Охунд билан асли ёвмут қавмига мансуб бўлган, бу ердан узоқроқда, Шарқ томонида истиқомат қилувчи отабеклар ҳамда гўкдан туркманлари ҳузурда бўлдим. Янги эллар билан танишув бағоят қизиқарли эди. Жумладан, сахро теграсида яшовчи қавмларнинг даҳшатли ҳужумидан сақланиш учун Искандар томонидан қурилган деворнинг катта қисмини кўздан кечиришга ҳам муваффақ бўлдим.

Қизил Охунд фикр ишларига доир масала юзасидан сафарга чиққан эди. У бир жанжалли иш юзасидан маълумотлар тўплаши лозим эди. Шу сабабли биз бир неча манзилларда тўхтаб, икки кунлик масофани тўрт кунда босиб ўтдик. Биз Шарқ томонга борар, қамишзор ботқоқликлар ва улар орасида изгиб юрган юзлаб ёввойи чўчкалардан сақланиш учун йўлимизни тез-тез ўзгартиришга мажбур бўлар эдик.

Ботқоқликлар Гурган дарёсининг тошқинидан ҳосил бўлар эди. Тошқин маҳалида дарё қирғоғи бутун бир милга кенгаяр эди. Бундай тошқин ўтмиш даврларда ҳам юз берган бўлса керак. Юқорида эслатганимиз — улкан девор ҳам ана шундай тошқинларнинг олдини олиш учун қурилган бўлиб, дарёнинг шимолий қирғоғи бўйлаб инглиз ҳисобига кўра тўрт милдан олти милгача бўлган масофани муҳофаза этганди. Текисликнинг энг банд қисмида қурилган девор яқинида эндиликда ўтган йўл илларнинг тўрт фаслида хавф-хатарсиз эди. Аҳоли бундай жойларда тифиз яшайди. Сафар давомида соат сайин катта-кичик гуруҳлардан иборат кулбаларга дуч келар эдик. Мана бу қадимий деворнинг ғарбий қисмини кўра олмадим. Шу туйғайли бу ҳақда менга илтифот билан сўзлаганларнинг ажойиб-ғаройиб ҳикояларига ҳам ҳеч бир эътибор бермадим. Деворнинг шарқ тарафдаги адоғини кузатгач, унинг икки томондан бошланглигига амин бўлдим. Бир томони Кумуштепанинг шимоли-шарқ қисмидан бошланган. Денгиз соҳилига яқин жойларда харобаларнинг мўллиги деворнинг шу ердан бошланганини исботларди. Деворнинг иккинчи томони Атрок дарёсидан инглиз ҳисобига кўра йигирма мил жануброқда, бурунгидай денгиз яқинидан бошланган. Бу икки девор чизиги бир оз юқорида Олтин Тўқмоқ ёнида бирлашади. Деворнинг Кумуштепадан бошланган, ғарбдан шимоли-шарқ томонга қараб ўн жўғрофий мил масофага чўзилган қисмини икки кун давомида кўздан кечирдим. Деворнинг изларини ер сатҳидан икки-уч фут баландликда бемалол фарқлаш мумкин. Ҳар минг қадам масофада бир хил ҳажмдаги қадимий минораларнинг харобалари бўлган ушбу девор излари бамисоли ретрандементнинг узун чизикларига ўхшар эди.

Очил ТОҒАЕВ таржимаси

Давоми келгуси сонда

«Ёшлик» саҳифаларида меҳнатининг маҳсулини кўриш таржимонга насиб этмади. Айни асар қўлёзмаси нашрга тахланган пайт атоқли адабиётшунос олим ва таржимон, профессор Очил Тоғаевнинг вафоти ҳақида шум хабар келди. Биз марҳумнинг яқинларига чуқур таъзия изҳор этамиз. Устознинг хотираси, илмий ва адабий мероси бизга ҳамиша йўлдошдир.

Мундарижа

НАСР

- Тўхтамурод РУСТАМОВ. Икки ҳикоя . . . 6
Абдулла ҚОДИРИЙ. Нега ерга қарайсан,
Раъно? Муҳаббатнома . . . 31
Бикир ЮЛДУЗ. Карбалло фожиаси. Ҳазрат
Али ва ўғиллари ҳақида тарихий-ба-
дий қисса. Охири . . . 55

НАЗМ

- Тирик сатрлар. Миллатим деб куйди жо-
ним, кимга дей . . . 2
Шукур ҚУРБОН. Дўст. Достон . . . 23
Холмамат ҲАСАН . . . 29
Уткир РАҲМАТ . . . 30

НИГОҲ

- Сирожддин САЙИД. «Утган кунлар»
ёди . . . 33
Алишер МИРЗАЕВ . . . 34
«Ёлғиз умидим сиздан..» Олмаҳон ТОЖИ-
БОЙ қизи фол кўради . . . 36
Швартснеггер бўлай десангиз . . . 38
Волф МЕССИНГ. Узим ҳақимда . . . 40
Очиғини айтганда . . . 42
Нострадамус: башоратчими ёхуд пайғам-
бар? . . . 44
Муסיқа тоқи — 91 . . . 48

НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

- НАВОИЙ. «Сирож ул-муслимин» (Биринчи
марта эълон қилинмоқда). . . . 49
Суюма ҒАНИЕВА. . . . 54

МАҚОЛАНАВИСЛИК

- Ҳерман ВАМБЕРИ. Туркистонга саё-
ҳат . . . 73

АДАБИЙ ТАНҚИД

- Муҳаммад ВАЛИ. «Ўйлайманки, мен ҳақ-
ман!» . . . 68

МУҚОВАДА: Кармана шаҳридаги Қосимшайх обидаси. У Абдуллахон томонидан XVII асрда қур-
дирилган бўлиб, чап тарафда Амир Аҳадхон даҳмаси
кўзга чалиниб турибди [3-бет].
Тўртинчи бетда эса сиз Аҳадхон даҳмасини кўриб ту-
рибсиз. Бу ерга Бухоронинг сўнгги амири Амир Саид
Олимхоннинг отаси дафи этилган. Унинг қабри қа-
чон, ким томонидан ва нима мақсадда бузилганлиги
ҳозирча номаълум.



ЎШЛИК

«Молодость»
ежемесячный
литературно-художественный
общественно-политический журнал

на узбекском языке

Орган ЦК СМ Узбекистана и
Союза писателей Узбекской ССР

Мусаввир: Р. ЭГАМБЕРДИЕВ
Техник муҳаррир: Р. ЖУМАЕВ
Мусаҳҳих: М. ТУРСУНОВА

Манзилимиз:
700113, Тошкент, Қатортол кўчаси,
60-уй

Телефонлар:
Бош муҳаррир — 78—94—05
Бош муҳаррир ўринбосари — 78—49—83
Масъул котиб — 78—97—07
Наср бўлими — 78—97—58
Назм бўлими — 78—77—16
Мақоланавислик, адабий танқид ва
санъат бўлими — 78—17—47
Фотомухбир — 78—97—58

Таҳририят ҳажми 12 босма табақдан ортиқ ро-
ман ва 8 босма табақдан зиёд қиссалар
қўлёзмасини қабул қилмайди. Бир босма та-
боқчача бўлган асарлар муаллифларга қай-
тарилмайди. Таҳририят ўз тавсиясига кўра
амалга оширилган таржима асарлар қўл-
ёзмасининг қабул қилади.
Ойбитикдан кўчириб босилганда «Ешлик»дан
олинди, деб изоҳланиши шарт.

Босмахонага 20.09.91 да туширилди
Босишга 24.10.91 да рухсат берилди.
Офсет босма. 1-офсет қоғози.
Қоғоз формати 84×108¹/₁₆.
Қоғоз ҳажми 5,00 босма табақ.
Шартли босма табақ — 8,4.
Наشريёт ҳисоб босма табағи 12,1.
Шартли бўёқли босмада нашр ҳажми 11,76.
145722 нусхада чоп этилади.
Буюртма № 6043.
Баҳоси обуначиларга 80 тийин,
сотувда 1 сўм.

Ўзбекистон ЕИ Марказий Қўмитаси «Кама-
лак» нашриёт-матбаа бирлашмаси. Ўзбекист-
тон КП Марказий Қўмитаси нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси.

«Ешлик» 11, 1991.